



*Денектии  
асарнай*

БОҚИЙ МИРЗО  
**ОЙБАХОР ВА  
ДИНАРА**

Илк севги баҳори

Боқий МИРЗО

ОЙБАҲОР  
ва  
ДИНАРА

САРГУЗАШТ ҚИССА ВА  
ҲИКОЯЛАР

НАМАНГАН - 2017 йил

УЎК:821-512-133-3

КБК:84(5 Ўзб)7

У-1

Ёшларнинг покиза муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи “Ойбаҳор ва Динара” қиссаси муаллифнинг янги изланишилари, жўшиқин ижодий фаолияти самараси сифатида дунёга келди. Қаҳрамонлар - илгор, истиқтол гоялари учун курашининг олдинги сафида бораётган ёшлар. Улар ёнидаги ўз хатоси, бегона юртларда қийналган, сарсон бўлганлар эса замондошларимизни одам савдоси ва тўғри йўлдан адашиши азобидан огоҳлантиради.

Ойбаҳор - одоб ва ҳаёси, матонати билан тақдир қийинчилекларини енгади ва муҳаббатига доз туширмай ниятига етади, ноёб истеъодди билан корхона ишини мамлакатга танитади, ўз тенгдошлиларига ўрнак бўлибгина қолмай, катталарни ҳам ҳайратга солади. Динара эса ота-онасининг икки хил дунёқараши туфайли кўплаб хатоларга йўл қўяди. Оқибатда, Санкт-Петербургга қочиб кетади, ота-онасини ёлғонлари билан алдайди. Иккинчи қочишида оғир кулфатларга дучор бўлади. Ота-онасини сарсон қиласди. Тўғри йўлга тушгунча кўплаб кўнгилсизликлар содир бўлади.

Бизнингчча, ҳар икки қизнинг ҳаёти, Азимжоннинг ҳаёт машаққатларини енгизи йўлидаги матонати бугунги ёшларга ибрат ролини ўтайди, уларни тўғри йўлга бошлайди деган умиддамиз.

Муаллифнинг “Кўнгил мулки” туркумидаги ҳикоялари ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмайди. Дилярга завқ-шавқ бағишлаб, комил инсон бўлиши йўлидаги интилишиларига мадад беради...

Ўйлаймизки, қисса ва ҳикоялар мухлисларнинг кўнгил мулкига айланади.

ISBN 978-9943-4673-6-1



@ «Наманган» нашриёти.  
@ БоқийМИРЗО Умурзаков

**Бахтли оиласарнинг ҳаммаси  
бир-бирига ўхшайди, бахтсиз  
оиласарнинг ҳар бири эса  
ўзича бахтсиздир.**

**Л. Н. Толстой.**

**1**

Азимжон эрталаб колледжга, дўсти Мирзамурод билан учрашиш учун борганда шаҳарнинг энг чиройли кизини учратаман деб сира ўйламаганди...

Киз йўлак охиридаги дераза раҳига суюнганча айбдор одамдай кимтиниб турарди. Коп-кора, калин сочи ўрилмаган, бошининг орқа тарафидан гулли тўғнағич билан ихчамланган, елкасида - оппоқ кофта устида йиғинчок туриши қоматининг чиройи билан уйғунлашиб малоҳатли кўрсатарди. Пешонасидаги гажаги чаккасига етганда ўнг ва чаига таралган сочига қўшилиб, юзини кўркам кўрсатарди. Мулойим чехраси ва самимилик балкиб турган нигоҳлари ҳар қандай йигитни ром этишга қодир.

Мирзамуроднинг овози қия эшикдан жаранглаб эшитиларди, Азимжон танаффусни кутишга қарор қилган.

Киз нигоҳидан ёғилган сирли жозиба, оҳанрабо лоп этиб Азимжоннинг кўксига урилиб, юраги “жиз” этди. Сухбат учун баҳона қидириб, унга яқинлашди.

- Кеч қолдингизми? – деди ҳамдардлик изҳор қилаётгандай.
- Ҳа... – қиз ерга қаради, - ойимга озгина қарашиб ушланиб қолдим.

Киз гапирганда узун-узун, қоп-қора киприклари силкиниб, яноғи устига солган нозик чизиклар кош-кўзлар жозибасини тиниклаштириб юборарди.

Азимжон қизга “Кираверсангиз бўлади-ку!” дегандай қарashi билан:

- Домла кеч қолганларни ёқтирмайдилар! – дея деразадан ташқарига қаради. Азимжон қизнинг ён томонидан чиройли слкалари, кўксига ярашган анордай сийнасига ўғринча назар ташлади. Куйлаги ҳозирги урфда, жуда бежирим тикилгани учун коматини кўркам кўрсатар, этагидан чиқиб турган оёклари, товони

баланд бежирим туфлиси коматига ярашиб турарди. Қиз бирдан Азимжонга ўгирилди.

- Домлада ишингиз борми?

Ёқимли ва жарангдор овоз қизнинг хусни билан кўшилиб, пинхон таъсир қилувчи кучга айланәтганди.

“Овози кўнғироқдай экан!” – дилидан ўтказди йигит. Ва сухбат ковушиб кетганидан дадилланди.

- Бир жойга бормоқчи эдик!

- Соат ўнда бўшайдилар.

Азимжон, қиз у хақда мулойимлик ва табассум билан сўзлашидан Мирзамуроднинг талабалар ўртасида хурмати баландлигини ҳис қилди.

- Битирувчимисиз?

- Июлда диплом оламан.

- Кейин иш ё турмушга беришади, шундайми? Бу ердан ким бўлиб чикасиз?

- Дизайнер!

- Замонавий касбга ўқибсиз, танишсак бўладими??!

- Ойбаҳор!

- Ойбаҳор?! – Азимжон ҳайрат тўла кўзларини унга қадади.

Киз “Шунақа” дегандай бош кимирлатиб кулимсиради. Исми билан йигитни лол қолдираётганидан хурсанд эди.

Кизнинг кафти иссиқ ва ёкимли. Азимжон озгина ушлаб турмоқчиди. Ойбаҳор “Танишганимдан хурсандман!” дегандай жиддийлашгач, йигит ўзини йиғиштирди.

- Шаҳарликмисиз?

- Ҳа, Чорсуда турмиз.

- Бизники шаҳарнинг нариги чеккасида!

- Хурсандман....

Гап тугади. Нимадир дейишмоқчию, диллаган гапларн шуурда яхлит кўринмаяпти. Ўртада ўнгайсиз вазият, одамни терлатадиган сукунат пайдо бўлди. Уларни вазиятдан чиқармокчидай кўнғироқ чалинди. Мирзамурод дарсдан чиққач, Азимжон боядан бери тафаккури тутолмаётган фикр – кизнинг телефон рақамини олиш миясига урилганда қиз ерга қараганча синғга кириб кетганди.

Ойбаҳор қизлар тўпига кўшилаётган чоғ Азимжонга қаради: нигоҳида сухбатдан қониқмаслик ва яна учрашиш истаги зухур эди...

- Кел, Азимжон!

У Мирзамуроднинг ўқтам овозидан хушига келганда йўлак талабалар шовқини билан тўлган, дўсти қўл узатиб турарди...

## 2

Ойбаҳор стулга сумкасини илиб, кўлларини партага, ўнг юзини билагига босганча хаёл дарёсига шўнғиди ва боядан бери дилини чароғон қилаётган кечинмаларни тушуниб етди: Азимжоннинг бўйбасти, ўйчан ва мулоҳазакорлиги дадаси Гуломжонга жуда ўхшашлиги унга шундай чукур таъсир килдики, у, “Азимжон дадам билан узок қариндош, борди-келдимиз бўлмагани учун бир-биримизни танимаймиз!” деб ўйлашдан ўзини тиёлмади. Одамни эътибор билан тинглайдиган бу йигитнинг одоби кишини кувонтирадиган даражада ёқимли! Ўзга оламдан келгандай исми хам маъноли: АЗИМЖОН!

Ўзидан беш-олти ёш катта йигит билан кутилмаганда танишгани каби ёқимли фазилатлари бутун рухиятини эгаллаб олиши хам хаёлига келмаганди! Ҳозир Азимжон ва унинг таассуротлари тақдир инъоми, Аллоҳнинг инонти эканини англаб етмаётган эса-да, юрагининг энг чукур, энг нозик жойида кўринган ёруғлик “Бу йигит хаётимда бежиз пайдо бўлмади!” дея хулоса килишга ҳақли эди.

Боя у: “Битирувчимисиз?” – дея ҳурмат билан йўғрилган мумомаласидан севинган, ҳозир бир дунё таассурот рухиятига нур сочарди.

Унга севги изҳор килиб хат, SMS ёзганлар кўн, аммо Ойбаҳор диллаган йигит бойвачча, олифта, дадасининг давлатига кувонадиган эмас, Азимжондай хушмуомала, бежирим кийинган, маъноли бўлиши керак! Ҳозирча кунлари зерикарли, қалби - баҳорни кутган боғдай, севгининг тотли туйғулари қалбига билинтиrmай, ялпиз бўйларидай кириб, хаётида кутилмаган ўзгаришлар пайдо килишини истайди.

У коллежга янги келганда қизлар бир-биридан “Йигитинг борми?” деб сўрар, “Йўқ!” деганларга беписанд қарашарди. Бир-биrlарига йигитининг расмини, телефонидаги видеотасвирини кўрсатиб мақтанишарди. Ойбаҳор қизлар ҳақида айрим гапларни эшитиб оғзи очилиб қолди: устамон, кув қизлар бир нечта йигитни бир-бирига қўшмай, ўткирлик билан лақиллатиб юришаркан. Бири

телефонига пул тушириб, йўлкирасини берса, иккинчисига замонавий кийимлар олдиради, шаҳар ё тогда ўйнатиб келишини бўйнига кўяди. Ойбаҳор бундайларнинг сири очилиб, шарманда бўлмасмаганига таажжубда қоларди. Баъзилари иккинчи йигитликка дарсдан ё уйдан кеч колганда коллежга чакирса келаверадиган лакмаси киракашни илинтиаркан. Ҳатто баъзи қизлар уйланган, болалари йигитлар билан нафс учунгина севги ўйинлари килишини эшигганда ёқасини ушлаб колган. Чунки мактабда бундай ишларни хаёлинига келтирмасди. Оддий оиласда тўғри, ҳалол тарбия топган, ўкишидан мақсад билим олиш ва яхши касб эгаси бўлишини уктиришган, қиз бола ва оиласидан шаънини саклаш мажбуриятларини мунтазам тушунтириб келишарди.

Тумандан келган бир қизнинг: “Биринчи йигитимни аям билади, у кечки пайт чақириб келса, аям дадамни чалғитиб туради, мен бемалол учрашаман!” дегани Ойбаҳорга ёмон таъсир қилган. Унишнинг шармсиз овози ҳамон кулоқлари остида ёқимсиз жараинглайди.

У биринчи курснинг ярмигача кўпчиликка кўшилолмади. Яхш и-ёмонни ажратгандан кейин гурухида ва катта курсларда тартубли, йигитвозликдан йироқ қизлар билан дўстлашди. Севиб колса ҳам ота-онасига, ҳатто бегоналарга билдиринасликка аҳд қилған, ўзи ҳақида кўча-кўйда ёқимсиз гаплардан сакланишни истайди.

~ Ой!(дугонаси шундай чакиради) Сенга нима бўлди? – кутилмагандан бошини ушлаб сўради Динара.

~ Узим! – Ойбаҳор хумор кўзларини дугонасига тикиди.

~ Нега кеч колдинг? Ташқарида битта йигит билан гаплашиб турғандинг, ким у? Янги танишдингми? Чиройли экан, домланинг ўртагими?

Саволлар ёмғирдай ёғиларди. “Кизлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди! – ўйлади у,- дарров кўришибди: у билан учрашиш учун кеч колган дейишаётгандир?”

Ойбаҳор ёқимли ҳиссиятлардан сархуш. Ўзини енгил, кайфиятини баланд сезди. “Нима бўлти? Келишган йигит! Ўйланганмикин?”

Ойбаҳор ўзидан уялди. Айрим курсдошлари биринчи курсни битириб-ла эрга текканини эсладио, хотиржам тортди. Яна хаёл ини Азимжон банд қилди. “Чиройи ўртача бўлса ҳам, юракни

тортадиган хислати бор. Ўша ғуурми, ё ўқтамлики? Балки мардликдир! Энг мухими, у дадасига ўхшайди!"

Аммо ҳозир дугонасининг саволларига "Ҳа!" десинми?"

- Нималар деяпсан? – у яна партага бошини қўйди.

Дарс бошландию, ҳамма жой-жойига чўкди.

Сўнгги дарснинг тугаши интизорлик, ҳатто бетокатлик билан кутилади. Ўкувчилар қўнғироқ чалинишига озгина вақт колганда дафтар китобларини сумкага жойлаб бўлишади. Биринчи "жиринг"даёқ ҳамма ташқарига отилади. Бирор учрашувга, бирор яқинига қўнғироқ қилишга, яна кимдир бозор-учарга. Ойбаҳор эса уйига талпинади. Уй оҳанрабоси - онаси Кумуш ёқимли чехра билан уни кутиб олади. Бемалол чой ичишади, дастурхонни йигиштиргандан кейин ҳам сұхбат тугамайди. Онаси маҳалла, қариндош-уруглардан гапирса, Ойбаҳор қизлар ва уларнинг ҳангомалари ҳакида, ўкиши, дарслар ҳакида, йўлда кўрган-кечиргандарини тўлиб-тошиб сўзлашдан завқ олади.

Бугун ҳар кунги одатига тескари – ҳамма кетса ҳам Ойбаҳор ўрнидан қўзгалмади. Партага сумкасини, унга бошини кўйиб ўйга толди. Эрталабдан бери хаёлидан кетмаган, дарду дунёсини остин-устун килаётган Азимжон қиска вактда юрагининг энг чукур жойигача кириб бораётгандай, у билан бирга иродасини бўшаштириб, мастона кайфият бағишлийдиган тотли туйғу ҳам жойлашаётгандай туюлади. У билан танишув - тақдир ижросидай рухиятида, шуурининг бекиёс кенгликларида нурафшон ҳайбат туғдира бошлаган, кўксидә бош кўтарган нотаниш, аммо ширин туйғулар бутунги воқеалар каби тиник ва охорли эди.

- Ой!

Эшик тарафдан келган овоз уни илкс чўчитиб юборди. Остонада дугонаси Динара қўзларини катта-катта очиб турар, хавотирланиб, аниқроғи, ундаги ўзгаришлар бояги йигит билан боғлиқми –йўқми билиш учун йўлдан қайтганди.

- Сенга нима бўлди? Кетмайсанми?

- Ҳозир...

Ойбаҳор – кўксисда қад ростлаётган янги оламни бирор, айниқса, Динара билишини истамагандай сумкасини елкага осиб ўрнидан қўзғолди.

- Мазанг йўқми?

Ташқарига чиқишганда Динаранинг биринчи берган саволи шу бўлди.

- Саволларимга жавоб бермадинг, тинчликми, дугонажон?
- Ҳеч нима! Сал мазам йўк...

Азимжон билан учрашгандан кейин ўзида аллақандай ўтли, ширин дард туғилганини ҳис қила бошлаган, ҚАЛБ кенгликларида ҳаётни тубдан ўзгартирадиган сарин шабада эсаётгандай ҳис киларди ўзини...

Динара Ойбаҳорнинг пешонасига кафтини босди. Ҳарорати жойида. Аммо бу билан қаноатланмасдан сўрокни давом эттириди.

- Нега бўшашиб турибсан?

Ойбаҳор адашган йўловчидай нима килишни билмайди. Саволларга жавоб бериш сиёки кўринмагани учун Динара гина кила бошлади.

- Ота-онанг яхшими?
  - Ҳаммаси жойида, ўзим бироз ланжман...
- Динара ўзини ишонганга солди.
- Ўтиб кетади, юр музқаймоқ олиб бераман!

Динара дугонасининг сирини билиш учун қанчалик ҳаракат килаётган бўлса, Ойбаҳор унинг бегона овози тиник туйғуларини синдириб қўядигандай ёлғиз, ундан узокроқда қолишни истарди.

- Эртагача, дугонажон! – деди-да, бекатга бурилиб кетди.

Дугонасидан бундай муомала кўрмаган Динара беписандликка учрагандай юрагида гина туғилиб, йўл четида музлаб қолди...

Динара Ойбаҳорни яқин дўстидай кўради. Унинг ростгўй, мулойи ҳарактери, саришталиги, айниқса, ақл-заковатда кўпчиликдан устунлиги ҳаммани ўзига тортгандай Динарани ҳам ёнидан кетишга кўймайди. Жозибали чиройи эса кўпгина кизларники каби унинг ҳам юрагига кўркув солиб турди...

### 3

Мирзамурод бир қаращаёқ Азимжоннинг ҳаяжонини пайқади. Ташқарига чиқишганда садо кутди, аммо у тўлиб-тошиб турган бўлса ҳам сир бермаслик пайида. Айчагина юриб, бекатга яқинлашганда:

- Ойбаҳор қанақа киз? – деди. Мирзамурод унга синовчан назар ташлади;
- Сенбоп десаям бўлаверади! - ҳазиллашди у - отиям чиройли-а?

- Класс!

Бу сўзни беихтиёр айтган Азимжон айб устида қўлга тушгандай, айбини тан олгандай мийигида кулишга мажбур бўлди. Чунки кизлар ҳакида сухбатлашишганда “Менбопи учраб қолса, кулогимга шивирлаб қўйгин!” дейиш сухбатнинг авжи эканини яхши билишади.

- Йўғ-эй! – севингандай таажжубланди у.

- Ахир, сени деб дарсга кирмади - ку!

- Унақамас, яхши кизга ўхшади-да...

- Шунинг учун сенбоп деяпман-да!

Кулиб юбориши. Сўнг бирдан жим бўлиб қолиши. Кул

Улар - бўйдок. Бўш вақтларда кизлар ҳакида таассуротларини ўртоқлашиш ёқимли одатта айланган. Кўнгил яқинлиги туфайли бўлса керак, бир-бирларини жуда тез тушунишади, айниқса, кизлар ҳакида сўз кетса...

Азимжоннинг онаси ишлайди. Синглиси ва укаси ҳали ёш. Узига дурустрок жойдан иш топилмаяпти. Отаси Раҳимжон инчадан бери касал. Қишли-кировли кунларда Россиянинг шимолий ўлкасида ишлаб, ўпкасини шамоллатган. Яқинда врачлар ўпкасидан сув олишди, муолажа тўхтагач, икки ойдан кейин яна ўзини нохуш сезди. Кечкурун иситма кўтарилиди. “Тез ёрдам” тсрепевти яна ўпкага сув тўпланган, зудлик билан даволаниш зарур деган. Касалхонага ёткизиши ва ўпкадаги сув олиб ташланди. Кейинги муолажага озмунча пул кетмади. Жамғарма деярли тугади. Раҳимжонда тузалиш нишонаси кам! Оиладаги вазият отанинг саломатлигига қараб пайдо бўлади. Шунинг учун Азимжон факат Мирзамурод билан учрашгандагина кизлар ҳакида озгина ҳангома килади холос.

Ўйланиш имконияти йўқ даражада.

У қизлар ҳакида ўйлаганда сал хавотирга тушади.

Хозир улар шаддод, унча-мунча шўхликдан қайтмайди, лапашанг йигитларни писанд қилмайди. Айрим фирибгарлар ҳам улар олдида иш эшолмаслиги кўпчиликка маълум. Тулкидек айёрига йўлиқсанг, бир умр азоб чекасан. Содда ва самимий Азимжон шу ҳакда ўйласа, “Шошилмаслик керак!” деган хулосаси тўғрилигига ишонаверади.

Бугун Мирзамурод билан ўртогиникидаги тадбирда ярим кун бирга бўлишди, Ойбаҳор ҳақида бояги гаплардан бўлак янгилик эшитмади.

Кечки пайт дадасининг олдига кирди. Нафас олиши оғирлашган, ранги олинган. Диван ёнидаги курсида ўтирган онаси лабини кимтиб, бошини қимирлатади. Кўзларидан ташвиш ва изтироб ёғилади. Беморни оёққа турғизиш учун ожизлигини тан олаётгандай, тақдирга тан беришдан бошқа илож йўклигидан кайфияти паст. Азимжон ота-онасига эшиттирмай хўрсинди, она хушёрлик билан унга “Чикавер!” дегандай имо қилди.

Отасини кўриб қайғуга ботди, аммо Ойбаҳор билан учрашув таассуротлари юрак тубида булокдай қайнаб, хаёл суриши билан отилиб чикишга тайёр. Ҳозир, ўз хонасига қириб, деразадан боғга термуларкан, хаёлига ёркин юлдузлар шуъласидай Ойбаҳор ёпирилиб кирдио, туйғулар зарби кўксига урилди. Зарб шу қадар кучли ва ширин эдики, қиз бир нигоҳ билан жодулаб кўйганга ўхшарди!

- Гап чиройда бўлса, - ўйлади Азимжон, - зўрларини кўрганман, аммо юрагим “жиз” этмаган, уни кўриб янги оламга киргандаймай. Нега шунаقا?

Саволга жавоб топиш маст одамнинг илмий иш ёзишидай гап: уддасидан чиколмади! Чунки юрагини эгаллаб бораётган ширин ва нотаниш туйғулар тафаккур ва иродасини бўшаштирган, киз ҳақида ёқимли хаёллар суришдан бошқасига ярамасди. Аммо кўп ўтмай бундан ҳам зерикди. Уни нимадир бетоқат қиласарди, ўша нимадир – кизнинг кўзларидан руҳиятига, сўнг қалбнинг энг нозик нукталарига нурдай сингиб бораётган нотаниш, аммо ёқимли куч лаҳза ва соат сайин уни маст килаётганди. Ярим тунгача китоб ўқиди, телевизор билан ўзини чалғитди. Аммо кўз олдида Ойбаҳорнинг жилмайган чехраси пайдо бўлаверар, иродаси бўшашиб бораарди...

Эрталаб руҳи тетик уйғонди.

Бугун дадасини врачга олиб бориш керак. Аммо уни ётқизиб даволаш лозим бўлса, дори-дармондан ташқари, касалхона учун ўн кунга уч юз ё тўрт юз минг сўмни қаердан олади? Дори-дармонга камида шунча керак! Аввал тўплаган пуллари тутаган. Мол кўйларни сотиб ишлатишиди. Бирордан қарз ололмайди! Онасининг маоши оилани боқищдан ортмаяпти. Азимжон ёз бўйи бир-иккита

хусусий фирманинг ҳисоб-китоб ишларини килиб, анча-мунча пул ишлади. Аммо оиланинг катта харажатларига "арғамчига қил мадор" бўлди, холос.

Азимжоннинг қалби иккига бўлинган. Бир томонида даданинг муаммоси, иккинчи томонида Ойбаҳорга нисбатан ширин туйғуларнинг жилва килаётгани! Кўксининг ярми иссиқ, ярми музлаб ётгандай... Оилани таранг вазият чулғаган дамларда қалбда муҳаббат туғилишининг икки хил маъноси борга ўхшайди: уйдаги оғир вазиятни енгиш учун муҳаббат ёрдамга келган ёки ўзича маъносини икки хил тушунади

Бу ҳакда айтган билан дардига малҳам кўядиган мард йўқ! Онанинг кўзига қараган сайин юраги остин-устин бўлади. Нима килиш керак?

Эртаси куни таваккал қилиб дадасини касалхонага жойлагач, Мирзамурод билан учрашиб муаммонинг учини чиқарди. Аммо карз сўролмади. Мирзамурод эса хушёр экан.

- Сен дўстимсан, бемалол гапиравер! – деди гина аралаш.

Азимжон дардини тўкиб солди. Ҳатто охирида Ойбаҳорни ёқтириб қолгани, ҳозиргacha бундай қизни учратмаганини айтгиси келди, аммо кейинроқ бафуржга гаплашишни кўнглига тутди...

Мирзамурод кечқурунга пул ваъда килди...

Аммо у пулни олиб борганда Азимжон касалхонага кетган, укаси бор эди.

- Отам оғирлашиб колдилар! - деди ўксик товушда.

Мирзамурод таксига ўтириб касалхонага келди. Азимжонни ташқарида учратди.

- Жонлантириш бўлимига олишди! – деди титрооқ овозда, - бирдан дард зўрайиб кетди. Қўлимиздан ҳеч нарса келмаяпти...

Мирзамурод пул узатди. Азимжон дўстига қарадио, кўзига ёш келди. Қўли калталигидан хўрланди. "Зора отам тузалсалар!" деган ўй губорини тарқатгандай бўлди.

Шу пайт бирдан телефони жиринглаб колди.

- Эшитаман...

- Ассалому алейкум!

- Ваалейкум...

- Азимжон ака, дадангиз тузикмилар?

Жуда таниш, ёқимли овоз, аммо ким? Отам касаллигини касрдан билади?

- Кимсиз? – деди у таажжубини тарқатиш учун.  
- Мирзамурод домладан телефонингизни олувдим,  
Ойбаҳорман!

Азимжон ҳайратда қолди. Наҳотки, бу – Ойбаҳор, накадар баҳтлиман, а?!

Алока узилганда йигит куттимаган күнғироқни яхшилик алматидай қабул килиб, дүсти билан хайрлашиш ёдига келмай, хаёли қизга кетиб қолди. Мирзамурод мийигида кулиб узоклашганини сезмади.

Азимжон дорини олиб келиб, дадаси ётган палата эшигини очдию, рўй берган воқеани бирданига англолмай қолди. Онаси унини чиқариб-чиқармай йиғлар, кўзидан дув-дув ёш тўкилар, рўмоли дивандан сирғалиб ерга тушиб кетған эди.

- Ойи, нима гап??!

Азимжон бирдан титраб кетди, ўзини йўқотиб қўймаслик учун онасига яқинлашди. Унинг фожеа тўлган ёшли кўзларига қарадиу, “Наҳотки, шу менинг онам?” деган совуқ бир кечинма ўтди кўнглидан.

- Дадангдан айрилиб қолдик, болам! Пешонам курсин, а! Шу яримжон дадангни ҳам Худо бизга кўп кўрди-я!

У онасининг бунчалик дардли чинкирганини эшифтмаган, ёш куйилаётган кўзлари фожеали боқишини биринчи кўриши: карахт бўлиб қолди. Оқ мато билан жаги танғилган, ранги докадек оқарган дадасига кўзи тушгач, фожеанинг даҳшатли зарби юрагини ёриб ташлашига бир баҳя қолди...

У дадасининг кўксига бош қўйиб анча йиғлади. Ойбаҳор ҳол сўраб қўнғироқ қилганда юракнинг кўз ёш келадиган нуктаси беркилиб қолгандай, кўзига ён келмасди. Пешонасиға қўлини кўйди. Муздек. Йиллар давомида уни таъқиб қилган азоб ханжари пала-партиш тилиб ташлаган озғин киёфасида оғир хорғишилик, истеъодли ёзувчи ҳам тасвирлай олмайдиган норозилик акс этганди.

Она эзилиб йиғларкан, бола қўнгли эзилиб кетди, аммо у ҳозир иродасига суюниб, ўзини қўлга олмаса онага оғир бўлишини дарров тушуниб етди. У томон ўтирилиб:

- Ойи, - деди унинг икки билагидан ушлаб турғизаркан, - йиғламанг, пешонамиизда бор экан!

- Йигламай бўладими, болам! – она шундай дейиши билан ичидан даҳшатли йиги ва ўкирик отилиб чиқди, - энди сенларни кандай эплайман, ахир касалванд бўлса ҳам отанг борлиги далда эди, ҳеч бўлмаса юрагимга кувват бўларди-ку!

Унинг кўз ёшлар орасидан фожеона бокиши ва йигисида оғир дард ва ҳаёт жабрига чидаш туфайли пайдо бўлган алам асорати бор эдикӣ, Азимжон уни биринчи кўриши ва ҳайратда қолиши эди.

Азимжон онасининг бу гапини эшитдию, боя юрагини яшин тезлигида тарк этган, аммо унинг нималигини билмаётган нарсани топди: Ота – касалванд, хилвираб қолган бўлса ҳам юракнинг куввати экан!

Онаси ўқсиб-ўқсиб йиглар, касалга қараш азоби – ёшгина юзида ажинлар яккол кўриниб турарди. Йигиси қўшни хонага ҳам эшитилиб, беморларда ўзига ва эрига нисбатан ачиниш ўйготаётганини сезмас, жудолик дарди кўзини кўр, миясини карахт килиб қўйгани хаёлига келмасди...

Бош врач кириб опани юпатди ва Азимжонга нималар килиш лозимлиги тушунтириди.

- Ўзингни қўлга ол, ука, - деди у ҳамдардлик оҳангиди, - эркаксан, зиммангда маросимлар турибди!

Азимжон бош иргади.

- Боягина кўз очиб ётувдилар, нима бўлди, доктор?

- Кои босими тўшиб кетди, кўтаришга улгуролмадик. Начора, умри қисқа экан!

Азимжон врач ачиниб, унга ҳамдардлик билан гапирганини тушунди, тақдирга тан беришдан бошқа илож йўклигини ўйлаб навбатдаги ишларни ўйлай бошлади..

#### 4

Ойбаҳор Азимжоннинг отаси ўлганини домаласи Мрзамуроддан эшитди. Энг яқин инсонидан ажralгандай юраги туз сепғандай ачишди. Эртасига ҳол сўраб боргиси келди, аммо қариндош-уруглар олдида нокулай бўлишини ўйлаб, фикридан кайтди.

Минг хижолат, тортиниши ва ҳамдардлик кайфияти билан унга сим коқди. Таъзия изҳор қилди, ҳамдардлигини эслатди. Азимжон “Оғир кунларимда кўнглимни кўтарганингиз учун, раҳмат, Ойбаҳор!” дея ҳаяжонини яшиrolмади.

Азимжон уйдан чиқмай, маросимлар, фотиҳага келиб-кетувчиларни кутиб олиш ва кузатиш билан овора бўлган кунларда Ойбаҳор Азимжон ва оиласи ҳакида, моддий аҳволи ҳакида сўраб-суриштириди. Моддий аҳвол ўртачадан паст бўлса ҳам оила камтарона, ахил яшашини билди. Қизга шулар етарли эди... Отанинг маъракаси ўтгач, у Азимжонга SMS ёзди. “Азимжон ака, дардингизга шерикман, оиласигизга бегоналигим учун кўнгил сўраб боролмадим. Худо Сизга сабр берсинг”. Ярим соатдан кейин жавоб келди. “Рахмат! Кўнглимга энг яқинсиз...”

Қиз Азимжоннинг қалбида ҳам ўзиникидай туйғулар борлигини сезди ва бир мунча таскин топди. Бундан ташқари, у туфайли қалбида туғилган гўзал ва нотаниш туйғулар дардини унуглишга, юрагини зарбадан асрашга ёрдам берадиганини хис килиб, уни тез-тез ўйлай бошлади. Кечқурун ёлғиз колганда кўнғироқ килмоқчи бўлди, аммо онаси ёки аза тутиб ўтирган қариндошлари билиб қолса, “Кўнглига сикқанини қаранг-а?!?” дей ўндан ҳафа бўлишларини ўйлаб ўзини тийди. Бироқ ҳеч қанча вакт ўтмай қароридан тонади. Уни кўргиси келаверади. Ўша кунги сұхбатни тез-тез эслайди.

- Нега шундай? - дей ўзига савол беради. - “Севиб қолдимми?” деб изохлашга чўчиди. Ҳадик билан юрагига мўралашдан ўзини тияди..

Ойбаҳор Азимжонни учратиб қолишини орзулаб, ҳар куни эрталаб ўзини ойнага солади, энг яхши куйлагини, туфлисини кияди, сочини замонавий турмаклайди, пардоз қилади. Ҳатто у билан нималарни, қандай гаплашишни мўлжаллаб, саволлар тайёрлайди. Бироқ бир неча кундирки, Азимжонни учратолмайди. Туйғулари эса тошиб, тўлқинланиб ҳётнинг янги кирраси кўрингандай бўлади. Қизлар билан кам гаплашади, танаффусларни хаёл суриб, орзуларга берилиб ўтказади.

Авваллари шўх, шаддод эди! Энди хаёлпараст! Дугоналарининг саволларига узук-юлук жавоб беради. Кўзларида мухаббатни кўришади, бироқ гапиришолмайди. Ўзи эса кўнглини очмайди.

Тенгқурлари улғайганини хис этди: севги мўъжизаси - қалбига баҳор тошкинлари бостириб кирмокда!

У, хисларни ошкор қилиш - ҳаёп пардаси ортидаги гүзаллигини очиб қўйишини ўйлаб, муҳаббатини қалб тубига яширишга интилади.

\* \* \*

Рахимжоннинг маъракаси ўтди.

Азимжон кўчага чиқаётганда уч йилдан бери Санкт-Питербургда ишлаётган Карим тоғаси келиб таъзия изҳор қилди. Куръон тиловатидан кейин отаси ҳакида гаплашиб ўтиришди:

- Раҳматли, - деди хўрсиниб Карим тоға, - боши меҳнатдан чиқмай ўтди. Жойи жаннатда бўлсин! Энди онангни эҳтиёт қил, укаларингга бош бўл!

Азимжон бош иргади.

- Қаерда ишляйсан?

Азимжон индамади. Тога “Тушунарли” дегандай унга маъноли каради.

- Ҳайдовчиликка ўқиганмисан?

- Ҳаваскорман...

- “Кичкина қирк”ни ўтказайлик, маслаҳат бор...

Тога Санкт-Петербургдан синглисига рўмол, иссик кийим олган, жиянларини ҳам эсдан чиқармаганди. Совгаларни топширгандан кейин Мехригул йиғлаб юборди. Кўз ёшлари куйилган ҳолатда укасини дуо қилди. “Рахимжон акам ўлмасдан шуларни ўзи олиб келса бўлмасмиди?!”

Каримжон иккى соатча гаплашиб ўтирди.

- Ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг, опа! - деди. Ҳамма хомуш, елқадан ташвиш босиб тургани учун гап бошлиш кийин эди. Каримжон опасига бир даста пул узатди. Опа яна қўзига ёш олиб:

- Болаларингта ишлат, маросимларни бир нави ўтказяпмиз! – деб пулга қўл чўзмай турганда Каримжон пулни опасининг олдига кўйди, жиянларига ёрдам беришини айтиб, уларни хотиржам қилди-да, жўнаб кетди. Уни кузатиб кирган Мехригул қўлида пул билан бошини деворга тираб ўксисб-ўксисб йиғлади. Юрагини эзиз ташлаган азоблар, ҳаёт мاشаққатлари тилиб ўтган дамлар ва бўлажак оғир кунлар учун йиғлади. Яхшиям шу укаси бор! Дардини тушуниб пул ташлади. У ҳам болам-чақам деб ҳорижда ишляяпти. Опасини яхши қўраркан, ачинаркан шуни берди. Минг

рахмат! Тани-жони соғ бўлсин, топганларига Худо барака берсин!  
Шунчаки ҳол сўраб, юпатгандай бўлиб кетаверса нима дея оларди?

\* \* \*

Масъулият Азимжонни ўйга толдирди. Ойбаҳорга бўлган туйғуларини изтиробли кунлардан омон олиб чиқиши истаги, қалбда янги олам очилгани жудолик ғамини енгишга ёрдам берадиганди. Бундан ташқари, жудолик дарди ва муҳаббат қувончини бир қалбга сифдириш - руҳиятини чиниктирас, хаётнинг янги қатламини очиб, дунёни тушунишга ёрдам берадиганди!

## 5

Ойбаҳорнинг раҳматли бобоси Маъмур ота:

- Невара қизларимни ўзим турмушга бераман, - деди оғир касалдан тургач, - мол-давлати бўлмаса ҳам, одоби, энг муҳими, оиласам, бола-чақам дейдиган, тартиб-интизомли бўлсин! Бойликни Худо пешнасиға ёзсин!

Бобо бу гапларни ўғил-қизлари, келин-куёвлари ва неваралари йиғилганда, тўкин дастурхон атрофида бир неча марта айтган, айниқса, невара қизлар буни яхши эслаб қолишганди. Бобонинг таъкидлари бежиз эмас! У катта қизини бой-бадавлат хонадонга узатиб на иззат-хурмат кўрди, на қизи ҳаволат топди, иккинчи ўғлига пулдор одамдан қиз олиб, ғам-ташвишдан боши чикмади. Охири, бойликка хирс кўйганлардан узоқ юришга карор килди. Иккинчи, учинчи қизини оддий, ҳалол-пок одамларга берувди, тинч-тотув, бола-чақали бўлиб ҳаёт кечиряпти, энг муҳими, кудалари оқибатли!

Бобо бир неча йил олдин бандаликни бажо келтирди, аммо оқилона гаплари, орзу-ниятлари кейинги авлод қалбига муҳрланган, невараларни уйлантириш ва узатиш мавриди келгандা совчиларнинг бобо ёқтирадиган хилига розилик бериш одат тусига кирган.

Ғуломжонга ҳам отанинг гаплари ҳаётий дастур! У юраги тоза, нияти пок бобонинг нахисатларини кўп эслайди, юрагидан ўтказади, иши олға босган дамларда дили равишан тортади. Қаерда, қандай иш қилмасин, оиласига ҳаром пул киритмаган, доим пешона тери, ўз акли, ҳалол меҳнати билан рўзгорини обод килди, болаларини еб-ичирди, катта қилди. Шу тамойилдан чекинмагани

учун дўстлари ва кариндош-уруглари ҳам уни яхши кўриниади. Оиласида ҳамма бир-бирини тўғри тушунади, дилини англайди. Ҳали бир-бирларига ёмон гап айтишмаган, ота – оила боғи, она болаларга етакчи. Ойбаҳор эр-хотиннинг фикри доим бир жойдан чиқишига ҳайратда колади. Кумуш Ғуломжонга севишиб тегмаган бўлса ҳам, тўйдан кейин астойдил севган, меҳр қўйган, ўзини унга ва иккита фарзандига бағишилаган, оғири ҳам, енгили ҳам ўзиники! Маҳалладагилар уларнинг иноклиги, бир-бирини ҳурмат килишларига ҳайрат билан карашади. Ҳатто айрим хотинлар “Хеч уришганимисизлар?” деб сўрашса, Кумуш “Э, Худо сақласин, опа!” деб хавотирга тушади.

Ғуломжон доим иш, тириклик ташвишлари билан банд, айникса, иш жойи қисқариб, вақтингчалик ва омонат ишларда юраганда эрта кетиб кеч келади. Ўзини тутиши, аёлига яхши муомаласи, майда-чўйда ишларда ҳам жуда ҳурмат билан гапириши, ичиб-чекиб, бетартиб юрмаслиги билан иккала болага ибрат! Ишдан келишига уйлар саранжом –саришта, ҳамма нарса ўз жойидалигидан дили яйраган Ғуломжон:

- Жуда ажойиб аёлсан-да, онаси! - дейди меҳри товланиб. - Кўнглимдаги хотинни тұған онантга, ўстирган отантга раҳмат!

Отасини ҳавас билан эшитаёттан-Ойбаҳор эркаланганинамо:

- Мен-чи, дадажон?, - деса:

- Шундай она түккан киз ёмон бўлармиди, асал кизим?! - деб унинг ҳам кўнглини кўтаради.

Кумуш иккала боласини меҳнаткаш, ҳалол ўстирди. Айникса, Ойбаҳор – тъби нозик, изланувчан. Кумуш чеварлик қилса, олдида ўйчан разм солади, кутилмаган фикрларни айтиб ҳайратда колдиради, ҳатто куйлак ёкаси, енгларини бирлаштиришада, этагига жило беришда киритган янгиликларни кўриб, “Кандай талантли кизим бор-а!” дея гуурланиб кўяди. Биринчи курсдалигига ўкув хонасига пардани бирга тикишган. Ойбаҳор шундай ажойиб нусха яратдики, Кумуш беихтиёр ёқасини ушлаб қолди. Ва унинг келажагига жуда катта умид билан карай бошлигани.

Ойбаҳор Азимжонга ишқи тушгандан бери бу гапларни эслаб, унинг олий маълумотли, камтар оила фарзанди, ичмас-чекмаслиги маъкулгина эмас, орзуидаги йигитлигидан тўнанданиб кетди. Ундан совчи келса, оила ва кариндош-уруглардан хеч ким карши



чиқмаслигини ўйлаб қувонди. Энди севгисини Азимжон билса бўлгани! Ишқилиб севган қизи йўқмикин?

Шундай хаёллар қалбida ширин безовталиқ, муҳаббат олдида ҳадиксираш ва аллакандай нур билан қоришган кўркув түғдиради, фикрлар кўплиги хаёлинни паришон қилади. Бўш қолди дегунча, миясини ҳар хил саволлар ўраб олади: “Институтни битиргунча бирорта қизни севмадимикин? Унга севги изхор килганлар кўпdir? Ҳозир қизлар ўтқир, минг куйга тушиб, яхши йигитларни илинтиргмай қўймайди! Ҳатто баъзилари ўз дугонаси унаштирилган йигитни йўлдан урадию...”

Юрагида тугилган хавотир Азимжон қаерда, нима ишлар килаётганини ўйлашга ундейди. Назарида, яхши кўрадиган қизлардан бири олдига бориб, бошини қотираётгандай...

Мулоҳазалар тифайли кўнглида РАШК тугилганини сезмай қолди. Ва ўзини койиди: “У севги изхор килмади, мен севган қизига айланмадиму нега рашик қиласман, тавба!”

Қизнинг таажжуби акасига эркалик, ноз-ишва, таманнога ўхшайтганини ўзи яхши тушунмайдио, бу кечинмалар ўзига ёқади.

Аммо кўнглининг бир чеккасида севишига ишонади, уни қизлардан рашик қилишга ўзининг ҳаққи бордай, ошиқона қарашлари оловли муҳаббатдан далолатдай эди...

У ракам терди. Азимжоннинг телефони учирилган. Бироздан кейин қайтарди. Яна шу ҳол. “Тинчмикин?” Кечинмаларига эътибор бермасдан ўзини бепарволикка солди. Бироқ хавотири кучайиб, юрагида безовталиқ бошланди.

Дарслар тугагач, йўлакда Мирзамурод домлага кўзи тушиб, Азимжонни эслади. Ерга караганча салом бериб ўтди. Дугонаси Динара билан коллеж дарвозасидан чиқиб, катта йўлга бурилишгач, телефонига хабар келди. “Сиз кўнгирик килмокчи бўлган xxxxxxxxxxx ракам ҳозир мавжуд”.

У Азимжонга тераймикин, нокулай бўлармикин, деб ўйлаб турганда Динара телефонини тортиб олди-да, ракмга қаради.

- Ким бу? – хаяжон билан сўради. Кўзлари хушхабар таъсирида чараклагандай порлаб кетди унинг..

- Э, битгаси...

- Домланинг ошнасимасми?

Ойбаҳор унга “ялт” этиб қаради: “Наҳотки, эслаб қолған?!” Қиз калбидა рашк уйғонди. Динарадан телефонни олди-да, сумкасига солди.

- Бошқа одам! – деди кескин.

У гапини тугатиши билан телефони мусиқа чалди. Экранга қаради. Азимжон акаси! Қувончдан сакраб юборишига бир баҳа қолди. Күзлари ката-катта очилиб боғланиш тұгмасини босиши билан:

- Ойбаҳор! – деган ёқимли овоз әшитилди. Динара сурларча қулогини телефонға яқын олиб келди. “Гаплашавер, әшитаман, холос!” – деди пичирлаб.

Ойбаҳордаги бояғи рашик аччикланишга айланди. Азимжонға жағоб бермай туриб, телефоннің қулоғидан олди-да:

- Сен кетавер, мен кейинрок бораман! – деди янги курилган бекатта буриларкан. Униғ киёфасида ишимга аралашма, дегандай аччикланиш бор эди.

Хозиргина қизикиш ва ҳаяжон билан дугонаси ёнида кетаёттан Динара қалбини түшуниб бўлмас ўқинч эгаллади. Унинг ёнига ҳафачилик қўшилиб, қовоғи осилди.

- Мунчааа... – у кизалоққа хос зарда билан чимирилиб, аввал ноз-карашма килди, сўнг аччиғини билдириб қўймоқчи бўлди, - еб қўяманми??

Зардаси кайнаган куйи унинг олдига ўтди.

- Йигит гўё сизда бор!...

Ойбаҳор бекат курсисига қўнди. Ва сухбатга шўнгигб кетди.

Динаранинг зардаси кучайди, “Гаплашиб бўлсин...” деб кутди, аммо Ойбаҳор борлиқни унугандай таассурот қолдиради.

Динарага ёмон алам килди.

Одатда, йигити бор қизларга севилмаган қизлар ҳасад килади Айникса, Азимжонни ром этган Ойбаҳорга ҳавасни қўятуринг, ҳасад киладиганлар сонмингта.

- Э, ўзидан кўрсинг! – деди-да, аламзада кайфият билан йўналишдаги таксилар бекатига йўл олди.

Аслида, гап бошка ёқда эди...

Ойбаҳор аввалига ўзининг борлигини эслатиб, Азимжонни телефон қилишга ундағанидан узр сўрагандай бўлди. Аммо кутилмаганда сухбат шундай қовушники, дунёни унтишиди. Ҳатто Азимжоннинг отаси ўлмагандай эди...

- Хеч бўлмаса катта қирқ ўтсин, ука! – деди Мехригул боягина келган укасининг гапини қайтараётганидан хижолат бўлиб.

Карим тоға ҳар тарафлама ўйлаб, бир қарорга келган шекилли, гапнинг дангалини айди.

- Опа, яна қайтараман, бу маросимлар ортиқча чикимдан бошка нарсамас! Ўтганга дуоларимиз тегади, холос, қарзга ботиб нима киласиз! Оилангиз билан бир товок ош қилиб еб, бир калима Куръон тиловат қилсангиз фойдалироқ.

- Билмадим, ука, одамлар устимиздан кулади-да!

- Э, кулса кулар, бир сўм бериб қўярмиди? Раҳматли поччам ҳалоли пок, меҳнаткаш одам эди, Худо уни раҳматига олади. Яхшиси, Азимжон паспортини тўғридаб, жўнасин, бир хафтадан кейин кетамиз...

Сұхбатга нұкта кўйилди. Аммо Мехригулнинг кўнгли ғаш, сунячиғи кетса, уй ҳувиллаб, иккита ёш бола билан қоладими? Үғли бегона юртларда ишлай оладими? Пул ўлсин, эхтимол шу ерда ҳам топса бўлар...

Карим тоға кечинмаларини сезгандай опасининг олдига келди.

- Ҳавотир олманг, ишончли одамларим бор, у ёнимда ишлайди.

Мұхим нарса ёдига тушгандай Мехригул унга илкс қаради.

- Йўлкирага пулимиз йўқ-ку?

Мехригулнинг мўлжалича, укаси: “Ундай бўлса бормасин!” дейиши керак эди. Лекин Карим тоға бўш келмади.

- Ҳозир ҳаётни яхшилайдиган вакт, бегона юртларда, болачакадан узоқда ишлаш менгаям ҳавасмас, сабаби – тириклилик, бола-чақа! Қизимнинг бўйи етиб қолди, чиқариш керак, ўғлимнинг бўйи мендан баланд, уйлантираман! Ҳаммаси пул билан бўлади! Юкимиз енгиллашгандан кейин: “У ерларни елкамнинг чукури кўрсин!” деймиз...

Карим тоға ўйга толди: “Топганимни курилишга сарфлаб, йўлкирани тишимнинг кавагида асраб турибман! Азимжон пул тополмаса... олиб кетолмайман, бекор тезладимми?...

У ўйга ботганча хайрлашиб чикдию, “Опам ҳафа бўлмасмикин?” деган мулоҳаза кўнглини ғаш кила бошлади. Аммо “Начора!” дегандай елкасини қисиб, уйи томон жадаллаб кетди...

\* \* \*

Динара Азимжонни кўргандан бери ҳаловатини йўқотган.

Сабабини ҳозирча ҳеч ким билмайди.

Гурухдаги қизлар ҳар хил оиласдан, турли шароитда катта бўлган, бири оппок, бири қорача, бири пакана-семиз, иккинчиси новча-орик.. Ҳар томонлама келишган, чиройли қиз кам, аммо пардоз-андоз, яхши кийим, ноз-ишва билан йигитларни илинтирганлар кўп. Чиройи бўлмаган қизлар гўзалларга ҳавас билан, кўп ҳолларда ҳасад билан қарайдилар. Ҳатто улар қалин дугона бўлса, гўзалнинг ошиқлари кўпайса, ўзига йигитлар қарамаса, у гўзал қизнинг душманига айланади, сиртига чикармаса ҳам ичида куйиб-ёнади, ҳатто унча-мунча ёмонлик қилишдан тоймайди. Бундайлар аввал тақдиридан, сўнг ҳаётдан, охири, туққан онасидан норози бўла бошлайди! Йигити билан сайр қилиб юрган қизларни кўрганда асаблари бузилиб, ўзини ёмон кўриб кетади. Сержахл, ғазабнок кайфияти табиатига маҳкам ўрнашиб, турмушга чикмай қарийдилар ва катта ҳаётда баҳтсиз бўладилар. Улар, чиройни она эмас, Худо беришини, ундан чирой сўраб, чиройли ҳулқ ва фазилатли бўлишга харакат килишса, Яратган ноумид кўймаслигини, унгача сабр-қаноат қилинлари ёки бўлмаса борига кўниб яшаш ҳам саодат эканлигини билмайдилар, буни тушунтириб кўйишга кўпгина ота-оналарнинг фаросати етмайди!

Ойбаҳор, оппок чиройли, кўзлари каттага мойил, оддий қараши ҳам табассумдай ёқимли, ўртабўй, қомати келишган. Ҳар қандай йигит қарамасдан ўтолмайди. Ошик бўлганлар канча...

Динара эса қорача, озгин, гурухдаги қизлардан новча, бўйи ўзига ёқмайди. Бироз эркакшода, йигитларга унчалик кизикмайди, қизларнинг севги саргузаштларини эшигтганда қалби эзтигади. Пардоз қилиб, сочини салонда турмаклатган кунлари ўзини маликадай ҳис килади. Қизлар ҳавас билан қарашини кўриб, ич-ичидан севинади. Аммо оддий кунлар шунчаки қиз сифатида таассурот колдиришидан кайфияти паст юради. Ота-онасининг, ҳатто ўзининг ҳам топиш-тутиши яхши, бирорлардан ортиқ бўлсада, ҳар куни салонга кириш ва пардоз қилишга ҳафсаласи бўлмайди. Бизнес ва пул ҳакида кўпроқ ўйлагани учун чиройда бошқалардан камлиги ўзини унчалик ташвишга солмайди.

Унинг бир кичик муаммоси бор.

Қизлар күпинча, бир-бирини эркалаб ёки ўзига яқин олиб, Ҳалимани “Ҳали”, Нилуфарни “Нилу”, Гулчехрани “Гули” деб чакиришади. Ойбаҳорни “Ой” дейишса, исмидаги гўзаллик йўқолмайди, аксинча, тун маликасини эслатиб, кўнгилларга қаҳрабо ёруғлик солади. Динарани “Дин” дейишса, ғаши келади, ёки “Динар” деб чакиришса, унга хақоратдай туюлиб, исмидан норози булиб кетади. Ойбаҳорнинг гўзаллиги ва исмига бўлган ҳасади кўшилиб, унинг ҳамма ҳаракатлари фазилатдай, ўзиники иллатта ўҳшаб кўнглида ғашлик уйғотади. Айникса, Ойбаҳор Азимжон билан танишгандан бери Динара ўзини қўйгани жой тополмай қолган. Авваллар унчалик эътиборига кирмаган ҳасад туйғуси энди жўш уриб, Азимжонни Ойбаҳордан айнитиб, ўзига оғдириб олиш пайига тушган. Вакт топди дегунча уни ўйлади. Ўйчан, самимий қиёфаси юрагига чукур ўрнашиб бормоқда. Туйғулари янги чиқкан майсадек тоза, рангин ва нозик. Қалбнинг нурли саҳнида бутун руҳиятига ором бериб, жўшқинлик ва ҷароғонлик билан тўлдирмоқда.

Барчаси ёқимли, аммо: “Ойбаҳор севгимни билса, унинг юзига оёқ қўйгандай бўламан” деган фикр юрагини ғаш килади. Баъзан соғинч зўр келиб, туйғулари тошганда унинг ҳафа бўлиши виждонига кўпроқ таъсир кила бошлади.

Дастлаб, бундай кечинмаларга парво қилмади. Аммо Азимжонга бўлган туйғулари алантага олиб, у билан яқинлашишни истаркан, виждон оғриғи кучайиб бораарди. “Севишга ҳаққим бор!” деб ўйладию, қизлар уни “айблashi, унга тош отишини ўйлаб, юрагида илик изтироблар пайдо бўлди. Аммо андиша қилиб, дугонасини ўйласа, илик севгиси юрагида армонга айланади! Ундан ихтиёри билан воз кечадими?

Саволлар кийнайди уни. Хаёли паришон. Сархуян туйғулар тафаккур килишга ҳалакит беради, йўлини тоғдек тўсиб турганга ўхшайди.

Аммо севги кучли тўлкиндек, барча тўсиқларни ер билан яксон қилди.

Бир куни уйғонса, юрагида куч-ғайрат, орзуларга етиш учун интилиш тўлиб ётибди ва курашда енгиб чиқадиган чоғи бор!

Коллежта борса, Ойбаҳор дарсга келмабди.

Биринчи дарсдан кейин келди. Аммо кўнғироқ чалиниши билан гурух раҳбари уни чакириб кетди. Ҳамма ўзи билан овора,

ташқаридагаплашиб турганда Динара унинг сумкасини очди-да, кўл телефонини олиб, партасига ўтириди. Ва “Набранные” га кириб, сўнгтисига қаради. “Азимжон ака”, аммо рақами йўк. Боғланиш тутгасини босиши билан рақами чиқди! Киз тезлик билан ёзиб олди-да, у томондан “Алло!” дейиши билан алокани узиб, телефонни сумкага солди. Бир неча сониядан кейин телефон жиринглади. У парово килмасдан Азимжоннинг рақамини ўз телефонига жойлади.

Ойбаҳор кейинги дарснинг ярмида кирди. Ўқитувчи доскага ёзарди, Динара Ойбаҳорнинг кулоғига шивирлади:

- Кимдир сенга қўнғироқ қилди!...
- Чиқиб кеттганимда-я?
- Ҳа...
- Тушундим...

Каттә танаффусда Динара колледж орқасига ўтди, не кўз билан кўрсинки, Ойбаҳор ундан олдин келиб, скамейкага суюниб, оёкларини чалмаштирганча Азимжон билан гаплашарди. Динара кафтини оғзига кўйганча кўзларини икки томонга ўйнатди, секингнина пусиб унинг орқасига бориб жосус қиёфасига кирди. Телефон баланд овоздалиги учун сухбатни бемалол эшлиши мумкин.

- Сиз кетсангиз, мен... мен нима киласман, Азимжон ака? Россияга бормасангиз нима қиласди?

- Иложим йўқ, асалим, дадам ўтгандан кейин қийналдик, онамнинг толгани тирикчиликдан ортмаяпти, қарзларимимз бор, ёрдам бернишим керак!

- Мени ўйламайсизми?
- Ўйлайман, иложим йўқ! Бошимда бошқа муаммоям бор.
- Қанақа? – бирдан чўчиб тушгандай хаяжонланди киз.

Азимжон бир неча сония тўхтаб қолди. Гапирмоқчимас. Киз ташвиш билан сўраб, жавоб кутаётгани учун чукур ўйга толган.

- Э, барини ўзим ечаман.
- Балки ёрдамим тегар!
- Керакмас, ташвишланманг!
- Бегона эмасман-ку!
- Бу эркак кишининг иши.
- Йўқ, - эркалангандай сўзларди Ойбаҳор, - нима бўлсаям айтасиз, билишим керак!

Унинг ноз-карашма, эркалигини илк бор кўраётган Динара кулиб юборишига озгина колди.

- Шартми?

- Шарт! Мендан сир яширасизми?

Азимжон бироз гапирмади. Сўнг енгил йўталдию, орқасидан овозини баландлатди.

- Биласизми, Санкт-Петербургга билет киммат экан! Дадамнинг маросимларидан кейин сал камхаржмиз... Тоғамдан сўрай десам, якинда курилиш қилди...

- Ха, мен бошқа нарса дебман...

- Бугун битта оғайнимдан қарз сўрамоқчиман, бериб турса масала ечилади...

Ойбаҳор бир неча дақика жим колди. Алланарсаларни мулоҳаза қилас, фикри охирига етмагани учун хулоса айтишга шошилмасди. Нихоят, пешонасидаги гажагини ўнг томонга бир силташ билан кўтарди-да, гап бошлади.

- Афсус, ишлаётганимда ўзим берардим.

- Раҳмат, асалим...

- Ха...

- Ойбаҳор, мен ўртоғимнинг олдига бормоқчиман...

Киз севгани билан хайрлашгунча Динара нафасини чиқармай оёқ учида юриб, кўздан ўйқолишга улгурди....

## 7

Дарс тугади. Ўқувчилар шовқин-сурон билан, бир-бирларига йўл-бериб бермай ташқарига отилишарди. Динара китоб-дафтарини шошилмай йигиштираётганде гуруҳ сардори Феруза “Тезроқ чик, эшикни қулфлайман!” дегандай Динарага қаради.

- Калитни қолдир, ўзим кулфлаб кетаман, - деди ўрнидан туриб, у томон юраркан, - ёзадиган нарсаларим бор!

У қалитни бераркан:

- Эрта келасанми? – дея кўзларини олайтирди.

- Албаттаги!

Динара эшикни кулфлаб жойига ўтирди. Ва Азимжоннинг телевизорин ракамини терди.

- Эшитаман!

Киз қалбини ҳаяжон чулғаб, гапини йўқотишига сал қолди:  
Аммо ўйлаган гапларини яшин тезлигида эсладию, телефонни  
орзига яқинлаштириди.

- Ассалому алейкум, Азимжон ака, яхшимисиз?

У овозини майинлаштириб, илк сухбатдаёк йигитда яхши  
таассурот қолдириш учун хушёрлик, ҳадик ва хавотир билан  
сўзларди.

- Ваалейкум ассалом, ўзингиз қалайсиз?

- Яхши, ўқиб юрибман, аммо нега кўринмайсиз?

Азимжон нотаниш кизнинг ёкимли овозидан кайфияти  
кўтарилиди, кўринмайсиз дейишидан ҳайрон.

- Кечирасиз, танимадим!

- Наҳотки?! – ҳаяжонланди киз.

- Ростдан танимадим! – Азимжон овозини эслашга уринарди.

- Ий –я, анави кишими! Галати экансиз –а?

Азимжон кўзлари катта-катта очилиб, ҳайратга тушган ёш  
кизнинг қиёфасини тасаввур қилиб, овози билан башарасини  
эслашга уринмасин натижа чиқмади.

- Сиз, биздайларга қарамайсиз...

- Мен ҳаммага бирдайман!

- Мирзамурод домланинг олдига келганингизда, танаффусга  
чиқсан, Ойбаҳор билан гаплашиб турган экансиз, салом берсан,  
алик олмадингиз.

Кизнинг беозор гинаси Азимжони хушёр килди.

- Эшитмаганман! Менда нима ишингиз бор, отингиз нимайди?

Киз жим қолди, йигитнинг эхтиросли нафасини сезиб, яна бир  
марта сўрасайди деган тащалик билан кулоқ солди.

- Аю, эшитпсизми?

Динара бир дакикалик сукутдан сўнг:

- Ҳа, - деди, - отимни Ойбаҳор айтмадими?

У мантиқсиз савол берганидан нокулай аҳволга тушди.

- Мен ўзингиздан эшитмоқчиман!

Киз севиниб кетди, аммо исмини айтишни лозим  
кўрмайтгандай таассурот қолдирмоқчи бўлаётганини йигит сезиб  
колмаслиги учун:

- Учрашганимизда биларсиз... – деди дадиллик билан.

Куттимаганда алоқа узилди. Динара ҳамма иш режаси бўйича  
кетаётганидан севиниб телефонни ўпиб кўйди. Дераза олдига

бориб, шаҳарга қаради. Тўртингчи қават дёразасидан шаҳар кафтдагидек кўриниб турарди. Машиналар виз-виз ўтади. Одамлар кўзлаган манзил томон чумолидай ўрмалайди, кушлар бирор кувлагандай, елдек учади, қуёш дунёнинг ҳамма нукталарини ёруғлик билан тўлдирмоқчидай гайрат билан нур сочади. Демак, хаёт давом этяпти. Динара катта дунё олдида кичкинагина умри юксалиб бораётганидан хурсанд...

У “Хозир Азимжон акам мен ва исмим ҳакида ўйлаётган!” дей хаёл сураркан, юзида орзуси ушалаётган одам кувончи аксланиб турарди.

Беш минутча ўтди. Динара қайта рақам терди.

- Хайрон бўлдингизми, Азимжон ака?

- Нега? Алока узилиб қолди, антенна чатоқ шекилли...

- Мен томон шунаقا...

- Балки... Аммо отингизни айтмаслик учун килдингиз деб ўйлабман!

- Унчаликмас, исмим оддий қизларникидаقا...

- Билсак бўладими?

- Боя айтдим-ку, учрашганда биларсиз...

- Ота-онангиз жуда гўзал, ноёб исм кўйишганга ўхшайди, а?

Суҳбат қовушганидан Динаранинг қалби шодликка тўлди. Ҳаяжонга берилиб, сценарийдан чиқиб кетмаслик учун ўзини кўлга олди.

- Хозир қаердасиз?

- Коллежда.

- Театр хиёбонига чиқа оласизми?

Воқеалар қизни шошириб кўйди. Жавоб беролмай қаловланар, муносабатларни бошқаролмай қолишдан хавотирга тушарди. Аслида, Азимжон билан гаплашганда иродаси бўшашиб, фикрлаши пасайган, нотаниш оламга кириб, чиқолмаётганга ўхшарди.

- Зарур гапингиз борми?

- Ахир, исмингизни учрашганда айтаман дедингиз-ку!

У тилидан тутилганини хис қилиб, уятчанлик билан кулимсиради.

- Бугун шартми?

- Эҳтимол, тезрок билишни истарман!

Динарани ўй босди: “Чиқайми ё уйга шошяпман деб баҳона килайми?”

Күнглига қулоқ солди: “Тезрок чик, темирни қизиғида бос!”

Одатда, йигит учрашувга чақирса, шошиб чиккан кызлар кадрини йүқотишини күпчилик яхши билади, бирорта йигит биләй юрмаган бұлса ҳам Динара бундай пайтда нима қилиш лозимлигини яхши билади.

- Азимжон ака, - деди у ҳаяжонли овозда, - Үзимни нокулай сезяпман... учрашувга чиқишни билмайман... миямда үқищдан бошқа нарса йўқ.

- Яхшироқ танишайлик, исмингизга кизиқиб қолдим, факт беш дақиқага келинг. У сұхбат бошлангандай телефон овозини баландлатыб, диктафонни ёқсан, Ойбаҳор билан муаммо чиқса, танишиш ва учрашиш ташаббуси Азимжондан чикканини исботлашни кўзлаганди.

- Бошқа сафар кўришайлик, уйда ойим кутяптилар, илтимос!

Динара қадрини ошириш ва уни ялинтириш учун ҳийла килаётгани, ҳатто, гап оҳангидан ҳам сезилмади. Азимжон кизга ишонди, аммо учрашишга қасд қилғандай тақлифни яна тақрорлади.

- Жа, ажойиб экансиз, а? Одамни ҳижолатта қўясиз...

Азимжон жон қулоги билан эшитаётганини сезган Динара, учрашувнинг фойда-зиёнини мулоҳаза қилаётгандай кўриниш учун анча сукут саклади.

- Ҳаракат киласан, - деди сўнг шаҳд билан, - аммо кечиксам, дикқатингиз ошмасин! Гурух раҳбаримизга учраб кетмокчиман!

- Кутаман, асал...

Азимжон кизни синаб кўрмокчиди. Мақсадини билмагани учун учрашувга ўзи тақлиф килди, аммо алоқа узилгандан кейин “Ойбаҳор билан орамизни бузиб кўймасмикин?” деган андиша кузги тумандай хаёлини қоплаб олди. Тақлиф килишдан олдин бу фикр калласига келмаганига ҳайрон. Энди ўзига қарши бориб айтдим-қайтдим бўлолмайди. Таваккал килишга мажбур.

Театр хиёбонига икки бекат юриш керак, у “Дамас”га минди...

Динара айтадиган гапларини обдон ўйлаш учун коллеж ўлхонасидағи скамейкага ўтирди. Биринчи учрашувдаёқ йигиттага кучли таъсир ўтказиб, ўзи ҳакида ўйладиган, ҳатто коллежтега излаб келадиган ёки кўнгироқ килмаса туролмайдиган килиб олиш учун кизлиқ макридан фойдаланиш мақсадида бир соатча режа тузди.

Учрашув вақти бұлди, телефонига тинимсиз гудок көляпти. Динара үзини деб Азимжондай – Ойбаҳор сингари чиройли кизлар интилған, севиб юрган йигит интизор, бетоқат бұлаётганидан севиниб, осмонга учгиси келарди. Юраги у томон талпиниб, тұлиб-тошаётган бұлса-да, ярим соатча сабр килса қадри ошиши, йигитда унга нисбатан кизикиш ва талпиниң кучайишига ишониб, ғурури таскин топарди. Рухияти ҳаловат топган, хис-түйғулар дарёдай жүшиб бораётганидан дунёга сиғмай кетяпти...

Нихоят, ярим соатдан сүнг театр хиёбонида пайдо бұлди. Азимжон кутиш фурсати - сабрнинг имтихон дақықаларини игна устида үтказаётганини узокдан кузатди: бир неча марта сочини таради, соатига қаради, сайдрох йұлагидан у ёк-бу ёкка юриб, колледж томонға тинмай бўйларди. Танишлар үтиб қолса киска саломлашар, үзини шошиб турғандай кўрсатарди.

- Салом, Азимжон ақа!

Динара йигитнинг интизорлиги қиёмиға етганда көлгани учун Азимжон чўчиб тушди.

- Тавба! – деди унга кўл узатаркан, - бошқа томондан келасиз деб ўйловдим...

- Вактим йўқ, бир иложини килдим...

Чақнаб турған кўзлари ҳаяжон билан чараклади. Йигит кўлини олиши билан иссик тафт сезди ва танасига ёқимли нур ўтаётганидан рухланиб, кўзларига термулди. Порлаб турибди, қопкора, соchlари қалин, қошлари чиройли...

Қоматига разм солди: сарвдек тик, кийимлари ярашаганини каранг, ҳаммаси кимматбаҳо!

Динара аввал сал сузилиб, сүнг самимият билан қараб, йигитнинг кечинмаларини сездию, “Наҳотки, мен ҳакимда шундай чиройли ўйлаётган бўлса!” дея танасига сиғмай кетди.

Курси улар учун тайёрланғандай икки кишилик экан. Ўзларини эркин сеза бошлашди. Динара мъсума қиздай, букланған тик оёкларини бир-бирига жуфтлаб, омонатгина ўтиаркан, “Тезрок гапиrint, уйдан кеч қолсан, ота-онамдан гап эшитаман!” дейтгандай таассурот қолдиради.

Азимжон чучварани хом санаганини кизнинг кўзларидан ёғилаётган ўткирликдан дарров сезди. Қиз саволларига қиска-қиска жавоб берәётган бўлса ҳам йигитни жиловидан қўйвормоқчи эмасди. Тилини бураб, сўзларни кўшик айтадай талаффуз

килганча сүнгти саволига жавоб бераркан, “Энди Ойбаҳорни ўйламайдиган килишим керак!” деган ниятни дилига солди.

- Энди исмингизни айтарсиз?

• Йигит кувлик билан у томон сурилди. Киз, учрашувга севган одами таклиф килгандай кувончга тұлғани учун хусніңа хусн күшилаётгандай ҳис қиласында үзини. У инсонга инсон шунчалар кучли таъсир килиб, үзіда ҳам, унда ҳам гүзәл түйғулар, мунашвар, жүшкін кечінмалар пайдо килишини ҳозир илк бор ҳис килаётганди.

- Менми?... Мен Динараман! Унчалик чиройли исм эмас- а?  
Сал қўполроқми...

- Ўуу, яхши-ку, мен ундан ўйламайдан, ўзингиздай гүзал...

- Вой, мени гүзал деяпсизми? Шунчаки талабаман...

- Кора кош, кора кўз қизлар ўзига тортадиган бўлади, сиз ҳам узокдан туриб тортганингизга қойил қоляпман, ё шунаقا сеҳрингиз борми?

- Билмасам... кўп қизлар билан танишсиз шекилли, уларни яхши биларкансиз...

- Танишларим кўпмас.

- Ойбаҳор-чи?

Йигит бироз қизарди, Динарадан кўзини олиб кочди. Ҳатто хижолат чекканини билдириб қўйганидан куйина бошлади. Аммо Динара уни вазиятдан усталик билан чикармоқчи бўлди.

- У билан каерда танишгансизлар, билсак бўладими?

- Э, ҳозир эсимда йўқ, колледжа шекилли...

Йигит Ойбаҳор ҳақида гапиришни истамагани учун саволларга шунчаки жавоб берарди. Ғам кийнаётгандай кўзлари ташвишли, киёфасидаги мажбурий кулги Динарага кўл келди.

- Бир нарса сўрасам майлими, Азимжон aka?

- Бемалол.

- Ташвишли кўринасиз, бирор муаммо кийнаёттими? Балки ёрдамим тегар...

Динара сипо кўринса ҳам, ҳозирги гапи Азимжонга нисбатан түйғулари ва меҳрини кўрсатганлигини Азимжон унга очик чехра билай карагандагина сезди ва ўргадаги бегоналик йўқола бошлаганидан хурсанд бўлди.

Йигит “Биринчи учрашувдаәк дардимни достон килмайман!” деган фикрга амал қымбаттың бүлдию, негадир қызы томон оға бошлади.

У күзини ердан узиб, Динарага қаради.

- Үзим ечаман, қызы бола билиши шартмас...

- Нега энди? Мени дүстингиздай билинг, хеч қаерда ишламасам ҳам ёрдам бериш құлымдан келади.

Азимжон “Дагарсан-ку!” дея күнглидан кечирди-да, “Бир синаң күрай-чи?” дегандай унга яқынроқ сурилди.

- Айтайлик, менга анчагина пул керак, қандай ёрдам берардингиз?

Динара севинб кетди. Бувисидан ё онасидан сүрайди, беришмаса, исирғасини сотади. Азимжон акасини ноумид қўймайди.

- Құлымдан келади. Аммо пулни нима кильмокчисиз?

- Россияга кетишга йўлкира керак. Тоғам тезроқ топ, кетамиз деб кисталант қиляпти...

Динара унинг кетишидан ўқинаёттандай ғамгин тортиб қолди.

- Энди танишганимизда кетиб коласизми?

Ёш кизчадай кўзларини катта-катта очиб, қошлирини кўтариб қараси йигитни ғалати ахволга солди. Унинг нигоҳида илк севги ҳислари ҳам, мухаббатга ташналик ва кечалари уни ўйлаб чеккан изтироблари ҳам яққол кўриниб туради.

- Иложим йўқ....

Қызы ўйланиб қолди. Режасини Азимжон билиб қолмаслиги лозимдай ундан күзини олиб қочди.

- Қанча керак? – деди.

Азимжон бироз кулимсираб, унга синовчан назар ташлади.

- Бир ярим мидлион! Топиб бера оласизми?

- Сиз учун ҳаракат қиласаман!

- Бир ҳафтада есть қила оласизми?

Гаплар ҳазил бўлса ҳам юрагида илик туйғу туғилди. Бу иш кизнинг кўлидан келиш-келмаслигини ўйлашдан кўра, саволларни давом эттириш ёқимлироқ эди.

- Уриниб кўраман!

- Дангал топиб берадиган мард керак! Россияга боргач, бир ойдан кейин қайтараман!

Киз очиқ күнгил ва соддалик билан режалар тузәтганды Азимжон кулиб юборди.

Динара ҳайрон, сумкаси устидаги қўлига Азимжон кафти билан беозоргина уриб:

- Ҳазилашдим, Динарахон, ўзим топаман, оғайниларим кўп!

Киз йигиттә яқинлашиш имконини бой берганидан ўқинди. Азимжон ўрнидан туриб, викор билан кизга қўл узатди.

- Хайр, асал киз! – деди дарров кетишга чоғлангандай, – насиб бўлса кўришажакмиз.

Динара Азимжонга жилмайиб, шеърнинг давомини айтди.

- “Аммо, жоним, ҳозирча хайр!” демайсизми, aka?

Киз уялиб ерга қараган бўлса-да, дадиллиги йигитга таъсир килди.

- Қийналаман тунлари сенсиз,

Қўзимга тор кўринар дайр.

- Шеърни яхши кўрасизми? – киз унга меҳр ва қизиқиши билан ялт этиб қаради.

- Ўқиб тураман!

- Қаранг - мен билганни сиз ҳам ёдлабсиз-а?

- Рухан яқинмиз шекилли.

Киз шу гапни айтмоқчиди, йигитдан эшиганидан қувониб, унинг ёнида кета бошлади.

Суҳбат давом этарди. Талаба ёшлар хаёти, ишқ-муҳаббат, орзулар ҳакида суҳбат қизиганда таниш, аммо кескин овоз эшигилди.

- Динара!!!

У илкс ортига ўтирилди. Ўн метрча нарида жаҳл отига минган, юзлари ҳаяжондан қизарган, лаблари пирпираб учётган Ойбаҳор турарди. Азимжон кетишниям, бориб у билан сўрашишниям билмас, айб устида қўлга тушгандай қизариб кетаётганди. Улар беихтиёр бир-бирларига қараб юра бошлишди.

- Ойбаҳор, яхшимисиз?

- Раҳмат, aka!

У раҳмат сўзига аламини, рашкини, жаҳлинини жойлаб гапирди. Азимжон жиноят устида қўлга тушгандай чўчиб кетди ва бугунги хатоси Ойбаҳор билан боғлаган риштани узиб ташлади. Динара билан ёмон иш қилмаган бўлса-да, Ойбаҳорнинг аёвсиз рашкини ўйлаб кўркиб кетди.

- Ака, сиздан битта нарсани илтімос қылсаң, майлими?

У титраб қақшаб гапирад, үртөғи билан үргаларидан құнғылсиз воеа бүладиганга үхшарди.

- Майли...

- Динара икковимизни ёлғыз қолдирсанғыз, гапимиз бор эди.

Динара йигиттә қараб, “Шундай қилинг!” ишорасини берди.

- Күчанинг у бетида кутаман...

Ойбаҳор Динараны театр ёнидаги овлоқ хиёбонға бошлади.

Курсыга үтиришгүнча Динара айбдорлигини ҳис қылғандай, Ойбаҳор жаҳлени босиб келди.

- Шунчаликка борасан деб үйламагандым!

- Сенга нима қылдым, Ой?

Ойбаҳор хиёнаткорға карагандай, “Күлиңгдан ҳар бало келади!” деган үй кечирди-да, тишини тишига босди.

- Ҳеч нарса қылмадингми?!

- У киши билан тасодифан күришиб қолдик, холос...

Ойбаҳорнинг бешбаттар жаҳли чиқди.

- Ёлғон гапирма!

- Үлай агар, рост...

- Қасам ичма!

- Ҳамма гапим түғри...

Ойбаҳор үтирган жойида қаддини ростлади-да, үртөғига ғазаб билан қаради.

- Түғрисини мен айтаман.

- ...

- Эшитасанми?

- Айтавер...

- Унинг ракамини олганингни қызылар күрган, учрашув уюштирганингни эшик ортида үзим эшитдим. Коллеж орқасидаги сұхбатимизни пойлаганингни сездим, қызлар ҳам күрди. Ифлос, менга дүстмас, душман экансан, ичи қора, шайтан!

- Нотүғри тушуняпсан!

- Айтиб құйяй: яна йигиттимга яқинлашсанғ, мендан яхшилик күтма!

Кутилмаганда Динара дадилланғанда ва бошини даст күтариб, “Сенда бор жаҳл мендаям бор!” дегандай Ойбаҳорға қаради.

- Мени учрашувға Азимжон акам үзи тақлиф қылды!

- Мени лақилятма, ёлғончи!

- Ҳатто йўлкирага пул топиб беришмни илтимос қилди.

Бу гап ҳакиқий зарба эди. Ойбаҳорнинг кўзлари катта-катта очилиб, кўркиб кетди.

- Ҳамма гапинг ёлғон!

- Айтдим кўйдим...

Ойбаҳор нафратини яшиrolмай унга ўқрайиб қаради-да, бетига бир туфлаб юзини четга бурди:

- Йўкол, кўзимга кўринма, қанжиқ! .

Ойбаҳор сумкасини олиб кетмоқчиди, аммо юзига тушган тарсакидан кулоқлари жаранглаб, кўзидан ўт чиқиб кетди. Ўзини кўлга олишга улгурмай бу юзига ҳам зарба өди.

- Мана сенга, қанжиқ, мана!

Динаранинг кўли темирдай қаттиқ экан, юзини кўкартириб юборди. Ойбаҳор ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб, Динаранинг боши узра кўтарилган сумкасини ушлаб қолди. Аммо уни ҳурмат килиб, хужумга ўтмаса, калтак еб шарманда бўлиши тайин, карши ҳаракат бошлади.

Катта ёшли аёллар аввалига уларга парво қилишмади, вазият оғир, иккала қиз бир-бирини нафрат ва қасос ўтида сумка билан тинмай ураёттанини кўриб, ажратишга киришишди, аммо қизлар уларни айланиб ўтиб бўлса ҳам бир-бирларини яксон, абгор қилишга интиларди. Баъзан бир-бирнинг юзига чанг солади. Адашиб кетса ё бирори қочиб олса аёлларга қўллари тегиб кетади. Ойбаҳор сездики, жанг шу тахлит давом этса, катта шармандалик бўлади. У катталардан уялиб, ўзини четга олди, ҳатто аёллар Динарани ушлаб туришса, кетмокчи эди. Афусски, Динара кутурган итдай унга ташланишдан тўхтамас, аёллар жеркиб, сўкиб берсалар ҳам парво қиласди. Охири, ўрта ёшлилардаги гавдали аёл орага кириб, икки қизни икки томонга суриб ташлаб:

- Катта кўчада уришгани уялмайсанми, бети йўклар?! - деди-да икковининг қулоғи тагига шапалоқ тортиб юборди. Қизлар ўзига келиб, воқеани идрок этаётганда, аёл:

- Қани бу ердан тез жўна! Акс ҳолда милиция чақираман, ўқиш жойингда муҳокама қилдираман! – деб сўкиб бергач, улар тарқаб кетишга мажбур бўлишди.

Динара воқеанинг оқибатларини мулоҳаза қиласди, Ойбаҳор - кутилмаганда ноҳуш таассурот қолдираётган жанжални у бошлаб, авжига чиқаргани, енгиб ташлашни кўзлаганини тушунди. Ўз

- Ҳатто йўлкирага пул топиб беришмни илтимос қилди.

Бу гап ҳакиқий зарба эди. Ойбаҳорнинг кўзлари катта-катта очилиб, қўрқиб кетди.

- Ҳамма гапинг ёлғон!

- Айтдим қўйдим...

Ойбаҳор нафратини яшиrolмай унга ўқрайиб қаради-да, бетига бир туфлаб юзини четта бурди:

- Йўқол, кўзимга кўринма, қанжик!

Ойбаҳор сумкасини олиб кетмоқчиди, аммо юзига тушган тарсакидан қулоқлари жаранглаб, кўзидан ўт чикиб кетди. Ўзини кўлга олишга улгурмай бу юзига ҳам зарба ёди.

- Мана сенга, қанжик, мана!

Динаранинг кўли темирдай қаттиқ экан, юзини кўкартириб юборди. Ойбаҳор ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб, Динаранинг боши узра кўтарилган сумкасини ушлаб қолди. Аммо уни хурмат қилиб, ҳужумга ўтмаса, қалтак еб шарманда бўлиши тайин, қарши ҳаракат бошлиди.

Катта ёшли аёллар аввалига уларга парво қилинмади, вазият өғир, иккала қиз бир-бирини нафрат ва қасос ўтида сумка билан тинмай ураётганини кўриб, ажратишга киришишди, аммо қизлар уларни айланиб ўтиб бўлса ҳам бир-бирларини яксон, аброр қилишга интиларди. Баъзан бир-бирнинг юзига чаңг солади. Адашиб кетса ё бирори қочиб олса аёлларга қўллари тегиб кетади. Ойбаҳор сездики, жанг шу тахлит давом этса, катта шармандалик бўлади. У катталардан уялиб, ўзини четта олди, ҳатто аёллар Динарани ушлаб туришса, кетмоқчи эди. Афсуски, Динара кутурган итдай унга ташланишдан тўхтамас, аёллар жеркиб, сўкиб берсалар ҳам парво қиласди. Охири, ўрта ёшлардаги гавдали аёл орага кириб, икки қизни икки томонга сурив ташлаб:

- Катта кўчада уришгани уялмайсанми, бети йўклар?! - деди-да икковининг қулоғи тагига шапалоқ тортиб юборди. Қизлар ўзига келиб, воқеани идрок этаётганда, аёл:

- Қани бу ердан тез жўна! Акс ҳолда милиция чақираман, ўқиш жойингда муҳокама қилдираман! – деб сўкиб бергач, улар тарқаб кетишга мажбур бўлишди.

Динара воқеанинг оқибатларини мулоҳаза қиласди, Ойбаҳор - кутилмаганда нохуш таассурот қолдираётган жанжални у бошлиб, авжига чиқаргани, енгиб ташлашни кўзлаганини тушуди. Ўз

- Битта одам огайнисидан бир ҳафтага деб бир миллион сүм карз олибди, ойлар ўтса ҳам бермасмиш. Охири, дўсти келиб: “Икки юз мингидан кечдим, қолганини эргага узгин!” деб кетибди. Эртаси қуни келса карздор ғишт бўлиб турганмиш. Жаҳланган ҳақдор: “Э, яна икки юз мингидан кечдим, олти юз мингини бугун бер!” деб дўқ қилибди. Шунда ҳақдор қитмирларча:

- Ўзи сендан қанча қарзим бор эди? – деб сўрабди.
- Бир миллион! – деди ҳақдор.
- Ҳозир қанча қолди?
- Олти юз минг! – дебди шошганча пулдан умидвор бўлган ҳақдор.

Шунда қарздор:

- Мунча шошасан, секин-аста узяпман-ку! – дермиш тиржайиб.

Ҳақдор ўзини ташлаб юборишига бир баҳя қолибди...

Афсуски, яқинда “Нексия” сотган огайниси янги “Ласетти” олибди. Дарвозахонада турған оппоқ машинани обдон томоша килишди, сўнг Азимжон огайнисига юзланди.

- Муборак бўлсин, яхши кунларга, тўйларга мининг, худди ўзим олгандай хурсандман!

У дўстида, табриклагани келгандай таассурот қолдирди-да, “Уйга кириңг, бир пиёла чой ичайлик!” деганига қарамай, ниатини айттолмай, “Бундан хафа бўлиш мумкин эмас!” дей ортига қайтди.

Уйга борса, онаси “Нима бўлди?” дей қўзига карайди, зрининг ўлимидан кейин мушгипарлашиб қолган онанинг кўнглини чўқтириш ярамайди!

Ҳозир эса ҳар томондан нажот йўли беркилгандай ўзини начор сезади. Дўстлар ва яқинлари унутган, ўз ҳолига ташлаб кўйилгандай хис қиласди. Кўнгли қоронгу! Каерга борсин, кимга учрасин? Осмонга кўл чўзиб Худога илтижо қўлисинми? Йигит бўлганда отасидан ажралган, оиласида йўқчилик ҳукм сураётган, мақсадини амалга ошириш учун интилаётган, аммо бенажот қолган йигитни Яратган эгам эшитармикин?!

Касб-хунар коллежи олдидаги курсига ўтирганини билмай колди, хаёли парищон, ўйлари чархчининг ишидай чувалашади. “Нега шундай бўляпти? Оилани ботқоқдан чикараман десам, бирор тўсик кўйгандай депсиниб тураверса-я?!” Ҳаёлинин телефон мусикаси парчалаб ташлади. Ҳафсаласизлик билан экранга каради. Бироз таниш рақам, аммо кимлигини билмайди.

- Алло!

Кизнинг жарангли, қувноқ овози Азимжонни хушига келтирди.  
Овоз таниш, яна бир иккита сўз айтса эгаси эсига тушадигандай:

- Эшитаман! – деди шошганча.

- Азимjon aka!

- Лаббай!

Ҳа, таниди, бу Ойбаҳорнинг гурухдоши – Динара!

- Соғлигингиз яхшими, aka?! Бир неча марта кўнғироқ қилдим,  
ракамингизга тушолмадим, ё мени қора рўйхатга ёзганимисиз?

- Нега, сиз кўнглимга яқинисиз-ку? Овозингизни эшитсан,  
хурсанд бўламан...

- Гапингизга унчалик ишонгим келмай турибди...

- Менга ишонмайсизми? Ишонмасангиз зорим бору зўрим йўқ!

Майли...

- Йўқ, Азимжон aka, ҳазиллашдим... Қаердасиз?

Азимжон бир неча сония жим турди. Нафас олаётгани ҳам  
эшитилмас, нималарни ўйлаётгани қизга қоронги эди.

- Қаердалигимни ўзим ҳам билмайман! Каллам ишламай қолди.

- Ҳазиллашманг, aka, тинчликми?

- Муаммо кўп! Бошим қотган, биласиз-ку, Россияга жўнашим  
керак, э, сизга нега гапирияпман, ҳайронман!

- Майли, ёрдам бераман!

“Наҳотки!”

- Рост айтаяпман! – деди Динара шахдам овоз билан.

“Шу муштдеккина киз ёрдам берса-я?!?”

Азимжон бошини кимиirlатди-да, кулимсираб кўйди. Ва  
калласига келган фикрни қайта ўйлай бошлади. “Балки ўзига  
ишонганидан гапираётгандир? Шундайдиру... киз боладан пул  
олиш нокулай! Аммо вазиятни ҳисобга олсан, ёрдамини қабул  
қилиш уят бўлмаса керак!”

\* \* \*

Динара Азимжонга ваъда беришининг бошқа сабаби бор.  
Амакисининг кизи Гулбаҳор йигити Россияга кетаётгандага  
кулогидаги олмос кўзли исирғасини сотиб берган, бир хафтадан  
кейин “Исиргамни йўқотиб кўйдим!” деб роса йиғлаган. Ота-онаси  
шаҳардаги кўзга кўринган бизнесмен бўлгани учун:

— “Йиглама қизим, бош-кўзингдан хайри худойи, ўзинг соппасоғсан, Худо хоҳласа, ундан яххисини олиб бераман!” деганига гувоҳ бўлган.

У ҳам Гулбаҳорнинг усулини кўзлаганди. Дугонасининг тиллафуруш онасига исирғасини кўрсатди, “Ошли билан икки юз долларга олади!” деди. У нархини бироз камайтириб айтганини Динара тушунди, аммо уч юз долларга сотилганда ҳам мўлжалдаги сумма чикмайди!

Кечкурун “Энди пулни қаердан оламан?” дея ўйланиб қолди. Дадасидан сўролмайди, “Нимага ишлатасан?” деса, “ўртоғимга” дейиши мумкин, “Қайси ўртоғинг, шунча пулни нима қиласди, отонасидан олмайдими?” деган сўроклари бўлади.

Онаси ёрдам бериши мумкин, аммо дадасидан сўролмайди. Йигит дўстларидан эса бунча пул чикмайди. Машина миниб юрганилари дадасининг пулига гердаяди, холос...

Кеч соат ўнларда мияси ғовлаб кетди. Ўйламай иш қилганига икрор бўлди, афсуски, “Узр, ваъдманинг устидан чиқолмайман!” дейиши ўзини ерга уриш, ҳақоратлаш, Ойбаҳор олдида яксон бўлишдай гап. Қолаверса, Азимжонга яқинлашиш, севгисини козониш учун ягона имкониятни бой берадими?! Ойбаҳордай чиройли қизни севган барно йигит ҳозирги кунда бу тузокдан бошқасига илимайди-ку, ахир!

Динара ярим тунгача муаммога ечим тополмади. Саҳарда уйғониб кетди. Нариги хонада маҳалла-кўй, кариндошлар ва танишлар “Бой хотин” дейдиган бувиси темир сандик қулфига калит солгани, “ширқ-ширқ” этказиб очгани, сўнг эшикни “тийқ” эткизиб ўзига тортганини сезди. Секин ўрнидан турди-да, оёқ учida эшик олдига борди, калит соладиган тешигидан қаради. Бувиси сейфдан бир нечта юз долларлик олди. Сўнг кичкина кутичасидаги тилла тақинчоқларни кўздан кечирди-да, жойига кўйди...

Динара уларни онаси ё бувисининг кулогида кўрмаганди. Йўғон тилла занжир, қалингина билак узук, бир нечта олмос кўзли катта узук, улар орасида тилла қошиқ ҳам кўзга ташланди. Эҳ-хе, барини ҳозирги пулга чақса, ўн минглаб доллар бўлади-я!

Динара ҳайрат ва севинч ичида Азимжонга берган ваъдасини бажариш режасини таза бошлади...

Хаёлининг олис бурчагида ўйланиб турган Азимжон ўзи томон бир неча қадам якинлашгандай бўлди...

9

Азимжон кечкурун, нонуштадан кейин ҳам, қаерга, кимларниңг олдига борганини, пул тополмаганини онасиға айтмади, тўғрироғи, айтолмади. У гоҳ маъюс, гоҳ хўрсиниб, “Тополмадингми?” дегандай бир неча марта қараган бўлса-да, Азимжон ўзини бепарво, бошқа масала билан банддай кўрсатишга мажбур бўлди.

Эрталаб уйдан чиқаётганда ювилган дастрўмол узатган онасининг кўзига қаради.

- Бир киши билан учрашишим керак...
- Худо омадингни берсин!...

Онасининг муштипар, изтиробли нигоҳига бардош беролмай шошилганча кўчага чиқди ва бугун муаммони ечиш шартлиги – ўз ахволи униқидан кам эмаслигини ўйлашдан кўра, она олдида иродали, енгилмас бўлиш, унга далда зарурлигини уқтираётганга ўхшарди. Катта йўл бўйидаги бекатда бироз ўтирди. Курси четига йигити билан телефонда гаплашаётган қизнинг ҳаяжонли сўзларини тинглаб, кўзлари, юзларидан кувонч ёғилаётганини кўрганда қалбини исканжага олган ғам чекингандай бўлди. Ойбаҳорни эслаб, кўксини соғинч куйдира бошлади. Ўз ташвиши билан овора бўлиб, қўнғироқ килмагани, чиройли сўзлар билан сийлай олмаганидан ўзини койиди. Ҳозир қўнғироқ қилмоқчи бўлди, аммо телефондаги аёл “Ваш счет переостановлен!” дея юрагига ниш ураверди. Ҳисобини тўлдирса, мўлжаллаган жойларга бориш учун йўлкираси етмайди. Нима қилиш керак? Компаниядан бир доллар қарз олгиси келди, йигирма фоиз кўшиб беришини ўйлаб ўзини тўхтатди.

Кутилмаганда телефонига хабар келди. “Ҳисобингиз 2, 06 долларга тўлдирилди.

Азимжон ҳайрон. Ўйлаб-ўйлаб, бу кимнинг ишилигини тополмади. Бошини қашлашга кўли бормай “Нокиа навоси” янгради.

- Азимжон ака!

Динаранинг дадил, кувнок овози Азимжоннинг кайфиятини кўтарди.

- Яхшимисиз?

- Ўзим қидирмасам, йўкламайсиз...

Кизда гинадан ташқари, боғланиб турганидан хурсандлик ва янгилик айтиш майли бор эди. Азимжон ўз муаммоси билан боғлик кичкина янгилик ҳам далдалиги учун ҳазил аралаш гапирди.

- Боғдода нима гаплар?

- Сизга ёрдам беришга қарор қилдим!

Киздаги баланд қайфият, шаҳдамлик унга ҳам таъсир қилди.

- Наҳотки?!

Йигит бу гапни шунчаки айтгандай бўлса-да, юрагида севинч ва умид пайдо бўлди.

- Э, уни ўзим ҳал қиласман дедим-ку, сиз овора бўлманг, мени хижолатга кўйманг!

Динара жим қолди. Бироздан кейин пастроқ қайфиятни ифодаловчи овози эшитилди:

- Менга ишонмаяпсиз шекилли, а?

Қиз жавоб кутибми, гап давомини ўйлабми, бироз сукут сақлади.

- Азимжон ака, - деди сўнг бирдан жонланиб, - айрим қизларга ўхшаб, сирти силлиқ ёқимтой бўлмасам ҳам, азиз кишимга ёрдам бера оламан! Менга бир неча кун мухлат бериб, йўлжирадан хотиржам бўлинг-да, бошқа ишларингиз билан шуғулланаверинг!

Алоқа узилди. Азимжон қиз хафа бўлдими, иши шошилинчмиди - аниқ билолмай ўйланиб қолди.

Аммо Азимжон паспортини янгилаши кераклигини Динара каердан билади? Наҳотки, мен учун шунчалик қайгураётган бўлса, нега?!

Ўтган сафар учрашишганда Динаранинг кўзларида севига ўхшаш туйғулар кўрган, аммо гурухида ўқийдиган қизни яхши кўришимни билади, мендан ўзини торгади, деб ўйлаганди. Аммо ҳозирги қизларга ишониш қийин, йигит деса, хаёлга келмаган тадбиру, фитналарни ўйлаб топади!

“Сизга ёрдам беришга қарор қилдим!” гапини эслаб, телефонига пулни у туширганлиги тўғрисидаги тахминига ишона бошлади.

Яқинда Мирзамурод билан қизлар ҳакида сухбатлашганда Динара ҳакида гап бошлаши билан унинг:

- Бобоев Умарбек тўғрисида яқингача шаҳарда бир гап юарди.

- Яхши гапми?

- Эмишки, ёшлигиде мардикорлик қилиб юрганда Исмоил бойваччаникіда ертұла ковлаётгандың үртантшароқ мис күзада тилла буюмлар топиб олган. Уй заси ухлаётганидан фойдаланыб, уни уйига яшириб келган. Бойвачча аввалига билмаган! Унинг ҳакини берәётганды:

- Сұраганнинг айби йўқ: ертұладан бирор кўза чиқмадими? – деган аллақандай хавотир ва ташвиш билан.

Кўзани ишончли жойга беркитиб, ўзини босиб олган Умарбек бемалол:

- Унақасини кўрмадим! – деган. Исмоил қайтиб сўролмаган ва бир йилдан кейин сафарга кетиб узоқ юртда ўлиб қолган. Шундан кейин Умарбек буюмлардан сотиб ўзини тиклаб олган ва ҳатто бойваччалар қаторидан ўрин олган, болаларига ҳам катта сармоя колдирған!

Азимжон, бундан ташкари, бир неча йил аввал ҳар қандай катта бойлик тагида фирромлик ва зўравонлик ётади деган гапни эслаб, кутилмаганда маъюс тортиб қолди: Фирром ўғирлик сармоядан унинг ҳам дадасига текканмикин?!

Қизнинг телефонаига пул тушириши, ёрдам учун ҳаракати бир кадар қойил колдирди. Аммо бу ишлар унинг юрагига орсизлик ханжарини ботираётган, бирор тепасида “Қиз болага кунинг қолдими?” деяётгандай бўлаверди. “Узр, Динара, ёрдамингизни қабул қилолмайман!” демоқчиди, аммо айттолмади. Мўлжалдаги танишларидан најот чиқмаса, онасиңинг кўзига қандай қарайди? Тоғаси “Тезорк бўл, кетамиз!” деб қисгаланг қилаётган бўлса!

У даст ўрнидан турди-да, таваккал ичкі ишлар бўлимига йўл олди.

\* \* \*

- Ойи! – деди Динара онасининг юзига тажанг қараб, – эрталабдан бери паспортимни тополмаяпман, қаердалигини билмайсизми?

- Йў-ўқ, ҳозир нега керак?

- Гурух раҳбаримиз сўраган.

- Кўйган жойларингни эсла...

Онаси маросимга жўнаётгани учун ётоқхонага пардоз қилгани чиқиб кетди. Динара сумкасини елкасига илди-да, ўкишга жўнади. Йўлак охирига етганда илкис тўхтаб ётоқхона эшигидан мўралади.

Лабига лак суртадын оңаси “Халақит беряпсан!” дегандай ёктиримайгина қаради.

- Келгүнимча у ер-бу ерни қараб топиб туринг, ойи, хұпми?
- Ҳаракат қиласын, яхши бор!

Динара колледж яқинида Ойбаҳор билан учрашиб қолди, тесскари қараб, қадамини теззатады да, қызларга күшилди...

Катта танаффусгача юзма-юз келишімади. Түшликда күз-күзгә тушиб, икковининг виждони қийналды. Кечагина ажралмас дүст әдилар, орага йигит тушиб, душманга айланишди. Күчада бир-бирларига чанг солиши. Ойбаҳорнинг назарида, у Азимжонни йўлдан уриш учун юзсизларча ҳеч нарсадан қайтмай, дугонасида ўзига нисбатан нафрат туйғуларини ўстирияпти..

Бугун кечаги ВОҚЕА, душманлик ва нафратни бирорвага билдиримаслик лозимлигини тушунган қызлар ўзларини сипо, орадан ҳеч нарса ўтмагандай тута бошладилар. Айникса, Ойбаҳор воқеани уятсизлик деб баҳолаган, энди унга йўл қўймаслик, иложи бўлса, Динара билан сирам гаплашмасликка қарор қилган! Динарада бундай қарор йўклигини сезгач, “У билан алоқани узаман!” деб дилидан ўтказди.

Ўғил болалар қиз галашиб муштлашади. Бир-биридан калтак есаям, енгилсаям, қыздаан кечмайди, минг бир азобларни бошдан кечириб бўлса ҳам севганига етишганларини кўп ѡшитганмиз. Бугун эса, бизнинг назаримизда, қызлар йигит талашиб кўпроқ жанжаллашади, бир-бирларига душман бўлиб колади, ниятига етиш учун бирорнинг турмушини бузиб, ҳатто болаларини етим колдириш учун шундай фитналар, хийлалар ўйлаб топадиларки, унча-мунча одамнинг етти ухлаб тушига кирмайди. Эрга теккан, болали қызларга ошиқ бўлган, турмушини бузиб унга уйланган йигитлар жуда кам, аммо оиласи йигитларни йўлдан уриб, покиза хотинини бузук деб талок қилдирган, бир нечта боласини тирик етим қилиб ўша йигитта тегиб олган қызлар кўп. Афсуски, улар баҳтли бўляптиларми? Ўзлари ҳакида ёмон фикрлар туғилишидан, бир умр назаридан қолаётганларидан уялмайдилар! Нега шундай? Қызларда жамият олдидағи бурч ва масъулиятни англаш ва унга амал қилиш туйғуси камми?

Ойбаҳор Азимжонга Динаранинг “яхши қиз” эмаслигини, учрашувни ўзи ташкил қилганини эслатди. Азимжон киздаги рашк туйғуси кўзғолон килаётганини бир қараашдаёқ тушунди. Унинг

дарду ғами Динарани Азимжондан узоклаштириш... Ракибининг туйғулари ўткінчи бўлсаю, Азимжондан тез кунда узоклашса, уялиб коладигандай Ойбаҳор унга ножӯя гап айтишдан ўзини тийиб юрибди. Динара эса Азимжонни севиб қолгандан бери Ойбаҳорни чинакам ракиб деб ўйлаяпти. Кимдандир, қачондир “Ўз баҳтингни курашиб қўлга киритмасанг, бирорга бериб қўясан!” деб эшиганини шиор қилиб олгандай дугонаси билан ораси бузилгани, унинг хафалигини ўйламайди. Кеча кечқурун дугонаси Мунисага қўнғироқ қилиб ҳаммасини айтиб берди. Албатта, Ойбаҳор билан Азимжоннинг орасига сукилиб кираётганини яшириб, Ойбаҳорни беор ракиблиқда айблади...

- Бундан баттар ишлар бор! – деди Муниса бироз ўйланиб тургач, - маҳалламиздаги битта қиз “Загс”га борганда дугонасининг унаштирилган йигити билан танишибди. Унга ҳар куни қўнғироқ қиласверган, учрашувга чақирган, чиройли гаплар билан уни сийлаб, совға-саломлар берган, бошқача айтганда, ўша қиздан устун томонларини кўрсатиб, йигитнинг ҳаётига сукулиб кирган ва унинг қалбидаги ўз дугонасини чиқариб ташлашга эришди ва фотиҳани буздириб йигитга тегиб олди. Тўйдан кейин хушига келган йигит: “Сенга қойилман, ўз дугонангнинг йигитига тегиб олдинг-а?!” деб ҳайратда колса, қиз: “Ҳозир артист бўлмасанг, оғзингдаги ошни олдириб юрасан! Хушёр бўлинг, ҳатто сизни мендан ҳам тортиб оладиганлар чикиб қолади!” дермиш!

Динара ўзига таскин берди: Азимжон акам Ойбаҳорга унаштирилмаган, қолаверса унинг Ойбаҳорга бўлган туйғуларини севги деб бўлармикин? Демак, баҳтим учун курашишга ҳаққим бор!

Собик дугоналар сўнгти танаффусда учрашиб қолишибди. Ойбаҳор лабини буриб, тескари ўтирилди. Динара эса “Ҳимм искирт!” деб тез-тез юқорига кўтарилиди. Ойбаҳорнинг юраги “шув” этди. “Наҳотки, душман бўлиб қолсак? Дунёда йигит куриб кетгандай меникига кўз олайтиришини кизларга айтсан, ундан нафратланишади”.

Динара дарсдан чиқиб-ла онасиға қўнғироқ қилди. Овозида маросим шукухи сезилиб турад, кизининг илтимоси дарров ёдига тушди.

- Паспорting топилди! – деди баҳтиёрлик билан
- Хайрият! Ҳозир уйга бораман. Қаерда экан, ойи?
- Хонангдаги тумбочка оркасида...

- Раҳмат, ойи...

- Келақол, асалим!

Динара режанинг биринчи босқичи амалга ошганидан сакраб-сакраб уйга етиб келди. Ошхона столидан паспортини олиб сумкасига солди-да:

- Энди эҳтиёт қиласман, коллежга бориб келай, - деся миннатдорона қаради.

Дугоналар гийбатлашиб икки соат ўтганини билмай қолишиди. Уйга қайтиб кийимларини алмаштириб чикқонда онаси овқатта уннар, бувиси ўз бўлмасида кампирлар билан сухбатлашиб, “олинг-олинг”лаб ўтиради. Динара режанинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун қулай шароит түғилганини англади ва хонасидан паспортини олиб чиқди-да, кампирлар сухбати кизиган даврага кирди. Улар билан одобли, мулојим қиздек сўрашди.

- Бувижон! – деди унинг ёнига ўтириб, мушукдай мулојимлик билан суйкаланаркан, ийиб кетган кампир унинг бошини силади, - паспортимни кўп йўқотяпман, темир сандигингизда турсин, майлими? Топиш осон бўлади.

Кампир ортиқча ўйланиб ўтирмади.

- Қўя кол, болам!

Назира буви гапи узилиб колишини истамай, камзули чўнтағидан бир шода калит олиб, орасидан сейфникини кўрсатди ва:

- Ўзинг қўй-да, дарров калитни бер! – дея унга узатди. Динара навбатдаги босқичини амалга ошириш учун қулай фурсат түғилганидан суюниб кетди. Ҳаяжонини яшириб, йўлакка чиқди-да, ошхонага бўйлади. Онаси иш билан банд. Янгаси ховли супуряпти.

Тез хонага кириб сейфга калит солди. Паспортини токчасига қўйди-да, асосий ишга ўтди. Овоз чиқармай темир қутичанинг калитини буради. Ранг-баранг шаклдаги тилла буюмларни ва юз доллорликларни кўриб, кизни ҳаяжон босди. Ишининг моҳияти шуурида акс этмаётган бўлса-да, аллақайси нуктада номаълум куч жиноятга кўл урганини эслатаётгандай қўллари қалтирас, танасини совук тер босарди. Тилла занжир билан билакузукни, бир нечта юз доллорликни дастрўмолига ўраб, сийнабандига жойлади. Билакузук каттагина, калин экан, куйлаги кўтарилиб қолди, аммо аёллар бунга эътибор бермасликларини ўйлаб кўнглидаги ғашлик тарқаб кетди.

Сейфни қулфлагач, дераза томондаги диванга ўтириди. Ҳаяжонини босди. Калитларни жамлаган сим халқани күрсаткич бармоғи билан айлантирганча, ўзини дунё билан иши йўқ одамдай тутиб кампирлар олдига кирди. Назира буви ҳеч нарсани сезмади.

- Ўтири, болам! – деди у гап орасида Динарага қарамай.
- Янгамга қарашаман! – деди киз ортига қайриларкан.
- Борақол, асалим!

Буви гапини тўхтатмай қадди расо, ёшлик таровати уфурган, гўзал неварасининг ортидан ҳавас ва хаёлчанлик билан қараб колди.

Киз ҳовлига чиқиб, янгасидан супургини олди. Суприндиларни курак билан девор тагидаги пакирга солди...

Динара бирор кузатмаганига ишонч хосил килгач, хонасига равона бўлди.

Энди буюмларни қаерга беркитади? Асли, хонасига бирор кирмайди, ёстигининг тагида турса бўлаверади... Фақат бувиси сейфдан тилла буюмлар ўғирланганини эрталабгача билиб қолмаса бас! Агар билиб қолса, албатта унинг хонаси тинтилади ва ўғирлиги фош, ўзи шарманда бўлади.

Режасини аъло даражада уddeлаш туфайли туғилган қувонч Динара қалбидаги ҳадик ва хавотирни сиқиб чикарди ва кайфиятига ором бериб, ёстиққа бош кўйди. Қимматбаҳо буюмларни эрталаб олиб кетолса, марра уники!

## 10

Паспорт олиш учун банкка пул тўлаш, хужжатларни топшириб, расмга тушиш керак. Азимжон пулини ҳисоблаб, умидсизлик гирдобида қолди. Кимдан пул сўрайди? Бир ёқда онаси ўғлим йўлкира топади деб кутаётган бўлса! Ошна-огайнию, танишибилишларидан нажот йўқ. Аммо Динара ваъдасини бажарса масала бир қунда ҳал бўлади. Бироқ ундан пул олиш ноқулай!

Азимжон орсизлик ортидан келадиган кўнгилсизлик ҳакида, турори ерга урилиши ҳакида ўйлаб, ўзидан ёзғирди. Етти мучаси соғ, акли-хуши жойида йигит пул тополмасаю, ўн саккиз ёшли навниҳол киз муаммоларини ечишга шаҳд килса! Вазиятни қандай таърифлаш керак? Буники лапашанглигу Динараники улдабуроликми?

Динаранинг омади келди. Ўқишга кетгунча уйда тинчлик ҳукм сурди. Тилла буюмларни сумкасига жойлаб кўчага чиққунча юрагини ҳадик ва хавотир тирнаб, кўркувга солиб турди. Қўллари билинар-билинмас титрар, кўзлари одатдагидан бежо боқар, игна устида ялангоёқ юргандай қадам ташларди. Омади шундай: у режаларини бировга айтмайдиган, амалга ошгандагина қўйил колишларини истайдиган кизлардан эди!

Динара бўшашибган, ландавур, қўлидан иш келмайган тенгкурларини ёқтиримайди. Ҳар қандай ишни йўл топиб уддалайдиган характери борлиги учун кариндош-уруғлари, дугоналари ҳам ёқтиришади. Ҳозир коллежни битираётган бўлса ҳам анчадан бери олди-сотти билан шугулланади, савдода ўртачи бўлиб пул ишлайди, бировнинг телефонини бошқасига сотиб ҳисса олади, кимгадир улгуржи савдодан мол гаплашиб беришни оддий иш деб билади. Ҳамма Динаранинг шунча ишларни уддалаб, ўкишни ҳам қолдирмай юрганига қойил қолади. Учар қиз, қўлидан ҳар иш келади, ёш бўлсаям катталардай уддабуро деган таърифлар билан ортидан гапиришади.

Аммо Азимжонга ишқи тушдию, бирмунча паришон, хаёлчан! Авваллари севгига ўткинчи туйғулар деб карашга интилди. Аммо туйгулар авж олиб, юраги тошиб бораверди. Азимжон хаёлидан кетмай қолди. Кўрмаса туролмайдиган, тез-тез соғинадиган, кўришса, телефонда гаплашса кўксини ҳаловат коплагандай бўлар, сўнг бу дамларни энтикиб эслайдиган бўлди. Уни тушларида кўради, тонгда: бугун акам билан учрашаман, дея ўзига ваъда берса, топиб учрашмагунча тинчимас, согинчи босилмасди.

Лекин шу кунларда қанчалик паришон бўлмасин, конида улдабуролик бўлгани учун ўзини йўқотмади, пуллик ишлар билан шугулланиб турди. Азимжонга йўлкирани шу йўл билан топмоқчиди, аммо чамалаб кўрса, уч-тўрт ой вакт керак. Азимжон эса бир хафтада кетаман деб турибди.

У Азимжоннинг узоққа кетаётганидан ҳафа, Россиянинг аллақайси шахрига кетмай, шу ерда пул топса бўларди, аммо унинг сармояси йўқ! Оиланинг озгина жамғармаси дадасини даволаш, кўмиш ва маросимларни ўтказиш билан барҳам топганини эшишган.

Энди у тилла буюмни тезроқ пул қилиш ва кечки пайт Азимжонга бериш ҳакида ўйларкан, бу ишни бегоналар билан

битирган яхши, деган қарорған келған. Ишни тезлатиш керак! Эрта-индин тилла буюмлар йүқолгани билиниб, оиласа жанжал күтарилса, сири фош бұлади, ҳамкорлари, гурухдошлари олдида ким деган одам бұлади?!

Якин танишларидан ким бор?...

## 11

Рустам машинасини автотурагохға қўйиб, бозорга кирди. Мева растасини айланадиганда телефони жиринглади.

Кизнинг овози жуда таниш, аммо танимади.

- Ўлинг, ака, жиянингизни танимадингиз, бой бұларкансиз...

- Э, Динара, Динара, - деди бирдан кайфияти күтарилиб, - анчадан бері гаплашмай овозинг эсимдан чикибди, узр...

- Майли, кечирдим, аммо битта шарт билан?

- Эшитай-чи?

- Битта нарсани пул килиш керак!

- Долларми?

- Йўқ, ундан қимматроқ....

- Тиллами?

- Хушёrsиз-да!

Рустамжон жим қолди. Сукут маъносини англамаган Динара турли хаёлларга бориб турганда:

- Буюм бозорининг дарвозасига кел, - деди Рустам босик ва сирли овозди, - ўн беш минутда ўша ерда бўламан.

- Хўп , ака.

Динара оёғини кўлга олиб жўнади. Йўналишдаги таксига сабри чидамай такси ёллади. Бозор дарвозасидан кирганда одамлар орасида Рустам кўринди. Кўлида бир олам бозор, ҳатто қўл бериб сўрашишга имкон йўқ. Динара югуриб бориб, бир кўлидаги қизил целлофан ҳалтани олди. Машинагача ҳол-ахвол сўрашиб бориши.

- Олдинга ўтира қол, бемалол гаплашамиз.

Динара хотиржам жойлашгач, сумкасига кўл солди.

- Бу анча қиммат-ку, - деди Рустам буюмларни кўриб кўзлари катта-катта очиларкан, - согаётганингни ота-онанг биладими?

Динара жим қолди. Юзи бироз кизарди. Ўнғайсиз ҳолатта тушдию, аммо ўзини кўлга олди, вазиятта тез мослашиш одати қўл келди.

- Ака, - деди хотиржамлик билан унга қааркан, - битта акачилик қиласиз...

- Буни уйдагилар билса, катта жанжал бўлади, аслида, меники, аммо бувим эрга текканингда бераман, деганлар...

Рустам тўғри хуносага келишга кийналди. Озгина мулоҳаза килди. Динара олди-сотди, ўртада туришни киёмига етказади, аммо баъзан ёлгонниям эшиб қўяди, дея бу ишга аралашмасликка қарор килди.

- Нега ўйланиб қолдингиз, ака? Менга ишонмаяпсизми?

- Гап ишонишдамас, бунақа иш билан шуғулланадиганлар бошқа, истасанг улар билан танишириб қўяман!

Динара иш эрта-индинга чўзилса, Азимжон олдида хижолатда колишини тушуниб ердан кўзини узди-да, Рустамга каради.

- Бугун битира оладими?

- Битирса керак...

Динарани бизнесга, ўртада туриб пул ишлашга, ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса ҳам машина минишга ўргатган Рустам акаси! Ҳар бир ишдан пул топади, ҳеч кимнинг илтимосини битирмай қўймаслиги учун Динара уни хурмат қилади.

Улар вилоят марказига боришли. Тижоратчилар кўчасига кириб, чорраҳадан ўтишгач, ҳашаматли уй кўринди. Кўнгироги чалиниши билан ориқ-новча, корача, ўттиз беш ёшлардаги йигит эшикни очди. Минг йилдан бери кўришмагандай Рустам билан очомлашиб кетди. Ҳовлига бирга киришдию, уйга Динарани таклиф қилишмади. Рустам мезбоннинг орқасидан кираётганда “Машинада ўтириб тур” дегандай имо қилди. Динара ҳайрон, мол уники, савдо, келишувда қатнашиши керак-ку. Кўнглига аллақандай гумонлар келди. Тилла буюмларни бирор олиб кўядигандай маҳкам ушлаганча эшик очилишига қараб ўтирди. Ниҳоят, Рустамнинг башараси кўринди. Машина эшигини қия очди-да,:

- Энди сенга навбат келди, юр! – деди.

Уй ичкариси ташки ҳашаматдан зўрроқ, жим-жимаси, нақшинкор эшикларга гап йўқ, йўлакларга энг замонавий гилам тўшалган. Сўритокка ўрнатилган ингичка турубанинг ҳар еридан отилаётган майда-майда сув томчилари ҳовли ҳавосини намлаш билан бирга ичкарига ҳам таъсир қилгандай йўлакдан намхуш ҳаво

анқийди. Динара манзарани ҳайрат билан кузатиб, улар оритидан меҳмонхона ёнидаги маҳсус хонага кирди.

- Ҳалигини ол! – деди Рустам.

Динара тилла буюмларни дастрўмолдан ажратиб мезбонга узутди. У иккаласини тарозида тортиш учун ичкарига кираётганда Рустам тўхтатди.

- Ахрорбек, тарозини шу ерга олиб чиқсангиз, сотувчи грамини кўрса!

- Тўғри таклиф! – деди Ахрор аввалдан келишиб қўйгандай тезкорлик билан. У зирак билан троени стол устига қўйди-да, тарози олиб чиқди ва уларни тортиб, грамини айтди.

- Пулинни айтинг, – деди Рустам, ўзини хотиржам тутиб, – синглимизга пул бугунга керак, шунинг учун сотяпган...

- Тушунарли...

Аҳорор телефон калкуляторини ёқиб, роса ҳисоб-китоб килгач:

- Бир ярим минг доллар бера оламан! – деди стулга ўтириб.

У негадир Динарага сира парво қилмасдан, фақат Рустамга караб гапириши нархидан ва грамидан уриш учун ўргасида сирли келишувдан дарак берәётганга ўхшарди.

- Жуда арzonмасми?

- Элқатори нарх, оғирлигини ўлчаб чиқдим, ишонмасаларни ўзларинг тортиб кўринглар, тарози алдамайди.

Рустам “Нарх қониқтирадими?” дегандай Динарага қаради. Кўзларида нархдан норозилик яққол кўриниб тургани учун Рустамнинг саволи омонатгина энтиларди.

- Мўлжалимда, уч минг долларга борарди...

Динаранинг кўксисида тилла буюмларни ўғирлаб чиққани боис оғир руҳий безовталиқ, айборлик хисси кучайиб бораётгани учун тезроқ пулни олиб, бу ердан кетишни кўзлаб Рустамга қаради.

- Ҳеч бўлмаса, икки ярим минг бериши керак демокчимисан?

- Балки... – кулимсиради қиз.

Боядан бери миясида “Мендан олганингизни биронга айтмаслик шарти билан сотаман”, деган гап айланастгани учун нарх тўғрисида тортишмоқчи эмасди. Аммо дадил бўлмаса, ютказиб кўйиши мумкин!

- Бозорда уч мингдан камига бермасдим...

- Тўғри, аммо уйда турганингизни, нақдга сотаётганингизни унутманг, синглими!

Ахрор баъзан жиддий тортар, мақсади – яхшигина ўлжани кўлдан чиқармаслик учун ҳийла ишлатаётганга ўхшарди.

- Биламан, икки ярим минг беринг, иккови сизники!

- Ёрдам қилинг, Ахрорбек! – дея гапни илиб кетди боядан бери жим турган Рустам, - пулга зориқиб келган...

Динара шаҳардаги тилла бозорида кўп бўлган, хотинлар сирга ёки узук, тилла занжир оладиган бўлса, аввал роса айланни тиллафурушлардан нархини сўраб суриштиради. Суммаларни танишига айтади. Сўнг ўзига ёқсанига харидор бўлса, роса тортишади. Айримлари тиллафуруш жонидан тўйгандагина бир тўхтамга келади. Унинг назарида, иш осонгина битиши замирида Рустам билан Ахрорнинг манфаатдорлик ўйини бор деган фикр Динаранинг миясига яна бир карра ўрнашиб олди.

“Таваккал, - деди ичида, - зато ишим битяптию...”

Ахрор Динарага икки минг долларни санаб берганидан кейин у машинага чикиб кетди, икковлари бошқа масала(гўё)да маслаҳатлашиш учун қолдилар.

Динара Рустамга қўнғироқ қилиб боя айтолмаган гапни Ахрорга гапириб қўйишини илтимос қилди, шундагина қўнгли сал хотиржам тортди, аммо “Ҳеч бўлмаса икки юз долларга алдандим!” деган фикр ва шубҳа Азимжонга қўнғироқ қилгунча юрагини ғашлаб турди.

Бу пайт Азимжон уйда, онаси рўзгор ишлари билан шугулланиб юрар, қўнглида “Нега Азимжон йўлкира кидирмаяпти?” деган савол айланадаётган бўлса-да, ўғлига айтишга тортинадаётганди.

## 12

Азимжон тоғаси ва шериклари билан аэропорт юхонасига сумкаларини топшириб, чипталарини рўйхатдан ўтказиш учун кетишаётганда телефони мусика чалди. “Ойбаҳор!” - дея шошилиб экранга каради. Динаранинг рақамига кўзи тушдию ҳафсаласи пир бўлди. Аммо боғланиш керак!

- Эшитаман!

- Аэропорт ташқарисига чиқсангиз...

Азимжон ҳайратда. “Кузатгани келибди-я! Бало бу қиз!”.

Орадан сирғалиб ташқарига чикқач, атрофга аланглаб турганда телефони садо берди.

- Ака, ўнгта қаранг!

Қиз этаклари кенг, қизил ҳошияли оппок куйлак, бежирим туфли кийиб, сочини сұнгти русумда турмаклаттан, банди узун сумкасими этаклари узра силкитиб, қоматини түлғонтириб турарди. Хайрлашув учун алохидә тайёрлангани, севган ва севилган қиздай ўз түйгүлари билан мастилиги Азимжонни бефарқ қолдирмади. Кузаттани келгани уни қанчалик қойил қолдирған бұлса, күз олдидә фариштадай туриши ҳайрат ва таажжуб уммонаига ғарқ килаёттанди. “Наҳотки, шу гүзал қиз мени севса, кузаттани келган бўлса?!“

Қўллар бирлашганда иссик тафти икки карпа кучайди.

- Динарахон, сизни анча хизматта қўйдим. Аммо ҳозир бошқа нарсани айтмоқчиман!

- Нимани?

- Кулогингизга айтаман...

- Майли! – қиз унга яқинлашиб қулғини тутди.

- Жудаям очилиб кетисиз, наҳотки шу қиз Динарахон бўлса, деб ҳайратдаман!

- Наҳотки... мен оддий қиз бўлсан...

Қиз дарёдай тошаётган түйгүларини жиловлашга интилар, аммо уддасидан чиқолмай, йигитга томон талпинарди. Шу лаҳзада Азимжон битта ўпид олса мазза қилган бўларди. Ундан жасорат чиқмади десак, хато қиласиз, юрагидан отилиб келаётган журъатни Ойбаҳорга бўлган жўшкун түйгүлари куролланган соқчидал тўсиб олгани туфайли икки ёшнинг ўртасидаги масофа озгина кисқардио, яна ўз ҳолатига кайтди. Динарада эса “Бундай даққикаларда нокерак андишани йиғишириш керак!” деган фикр туғилди, аммо бутун вужудидаги ҳаё-андишани қалбига тўплаб ўзини бу ишдан тийиб олгач, Азимжондан ҳафалиги тарқалиб кетди.

- Хурсандман, ака, раҳмат! – викор билан эркаланди қиз, - сизни кузатиш бурчим, севган одаминг бегона юртга кетса, оқ йўл тилайсан-да, тўғрими?

- Тўғри, аммо...

- Эсон-омон бориб келинг, ўзингизни эҳтиёт қилинг, тез-тез кўнғироқ килиб туринг.

-Албатта, қиласман...

-Ваъдангизни унумтманг!

Азимжон ҳайрон, бир вақтлар Ойбаҳорга вазда берганини эслайди аммо.. ҳа, эсига тушди, йўлкира топилганига хурсанд бўлганда... у атай талмовсиради.

-Қайси?

Бирдан Азимжоннинг телефони нола қилди.

- Алло!

Суҳбат бўлинди, аммо Азимжон ёш боладай севиниб кетди, кўзлари чақнади.

- Э, Ойбаҳор! Бормисиз? Бир соат кечикканингизда мени тополмасдингиз...

- Нега?

- Россияга кетяпман!

- Ишлаганими?

- Ҳа, аэропортдаман, бир соатдан кейин самолётга ўтирамиз.

Азимжон ўз қувончига берилиб, Динара Ойбаҳорни ёмон кўраётганини сезмас, тескари ўтирилиб, нарида гаплашаётгани кизга оғир ботаётганди.

Динара ўзини босишига интилди. Ойбаҳорга нисбатан уйгонаётган ғазаб ва нафрати лабларида титроқ, кўлларида мушт шаклида кўринар, Азимжон олдида ўзини имтиёзли, кадрли хисоблаётгани учун Ойбаҳор ўргадаги суллоҳдай таассурот колдиради. Азимжон Ойбаҳорни унугиб, ўзи томон оғаётганига ишонганди. Кўнғироқ бу ишончга путур етказди.

Киз гапларини аниқ тушунмаса ҳам севгисини ошкор қилиб, Азимжоннинг ваъдасини оладиган нозик лаҳзаларда унинг кўнғироғи режасини чиппакка чиқаргани нафратига нафрат кўшарди.

Динара четроқда бир марта ўпишиб хайрлашмоқчи, кейин уни эслаб юрмоқчийди.

Азимжоннинг тоғаси чақириб, рўйхатдан ўтиш навбати келганини айтгач, у Динара билан кисқа хайрлашмоқчи бўлди.

- Телефонингизни бериб туринг, ака! – илтимос қилди Динара.

Динара Ойбаҳорнинг рақамини терди

- Ҳей, Ойбаҳор, сен овора бўлма, ўзим кузатяпман, хотиржам бўл, Азимжон акам ишончли қўлларда!

Қиз алоқани узиб, аппаратни узатди. Азимжон күл силкиб хайрлашди ва шошганча залга кириб кетди.

Бир соатдан кейин самолёт осмонга кўтарилиди. Қалбининг яримини ғам, ярмини муҳаббат эгаллаган қизнинг ниятлари армонга айланди. Қисматнинг шу аччиқ лаҳзаларида Ойбаҳордан ўч олиш, уни йўлдан олиб ташлашдек мудхиш режа туғилди...

Самолёт осмонга кўтарилиб, ўз йўлига тушгач, авиасалон тинчили ёки қулоклар шовкинга кўнилди. Ҳамма ўзи билан овора, Азимжон мудрагандай кўзини юмди. Ойбаҳор билан телефонда хайрлашганидан хурсанд, Динара билан у кутгандай хайрлашолмай кўнгли ғаш. Кўксидаги ғам ва қувонч ёнма-ён турибди...

Кўнгли Ойбаҳорга талпиняпти, Динарага эътиборли бўлмаслигининг иложи йўқ. Бирини севади, иккинчисидан қарздор!

- Ишқилиб, - ўйлади у, - шу туфайли келишовчилик чикмасайди...

Бу фикрни ўйламасликка интилса ҳам юрагини ҳадик ва ҳавотир ўраб борарди...

Кўзларини юмби муложаза дарёсига ғарқ бўлди: олис юртга шундай мужмал кайфиятда кетаётганидан ҳавотирда...

\* \* \*

Оиланинг барча аъзолари каби Ойбаҳор ҳам кутилмаган кўнгилсизликдан изтиробда. Отаси Ғуломжон киракашлик килаётган янги ижара “Нексия”ни бетон тўсиққа уриб олди. Чап канот пачоқланиб, фара синди.

Ғуломжон тўрт йилдан бери вилоят марказига, гоҳо Тошкентта катнаб, катта-катта пул топаётган, тириклик фаровон эди. Ҳатто Ойбаҳор Динарага ўхшаган чапдаст кизларга қўшилиб каратэ клубига қатнаган, вилоятда яхши ўринларни олгани учун отаси пулни қизғонмасди. Кейин мусиқага кизиқканда пианино олиб берди. Қизнинг тарбияси ва талантидан хурсанд. Ўғли мактабга пул сўраса, оғринмай бераётган, ўзи ҳам улфатларига қўшилиб, чойхонада паловхўрлик қилиб юрувди.

Автоҳалокат оиласи ларзага келтирди, кўнгилларни машина ойнасидай чил-чия синдириди. Ҳамма Ғуломжоннинг кайфиятига караб ҳаракат қиласидиган бўлиб қолди.

У машинани уйга ўраб кўйганига уч-тўрт кун бўлди. Эгасига билдирмади. Қарзи кўпайиб, оиласа келаётган даромад тўхтаган!

Ғуломжон қарз күтариб, машинани ўнглатмоқчи, аммо мұлжаидаги пул яқинларидан топилмаяпти. Нима қилишга боши котта!

Ошаңор әрталаб ўқишиң кетиш олдидан онасининг күзига карайи. Бу пул дегани. Онаси минг андишаю, құркув билан Ғуломжонға гапиради. Бундай ҳолат түрт күн давом эттач, бешинчи күни “Коллежга бормайман!” деди. Онаси ачиниб турибди, аммо Ғуломжондан пул сүролмаяпти. Сүнг “Майли!” дей имо қилди. Отаси үй сурганча күчага чиқиб кеттандан сүнг она-бола пичириша бошлашди...

Кета яқин Ғуломжон сал кайфияти күтарилиб кириб келди.

- Қумуш! – деб хотинини тезкор чакырди.

Ал ошхонадан чопиб чикди-да, эри кириб кеттган хонага борды

Харожаттинг ярмини қолпайдыган пул топдым, уста билан гаплашым, ярим кечада машинани устахонага олиб кетамиз, ҳеч ким ғимасин, бу - бир; иккінчеси, аканғта бориб, икки юз доллар топибдел, майлимі?

Імущү үйланиб қолди. Акаси Ҳамид берса-ку, яхши! “Хозир иложын йүк!” деса, сиқилиб қолган Ғуломжоннинг олдида ким дегаңдам бұламан!” дей изтиробга тущди. Лекин “Сүролмайман!” дейишидам түгри бұлмайди. У бир неча сонияда шундай сиқиүлдікі, юрапорзықиб кетди.

Сраб күрарман! – деди сүнг ўзини құлга олиб.

Мужмал гапни күй, хотин! – деди Ғуломжон масалага түгри ёндоши керак деган маънени бүрттиаркан, - имкони бўлмаса, хижигта кўймайлик! Унда шунчак пул бормикин?

Түгрисини айтсам, билмайман, дадаси! Бегонадан сұраган яхши!

Масалан, кимдан?

Ижоратчи ўртоғим Маъсудадан!

Убировга бир сүм берса ухлолмайди, дейишиди-ку!

Физга беради...

Ғуломжон қайғуга ботди: “Бу ёқда семириб турған қарзлар етмаиди?”

Түгри келмайди. Бошка йўлини топиш керак!

Ғуломжон ярим тунда “Нексия”ни қўшиносининг “ЗИЛ”ига шаша олдириб устага кетди. Кумуш эса Россияда ишлаётган

туғишиңан опаси Зебога құнғироқ қилиб вазиятни тушунтириди-да, икки юз доллар жүнатып юборишини илтимос қилди. Аммо опа бирдан жавоб қайтарди.

- Йиглаб келувдим, хұнграб күришди, деган гапни эшитгансам? - ҳасратини айтди Зебо.

У катта үғли билан ишлаб, дурустгина пул топаётганди. Үн беш кун аввал томдан бетон синиги тушиб кетиб, Тохиржоннинг кўли синибди ва уни касалхонага жойлаш ва муолажалар жамғармаснни аждарходай ютиб юборибди. Агар пул зарур бўлса, оиласий келиб ишлашини маслаҳат берди ва иш топишга ёрдам беражагини билдириди...

· Кумуш аввалига опасидан ҳафа бўлди, лекин инсон бошига ҳар хил ташвиш тушишини ўйларкан, ўзини койиди. Ошхонада майдачуда ишлар билан куйманиб, хаёлга чўмди. “Балки опамнинг гапи тўғридир? Комронни уйлаш, жойидан чиқиб қолса, Ойбаҳорни куёвга бериш учун катта-катта пул керак! Агар иккаламиз бирор йил ишлаб келсак, қийналмай тўй қилардик! Аммо Ғулом акам қўнчармикин?!”

Кумуш – опалари (улар болалари билан овора) билан эмас, зийрак ва доно қизи Ойбаҳор билан сирдош, ҳамдард. Опасингилдай ҳамма ишни маелаҳатлашиб килишади. Феъл-автори бир-бирига яқин: қалби тоза, бирорвга факат яхшилик истайдиган, қўнгли очик: Кумуш эрталаб нонуштада опасининг гапларини унга айтди.

- Оиласий бормаймизми, ойи? – деди Ойбаҳор худди дадаси рухсат берадигандай, - Эрта-индин диплом оламан, бу ердан иш топиш осонмас-ку! - деди ярим ҳазил, ярим чин қилиб. Онаси бир кулиб қўидиу, яна ўйга толди...

“Ойбаҳор шунчаки қизиқицга гапирди, аммо замирида ҳакиқат бор, - ўйлади Кумуш, - эрта-индин диплом олади, қаерга жойлаймиз? Гурух раҳбари “Чорак ставка ишлайди” деган маълумотнома билан делосини ёпди, аслида ҳеч қаерда ишламайди! Унга иш исташ дадасининг қўнглига сиғмайди!”

Дадаси ярим тунда кетган бўйича келмади, қўнғироқ ҳам килмади. Она-бала хавотир билан бир-бирларига қарашар, кечки овқатта уринишаётган вактда ҳам нима бўлдийкин деб бир-бирларидан сўрашни канда килишмасди. Овқат пишди, газни ўчириб, ҳовлида майдачуда ишлар билан овора юришди. Кеч

кирди. Дадасидан дарак йүк, телефонига тушиб бўлмаяпти. “Боғланиш мумкин эмас!” деган ёқимсиз овоз икковиларининг ғашита теккан лаҳзаларда Ойбаҳорни бирор чақирди.

- Қара-чи! – деди Кумуш кўзи билан дарвозани имлаб.

Ойбаҳор дарвозани очиб, ташқарига мўраллаши билан бирор кўполлик билан кийимидан тортиб, оғзини беркитди ва иккинчиси оёқ ва белидан кўтариб ўриндикка ётқизишган сонияда машина яшин тезлигига юриб кетди. Ойбаҳор бир нафасда рўй берган воқеани идрок этолмай ўзини у ёқ-бу ёққа ташлагани билан забардаст қўллардан чиқолмай, нафас олиши қийинлашиб толика бошлади. Руҳиятини ваҳимали қоронғилик саросимага солиб кўйди. Икки томонга қайрилган қўлини барзангисифат одам босиб олгани учун қимирлатишнинг иложи йўқ. Шу пайт оёгини қимирлатиб машина ойнасини бир тепди. Забардаст қўл иккала оёгини бирлаштириб, ўриндикка силтаб урганда суюклари зирқираб кетгандай бўлди. Ойбаҳор оғзи беркитилгани учун овоз чиқаролмас, нафас олиши қийинлашиб боши айланарди.

Қанча юрилгани, қаёққа кетилгани номаълум, одам шарпасидан узок, коронғи жойга келишгач, кўзларини қора мато билан боғлашди, қўлини чилвир билан танғишиди.

Боядан бери Ойбаҳор атрофида иккита шарпа ҳаракатда эди, бироздан кейин иккаласи йўқолди. Сўнг биттаси пайдо бўлиб, хона чироғини ёқди. Кўзи қора мато билан боғланган бўлса-да, электр чироғининг нури нимёруғ ҳолатда кўзига сезилиб турарди. Дақиқаларни ваҳима ичиди, игна устида ўтказаётган Ойбаҳор калбидан бир шуъла сезгандай бўлди. Бирор аввал унинг қўлини, сўнг кўзини ечди. Қизнинг кўзлари чироқ нурига бардош беролмай қамашди. Бир неча марта юмиб очгандан кейин кўз олдида гирашира одамсифат нарса кўринди. Икки дақиқа ўтгач, унинг одам ва ёш йигит эканлиги маълум бўлди. Атроф шуурида акс этиб, воқеликни идрок эта бошлагандан бирдан чироқ ўчди ва йигит бирдан унга ташланди-да тўшакка ётқизиб юзларидан ўпа бошлади.

- Кимсан? Кўйвор мени, ифлос! – дея кучининг борича итарди қиз. Йигит бақувват экан, бир зарб билан уни тўшакка йикитди ва халатини ечиб ташлади. Қиз елкаси билан кўкси ўртасига тушган муштдан эси оғиб қолай деди. Аммо қаратэ клубида устози ўргатган бир-иккита усууллар эсига тушиб, кўркувни енга бошлади. У йигитнинг хансираб, палапартиш ҳаракатларидан номусига

тажовузни илғаб қолди-да, оёғини унинг тагидан олиб, башарасига зарб билан тепди. У боши билан деворга урилди, аммо маймундай эпчиллик билан туриб, яна кизни маҳкам ушлади ва қулок чаккасига оғир мушт солди. Қиз орқасига ағдарилди. Қўли қаттиқ чўзиқ нарсага тегиб оғриди. Илкс қараса, арматурадан ясалган козик! Уни қўлга олди-да, устига ўрмалаётган йигитнинг бели аралаш думбасига солди. Йигит додлаб юборди, аммо ўзини қўлга олиб улгурмай бошига қаттиқ темир урилди. У гангиб қолди. Бундан фойдаланган киз уни яна икки марта урди, йигит чаккасидан қон сизиб, ёнига кулади. Ойбаҳор кўркув билан унга карадио, бояги чилвир билан душманнинг қўлини боғлади. Ғазаби қўзғалган, номусига тегмоқчи бўлғанлари нафрат, кучига куч кўшаётган эди. Гарчи йигит юzlари\*қонга беланиб инграб ётган бўлса-да, ўлиб қолиши хаёлига келмай, қиз даст турди-да, халатини кийди, белини боғлаб, ташқарига отилди. Афсус, қоронғиликда ҳеч қаерни қўриб бўлмасди, уни олиб келган машина йўқ, атроф жимжит, коронғилик қуюклашиб бораарди. Юлдузларга қаради. Сўнг олисдан машина овози келди. Дараҳтзор оралаб келаётгандай бўлди. Шундагина ўша томонда катта йўл борлигини, боскинчиларнинг машинаси шу йўлдан келганини англаш қолди. Бироздан кейин кўзи қоронғилик орасидаги қатор дараҳтларни, уларнинг ўртасида йўл борлигини пайқади. Ва машинадаги одам қўриб қолмаслиги учун тутқатор орқасидан юриб, катта йўяга чиқиб олишни мўлжал қилди...

Дараҳт орқасида пусиб ўтириб, машинани ўтказиб юборгач, йўлга тушиб олди-да, жонининг борича югурди, югураверди, югураверди, майда тошлар оёғига ботганига ҳам парво қилмасди. Ортига қараб-қараб, ҳансирашиб, кўркув ичида юргурганда чарчоқ ҳам билинмади. Катта йўлга якинлашганда узоқдан бир нечта машиналар бир-бирини қувлагандай келарди, йўл бўйига чиқиб қўл кўтарди, аммо машина тўхтамади, фақат биттаси чироғини бир ўчириб ёқди, ундан ўтиб, сал секинлади, қиз югуриб етайдеганда машина теззаб кетди. Ҳайдовчининг ўйин қилганини тушунган киз ёмон сўз айтмаслик учун тишини тишига босди, қўлини мушт килиб силтади...

Катта йўл четидан кучининг борича одимларкан, кўз олдида бояги йигитнинг қиёфаси гавдалана бошлади. Уни қаердадир кўрган, башараси таниш, аммо ким у, қаерда яшайди, нима учун

уни зўравонлик билан олиб келди? Бу саволларга жавоб тополмас, ўйлаган сайн юрагига ваҳима тушарди. Яхшиям қўлига темир козиқ тушиб, ўзини қутқаришга эришди. Акс ҳолда ҳозир номусидан ажраган, вижданни олдида ҳам, келажакда ҳам шармандаи шармисор бўлиши тайин эди! Худога минг шукрки, ўзи бир асради...

Машина чироги кўринди, у йўл ўртасига чикди-да, кўлларини кўтариб:

- Тўхтанг, мени олиб кетинг, илтимос! – дея овозининг борича бакирди. “Нексия” тормоз берди, балонлари “чийиллаб” қизнинг оёти остида тўхтади. Ҳайдовчи машинадан тушди-да, олдига келди. Ойбаҳор илкс унга қаради. Оқ соколли, катта ёшли киши экан.

- Эй, қизим, қанака одамсан, кўл кўтарсанг тўхтардиму, жонимни чиқариворай дединг-ку!

Отахоннинг раити ўчган, лаблари титрайди. Аммо қизнинг холатини тушунди шекилли, ғазабини босиб, уни машинага ўtkazdi. Бироз юришгандан кейин:

- Бемахалда нима қилиб юрибсан?

Унинг овозида бироз белисандлик ва ёмон ишга ишора киладиган оҳанг бор эди.

Ойбаҳор кафти билан юзини беркитиб йиглаб юборди. Ҳозирги туриши, ҳолати яхши маъно англатмаслигини мулоҳаза қиласкан, ўзини таҳкирланган, шармандаи шармисор қилинган инсондай сезиб, ер ёримадио, срга кирмади. “Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми? Энди у билан кўча-кўйда учрашиб қолсак, кўзига қандай карайман, таниш-билишларига гапирса, ота-онамни ҳам шарманда киламайми? Ҳозир унга қандай жавоб қиласман?”

- Йиглама, тинчликми, ўзи? Бонингта бирор иш тушдими? – ота унга ташвишнок қаради.

- Йўқ ота, ҳаммаси яхши, озгина англацийловчилик...

- Ердам керакмасми?

- Йўқ, раҳмат, шаҳарга етиб олсам бўлди...

Кўчаларга караб сездики, уйлари томонга тўғри кетгапти. Катта ёшли, инсоғли одамга учраганидан севинганча бояги зўравонга ўхшаган ҳайдовчига дуч келганимда нима қиласдим дея ичи титраб кетди.

Кария билан сұхбатда уй манзили, ота-отаси ва ўзи ҳакидаги барча маълумотларни бошқача айтишга мажбур бўлди...

Уйларига берирокда отага минг раҳмат айтиб машинадан тушди. Куйлагининг йиртилган жойини ҳалати билан түсіб уйга кирганды онаси титраб-қақшаб яланғда юрарди...

Асаблари чарчаган, руҳан толиқкан, оёқлари зиркираб оғриёттган Ойбаҳор ўпкаси тұлиб, күзига дув-дув ёш келди ва әнасига яқинлашиб, ўзини ташлаб юборди...

### 13

Динара ўқишидан чиқиб, онаси билан бозорда савдо қиласыннан дугонаси Мунавварникига кирди. Кечаги пулларнинг бир қисмени бирорға айтмаслик шарти билан уларга фоизга бермоқчиди. Афсус, онаси Тошкент үлгуржи бозорига молга кеттеган экан...

Киз маҳалласига кириб, уйлари олдида тоғасининг “Каптива”сини күрдио, юраги “шув” этди. Қувончи бир зумда аллақаеккә йүқолиб кетди. “Бежиз келмаган, муаммо туғыздығына уни чақиришади!” – дея уйга кирапкан, қариндошлар күплигидан капалаги учыб кетай деди. Улар ром уйда ғала-говур килиб үтиришибди. Тоға баланд-баланд гапиради, ҳамма жимиганда бой хотин – бувисининг жаранглаган овози эштилади.

- Бобонг үлганига ўн йилдан үтди, пўлат сандигидан менинг рухсатимсиз бирор игна ҳам олмаган. Шунча нарса қандай килиб изсиз йўқолади. Сен Муродали, булар билан серёзний гаплаш, эртагача нарсаларим ўрнида бўлмаса, милициядан ит олиб келиб ҳаммани исқатаман! Бунақа шармандаликтин уруғим кўрмаган, ҳовлимга келганлар туфайлими, ўзимникларми, хуллас, шу иш бўлди! Агар жойига кўйилса, гап шу ерда қолади, ўзим топиб олсан, олганинг изини қираман!

Буви бирордан гумони йўқлиги, аммо ўғри шу ердалигини айтиб, келин ва қизлари, катта набираларини нимадир деб тилга олди, улар орасида ўзининг номи йўқлигидан Динара севиниб, оёқ учида ҳонасига ўтиб кетди.

Вазият таранг, ит топиб олса шармандаликтан кутулиш учун узокқа кетиш ҳақида ўйларди қиз...

Ҳамма тарқалди. Динара дунё бехабарлигини кўрсатиш учун телефонига наушник улаб аштула эшитар, онаси кирганини сезмагандай тутарди ўзини. Шарпа сезгандай у жагини кўксига теккизиб әнасига қаради.

- Тинчликми, ойи, тогам нега келдилар?

Онаси “хее” дея құл силтади. Аммо ниманидир мuloҳаза килдио:

- Шу матоҳингни йиғиштири! – деди жаҳл аралаш она. Динара наушнинкни телефон билан сумкасига солиб қўйди.

- Сейфдан бувингнинг тишила буюмлари йўқолибди!

- А?!

- Ҳа! Нега оғзинг очилади?

- Қандай қилиб? Шунча нарсани-я, тагин сейфдан...

- Қўли эгри бўлгандан кейин уйданми, дўконданми олади-да!

Ўғрига мол қаҳатми?

- Тавба, ким қиласди, а, шунақа ишларни, кўркмаганини?

Онаси бир неча сония жим турди, шкаф эшигини очиб алланарса қидирди, аммо бир нарса эсига тушди шекилли, трюмо яшигини очиб целлофанга уралган мато олди.

- Бу гапларни бирор билмасин, тушундингми?

- Ҳа, ойи!

- Анави гезармай ўлгур зоти пастдан чиқади бунақа хунар!

Динара тушунди. Онаси Малоҳат кичик овсини Назихани назарда тутягти. У акасининг дўконидан рўмол, боласига жемпер ўғирлаганда шарманда қилиб ушлаб олинган, йиғи-сиги билан тавба-тазарру қилган, бувиси ва акаси кечирган, аммо ўшандан бери катта оиласа нима йўқолса, “Еса ҳам, емаса ҳам бўрининг оғзи кой” қабилида ҳамма унга шубҳа билан қарайди.

Бирдан Динаранинг телефони жиринглади. У ташқарига чиқиб кетди ва беш минутдан кейин кириб:

- Ойи, - деди қўзлари қувнаб, - дугонам Саида эрга тегяпти, бугун вечер, кўп кизлар ётиб қолади, тезроқ кел, дейишияпти...

Динара дадаси рухсат берсагина тўйга борарди, у яқинда бизнес ҳамкорлари билан Россияга кетаётганда рухсат масъулиятини онасига қолдирганди.

Она ўйланиб турди-да, ишини давом эттирди. Киз унинг муложазаларини тушунмай хавотирга тушаркан, кўксисда бетоқатлик бошлианди.

- Бормасам бўлмайди, ойи! Курсимиздаги биринчи тўй!

- Кетавер, - деди она унга қарамай, - эҳтиёт бўл!

Динара югуриб келди-да, онасини икки юзидан чўлпиллатиб ўпиди олди...

Тоға-жиян Санкт-Петербург халқаро аэропортида юклари чиқиб, рўйхатдан ўтишгунча бир соатдан кўпроқ туришди. Каримжон конун-қоидаларни билгани учун ҳар бир расмиятчиликни сабр-төкат, вазминлик билан бажарарди. Азимжон эса дунёга донға кетган, муҳим тарихий-сиёсий воқеаларни шонли ўтмишига жамлаган шаҳарга тезроқ кириш, телевизор ва киноларда тез-тез кўзи тушадиган машҳур биноларни кўриш, одамлар ва уларнинг ҳаёти билан танишиш интиёқида майдა-чўйда расмиятчиликлар тезроқ тугашини кутарди.

Аэропортдан чиқишганда куёш чараклаб турарди, машинага ўтириб, квартирага етишганда бирдан ҳавонинг авзойи бузилди, атроф намкоронги тусга кириб, юракка ҳавотигир солаётгандга ўхшарди. Бизда бундай ҳолатни “Ёнгир ҳавоси келди!” дейишади. Рухиятига тасир қиласидиган бу салқин ва тунд мухит шаҳарни кўрганда тошиб келаётган туйғуларга хирадик сололмас, улкан бинолар ва деразадан кўринган муazzам шаҳар манзаралари рухиятни ёлқинлантириб юборарди.

Икки хоналик квартирада тўрт киши туришаркан, улар кўшилишди. Оғир сумкаларни аввалига шкаф ёнига устма-уст кўйишди, тамадди килиб бўлишгандан кейин дераза томондаги сандикка ўхшаш яшикка жойлашди. Кичкина хонада ўзи яшаган самарқандлик Самад тоға-жиянга хонани бўшатиб шериклари турган катта хонага кўчди. Улар бир мунча зеркин нафас олиб, буюмларини жойлаштиришди. Икковига иккита диван, матрас-кўрпа бор. Ўзлари олиб келган чойшаб ва кўрпажилларни диванга солишиди. Уузун солли шёткада хонани тозалашди, сўнг пол ва дераза токчаларию, бошқа жиҳозларнинг устини артиб чиқишиди. Дераза раҳига кўшимча тахта коқиб ўрнатилган, ўтган йили Карим тоға Ўзбекистондан олиб келган мўъжазгина телевизорни авайлабгина артишди-да, антеннасини улаб кўйишиди.

Тушликда ҳамма балкондаги мослаштирилган ошхонада овқатланди. Кечга яқин Карим тоға Азимжонни шаҳарни айлантиргани олиб чиқди...

Биринчи Нива дарёсини кўргани боришиди. Боя ташқарига чиқишаётгандага Самад Карим тоғага симкартани бериб:

- Озгинадан пул тушириб ишлатиб турдим, компания узиб кўймади, хозир эллик цент пули бор! – деди.

Карим тога сим картани телефонига солиб, дарров уйига күнғирок килди. Яхши етиб келишганини айтиб, Азимжоннинг онасига ҳам айтиб қўйишларини тайинлади. Азимжон хортиржам тортди, аммо бу лаҳзаларда Динара ва Ойбаҳорга қандай күнғирок қилишни ўйлар, тогдан телефонни олиб дарров қизларга қилса, унинг кўнглига “Онангдан қизлар устун бўлдими?” деган фикр келиши мумкин!

Нива бўйларини айланишаркан, Азимжон ўзини қизиқтирган, кўрган-билганлари тўгрисида саволлар берар, жавобдан кониккандан кейингина йўлда давом этарди. Каттакон кўприк, унинг очилиб ёпилиши ҳақидаги гаплар, қурилиш ва қўтариш кучи, узунлиги, қачон қурилгани ҳақида майдалаб сўрай бошлаганда:

- Мен сенга Питер тарихи билан шуғулланган олиммидим? – деди унга қараб жилмаяркан тоға.

Бу гап Азимжонни қониқтиրмаслигини тоға яхши англади, эшитган-билганларини жамлаб, унга муҳим маълумотлар берди. Аммо кўприк тарихи ечилмай қолди. Сон-саноқсиз кемалар, қайикларда сузиб юрган сайёхларни кўрганда Азимжон ўзини бу ерларга учирив келган тақдир шамолидан хурсанд бўлиб, Аллоҳга шукrona айтарди. Улкан кўприк, муаззам салоҳият билан милмиллаб оқаётган дарёга боксанда эса севинч ва ғурур, таассуротлар тошкени юрагини ёриб чиқай дер, ҳаётида илк бор содир бўлаётган шукухли, ҳайратбахш лаҳзалар хотира катларига ўрнашиб борарди.

Улар “Белый ночь” кафесида овқатланиши ва трамвайдада юриб, асосий кўчаларни томоша қилишди. Азимжон йигирма-ўттиз каватли замонавий биноларни, подию замонида қурилган эски ғиштин иморатлар ва турли-туман ҳайкалларни инсон туйғулари ва ҳайратини жунбушга келтирувчи мўъжиза сифатида томоша килди, улар кўз олдидан зумда ўтдию, заковатини шошириб кўйди. Каттакатта йўлакларни тўлдириб, дарёдай оқаётган одамлар ҳаёти ва турмуш тарзини тасаввур қилишга уринарди. Катта йўлдан виз-виз ўтаётган машиналар эса уни бир қанча вақт хушини ўғирлади. Шаҳар одамларига, ёшлинига ҳавас қилди: ўзига хос дунёқаращ, фикрлаш ва замонавийлик, ғурур ва викор бағишлапини ўйларкан, шунга имкон яратган ёнидаги тоғасидан миннатдор бўла бошлади. Квартирага қайтишаётганда жўшкни қайфият ва хузурбахш таассуротлар олдида Ойбаҳор тұғдирган муҳаббат унчалик катта

куч эмаслигини англиш уни янги, бир неча соатда улгайган ақлу шуур сохибига айлантирганди. Питерга келиб, дунёни теран англиш ва кенгрөк тушунчага эга бўлиш йўлида катта қадам кўйганидан жуда-жуда хурсанд...

Икки кун шундай лаззат оғушида кечди.

Курилишда шиддат билан иш бошланиб кетгач, шахар манзараларига маҳлиё бўлиш ҳам, бемалол сухбатлашиш ҳам, саволларга жавоб сўраш ҳам барҳам топди. Кун бўйи бетон кориш, оғир юкларни кўтариш, камрок дам олиб кўпроқ ишлаш тинка мадорини курита бошлагач, тоғага норози кайфиятда қарай бошлади. Каримжон мийигида кулиб: “Бегона юртда ишлаш - биноларга маҳлиё бўлиш эмас, оғир меҳнат, сабр-бардош дегани, оғайни, бардам бўлинг, ҳали бу ҳаммаси эмас!” деяётгандай бўларди.

Ҳар куни кечга бориб мушаклари оғрир, қўл-оёғини кўтаролмай, ҳолсиз бўлиб қоларди. Кечкини наридан бери еб ухлагани учун эрталаб тоғаси аранг уйғотар, у ҳолсиз, ишга иштиёқсиз, ўзини аранг кўтарган ҳолда кўзғолар, куввати сўриб олинганга ўхшарди. Нонуштада ўзини мажбур килиб овқатланарди.

- Ҳали хом экансан, жиян! - деди бир кун икковлари қолишганда, - меҳнатда пишсанг, бу қийинчиликлар ҳеч нарса бўлмай қолади. Ёшсан, чида!

Ватанга кетиб колиш ёки ишдан бўйин товлаш имконсиз; қийинчиликларни енгиш учун матонат керак! Секин-аста ўзини кўлга олди. Ўзини мажбур қилиб меҳнатга ўргатди. Аммо бир бойваччага усти ёпик озиқ-овқат ва саноат моллари ташувчи машинасига ҳайдовчи керак бўлдию, Азимжон оғир меҳнатдан кутулди.

Йигирма кунда иш ва ҳаёт бир маромга тушди. Бир ойда меҳнатга ўрганиб, қийинчиликларни писанд қилмасликка ўрганди. Кечкурун бир-икки соат кино ё футбол кўрадиган, шерилар билан гаплашадиган, ҳатто эрталаб тетик ва гайратли уйғонишга одатланди. Шундагина аввал Ойбаҳор, кейин Динара тез-тез ёдига туша бошлади. Қалбининг теран жойида жилмайиб турган Ойбаҳор кувват берадиганда, ишлариға Аллоҳдан омад сўраётгандай, Динара эса сирли табассум билан “Ойбаҳорга кўнғироқ қилмадингизми, унда менга нега қилмайсиз?” дегандай чимирилиб турарди. “Унугманг, - дерди бироздан сўнг, - мен сизни

Ойбаҳордан ўн чандон кучли сөваман, у билан боғлансангиз сизни ҳеч қачон кечирмайман, тушундингизми, ака?!” деяётгандай бўларди. Тезроқ ойлик маошни олса, бирор телефон компаниясига уланиб, улар билан боғланишни ўйлаб ўзини овутарди...

## 15

Рисолага ёзилмаган ҳодисалар қаҳрамонига айланган Баҳодирни кўпчилик “Боҳор”, баъзан ўзи ёқтиргандай “Босс!” дейишади. Динарадан ўн ёш катта бўлишига қарамай икки марта камокхона камералари, сиёки ўзига ўҳшаганлар билан бўладиган муштлашувлар мазасини тотиб келгандан бери марказий бозорда макон курган, битта дўконида майда-чўйда соттиради, чеккасида пайнет бор. Ўзи ҳамтовоқ (гиёхванд ва нашафуруш)ларига кўшилиб бизнесменлар ўртасидаги чигалларни ечувчи, ора очди киладиган “разборчи”. Бир неча марта Динаранинг муаммоларини унинг фойдасига ечиб бериб, пулини олган, кўп масалаларда у томонга ён босарди.

Динара аэропортда Азимжон акаси билан хайрлашаётганда Ойбаҳорнинг қўнғироқ қилиши, Азимжон уни ёлғиз колдириб - унугиб, Ойбаҳор билан узоқ гаплашгани юрагида қасос ўтини кучайтирган, у қасосни Босс орқали олишни кўзлаганди.

“Босс” шу кунларда ўзидан норози!

Қамоқда оғир жиноят килган, одам ўлдириб, шарпасини чикармайдиганлар билан бирга-бир чиқиб енгилмаган чапдаст, абжир йигит она сути оғзидан кетмаган ёш киздан енгилиб ўтирася! Қандоқ уят, қандоқ шармандалик, тенгкурлари эшитса, кети билан кулмайдими? Боши ёрилиб уйга келганда хотини юзидаги конни кўриб кўркиб кетди, аммо “Нима бўлди?” дейишдан нари ўтолмади. Босс ўзи гапирмагунча сўрайверса, сўкиш эшитиши ё калтак ейиши мумкин!

Мана бир хафтадирки, дори-дармон қилиб уйда ётибди.

Иш нархини келишаётганда Динара: “Ойбаҳор – енгилтак, эркак деса, юбаси тушиб кетадиган киз, буюртмани бажаришда умуман қийналмайсиз!” деб ёлғон гапирган экан. Ишни бажармаган бўлса ҳам ундан ҳакини олади! Ҳатто бошини тузатиш ҳаражатларини ҳам ундиради!

Аммо... уйча-мунчасини оёғининг учидаган, марказий бозордаги энг пулдор савдогарлар ҳам таъзим қиладиган

"Босс" битта тирранча қиздан қалтак еб боши ёрилибди деган иснодга чидолмаяпти! Аламини кимдан олишни билмайды, бирортаси билан муштлашиб хумордан чиққиси келяпти, аммо бу ахволда кимга рұнара бўлади? Боши ёрилишига бошқа сабаб топади...

Ўша куни яраланган ҳолатини кўрган ўртоғи дарров касалхонага олиб боришини айтди. Лекин Босс:

- Керакмас, - деди унга жатый тикилиб, - врачни уйга олиб келасан! Шу ҳолда кўчага чиколмайман! Аммо сендан битта мужской илтимос!

Ўртоғи "Нима гап?" дегандай Боссга қаради.

- Мужик бўлсанг, бугуниги воқеани инсон тугул қудуккайм айтмайсан, тушундингми? Агар бирор жойда эшитсан, ўртоқлик бузилади!

Ўртоғи ҳар куни хабар олди. Миясида айлангаётган, аммо айтолмаётган "Босс тузалиб чиқса, қизнинг энасини кўрсатади!" деган фикрни Босс сезди.

- Кўлимниям теккизмайман!- деди кутилмаганда.

- Нега?

- У Динара айтгандай расво эмас, орли, ғуурлли экан! Хотинини эплолмайдиган даюслардан яхши, ўзини химоя қилояган қизни ёмон деб бўладими?! Уни Худо асрари!!!

Арматура Босснинг бош терисини ёргаи, сукка жаддий зарар етказмаган экан. Жароҳати ўн кунда тузалди, сўнг у Динарага қўнғироқ қилди.

- Қаердасан?

- Ташкентда, тинчликми?

- Буюртма бажарилди! Кечки пайт пулни олиб кей!

- Эртага бораман, майлими?

- Эрта-перта ўйнамайман, кеч соат ўн иккигача кесимаса, иккиси баробар тўлайсан, мен ишни кутилганидан ортиқ бажардим. Эллик доллар кўшиб берасан!

Динара эллик долларни эшитиб ўйланганча жим қолди. Аммо айтганини бермаса, иши тушганда у елка кўймайди, пулнинг бўлмаса, бир тийинлик одамсан!

- Малодец, ака, хурсандман, - деди ўзини кувониган кўрсатиб, - бугун боришга ҳаракат қиласан!

- Хорошо, тез кел!

Динара рақибини мағлуб қилиш йўлида ҳал килувчи қадам кўйганидан хурсанд, пулни Боссга етказиш эса муаммо эмас! Таксидан жўнатиш мумкин! Ўзи эса ишларини битириб, эртага бемалол қетади.

У Тошкентга тилла буюмларни водийга караганда кимматрок ва ишончли одамга сотиш учун таниш харидор толиб келган, сумманинг катта қисмини кеча олди, эртага соат бешда қолгани кўлга тегади! Динара “Абу сахий” бозоридан иссик кийим–кечак олади. Азимжон акасининг олдига Россияга юпун бормайди-ку!

Хозир ижара квартирада ётаркан, Азимжон йигирма кундан бери қўнғироқ килмаганига ҳайрон, ҳатто диққат! Кечаю кундуз хабар кутади. Телефон овоз берса, дарров экранига қарайди: “Азимжон акам эмасми?!”

Кейинги пайтда ўзи кутмаган, қўнглини ғаш қилган, яқинларидан беркитган ишлари кўпайган бўлса ҳам, Азимжон хаёлидан кетмади, юрагига чукурроқ ўрнашиб бораверади. Соғинчи зўрайиб, борлигини забт этмоқда. Қалбини сеҳрлаб, қайнок туйғулар тез-тез жунбушга келади, кўксидаги каттакон денгиз бору, аллақандай қудратли куч бағрига бўрон юбораётгандай. Ўзини гоҳ маст, гоҳ сархуш сезади, севги деган гўзал туйғунинг ёқимли хаёлию, тошқин кечинмалари билан тўлган лахзалар, соатлар жудаям азиз, ширин ўтади. Руҳиятида, қалбида ҳеч ким, ҳеч қачон бузолмайдиган шодиёна кайфият хукмрон!

Тошкентга қатнайдиган киракашларнинг бир нечтасини танирди. Телефон ракамларини саклаб қўйган. Бир марта гудок ташлаб, Ақмал билан боғланди.

- Ҳа, Динара! – деди у ҳам кизнинг ракамини саклаган экан, - ҳозир Тошкентдаман, тинчликми?

- Менга шу керак эди. - деди киз севиниб, - почта бор, Чилонзорга келсанг, олиб кетасан, майлими?

Ақмал аниқ манзилини сўраб олгач, ўн беш минутдан кейин “дом” тагидан қўнғироқ килди. Пулни олиб, машиналар дарёсига шўнгигиб кетди. Динара эса харидордан пул олгани боргунча “Гўзаллик салони”га кириб, соч турмагини янгилатиш мақсадида чет эллик хонимлардай, сиполик ва ғурур билан битта-битта қадам ташлаб метро бекати томон равона бўлди...

У кечадан бери ўзини дадил ва ҳар ишга қодир сезади – сумкасидаги, белига боғланган долларлар кайфиятини кўтаришдан

ташқари, унга кувват бериб, уддабурро одамга айлантирган. Уйда можаролар күнглини ғаш қилса-да, кайфиятини туширолмайды. Кечадан бери онаси бир неча марта күнғироқ қилди, аммо боғланмади. “Тулкининг яхши одати кўринмаслик!” деган мақолни яхши кўарди...

Бугун пулни олгач, “Ўртокларим билан ушланиб қолдим!”, дея тушунтираман дегандай хотиржам эди. Дадаси уйда бўлганда тўйга рухсат олса ҳам “Қаердасан, ким билансан, қачон келасан, бир соатдан кейин уйда бўлмасант, мендан яхшилик кўрмайсан!” деган гапларига бардош беролмасди...

## 16

Гуломжон устахонадан ярим кечада қайтди. Машина тузалиш арафасида шекилли кайфияти баланд. Овқатланиб, янаям ўзини тетик хис қилди-да, шошилмай чой хўпларкан:

- Пул тополмадингми? – деди хотинига караб.

Кумуш дастурхон попугини ўйнаганча:

- Воой, мен қаердан топардим, акаларим ўзи билан овора...

Эр кулимсираб, иккита ёстиқни бирлаштириб ёнбошлади.

- Майли, - деди унга пиёла узатаркан, - уста билан гаплашдим, “Бир-иккита запчастларни ўзимдан кўйиб машинани юргизиб бераман, кейин тўлайверасиз!” деди. Эски таниш - оқибати бор...

- Тани-жони соғ бўлсин, биздан қайтмаса Худодан!

Ойбаҳор воқеасини унга билдиримасликка қарор килишгани учун Кумуш дарров идишларни йиғиштириб, ошхонага чиқиб кетди. Қизи аллақачон уйкуга кетган, кичкинаси ҳам ширин тушлар кўраётганди.

Она ухлагани ётдию кўнгли ғаш: Ойбаҳор зўравонни бошидан кон кетган ҳолда ташлаб келган, у ўлиб қолган бўлса, милициялар исковуч ит билан келиб, қизи қамалиб кетмайдими?”. Отаси “Мен нима ғамда юрибману иккoving шунака ишлар киляпсанми!” деб дарғазаб бўлмайдими? Кумуш “Оғзимдан ел олсин-эй” дея ичига пулфлаб кўяди.

Гуломжон озгина телевизор кўрди, аммо чарчоқ енгиб, жойига чўзилиши билан уйкуга кетди. Кумуш эса изтироб ичра анча вакт ухломай ётди.

Гуломжон апил-тапил ионушта қилди-да, устахонага кетди. Она-бала пул сўрашга ботинолмади.

Ойбаҳор хонасига кириб, диванга чўзилди. Танаси тортишиб оғрир, тушкун кайфият руҳиятини қамраб олган. Мудхиш таассуротидан қутулиш қийин кечапти. Зўравоннинг кисик кўзи, қалта соколи, иккита тилло тиши ва қизил куйлаги, жон аччиғида арматура билан бошига урганда чап юзига қон оқиб тушган, девор томонга кулагани ёдида. Уни йигитнинг ўлиб қолгани эмас, “Коллежга бориб келишда яна дуч келиб колмасмикинман? Кўлига тушсан, омон кўймайди! Шунинг учун воқеани дадамга айтишим керак!” деган ўй миёсида айланаверди. Бундан ташқари, “Ўша ифлос мени нега зўрламоқчи бўлди? Чиройим учун десам, мейдан чиройлилар тикилиб ётиби! Бирорга ёмонлик килмаган бўлсан...” деган мулоҳазалар бир сония ҳам ором бермайди.

У ҳовлини айланади, гоҳ хонасига киради. Вазиятдан чиколмай кийналяпти, бирорга айтольмайди, онасини аяди. Воқеа иқтисодий таранг вазиятда содир бўлгани юрагини баттар сиқади. Ҳаммасини елкадан ошириб ташлай дейдию, ярмини ҳам унуголмай, башбаттар ваҳимага тушади.

Кечга яқин дугонаси кўнғироқ килиб:

- Нега дарсга келмаяпсан, Ой, - деди ташвишли оҳангда, - гурӯх раҳбаримиз бир неча марта сўради. Динара ҳам кечадан бери йўқ, сен эртага албатта, келгин, хўпми? – дегач, “Бораман!” деб алоқани уздию, хаёлига лоп этиб, Динара келди!

Асоси йўқ, тахмин ва туйғуга тўла ишониб бўлмайди. Аниқ далил тоғмагунча онасига ҳам тиш ёрмасликка қарор килди.

Ишни воқеаларни таҳлил килишдан бошлади. Кейинги вактда йигит деб у билан кўчаларда уришган, юзсизларча йигитини йўлдан уриб, ўзига қаратмоқчи бўлган ким? Албатта, Динара! Орага сукулганини дугоналари ҳам билади. Ҳатто, Динара Азимжондай келишган йигит Ойбаҳорни севганидан аламзада, кўролмаяпти, кўчадаги жанжалдан кейин ундан қасос олишни режалаштирган!

Дадаси машинани миниб кечқурун келганда ҳаммада байрамона кайфият туғилди. Гўё кора булут тарқаб, осмонда қуёш чараклагандай кўнгиллар ёришиб кетди.

Она-бала машинани ўнчадай меҳр ва қувонч билан ювдиларки, салондан чиккандай, ялтиратиб юбориши. Балонларини корайтириб, артишгандан кейин уйга олиб кирилди. Машина - пойгага тайёрланган отдай, топ-тозалиги ҳамманинг ҳавасини келтиради.

Шу кайфият билан кечки овқатни тановул қилишаётганды отасининг телефони жиринглади.

У яқин таниши тадбиркор Собир ака билан ташқарига чиқиб гаплашдию, қайфияти күтарилиб қайтди.

- Эртага Тошкентга юк бор, индинга қурилиш бозоридан катта пул олиб қайтамиз, деяпти...

Бирдан ҳамма севиниб кетди. Дадаси билинтирмасликка ҳаракат килса-да, шодлиги ичига сифмаётгани яққол сезидиб турарди.

- Борасизми? – деди Кумуш паст овозда.

- Машина бугун тузатилди, бирданига узокка ҳайдашга хайронман!

- Пули арзиса, бориб келаверинг, дадаси, уч-тўрт кундан бери сиқилиб қолдингиз, сал ёзиласиз!

Гуломжон ёстикни жуфтлаб ёнбошига қўйди. Тишини ковлаганча ўйга чўмди. Собир ака “Ярим соатда жавоб айт” деган, шошилмаса бўлмайди. “Йўқ” деса, уч юз минг сўмдан қолади. Кетаверай деса... э, бор, Худога таваккал... Кизи дарсларга катнашолмаяпти. Эсон-омон бориб келса, иши юришади, қарзларни узади; ҳаёт яна изга тушиб кетади...

Ойбаҳор эрталаб турса, дарвозахонада машина йўқ, онаси ҳовлию кўчаларга сув сепиб, супуриб бўлган, нонушта тайёрлаш учун кўшниникидан катиқ олиб келаётганди. Кайфияти баланд.

- Дадам кетдиларми? – сўради Ойбаҳор онасининг кайфиятини ўзига юктиаркан.

- Ҳа, тезроқ ювиниб таран, энди ўқишингдан қолмайсан!

У аллақандай кўшикни хиргойи килиб, юмушларини бажарди, кўтаринки кайфияти машинанинг тузалиши ва отасининг ишга чикканлигидан ташқари, янги омад аломатига ўхшарди...

Коллекция борганда “Нега келмадинг, Ой?” дея саволга тутган гурухдошлари ва раҳбарига “Озгина мазам қочди!” деб баҳона килди.

Дарслар бошланди, унинг қалби иштиёқ билан тошяпти. Эшик такилласа, бирор уни излаб келгандай туюлар, танаффусда ҳам бирор сўраб келса тополмай коладигандай ташқарига чиқмайди. Дарслар тутагунча уни шу кайфият тарқ этмади. Ҳамма уй-уйига таркаётганды Холида кулоғига шивирлади.

- Динарни кўрмадингми?

- Йўқ, тинчликми?

- Уйидаги воеадан хабаринг йўқми?

- Йўқ!

- Жанжал – деди у ҳайрат ва таажжубда колагандай, вазият мураккаблигини кўрсатмокчидай кўзларини катта-катта очиб, - тилланинг, жанжали!

- Ростдан-а?

- Э, ўтган кун бувиси овчарка олиб келиб, ҳаммани искатибди!

- Йўғ-э??

- Шармандалик! Бутун маҳалла устиларидан кулибди, номус-э... тўғрими?

- Ўғри топилибдими?

- Қайдам...

- Ўзи қаерда экан?

- Тўйга деб кетган. Ҳеч ким тополмаётганмиш, телефони ўчирилган...

- Тавба...

- Гурух раҳбаримиз ҳам ташвишда... Динаранинг дарсхонаси, столлари, шкафигача текширишибди. Аммо ҳеч нарса топилмабди.

- Энди ўзиям йўқми?

- Ҳа, уч-тўрт кундан бери уйига келмасмиш, якинлари ундан гумонсираётганмиш. Бундан ташкари, уч минг доллар пулни ҳам олган, деб гапиришди.

- Наҳотки?!

- Уйга келса, ҳаммаси ойдинлашади...

- Балки...

Ойбахор бу хабарни хотиржам қабул килмади. “Динара ўғирликдан бойигани учун боскінчига буюртма берган!” – кўнглидан кечирди у. Нафратини Холидага билдириласлик учун ўзини бемалол тутарди. Уни ўзига ўҳшатиб, Азимжон туфайли пайдо бўлган гина-кудратни унугтан деб ўйлаган, афсуски, ундаги кирлик, ҳасад пинҳоний режа тузиб, кадрдон дугонасининг номусига тажовуз ташкил қилишгача боришини тасаввур килолмаганди. Бир вақтлар катталарнинг сұхбатида “Йигитлар киз, кизлар йигит талашиб уришиши оддий савдо!” деган гапни эшигтан эса-да; якін дугонаси билан душманлашиб қолиши етти ухлаб тушига кирмаган.

Гурухдошлар тасаввуридаги Динара бошқачарок: улдабурро, бизнесда катталардай фикрлайди, ҳаммадан ажралиб турадиган киз! Буни ўқитувчилар ҳам билади. Гурух раҳбари пуллик ишларни топширса, ёнидан сарфлаб, гурухдошларини харажатдан күтқарган кезлари бўлган. У ҳакда “Сахий, мард!” деган сўзлар тез-тез эшитилиб туради...

Дарсдан сўнг уч-тўртга дугона бирга қайтишди. Ўйланиб келаётган Сабина:

- Динара ўзи пул топади, ўғирлик қилганига ишонгим келмайди!- деди кўпчиликнинг гумонлари нотўғри дегандай.

Холида ҳеч кимнинг гапига қўшилгиси келмасди. Боя синфда ҳамма гапиргандаям ўзини торти. Тилини тийди. Чунки у “Ўғирлик ҳақида аниқ маълумот бўлсагина, гапириш мумкин!” деган фикрга амал қилишини бу ерда ҳам исбот қилди.

## 17

Динара Чилонзорга келиб, Фотима тиллафуруушдан пулларини тўла олгач, кўтаринки кайфиятда ташкарига чиқди. Йул бўйига ўрнатилган симёғочлардаги чироклар тун пардасини тумандай эритар, турнакатор машиналар уларга ёрдам беришни кўзлагандай йўлларни ёритиб борарди.

У “Ҳозир жўнайми ё эрталаб йўлга чиқсаммикин?” дей иккиланиш билан бир соат айланди, супермаркет, “Болалар дунёси”, янги биноларни томоша қилди. Осмонга боши тегиб турган, Европа лойиҳалари асосида курилган улкан биноларни ўзида жамлаган шаҳар салобати, яп-янги, ҳорижий, кимматбаҳо машиналар, рулда кувнок кайфият билан кетаётган ёш кизлар, замонавий кийинган аёллар уни мафтун килар, дўконлардаги кимматбаҳо кийимлар, уй жихозлари, ақлни лол қиласиган майший техника, пардоз буюмларини кўриб, “Келажакда пулим қўпайиб кетса, шу ердан уй оламан, табдиркорлик билан шугулланиб катта катта пул топаман, шоҳона яшайман!” дей ширин хаёлларга берилди, режалар тузди.

“Бир соатдан кейин таксига ўтирасам, ярим кечада бораман, онамни безовта киламан, уч кун йўқолиб кетганим учун жахллари чиқади. Ярим кечада асабларини бузмайин!” деган кечинмалар билан квартирага кетишга қарор қилди. Кеча кечлик еган кафега

бориб тансиқ таомлар тановул қилгач, Панорамага йўл олди. Аммо афишада у ёктиргмаган кино экан, таксига ўтири.

- Қаёққа? – деган ҳайдовчига:

- “Истиқлол” санъат саройига... – деди бамайлихотир.

Ботир Кодиров билан Мансурхон Нурматовлар концертига тумонат мухлис келибди.

Кўчадаги “тадбиркорлар” билан гаплашиб, олдинги ўринлардан чипта олди ва икки ярим соат давомида мазза қилиб кўшиқлар тинглаб, дам олди. Бирдан икки қатор олдинги ўринидикдан она-бола унга қараб қўлларини силкитишиди, сўнг исмини айтиб чақиришга мажбур бўлишди. Динара аввалига танимаганга олди, номини айтишгач, юраги “шув” этди. “Танишлар учрамасин-да!” – деган хавотирда эди. Аммо нафақат таниш, акасининг қудаси Мубор хола кизи ва келини билан олдидан чикиб турса-я! Яшин тезлигига ўйлаб чорасини топди. Насибага “Мени кўрганларингни гапирманглар!” дейман!

Концерт қарсаклар, ҳуштаклар билан бўлиниб тургани учун хавотирни эсдан чиқарди. “Энг аввал отангнинг қадрини билгил, Энг аввал онангта яхшилик қилгил!” деган қўшиқ унча-мунча бағри тошнинг ҳам юрагини юмшатиб, дилини губордан тозалаб ташлади. “Бу дунё нимадир, бу дунё ўйин, Бугун ютсак, эрта ютқазиш тайин! Бошқа ишингни кўй, эй Аҳад Каюм!” деган хониши юракларга муҳрланди. Аёллар кўзида ёш, бошини сарак-сарак қилиб эшигади. Динаранинг назаридаги ҳамма ота-онасининг қадрига етган-етмагани, бу ёғига уларга фақат яхшилик қилишни дилга тугаётган эди. Шуурида тизилган “Отамнинг қадрига етдимми, онамга нима яхшилик қилдим?” каби саволлар юрагини азоб-уқубатга тўлдирди...

Динара уларни ташқарида топиб, хол-аҳвол сўрашди, сўнг Насибани четта тортиб қулогига шивирлади.

- Хавотир олманг, Динарахон! – деди қиз китмирана мулойимлик билан, - онангизга айтиб ўлибманми? Бир йўла дадангиз билан тоғангизга гапира қоламан!

- Нима? - деди Динара бирдан хавотирга тушиб. Қизнинг кулимсираётганини сезиб, “Ҳазилингиз кўпайиб кетсин!” дей елкасидан чимчилаб кўйди.

Ҳамма ўз йўлига кетди.

Динара уйга эртаси куни тушдан кейин етиб келди. Бошини бир томонга эгганча ҳовли супураётган онаси уни дарвозаҳонада кўрдию, кўзлари пирпираб, лаблари чимирилди.

- Динар, ўзингми?

## 18

Азимжон биринчи маошини олгач, телефонига сим карта олиб, пул туширди ва навбатдаги мижозларини манзилига ташлаб, тушликдан сўнг “Аввал Ойбаҳорга қилайми ё Динара билан гаплашайми?” дея иккиланиб колди. Динарадан пул олган, Ойбаҳорнинг севгиси олдида бурчли... Севги устун келди...

Киз биринчи кўнғирокка жавоб бермади. Иккинчисига ҳам. Учинчисида аппаратни кўтарди.

- Алло! – деди титроқ овозда. Қизнинг овозидан ажабланиш ва хайрат сезилиб турар, нафас олишида эса энтикиш бор.

- Ойбаҳор!

- Азимжон aka!

Киз энтикиди ва аппаратдан шифирлаган овоз келди, у четроққа ўтди шекилли Азимжонга овоз баланд ва тушунарли кела бошлади.

- Ойбаҳор яхшимисиз?...

- Раҳмат, aka, етиб олдинизми, ишляяпсизми?

- Раҳмат, ўзингиз-чи?

- Яхши, мунча телефон қилмайсиз? Роса хавотир олдим, кимдан сўрашни билмайман ёнг...

- Мен ҳам соғинганман, таксидаман, ҳар куни иш, тоғам билан бир жойда ётибмиз. Ҳали уйгаям телефон килмадим. Биринчи сизга киляпман.

- Хурсанд қилдингиз, раҳмат. Сизни кўргим келяпти...

- Мен ҳам. Телефонда расмингизни жўнатолмайсизми, Ойбаҳор.

- Вой, - ҷўчиб тушди қиз, - мен расм олишниям, жўнатишниям билмайман!

- Бирорта ўртоғингизга айтсангиз, ёрдам берардий...

Ойбаҳорнинг ғаши келди. Ўзини босиб, акаси билан ҳазиллашмоқчи бўлди.

- Динарадан илтимос қилайми?

Йигит жавобга шошилмади. Озгина ўйланиб тургандан кейин овоз келди.

- Билмадим... Бошқалариям бор-ку!
- Меникига күшиб ўзиникиниям жұнатворарди... Ахир, дүстингиз-ку?
- Нималар деяпсиз, Ойбаҳор? Унинг суратини бошимга ураманми?
- Санкт-Петербургга кетишингизга чипта олиб берган бойвучча кизни соғингансиз? Эҳтимол, олдин у билан гаплашгандирсиз?

Азимжон бундай қалтис гапни кутмагани учун жавоб беролмай каловланиб қолди. Динаранинг пул берганини унга ўзи айтдимикин ё бошқалардан эшигтанми? Тавба! Ҳозир индамаса, ундан пул олганини тан олган бўлади, бирор важ кўрсатса, ёлғон гапириши керак! У қалтис йўлни танлади.

- Ундан пул олмаганман, ким айтган бўлса, нотўғри!
- Ўзи айтган бўлса-чи? – Ойбаҳорнинг овози боягидан дадилроқ. Азимжон довдиради. Аммо вазиятдан чиқиш керак!
- Бекор гап! Йўлкирани тоғам бердилар...

Ойбаҳор индамади. Азимжон у нималарни ўйлаётганини билмади, аммо навбатдаги зарбага тайёрланаётганини тахмин қила бошлади.

- Ойбаҳор, - деди босиқ ва юмшоқ овозда. Гап оҳангидан қизга ён бераётгани сезилиб қолди, - мен йўлкира масаласини мухокама килиш учун қўнгироқ қилмагандим, сизни соғинганман, асалим!

- Бир неча сония ўтгач, Ойбаҳор тиљга кирди.
- Мен ҳам...
  - Ўқиши тугай дедими?
  - Ҳа...
  - Қаерда ишламоқчисиз?
  - Билмадим... Иш топилиб қолар. Аммо унгача ечадиган муаммоларимиз бор.

- Қанақа муаммо?
- Дадам...
- Хўш? Дадангизга нима бўлди, тинчликми?
- Э, бошингизни қотирмай, aka, бу оиласиз муаммоси.
- Балки ёрдамим тегар...

Машина пачоқ бўлгани, дадаси устада тузаттиргани ва яна иш бошлаганини кимдир эгасига оқизмай-томизмай айтган ва у Фуломжондан ҳафа бўлиб “Нексия”ни олиб қўйган. Фуломжон айб ўзидалиги учун ғинг деёлмаган Аммо устадан эҳтиёт қисмлар ва

хизмат ҳақига, машина эгасидан ўн кунлик пулга қарздор. Кутылмаган омадсизликдан боши қотган дадаси асаби бузилганидан ётиб қолди. Онаси Кумуш Санкт-Петербургда ишлайдиган опасига құнғироқ қилиб, ёрдам сұраган, у эса, “Пул беролмайману, она-бала шу ерга келсанглар, пайпок тұкиш цехидан иш топиб бераман!” деб жавоб қылган. Оилавий маслахатлари пишмай туриб Кумушнинг опаси бошқа танишларига құнғироқ қилиб, уларнинг оиласидаги вазиятни суриштирган, натижада Динарага “Ойбаҳор ва онасины Санкт-Петербургга Азимжон қақырган!” деган ўзгариш билан етиб борган. Динара Ойбаҳорга навбатдаги хужумни тайёрлаёттан кунларда улар сұхбатлашишаётганди...

Нима бұлишидан қатый назар улар ўн минутдан ортикроқ мазза қилиб гаплашишди. Ойбаҳор ҳамма гиналарни йиғишириб, Азимжон акасини янги рух билан сева бошлади, Динаранингғанимлиги ва ўзининг химояталаблигини энди Азимжонга айтмасликка қарор қылди. Аммо бир нарсадан күнгли ғаш...

## 19

Малоҳат қизини сүкди, хакорат қилди, камситадиган гаплар айтди. Динара индамай енгишга қарор қилгандай бир оғиз гапирмади. Бошини осилтирганча айбини бүйнига олиб ҳаммасига чидади. Онаси жавраб-жавраб چарчади.

- Агар дадант бұлғанда сүйиб ташларди, биласанми?  
- Ҳа, ойи, мен ёмон жойга бормадим-ку...  
- Қиз бола уч кун йўқ бўлиб кетса, янгаларинг нима деб ўйлайди, шу топда келин ҳалқига ишониб бўладими? Шундоғам, нарсалар йўқолганда нега Динара йўқолиб қолди дейишдан тоймади ифлослар...

- Қайсиниси гапирди, ойи?  
- Мұҳокама килиш сенгамас, тирранча, бор хонангта кир!

Динара ичидан суюнди, хонасига кирди-да, кувонч билан диванга ўзини ташлади. Ҳаёллар суралади... Аммо онасининг ўзини тутиши, мұхим гапни яширгандай қўриниши, қылган ишга нисбатан қизини камрок сўккани хавотирга солиб қўйди. Нега бундай? Тилла буюмларни олганимни билишгану, айтишга пайт пойлашыптими?!”

У, ўзи билмаган холда, тўғри хавотир олаётганди. Тошкентда юрганда уйдагилар унинг сирли ва эҳтиёткорона ҳаракатлари, бувисидан калит сўраб сандик очгандан кейин бошқа ҳеч ким сейфга якинлашмагани, демак йўқолган нарсаларни ундан бошқа олмагани, аммо шунча нарсани қаерга яширгани ёки пулларни нимага ишлатганини аниқ билмагунча индамасликка келишишганини билмасди...

Тўсатдан телефони садо берди. Экранга қаради: ҳорижий рақам! Ҳаяжондан титраб кетди. Азимжон акам!!!

- Азимжон ака, бормисиз, акажон?
- Борман, Динарахон! Етиб келиб ишлайпман!
- Қачондан бери қўнғироғингизни кутаман, мени эсдан чиқариб, анави қанжиқ билан гаплашяпгансиз деб роса сиқилдим...
- Нега ундей ўйлайсиз?...
- Ахир салкам бир ойдан бери сиздан хабар йўқ, ўлиб қолай дедим...

- Бугун маош олдик, пулингизни жўнатмоқчиман!

Динара қўркқанидан сапчиб тушди, тепа сочи тикка бўлди.

- Пулни мендан қарзга олганмидингиз?

Овоз гина, аламга тўла. “Карзини узса, орамиз очиқ бўларканда!” деган қўркув яширинган эди. Ҳозир вазиятни ўзи томон бурмаса, Азимжондан ўзоқлашиб кетадигандай шошиб қолди. Азимжон дарров жавоб бермай кизнинг ҳадигини ошириб юборди.

- Нега индамайсиз, ака, Ойбаҳор деган қанжиқ бошингизни айлантиргани рост шекилли...

Азимжоннинг жахли чиқди, аммо тилини тийди.

- Бирорнинг пулини еб кетолмайман, Динара!

Бирор сўзи, қизга, хақоратдай эшишилди. Йигитни мулойимлик билан енгиш мумкинлиги хаёлига келиб, жахл бўронининг йўлини тўсди.

- Ийе, мен бирорманми?! – деди таажжубли кулимсираш билан, - ҳалиям ўз одамингиз бўлолмадимми? Мени севмайсизми?!

Динаранинг камситилган одамдай, ҳокисор гапириши Азимжонга дарров таъсир қилди. Миясига фикрлар оқими ёпирилиб келди. Унда ҳам қадр-қиммат туйғуси, меҳр кутишга ҳакли эканини ҳисобга олмай хато қилганини ўйларкан, ўзидан ёзғирди.

- Э, Динарахон, мен учун жуда қадрлisisiz! Сизни синглимдай хурмат киламан!

Азимжон унга боғланиб колиш, уни умидвор килишдан чўчирди. Севгиси илк баҳор майсасидай ниш урган умидвор кизнинг кўнглини кувонтирадиган гапларим йўқмиди дея ўзини койигандан сўнг:

- Сиз юрагимга якинсиз, қанчалар соғинганимни билсангиз эди! – дея гапни айлантириди ва бироз ҳаяжонлангандай энтикиб кўйди. У томондан жавоб бўлмагач, яна отини қамчилашга тушди.

- Сиз ҳафа бўлманг, Динарахон, аслида йигит киши қизга пул сарфлаши керак, мен нодон сизга оғирлигимни солдим! Шуни айтмокчиман, холос...

- Пулни бериб орани очди қилишни ўйлабсиз-да, ака?

Қиз таъна ва ҳафагарчиликка йўғрилган овозда гапирав, ўзини ийғлаворгудай кўрсатиш тараддуvida эди.

- Аэропортда аниқ сезувдим... Уни яхши билганингизда қалбингиздан юлиб ташлардингиз! У тирноғингизгаям арзимайдиган фохиша киз, ўрнингизда бўлсам унинг бетига тупуардим!

Динара Ойбаҳорни Азимжон қалбидан чиқариб ташлаётганидан кўнгли тўлиб, енгил хўрсинди. Йигит хавотирланиб, изтиробли ўйга толди. “Наҳотки, Ойбаҳор айбини яширган айёр бўлса, олий маълумотли одам ёш қизнинг устамонлиги, зимдан иш қилишини сезмаган бўлсам?! Шунақаларни “Дарёга олиб бориб, сұғормай қайтариб келади!” дейиладими? Энг содда, самимий қизга ҳам ишонч йўқ экан-да!”

## 20

Динара ҳеч нарса бўлмагандай ўкишга бориб келар, аммо онасининг сирли харакатларию аввалгидай очилиб гаплашмаганидан, бувиси хушламай саломлашаттанидан юраги коронги. Бугун-эрта ўртага олиб ҳамма гунохинӣ, жиноятини бетига айтиб жазолашларини кутар, кечалари уйқуси келмасди. Тошкентдан олган кийимларини кичик туманда яшайдиган дутонаси镍икига кўйган куйи сурошибди. У ҳам гоҳ-гоҳ караб кўядию, ҳеч ҷарса демайди. Қизлар ўзига сал ётсираб, чимирилиб қараётгандай юраги баттар сиқилади. Ҳаётида катта портлаши кутаётгандай руҳий безовталик вужудини қамраб олган... Баъзи

дугоналарининг “Нарсалар топилдими?” деб шунчаки сўраши “Ўғирлаган нарсаларни қайтардингми?!?” дегандай туюлар, кўзига карашга ботинолмасди. Ва нарсаларни ўғирлаётганда кўркмаганио, шунча кун ўтиб вахима босаётгани - биринчи марта, яна ўз уйда катта ўғирликка кўл уриш даҳшатидан ҳайрон эди...

\* \* \*

Малоҳат Азимжонларникига боришдан олдин Мехригулни таниш-билишлари, қариндош-уруғларидан суруштирган, содда, ҳалол ва мулойим аёллигини билиб, ўзини шунга мослаб борганди. Нотаниш аёл билан қандай тил топишиш масаласи миясида озгина айландию, Худога таваккал килди.

Эшик кия очик. Ҳовлида инсон зоти кўринмайди. Яланг боягина супурилгандай топ-тоза. У эшикни тақиллатмоқчи бўлиб, кўлини узатдию, фикридан қайтди. Мехригулни аввал пастрок, жавоб бўлмагач, баланд овозда чакирди. Ичкаридан кимдир садо берди, бир нафас ўтмай ҳовлида Мехригуя кўринди. “Хайрият уйда экан!”

Малоҳат ўзини четта өлди.

Нотанишларнинг салом-алиги қиска бўлди. Мехригул унга тиник бир таажжуб билан қаради.

- Битта илтимос билан келувдим, сингил!

- Бемалол...

- Ўғлим Россияда ишлаб келаман, деб ҳоли-жонимизга кўймаяпти...

- Ёшлар кизиқади-да...

- Акангиз Каримжон ё Азимжоннинг телефон ракамини берсангиз, бир гаплашиб кўрмоқчи...

Малоҳат ўзини хокисор, камсўкум тутгани, одмигина кийиниб келгани учун Мехригул унинг исмини, ўғлининг кимлигини сўрамади, асл муддаосини тушунмай, ичкарига кириб ўғлининг телефон ракамини олиб чиқди.

Малоҳат қайта-қайта раҳмат айтиб, Мехригул билан хайрлашди...

Рахмонжон давр одами сифатида замондошларидан кўпам фарқ қилмасди. Бундай характер - ғуур, йигитлик ва оталик зийнати сифатида оиласи ва кизи учун энг керакли хисобларди.

Хозир кизни илдиз отадиган жойига эсон-омон узатиб олиш ҳар бир оиланинг энг муҳим иши, нозик масаласига айланган Бу масалада йигитларнинг қандай қизларни хохлаётгани ота-оналарни ўйлашга, мулоҳаза юритишга мажбур қилади. “Уяли телефон чиққандан бери севгининг қадри қолмади!” деган гапни қизикчилар кулдириш учунгина айтмаслигини ҳаммамиз бирдек тушунамизми?! Замирида қанчадан-қанча ғам, ташвиш, кўнгилсизликлар ётибдийкин?!“

Кўпгина севишганларни ажратиб; юз кўрмас қилаётган, оилаларни дарз кеткизиб, фарзанд кўришга улгурмай барбод бўлишига сабаб шу телефон билан бемаврид, меъридан ортиқча сўзлашишлар эмаёми?!

Йигитларнинг кўпи телефон ишлатмайдиган, ёки дуч келган йигитта рақамини бермайдиган, ота-онасидан қўрқадиган, тўйга ё туғилган кунларга рухсат беришса борадиган, ўртоғи ё кариндошиникида ётиб колиш баҳонасида йигит билан учрашишга интилмайдиган, баъзан эса кекса, кўпни кўрган, ўтмиши тоза бувиси тарбиялаган қизларни хотинликка олишни кўзлашади. Айримлари бошига рўмол ўрайдиган кизни одобли хисоблаб, шунакасига уйланишни афзал кўришади.

Рахмонжон қизга тарбия беришда каттиққўллик ва принципда туришни афзал билади. Динара тўйга, дугоналарининг туғилган кунларига ота рухсати билан боради. У савдо иши билан Тошкент, Козогистон, Россияга тез-тез боради. Кетиши олдидан кизни назорат килишни Малоҳатга топширади. Малоҳатни эса, телефон орқали ўзи назорат қилади.

Малоҳатнинг табиати эса эринидан кескин фарқ қилади. Замонавий, тушунган аёл сифатида қизни каттиққўллик билан назорат қилишига кўпам қўшилмайди. Ҳамма масалада ўз фикрини эркин билдиришни истайди. У ёш, чиройли, сўнгги русумда кийинади, ишхонасидаги тадбирлар, кўнгил очар маросимларда фаол. “Ажойиб аёл!“- дейди кўпчилик уни. Дугоналари кўп, ҳамма жойда ўрни бор. Кўпинча, дам олиш ёки “ГАП” масаласида дугоналар ўйланиб қолса, Малоҳатнинг шаддод, харакатчан ва

ташкилотчилигидан фойдаланишидаи ва у бош қўшган ҳамма тадбир албатта, эсда коларли, кувноқ ўтади...

У оиласида ҳам болалари ва эри билан замонавий урфдаги муносабатлар ўрнаташга интилади. Лекин у доим бир нарсадан таажжубда: Динаранинг характери на отаси, на онасига ўхшайди. Айрим вактда отасига, баъзан онасига ўхшайди. Кўп вазиятларда эса икковигаям, ҳатто яқин кариндошларидан бирорта сигаям ўхшамайди. Кўпчилик шундан таажжубланади.

Рахмонжон Россиядан қайтию, уйдаги ахволдан хабардор бўлгач, ғазабини босолмай хотинига бакирди, сўнг ор-номуси кўзғалди. Бирор эшитса, айниқса, душманлари устидан кулиб ғийбат қаҳрамонига айлантиришмайдими уни?! Айлантиришади, албатта. Пул ва тилла кетса фожиа эмас, қизининг ўғрилиги даҳшат! Кам нималигини билмай ўсган дугоналарининг олди - ёшгина қизидан ҳеч қачон бундай нондонлик, ахмокликни кутмаган. Оиласини шаҳарда танимаган, ўзига тўқ яшашини билмаган одам кам! Тўқликка шўхлигиям майли-я, шунча бойлик нимага кераклиги қайғуга соларди. Эрталабгача қизига билдиримай хотинини сўқди, ҳатто уринига сал қолди. Нонуштадан сўнг отаси хотиржамга ўхшардио, ғазабини босиб турарди.

Эшикларни беркитиб, жонада ота-онаю Динара қолишиди.

- Бир бошдан гапир! – деди Раҳмонжон хотинига дўқ оҳангиди. Динара ҳамма саволларга жавоб тайёрлаб қўйганди. Вокеа тез рўй берадётгани учун ҳаётдан умидини узган маҳбусдай бошини эгиб турганга ўхшарди.

- Бувим ҳаммани сўроқ килдилар, аммо ҳеч ким мён олдим демади. Итга хидлатдилар, ит ҳам тополмади. Овсиним Назихадан гумон килувдик, ит унинг яқинига ҳам бормади...

- Пазор! – деб жаҳл билан гапни бўлди Раҳмонжон, - оиласизга шармандалилар, ифлослар! Гапир.

- Динара бир кун аввал тўйга кетганди. Уч кун қолиб кетганига ҳамма гумонсиради...

Раҳмонжон ўзини босиб туролмади.

- Уч кун қаерда қолдинг?- унинг кўзлари чараклаб, вужуди титради.

Динаранинг юзи чўғдай ёнар, қўллари титрар, лаби пирпираб учарди. Ҳозир жавоб бермаса дадаси портлаб кетади.

- Тўйда...

- Қаерда?

- Ўртогимнида, – овози титради унинг.

Ҳозир кизи хўнграб юборса ҳам дадаси шаштидан тушибади, жаҳли пасаймайди. У муаммонинг тагига етмагунча тинчимаслигини хамма билади.

- Буни кейин суриштираман. Аммо нега ўғирликни сендан гумонсирашяпти?

- Билмасам. Мен ҳеч нарса олмаганман, кўрмаганман, менга тухмат қилишяпти.

Динара юзини беркитиб йиғлаб юборди. Ота-она бир-бирларига қараб вазият етилганига ишонч ҳосил қилишди.

- Нега билмайсан, ифлос?!

Бирдан ота тутокиб кетди. Ўзини босолмай столни бир муштлади.

- Ҳай дадаси, секин, овсинлар...

Рахмонжон совиган чойдан хўплаб хотинига қаради.

- Энди ҳаммасини сен гапир.

Малоҳат титрок кўл билан сочиқни тахлаб столга кўйди.

- Динара Азимжон деган дўстига Санкт-Петербургга кетгани йўлкира берибди, деб эшигувдим, овсинлар ҳам гапиришувди, ишонмагандим. Аммо юрагим кўймай, уникига бориб, онаси билан учрашдим.

Динара “ялт” этиб онасига бир қарадиу, юзини тўсиб, гож унли, гоҳ унсиз йиғлай бошлади. Аммо хушёрикни унутмаган.

- Хўш?

- Телефон рақамини олиб, йигитга қўнғироқ килсан, у ҳаммасини тан олди. Ўша куниёқ паспорт нусхасини электрон почтасига киригувдим, йигит менга пулни жўнатди, мана!

Малоҳат столга беш юз доллар кўйди. Отаси қўзини катта-катта очиб аввал пулга, сўнг кизига қаради.

- Курдингми, тан оласанми?

- ...

- Сендан сўрайпман??

Киз чўчиганидан қалкиб тушди. Аммо шу заҳоти ўзини дадил тутиб, бошини кўтарди.

- Тан оламан!

- Пулни қаердан олдинг?!

Динара сейфдан пул ва тилла буюмларни ўғирлаётгандан “Билиб қолишиса, шарманда бўламан-ку, ўзимни қандай оқлайман?” деган савол калласига келмаганига унчалик ҳайрон бўлмади. Тифиз дамларда боши қотиб қолса, миясига яхшигина фикрлар келиб, вазиятдан осонгина чикишга одатланган! Миясига турли фикрлар кела бошлади.

Шунинг учун таҳдидга эътибор бермай, ота-она кўзига тик каради: юз-кўзида айбдорлик эмас, ноҳакликдан аламзадалик бор!

- Бизнесдан топганман, ўғирлик билан эмас!

Раҳмонжон бўшашиб Малоҳатга каради. Аёл елка қисиб, довдираб қолди... Уларни кузатиб турган Динара вазиятни қўлга олди.

- Наҳотки, мен уйимизда ўғирлик қилсан, наҳотки, мени ўғри дея мұҳокама қилсанглар?! Бирор марта уйдан пул ё бошқа нарса йўқолганми?

Эр-хотин ҳайратда қолишиди, қизнинг шахди ва далиллари уларни эсанкиратиб қўйди. Ҳатто уларда айбдорлик хисси пайдо бўлди. Киз яна бир-икки далил-исбот келтирса, тўкилиб коладигандай сезишарди ўзларини.

- Дадажон, - деди киз отасининг кўзига қараб, - бирор марта сиздан сўрамай чўнтаингизга кўл солмаганман. Уйимизда пул йўқолганини эслай оласизми?!

Раҳмонда кечадан бери қизига нисбатан пайдо бўлган ғазаб ва нафрат, айблов хисси, тумандай тарқала бошлади. Аммо қизида ота-онага нафрат туйгуси пайдо бўлаётганидан кўнгли ғаш.

- Унда нега уйга бир неча кун келмадинг?

- Ахир, ўртогимнинг тўйига ойимдан сўраб бордим-ку!

Раҳмонжон айбдор одамдай гапиролмади. Қизи ҳакида нотўғри фикр юргани ва вазият ундан узр сўрашни тақазо этаётганини англаб етди.

- Шу гапларни чин юракдан гапиряпсанми, қизим? – унинг сўнгти саволи шу бўлди. Динара жаҳли чикқану ўзини босган одамдай бир хўрсиниб, отасига ўтирилди.

- Кечирингу, дада, мен дили бошқа тили бошқа қиз эмасман! Назиха холага ўхшаб, туюни ютиб думини кўрсатмасликни эзполмайман! Иккалантиз қандай тарбия берган бўлсангиз шундайман!

Гап охангиди “Ёш-да, билмай ўғирлаган, озгина пўписа қилсан, ҳаммасини айтади, нарсаларни кайтаради!” деб ўйлаб хато килганингизни тушуниб олинг, мен ахмоқ эмасман!” деган маъно яширганини ота-она тушуниб етди. Бундан ташқари, Динара - энди ёш қизалок эмас, анча-мунча ҳаёт кўрган, улғайган, ўзини тутиб олган, аклли, зарур вактида нишонга урадиган уддабурро эканига тан бериб, унга нисбатан ҳурматлари ошли. Бу ҳурмат Аллоҳ қалтаўй, шошқалок ота-онадан кизга олиб бергандай таассурот қолдиради...

- Мана бу, - деди Динара хулоса айтиётгандай столдаги бешта юз долларни кўрсатиб, - бизнес билан топган ҳалол пулим, менга яхши тарбия берганларинг учун сизларга мукофот! Бошка гапим йўқ! Энди мен ўкишга бораман, хайр!

Киз шахд билан ўрнидан турди-да, хонасига чиқиб кетди.

Эр-хотин “Ҳали ёш, ок-корани танимаган” деб юришган кизлари олдида шармандаликни хис этиб, бир-биларининг кўзларига қаролмас, юракни тирнаётган жирканч кечинмаларни гапиргилари келмасди. Раҳмонжон оғир сукунатни бузиб, хотинига каради.

- Динара ўғирлаган деб ким айтиувди?

- Э, - деди Малоҳат бехафсала қўл силтаб, - ҳамма бир-биридан гумон килаётгандан кўпчилик: “Динара нега йўқ, каерга кетган, нима учун келмаяпти?” деявериб юрагимни сикиб юборди.

- Онам нима дегандилар?

- Ҳаммамизни кузатиб, индамай юрдилар, аммо негадир Динара ҳакида гапирмадилар...

- Бўпти-да! Нега уни айбдор қилдик? Окибати нима бўлди? Иккаламиз шарманда бўлдик. Буёғига ўйлаб гапир, хотин, тушундингми?

- Хўп...

- Лекин унда нарсаларни ким ўғирлаган? – ўйга толди у кутилмаган шахд билан.

Бу савол, боягина Раҳмонжоннинг кизига нисбатан пайдо бўлган ишончига путур етказиб, юрагини ғанъ қила бошлади!

дөвондан ўтиб, мустакил ҳаёт остонасидаги ёшлар шаҳардаги “Маржона” кафесида кеча ўтказишни маслаҳатлашиш учун түпланишаётганда пешиндан ўтган, шаҳар айлангани кеттанларни кутишаётганди. Ойбаҳор кизлар даврасидан узилиб, уйга жўнади. Йўналишдаги таксига одам чакирувчи йигит жарангли овоз билан ўз ишини қойилмақом улдалайди:

- Чорсуға, Чорсуға уч киши! Яп-янги, оппоқ “Дамас”!

Ойбаҳордан кейин кизил галстукли йигит унга бир кулиб каради-да, олдинги ўринидикка ўтирди. Кўзлари самимий, харакатлари маъноли. Қиз уни авваллари кўрарди, зимдан кузатишларига ажабланиб қаарардию, негадир писанд қилмасди.

- Ойбаҳор, яхшимисиз?

У тасодифий сўрашишдан чўучиб кетди. “Тавба, шунча вакт индамай юрувди, энди сўрашишини!...”

- Имтиҳонлар тугадими?

Йигит, у билан ҳар куни ҳаётидаги мухим ва сўнгги воқеаларни гаплашиб юргандай савол берди. Ойбаҳор таажжуб, сўнг қизикиш билан ўйланиб колди.

- Бугун охиргисини топширдим!

- Энди ишга ё турмушгами?

“Азимжон акамга ўхшаркан!” қиз хаяжонга тушди. Шу ёшдагиларнинг фикрлаш тарзи бир-бирига ўхашалигини ўйлаб жавоб беришга чоғланди.

- Ҳали бир карорга келмадим!

- Катта бўп колдингиз-ку! – жилмайди йигит.

- Ота-онам билишади. Аввал озгина ишласам керак!

Йигит, гапи кўп одамдай синчковлик билан тикилар, у ҳар доимгидан шахдли ва эътиборли кўринарди. Манзилгача майдачуда саволлар бериб сухбатни узмади. Ойбаҳор “Дамас”дан тушиб, маҳалла томон бурилаётганда у ортидан етиб келди ва:

- Бир минутга вактингизни олсан майлими? – деди.

- Тинчликми? – Ойбаҳор бу саволни нотўғри берганини фахмлаб турувдиямки, йигит уни йўл четига имлади. Ўтишди.

- Ойбаҳор!

Киз “ялт” этиб караши билан у конверт узатди.

- Уйга боргандা ўкиб, эртага жавобини айтинг, илтимос!

Йигит ҳаяжон оғушида, күзлари ёнар, орзу ушалишига бўлган ишонч ва шаҳд вужудини ларзага соларди. Киз олдида туришга токати етмай типирчилаётгани аниқ билиниб турарди.

Киз хатга караб, күзлари чақнади. Кўнглида илиқ бир туйфу, яхшилик аломатига ўхшаган кечинма сезиб, боягина қиличдай мағрур йигитнинг бирдан ҳокисорлик билан бош эгиб туриши, “Тезроқ олмайсизми?” деётгандай жилмайиши қизда ёқимли кайфият, сархуш туйғулар уйғотарди...

Ойбаҳор уйга етгунча ҳам, хатни хонасида бемалол ўқишига маврид кутаётганданда ҳам хаётида муҳим ўзгариш содир бўладигандай ҳаяжон билан юрди. Онаси кечки овқатга уннаш учун ошхонага кириб кетганда дарров бўлмасига кирди-да, хатни очди.

Оппоқ коғозга чиройли ҳарфлар билан, ҳар бир сўзни дона-дона ёзилган хат Ойбаҳорни ҳайратда қолдирибгина қолмай, боя йигитта нисбатан кўнглида пайдо бўлган ҳурматни оширди, хат мазмунини билишга қизиқишини аланга олдирди.

“Ойбаҳор, салом!

Бугун сиз билан дадил ва бошқача сўрашганим ва кутимаганданда хат ёзганимга ҳайрон бўляпсиз, биламан. Бу кунни анча кутдим, хатни топшириши вақтими - ҳаётимнинг энг ҳаяжонлии ва умидбахшлаҳзалари дейман.

Ойбаҳор, туйгуларим тошиб кетса ҳам Сизни ўқишидан чалгитгим келмади. Ниҳоят, имтиҳонларни топшириб, коллејсни битирдингиз. Дил изҳоримни қабул қилишингизга ҳеч нарса ҳалақит бермайди. Мен – Сизни севаман!

Ўзим ҳақимда озгина гапирсан зиён қилмас. Тошкент Миллий университетини тугатиб, давлат идорасида хизмат қиляпман. Оиласизда беш кишимиз. Ота-онам, мен ва иккита синглим бор. Икковлари савдо соҳасида раҳбар бўлиб ишламиган, ҳозир бозордаги хусусий универсал магазинимизни юргизишади, мол-давлатимиз етарли. Синглим – коллеҗ талабаси, кенжасиз ўқувчи.

Сиз чиройли, сараштали қизсиз, аммо мен сизнинг одобингиз ва ўзингизни камтар тутишингизни кўпроқ ёқтираман. Ўртоқлар “Төртинчоқсан!” деб, ҳазиллашишади. Мен йигитга севги изҳор қилган қизларни кўп кўрганман ва ундаиларни ёқтиромайман. Сиз – менинг орзумдаги, ота-онамга

ёқадиган қызсиз. Севгимни қабул қылсанғыз, совчи жұнатаман, сизни баҳтли қилишіга ақтім етади!

### Сизни чин күнгилдан севуучи АБДУРАШИД.

Мактубга илова қылған телефон рақамини “Золотой ракам!” деб қўйди Ойбаҳор, сўнг орзу-хаваслар билан хатни кўксига босиб, Абдурашидни ўйлади: “Қандай яхши йигитлар бор-а?” Аммо шу пайт Азимжон акаси ёдига тушиб, ҳушини йигди. Кўксисда ўтли соғинч сезиб, хатни китоб орасига яширди. Азимжон олисда, ўзи хижрондалигини ўйларкан, “Нега шундай?” дея юрагида ширин азоб сезди. Анчадан бері уни ўйлаб, сикилади. “Қачон келади, ишлаб қайтгунча мени унаштириб қўйишмасмикин?”

Аммо Абдурашиднинг тоза ният, самимиyllиги кизни хаёлга толдиради. “У уйланишга тайёр, истаган қизга совчи жұнатса, ота-онаси лотореясига ютуқ чикқандай шошиб колади. Олий маълумотли, келишган, давлат идорасида ишлаётган күёв кимга ёқмайди, қайси қиз уни ҳавас килмайди?!“

Бирдан хаёлинини Азимжон згаллади. Абдурашидга розилик бериб, севганига бевафолик қилаётгандай күнглида ғалати бир хижиллик түйди. Юрак тубида булоқ сувидай тиник түйғулари кўзғалон килди. Азимжон билан яқинда телефонда гаплашгани ёдига тушиб, ўзини қўлга ола бошлади.

### 23

Назира буви ҳовли ўртасида келаётгандан боши айланди. Бир сония үтгач, кўл-оғи, белини тутиб турған куч танасини тарқ эттандай шалвираб қолди. “Вой!” дея икки букилдию, деворни ушлаб, аста-секин юраётгандан Малоҳат ушлаб қолди. Хонасига олиб кириб жойига ёткизди...

Мана, ўн кундирки, куввати қайтиш ўрнига ҳолдан тойиб, кундан кунга оғирлашиб боряпти. Раҳмёнжон аввал туман марказий шифохонасидан, сўнг вилоят кўп тармоқли касалхонасидан тажрибали шифокорларни олиб келди. Аммо бувининг дарди топилмади, қон ва сийдикдан қилинган таҳлиллар натижә бермади. Ўғил-қиз, неваралари тепасида. Саксондан ўтган буви бирдан ҳаммани қўркитиб юборди.

- Ўз ҳолимга қўйинглар, - деди бугун тушдан кейин буви, - касалим йўқ, сафарим қариди, болам!

Рахмонжон дадаси ўлгандан бери бошка жудолик кўрмади. Онаси доим соғлом, кампирлар билан гурунглашиб юргани учун “Онам юздан ўтадилар!” дея узок сафарларга кетаверар, уйга кўнғирок килиб, онасининг соғлигидан хабардор бўлиб турарди.

Она уч кундан бери овқат емай, баъзан сув ичади. Баъзан хушидан кетар, ўзига келганда ухлаб тургандай бўлаётгани Раҳмонжонни кайғуга соларди. Гоҳо тилла буюмлару, пул йўқолгани унга қаттиқ таъсир қилганини шивирлашар, ўғри топилмагани бурчак-бурчакдаги гийбатга мой сепарди. Кечга якин буви “Мен яхшиман, ҳамма уйига кетаверсан!” – дея кўзларини юмди. Ҳамма Раҳмонжонга қаради. У “Малоҳат билан караб турамиз” дея шивирлагач, “Бир гап бўлса, дарров кўнғирок килинг, ака!” дея тарқалишиди.

Кечга бориб буви сирли тарзда аввал Раҳмонжонни, сўнг она болани чорлади. Ота-она дарров бувининг ёнидан жой олишиди. Оёк томонда ўтирган Динара безовта...

Буви ўғлининг қўлидан ушлаб:

- Сен кенжамсан... – деди у мунгли ва муштипар овозда, - мен ҳаммадан розиман, мендан ҳам рози бўлинглар!

Малоҳатнинг кўзига ёш келди. Раҳмонжоннинг томогига нафаси тикилиб, дудукланиб қолди.

- Унақа.. де..ма..нг, ойини!

- Месн.... чўзиб гапирди буви, - пул, тилла йўқолганидан ҳафа эмасман...

Эр-хотин бир-бирларига қарашиб. Она мухим, бирор билмайдиган ва билиши шарт бўлмаган гап айтмоқчилигини тушунгандай хушёр тортишиб. Динара сири очиладигандай, қўллари титрар, кўзлари ола-кула бўлганини ота-онасидан яшириш учун ерга қаради.

- Шу ишни...- буви ҳансиради, қўлинни кўрпа ичидан олиб оғзининг икки чеккасидаги сўлагини бармоқлари билан артди. – Шу ишни... бирор килса ранжимасдим, ўзимники қилганидан ҳафаман...

Рахмонжон негадир илкс қизига қаради. Кўзлар тўқнашиб, Динаранинг юраги потирлаб кетди-ю, ота буни сезгандай бўлди. Кўзларida билинч-билинмас нафрат, “Ўша куни бизни алдаган экансан-да!” деган чимрилиш кўринди. Динара уларни чалғитиш учун бувининг кўрпасини тўғриламоқчи бўлди.

- Ўша ким, ой? – дадил сўради Раҳмонжон, - ҳеч бўлмаса менга айтинг!

Она сукут саклади. Таранг вазият ҳамманинг кўзини бувининг куруқшаган оғзига михлади.

- Айтсан, - деди буви кўзларини аранг очиб, - унга каттиқ тегмайман, тўғри йўлга соламан, деб ваъда бер!

- Ваъда бераман! – деди Раҳмонжон шошганча онаси томон эгилиб.

Она кўзини юмиб, бир сония сукут саклади. Оғир жимлик – помаълум ёқдан келаётган зарба тўғри юракка урилаётгандай ҳамманинг қўксини титратди. Буви бошини кўтармоқчи бўлди-ю, мадори етмади, қўли билан пайпасланди.

- Динара, қанисан?

Буви титроқ қўли билан унинг қўлини ушлади. Раҳмонжон қизига чакчайиб қаради.

- Энди бунақа иш қилмагин, болам... – дея унинг қўлини маҳкам сикди.

- Нима? – ноҳақликдан сапчигандай бўлди Динара. У бувисини хам ота-онасини ёлғони билан енгандай енгиб ташламоқчиди, афсуски, бу ерда унинг иложи йўклигини тушунмади. Болалик килди. Дадаси аллақандай ғазаб ва кўполлик билан йўталиб қўиди. У “Ўғирликни сен килгансан, у дунёга риҳлат қилаётган бувингга муносабатинг шуми, сенда виждон борми, тилингни тий” дегандай Динарани хушига келтирмоқчиди. Ҳатто кисматга кўниш руҳини ўйғотди. Малоҳат тишини тишига қўйиб ғижирлатди-да, “Хуу, қизгина ўлгур, сезувдим-а?!?” дея ғудирлаб бошини кимирлатганча қизига қаради. “Шунчаликка борасанми?” – бу ғудирлашда якинда унинг ёлғони билан енгиб ташлагани ва тап топтмасдан ўз уйида ўғирлик килганини назарда туваётганди.

- Тушундинг-ку?! – Раҳмонжон қизига нафрат билан қаради.

- Ҳа, тўғри, - ўғлининг гапини тасдиклadi буви, - тушуниб турибсан, калитни факат сенга бергандим, кейин ўзим очдим. Ёш нарса қариндошлар олдида синмагин, деб индамадим ё тонасанми?

- Иҳимм...

Динара ерга караб, кип-қизариб кетди. Нафрат ва ғазаб сачраган нигоҳларга чидаш кийин, лаблари пирпираб учарди.

- У дунёда жавоб бериш кийин... қиз боланинг қўли эгрилиги хунук!

Назира буви беҳолгина кўзини очди. Ичини ит тирнаб, аранг ўтирган қиз нафрат ва ачиниш тўла кўзларга қараптага ботинолмади.

Буви бошини кўтармоқчи бўлиб қалкинди. Сўнг кўзларидан оловга ўхшаган қуюн отилиб чиқди-да, Динаранинг кўксига кириб кетди. Қиз қўркиб титради. “Бу нима? Бувининг нафратими ё кечиришими? Эҳтимол хислат ёки дарди унга ўтгандир, ишқилиб менга кўрсатганингни болангдан тортасан дегани бўлмаси!” Бу кечинмә миясига норозилик бўлиб ўрнашдими – аниқ билолмай, изтиробда қоврилаётган ота-онасига қаради. Сўнг гуноҳкорлик ва жазо азоби тезроқ тугашини, хонасига кириб ўзини диванга ташлашни ўйлаб турганда буви:

- Гапларимни уқдингми? – деди буви титрок овозди.
- Ҳа, буви... – қиз ичидан қуйилиб-келган ёкимсиз ҳисснётни енголмай йиглаб юборди... Бу йиғи, аччик кўз ёшлар ота-она, буви олдида, Аллоҳ олдида килган айбу гуноҳларининг тан олиниши эди...

Эр-хотин бир-бирига қаради, нафратдан юраклар зиркиради. Динаранинг шармандалик билан коришган йиғиси уларнинг ғазабига ғазаб қўшарди.

Буви чукур-чукур нафас олдию, бирдан енгил тортди. Анчагача дунёни унугтандай гапирмади, нафас олиши тезлашгандагина:

- Сув бер... – дея пичирлади ва бошини бир ёнга ташлади... Улар қўркиб кетищди, онанинг ранги оқариб бораётган, базур иккала оғенини узатиб, оғир-оғир хўрсинарди.

Малоҳат бояги ғазаб ва нафрат билан кизини кузатиб, “Бувингдан кечирим сўра!” – дея пичирлади. Динара қўрка-писа Назира момога якин келди.

- Бувижон, - деди ялинчоқ ва шикаста овоз билан, - мени кечиринг, ёшлиқ килдим...

Буви кўзини очмай кулимсиради. Набира хатосини тушуниб, афсусдалигидан хурсандга ўхшарди-ю, бир оғиз гапирмади. Кўзларини юмганча юзини чапга буриб охиста тамшанди.

У таскин топгандай енгил тин олди ва анчадан бери диллаган муаммоларини ўйлай кетди...

Сейфдаги бойлиқ тарихи чол-кампирга аён эди, холос.

Икки нафар болали бўлишганда Умарқул одамлар хизматини килиб пул топарди.

Ёз этагида күшни қишлоқдаги Омон бойникига ўттиз метрли ертұла ковлаганій борди, уч кун ишлашгач, шериги касал бўлиб ишга келмади. Тушгача ёлғиз зерикди. Иши унмади. Пешиндан кейии пешонани танғиб ишга киришганда кетмени қаттиқ нарсага урилиб ўт чақнади. Юраги "шув" этди. Яна уриб кўрди: тош эмас, сарик темир! Яна урди.. Тиф теккан жой ялтираб, из чиқди. Кетмөннинг кирраси билан атрофидаги тупрокни ерга туширди ва не кўз билан кўрсинки, тупроқ орасида ўртача ковундай мис кўза турарди. "Гилла! – деган овоз келди аллақаёқдан, - секин ол, бирор билмасин! Йигит кишига омад бир марта берилади! Хушёр бўл!" Умарқул ғалати холга тушди. "Бу менга карашли эмас, Омонбойнинг бобосидан қолган ерига кураётган уйидан чиқди-ку!" "Хозир уни ўйлама, Худо беряпти-ку, дарров ол-да, уйингта жўна!" Умарқул овоз қаёқдан келаётганини билмай ҳайрон. Олса, гуноҳга ботади, олмаса катта бойликдан қуруқ қолиб, умр бўйи мардикор бўлиб ўтади! Яхшиси..." "Тезроқ кимирла!" – деди бояги одам баландрок овозда. У Омонбой турадиган ҳовлига секин мўралади. Болалар йўқ, иккита аёл рўзгор ишлари билан овора. "Айни пайти! – деди бояги одам, - фурсатни бой берсанг, бир умр афсусда ўтасан! Олавер, одамга ўхшаб, янги уй курасан, яхши еб-ичасан, от миниб, "Умарбой!" буласан!" Бойлик лаззати Умарқулни яйратиб юборди. Шаҳд билан тери копқокни тортувди, йилтираган нарсалар кўринди. Кўркув ичидаги шошилганча қопқокни ёпди. Кўзани яқтакнинг барига яшириб, ўланиб қолди...

...Хамма ширин тушлар кўраётганда у кўзани олиб кетди. Эшик деразаларни тўсиб, шам ёкишди. Бойликни дастурхонга тўкишганда тилла тангалар ва тақинчоқ, зебигардон, билакузуклар, тоза марварид, маржон шодалари ёйилиб, хона ой чиққандай ёришиб кетди. Эр-хотин ҳайратда, кувонч юракни ёргудай. "Ўзингни йўқотма! – деди бояғи одам унга яқинлашиб, - унумта: бойлик топиш осон, сарфлаш кийин!"

Янги уй курди, от минди, Умарбой бўлди...

Бироқ текин, гирром бойлик доим баҳт ва тинчлик келтирмас экан... Катта йўқотишлар, оғир муаммолар, азоб-уқубатлар ҳам олиб келаркан. Ўн бирга кирган ўғли отдан йикилиб бир кунда ўлиб қолди. Учинчи қизи Фарида кўзи ёриш вақтида ота-онани қақшатиб, дорул бакога равона бўлди. Энг муҳими, унинг бирдан бойиб кетиши кўпчиликда шубҳа уйғотди. У, Омонбой дунёдан

үтгунча унга юзма-юз келолмади ва узокдан ҳам кўзига қаролмади. Одамлар ўртасида миш-мишлар болалади. Биронинг бойлигини пинхона ўзлаштиргани хакида гап-сўзлар кўплайди. Виждон азоби ёш ўтган сайин кучая борди. Кунлардан бир кун кимдир катта даврада сирини очиб щарманда киладигандай элликдан ўтгач, у одамларга кўшилолмай колди.... Ва умрининг охиригача шу ҳадик, рухий безовталик ва азоб билан яшади. Дунёдан ўтгач, бу изтироб ва укубат Назира бувига мерос колди. Динара қилган ишлар Назира бувини ўлашга мажбур қилганди...

Момонинг ахволи ўзгараётганди. Раҳмонжон билан Малоҳат кизини нарироқ тур, дегандай ортига суришдию, онанинг юзига термулициди. Малоҳат "Кечирим сўрашниям қотириб кўйдинг!" дей шивирлаб кизини бир нўкиди. Динара нотавон, кўлидан иш келмайдиган кимсадек туришни истамай, сурларча бувига яқинрок келиб, бояги сўзларини такрорлади. Буви юзини унга қаратиб, бир кўзини ярим очди.

- Хўп, болам, иккинчи адашмагин...

Буви бор кучини тўплаб гапирди шекилли, охирги сўзни айтиши билан яна боши чап тарафга эгилди.

Динара онасининг имоси билан хонасига чикиб кетди.

Назира буви ўсаллашди, ақли-хуши жойидалиги – шам тугаш арафасидаги равшанликка ўхшарди. Аммо салкам эллик йилдан бери қийнаётган азоблар хали-бери тугамаслиги бешбаттар қайғуга солаётганди. Ҳозир ҳам рухиятини қоплаган коронфилик, даҳшатли йирткичлар ўкириғи, уни оловга тортаётган шайтонлар азобига азоб қўшарди. У бирдан талвасага тушди, ичидаги Назира парча-парча бўлаётгандай ўзини у ёк-бу ёкка уради. Фами камаймади. Умаркулнинг сўнгти кунлари ҳам шундай ўтганини эслади-ю, у кўзадаги тиллаларни ол деган – шайтон эканини англамай ўтганидан афсус чекди. "Ҳар ёмонликнинг бир ҳикмати бор" деганларидек, набира ўғирлик килиб, унинг кўзини очди. Шунинг учун дили ёришиб, "Динарани кечирдим!" дей кўнглидан ўтказди. У "Авлодларни поклаш йўлига ўтказиши зарур!" деган хулосага келганди. Сулоладан азоб-укубат, зулмни олиб тащласа, у ёқда ётган Умаркулнинг рухи шод бўлмайдими?! Бўлади, аммо бунинг йўли борми?!

- Бор! – деган нидо келди ердагми, кўқдан.

- Айтинг, - ичидан сўради момо.

- Колган тиллалардан кечиш!
- Бирорга берайликми?
- Йүк!
- Нима кил дейсиз?
- Дарёга оқиз...
- Хүп...

Овоз тинди. Буви, эри бойликтан топған пайтида шайтоннинг гапиға кирганини, хозир эса раҳмон гапираётганини тушунди ва секин күз очиб, атрофга қаради: Ҳамма “Онам ҳушидамас!” дегандай ўзи билан овора.

Буви салқам эллик йиллик азобдан кутулиш, авлодларини ҳам озод қилиш арағасида турғанига ишониб:

- Раҳмон! – деди күзини очмай.
- Ҳа! – деди шошғанча чүчиб кеттган ўғил. Бошқалар ҳам мұйжиза рүй бергандай бир қалқиб олди.
- Сейфдаги тиллаларни олиб чик!
- Нега?
- Кейин...

Оппоқ чит рүмөлға тугилған тилла буюмлар бир лаҳзада хон устида пайдо бўлди. Ҳамма ҳайратини ичига ютиб, “Мерос бўлинса, менга қанча тегаркин?!” деган фикр билан гоҳ тугилған бойликка, гоҳо кўзлари юмук бувига қарайди. Вазият таранглашган, ҳамма “Меросхўрлар тилга олинса номимни эшилмай қолмай!” дегандай нафас олмасдан бутун вужудини кулоққа айтантирганди.

- Барини Сирдарёга оқизиб кел! – деди буви дадил овоз билан, - бир донасига ҳам тегма, тегсанг, азобда қоласан!

Раҳмон кўзларини галати олайтириб, aka-уқалар, сингилларга қаради. Ҳамма ҳайрон.

- Нега индамайсан, кўзинг қиймаяптими?
- Йўқ, ҳайронман...
- Азобдан кутулайлик десанг, айтганимни кил, кизинг менинг кўзимни очди! Унга раҳмат айт. Бу менинг охирги васиятим!
- Хўп, ойи!...

Эр хотин янги машинада Сирдарё бўйига етишганда тонг окара бошлаганди. Енгиллаб қайтишаётганда эса тоғлар ортидан қуёш қўтарилаарди...

Топшириқ бажарғанларини айтишгач, буви буюк вазифани адо эттандай билинар-билинмас кулимсираб, чукур нафас олди ва шу нафас билан бирга омонат жон ҳам саксон йиллик танани тарк этди...

Ҳамманни чакиришди...

Жаноза соат ўн бирга белгиланди. Одам кўп тўпланди. Зеро, улуғ ёшли момонинг маросимиға катнашиш савоблигини билгандай катта ҳам, кичик ҳам шу томонга оқиб келарди. Уч кундан бери осмонни қоплаган кора булут кўз ёш каби биллур томчиларини шаррос қуйгандан сўнг фурсат каби шошиб ўтаётган шамоллар уларни узокларга ҳайдаб кетди, қуёш чараклаб, одамлар кўнгли ёришди...

## 24

Эртаси куни ака-укалар тонг отмасдан мозордан келгач, фотиҳага келгандарни кутиш-кузатиш билан овора бўлишди. Туни билан ухломаган Раҳмонжонинг юраги тирналар, боши айлангандай бўларди...

У корни очгандага ичкарига кирди, бир нарсаларни тамадди килади. Малоҳат қариндошлар билан азадорлик макомида қайнона уйида ўтириди. У кечкурги воқеалар тафсилоти ҳакида кизи билан юзма-юз келмади. Эрталабдан уни кузатади. Динара қайғули кўриниш учун онаси ёнида бироз йиглади, майда-чуйда юмушларни бажарди. Аммо миясида “Бувим жимгина ўлавермасдан шу сирни айтиш шартмиди?!?” деган фикр айланарди. Малоҳат кизнинг изтиробини сезди, аммо миясида аллақачон қарорга айланган режасини сезмай қолди.

Динара, фотиха ўтгач, дадаси жиддий гаплашиши, ҳатто уриши, кўчага чиқармай қўйишини ўйларкан, шармандаликтан ларзага ушарди.

“Улар билан юзма-юз келиш ўлим! Нима килиш керак? Оёклари остига ўзини ташлаб, кечирим сўрасинми? Ё жазога кўниб ўтираверсинми?”

Йўқ, асло! Қалбидаги режалари, орзу-хаваслари бор.

Уйдан кетади! Тамом вассалом!”

Режанинг окибатини тасаввур қиломаса ҳам уйдан кетиш унинг учун энг тўғри йўл эди. “Тулкининг яхши одати кўринмаслик эмасми?! Мени кечиришади...”

Рахмон келди-кетди билан оворадай күринса-да, хаёли қизида, унинг катта ўғирликка қўл ургани туфайли оиласида пайдо бўлган оғир қайғуда эди. Ёнига жудолик дарди қўшилиб юрагини тирнар, уйқусизлик бошини оғритарди. Одамлар: “Онасиға қаттиқ куйибди!” деган ачиниш билан кетишарди. Кечга яқин сингиллари чорлашганда мадорсиз, хафалиги юзида қайғули асорат колдирган холатда эди. Ҳовли тўридаги хонада иссик-иссик чой ичиб, ёнбошига ёстик кўйди. Саволлар, зўрайиб бораётган изтироб ва ғазаб тинчлик бермасди: Она ўлеми Аллохнинг иродаси! Қизнинг ўғри ва ёлғончилиги-чи?! Униям Худо пешонасиға ёзганми?! Уни ортиқча эркалатиб, тарбиясига панжа орасидан қарашгандир? Энди жазолаш ёки алдаб-сулдаб йўлга солиш керакми? Нима қилса ҳам иллатнинг илдизига болта уриш шарт! Акс холда бу киз оилага бундан каттарок ғам келтиради!

Кечқурун кўпчилик уй-уйига кетди, азахонада қолган якин кариндошлар катта залга тўпланишди. Раҳмон уларга қўшилмай, ҳовлида бироз айлангач, негадир Динаранинг хонасиға киргиси келди. Кирди-ю, ҳангу манг булиб қолди! Стол тортмаси ва тумбалари очиқ ва бўм-бўш, китоб-дафтарлар тартибсиз сочилиб ётибди. Шифонерда эски кийимлардан бошка ҳеч нарса қолмаган. Шайтон орадаган жойга ұшшаб, қиз тақдири билан боғлик нохуш воқеа бўлгандай таассурот қолдиарди.

У ортига тисарилиб, ҳовли томон бир-икки қадам юрди, юрагини коронғилик қоплаб ташқарига чиқаётганда Малоҳат учради.

- Қизинг қани? – деди у бирдан ғазаб билан.
- Шу ердайди... - Малоҳат ҳам эридаги дард ва изтироб билан уйга кираётгани сир эмасди.
- Қара-чи... – Раҳмонжоннинг титроғи босилмаган, кўзларида куркув пайдо бўлганди.

Саросимага тушган Малоҳат бир нафасда қайтиб чиқди. Кўзида ёш милтирайди.

- Киз ўлтур... нарсалариям йўқ!
- У Динарани ўзи қочирган ё беркитиб қўйгандай юрагида айборлик туйиб, “Қизинг қани?” деган саволга дуч келмаслик учун ғудраниб сўкинганча эрининг олдидан ўтарқан, Раҳмоннинг:
- Тез изла, топ! – деган дўқ ва пўписасига гирифтор бўлди, - бир гап бўлса сениям қўшиб жазолайман! Тушундингми??

Малоҳат бу айбловни ўз дарди ёнига вазмин юқдай күшган бўлса-да, эрига ҳокисор норозилик билан караб кўйди. Айни дамда эри ҳам қаттиқ қайгудалигини ҳисобга оларкан, нима қилишни билмай аёллар олдига кетди...

Рахмон изтироб билан ўйга толди. Негадир хаёлига ўнинчи синфга кўчган ёз мавсуми келди...

Аммасининг ўғли Баҳри (асли Баҳриддин) катта бозорда шайка тузиб, савдога янги кўшилган, пули катталарни қўркитиб “сокқа” килаётганмиш!” деган “шов-шув”ни эшитдию, ўзини босолмай колди. Кечки пайт Баҳрига учраб, шайкасига кўшиб олса, унга содик шогирд бўлишга ваъда берди! Аммо Баҳри уни якинига йўлатмади.

- Ахир, кариндошмиз-ку! – деди ялингансийфат, - Бегоналардан яхши ишлайман, ҳеч қачон сизни сотмайман! – деб туриб олди.

- Агар кўлга тушсанг-чи?

- Айбни ўз бўйнимга оламан! – деди дадиллик билан.

Баҳри унинг сочини чанглаб, у ёқ-бу ёкка силтади-ю, бошига бир урди.

- Малодец, братишк! Эртадан биз билан ишлайсан! – деди...

Савдогарлар уларни танийди, муаммо чикса, дарров Баҳрига келишади, Баҳри айбсизга ёрдам бериб пулини олади, айбордан эса икки хисса... Бозорга янги кўшилган савдогар унга “доля” ташламаса молини ё пулини ўғирлатади ёки солик инспекциясига чакирилади... Баъзан Баҳри уларни очиқчасига қўркитиб пул олади. Жабрланувчи аввалига индамайди, аммо чойхона ё ошхоналарда, пивохоналарда ўтирганда шерикларига Баҳрининг гурухини энг ифлос, шалток сўзлар билан ёмонлайди. Бундай ҳодисаларни бир неча марта эшитган Раҳмон уларга ёрдам қилгиси келади. Баҳри:

- Бирорга ачинсанг, пул тополмайсан! – дегач, у:

- Ахир, бу ноҳақлик-ку, - деворганини билмай колди.

Баҳри унга “Сен Раҳмонмисан?” дегандай қаради-да, ғазабини босиб:

- Уч қаватли супермаркет қураётган, элликталаб “Дамас”ни йўналишга кўяётганлар ҳалол пул топади деб ўйлайсанми?!

Раҳмонжоннинг кўз олдига “БАРАКА” супермаркети хўжайинлари Алишер полвон ва Бозорчувак (одамлар шундай дейишади) келди. Уларни бескорга афирист, гирром дейишмас экан-да!

Шу баҳона билан Раҳмоннинг ғуури таскин топгандай бўлди. Энди ҳиссасини олишдан бошқасини ўйламасди. Пули кўпайган сайнин “ноҳакликлар” тез-тез тақрорланишини хоҳлаб қолди...

Кутимаганда Баҳри жабрдийдаларнинг шикоятлари билан ўюштирилган органнинг қармоғига илинди, хайриятки, у, шогирдлари ваъда бергандай, ҳеч кимни сотмади, ўзи қамалиб кетди, амнистия туфайли уч йилдан кейин келди-ю, бирдан тақводорга айланди, ҳамма хайратда: “Шундай зўравон қандай килиб намозхон, кўлидан тасбех тушмайдиган фариштага айланди?” Одамлар саволга жавоб топиб улгурмай сир очилди... У диний ақидапарастлар билан жиноий тил бириктирганликда айбланиб, яна келган жойига кайтиб кетди... Раҳмон ва шериклари дарров тўнни алмаштириб, оддий бизнесменга айланишиди...

Раҳмон баъзан касалликка чалинган, адолат бўронлари остида яшаётган виждони билан ёлғиз қолганда Баҳри билан килган ноҳакликларини ўйлаб ичидан зил кетади, ҳаром пуллар, бойлик ва мөъёридан ортиқча майшатлар кўз олдига келиб, оиласдаги муаммолар илдизига етгандай қалбини хавотир қоплади...

\* \* \*

Динара Сабринадан кийимларини олиб, тилла буюмларни эҳтиётлаб, саклашни илтимос килди-да, Тошкентта кетди. Ижара уйга нарсаларини жойлаб, ҳалқаро сўзлашув пунктидан Азимжонга қўнғирок килди. Қисқа салом-алиқдан сўнг:

- Бугун аэропортдан чипта олсан, узоги билан бир ҳафтада олдингизда бўламан, мени кутинг, ака! – дейиши билан Азимжон:

- Ҳазиллашманг... – деворганини билмай қолди.
- Ҳазил ҳаром!
- Саёҳат килмоқчимисиз?
- Йўқ, иш топинг, доим ёнингизда бўламан!
- Қийналасиз!
- Чидайман, ака, мен Ойбаҳорга ўхшаган нозик ойим эмасман.

Колаверса, бошқа чорам йўқ!

- Тинчликми?
- Борганда айтаман, менга ётоказ жой, иш топиб туринг. Аэропортда ўзингиз кутиб оласиз, хўпми?
- Келаверинг...

Аэропорт кетувчи ва кузатувчилар билан тұлалиги Динарани ҳайратда қолди. Ёшлар күп.. Қаёкқадир шошади, муаммони ечгани елиб-югуради. Шовкин-сурон ичидә бакириб-чакириб гаплашади.

“Кетаёттан битта мен эмасман!” деган фикр унга хотиржамлик бағишилагандай бўлди. Сўнг навбатда туриб чипта олди. Иккиси кундан қейин – жума кеч соат 19. 05 да Тошкент халқаро аэропортидан учади ва беш соату 20 дақика ўтгач, соат 22.15да Санкт-Петербургдаги “Куликов-1” эропортига кўнади. У кувонганидан Азимжонга кўнғироқ килди...

Кунни сарҳисоб қиларкан, кучига куч, ғайратига ғайрат кўшиларди. Тезроқ самолётга ўтиrsa-ю, аэропортда ҳинд киносидағи қаби Азимжон гуллар билан кутуб олиб бағрига босса! Янги машинасига ўтқазиб, Бомбейни сайр қилдирса, сўнг энг машхур ресторонда кўнгилхушлик қилишса!...

## 25

Одатда, қизлар ўқишини битираётган ёки битириб, ишга жойлашганда ўғил уйлантиromoқчи бўлган ота-оналарнинг назарига тушадилар. Совчилар бундай қиз бор эшикка илдам келадилар. Режали оиласлар шунга одатланган.

Ойбаҳор учинчи курсга ўтгач, совчилар эшик қоқа бошлишди. Аммо тўй қилишга шароит етарли эмас. Уйни евроремонт килиб, тўй харожатларини копладиган пул жамғариши, мухими, яхши йигитдан совчи келиши керак! Анчадан бер шундай тоза ният, орзу-хавас рӯёбини Худодан сўрайдилар!. Сўнгти совчилардан иккитаси анчадан бери тинч кўзишмайди. “Болам факат шу қизга уйланаман!” деб оёқ тирайпти! деган баҳона билан остоңага ётиб олишди. Аммо Ғуломжон улар билан ҳоли учрашиб, маблағ тўплай олса, кеч кузда тўй қилишини, мўлжалдаги сармояни тополмаса, тўй қейинги йили ёзга қолдирилишини айтиб, узр сўради. Аммо совчилар анои эмас! Киз берувчининг ҳамма баҳоналарига жавоб топиб келишган экан!

- Бизга бергингиз келмай, шундай деяпсиз, тўғрими? – деди биринчиси хафа бўлгандай.

- Нотўғри тушунманг, ёзгача кутсангиз, жоним билан. Берсам сиздай инсонга бераман-да!

- Жуда бадавлат бўлмасак ҳам, ўзимизга тўқмиз, битта келинни ишлатмасдан бокишга кучимиз етади..

- Ваъда берган одамингиз бўлса, тортинмай айтаверинг, - деди кейинги совчи. - қизга баҳт тилаймиз! Аммо отангизни кўрган одаммиз-а, қизингиз ўғлим билан баҳтли-тахтли бўлишига ишонаман!.

- Ёзгача кутсагу, бошқасига бериб юборсангиз-чи? - деди биринчи совчи эпчиллик билан.

- Бирорга бераман демаганман! Аммо киз бола палаҳмон тоши, кимга насиб килишини ёлғиз Аллоҳ билади...

Совчилар анча вакт жим қолишди...

Киз - кўзга яқин, балоғат ёшига етган, ошна-օғайни, дугоналари тўй-маъракаларда уни мақташса, ота-она терисига сиғмай кувонади, қайси йигит уни ёқтириб қолса, ота-онасига ҳам ёқади. Ҳалол меҳнат билан қиз боқиб, яхши тарбия самара бераётганидан бошлари осмонда.

Ойбаҳор Абдурашиднинг хатига жавоб ёзишга шошилмади. “Онамга айтайми-йўкми?” деб уч кун ўйланди, яна бир ҳафта ўтди, журъат этолмади. Иккинчи ҳафта охирида ўша бекатда Абдурашидни кўриб, юраги “шув” этди...

- Йўлингизни пойлайман! - деди Абдурашид кўзлари тўла соғинч билан, - менга шунчалик бефарқсиз деб ўйламагандим...

Ойбаҳор ўзини койиди. “Қандай ажойиб йигит-а!” дея ўксинди. Аммо Азимжонни ўйлаб, ўзини кўлга олди.

- Ё сукут аломати ризоми? - кулимсиради Абдурашид.

Абдурашид қизнинг маъюслигини маъсумаликка, хаёванди андишага йўйиб турганда, йўналишдаги такси тўхтади. Ойбаҳор:

- Кечиринг, шошиб турувдим! - деди-да, уни лол қолдириб жўнаб кетди.

Йигит чиройли күшчани қўлдан чиқарган овчидай надомат уммонига фарқ бўлиб, “Дамас” кўздан йўқолгунча термулиб қолди.

Эртаси куни Ойбаҳор аммасига қарашиб қайтаётганда уйлари олдида янги “Ласетти” ва нотаниш одамларни кузатаётган ота-онасига кўзи тушиб, “Совчилар!” деб юраги “шув” этди. Ўзини дарахт панасига олди. Бироздан кейин ҳеч нарсани билмагандай ҳовлига кирса, отаси янги ижара машинанинг балон, салонларини кўздан кечирар, онаси хиргойи қилиб ошхонада уриняпти. Кайфият аъло!

- Келдингми? - деди онаси кувонч билан.

Ойбаҳор кийимларини алмаштириб, ойнада ёқасини тузатаётгандан ойиси кирди.

- Бахтинг очиляпти, кизим!

Ойбаҳор нотаниш ордамларни кўргандаёқ Абдурашид хаёлига келган, юраги ҳаяжондан хаприқкан эди. Ҳозир онасининг гапини эшишиб ўша ҳаяжон қалбига ёпирилиб кирди. Онаси уни бағрига оларкан, икковининг кувончи кўшилиб, шодлик тўлган калбда жаранг бергандай бўлди. Совчи юборган йигит хакида гап бошлианди. Ойбаҳор Абдурашидни ўйлаб кувонди. Азимжон хаёлига келиб, бирдан кайфияти тушди.

- Нега ўйланасан? Ахир, бахтинг очиляпти-ку!
- Тўғри, лекин...
- Нимаси лекин?
- Ўйлаб кўриш керак!
- Бугун ўйла, индинга улар яна келади.
- Мунча тез? – у чўчиб савол берганини билмай қолди.
- Үкицни битирдинг, куёв бўлмиш давлат идорасида ишларкан. Чўзишнинг нима кераги бор?

Кумуш ҳозиргача келган совчилар ичидаги буғунгиси уларбоп, ҳар тарафлама “шаблон”га тушганидан хурсандлиги якъол билиниб туради.

Ойбаҳор бироз сукут саклаб, онасига жиддий каради.

- Ҳозир кизлар йигитни, оиласини суриштиради, кўнгли тўлгандан кейин рози бўлади.

- Суриштиармиз... Лекин намунча?
- Битта гап айтайми?
- Айт!
- Ўтган йили битирган ўртоғимиз икки ой олдин турмушга чиқканди. Йигитни роса макташса, рози бўлиб тегаверган. Тўйдан йигирма кун ўтгач, уйига битта аёл келиб:

- Уйниям, эрниям бўшат! Мен Карим ақам билан икки йилдан берин яшайман, битта боламиз бор! – деб жанжал қилган. Иш судгача борди, беҳаё хотин ўртоғимизни кўчаларда тутиб, эримни бўшат деявериб жонидан тўйдирди. Эл-юргга шарманда қилди. Киз ажрашга мажбур бўлди. Маълум бўлдикси, йўқала жазман аввал сценарий тузишган экан! Шунақа бўлмасин дейман!

- Э, бунақадан Худо сакласин, кизим! – тутоккандаң бўлди она,  
- Нафасингни иссик кил, булар тагли-тугли, ора-ошибатли  
одамларга ўхшайди.

- Баъзи йигитлар, - гапни илиб кетди Ойбаҳор, - эдан чиккан  
аёлларгаям уйланиб оляпти, топарман-тутармонлари жики-учтадан  
хотин қилволган, вакт борида униям суриштирайлик!

Она ўйга толди, эътиборсизлик кўнгилсизликка олиб  
келишидан хавотирга тушаётганди. Ойбаҳорнинг мақсади эса  
совчиларни кечкитириш!

- Ўзинг қизлардан суриштир...

- Сиз маҳалласидан сўрасангиз, яхши бўларди...

Кумуш рози бўлди...

Она тушдан кейин кўчага кетиб, кечкурун Абдурашид ва  
оиласи ҳакида яхши гаплар эшитиб, бир дунё таассуротлар билан  
кайтид.. Ойбаҳорнинг кўнглига ғулғула тушди. “Наҳотки, бериб  
юборишса?!”

У ёстиқ тагидан хатни топди ва унга қўнғироқ қилмокчи бўлди.  
Аммо ҳаё-андиша устун келди: “Нима дейман?”

Абдурашидга таъсир ўтказиб, ишни оркага суриш керак!...  
Баҳона топилармикин дея хатни ўқиди. Ва “Сиз севгимни қабул  
қилсангиз, совчи жўнатаман!” деган жумлада тўхтаб, карсак  
чалиб юборди. Ва SMS ёзди: “Абдурашид ақа, мен севгингизни  
қабул қилмай туриб совчи жўнатдингиз, ўз гапингизга амал  
килмадингиз! Сизга ишонмайман, совчилар қайтиб келмасин!”

Бир неча сонияда жавоб келди: “Совчиларингиз кўп, шошилиб  
колдик, арзимас хатойимизни кечирингү розилик беринг, сизни  
севаман!” Худди шунча дақиқада Абдурашидга жавоб борди:  
“Кечиринг, рози бўлолмайман!”

Абдурашид яна ёзди, ёзаверди, аммо жавоб ололмади...

Совчилар чоршанба куни чошгоҳда Ғуломжоннинг эшигини  
кокишиди. Киз билан йигит кўришсин, деган қарорга келишгач,  
Ойбаҳор учрашувга чиқди. Шаҳардаги “СИМ-СИМ” кафесидаги  
учрашув ҳаяжон билан бошланган бўлса-да, Абдурашид кутгандай  
якун топмади. Сухбат сўнгида Ойбаҳор:

- Бир йил ишлаб, турмушга чиқаман, узр, Абдурашид ақа! –  
деди-да, йигит хаёлини йигиштириб ултурмай: “Хайр, мени  
кечиринг!” дея кетиб қолди.

Абдурашиднинг гапи бўзизда қолди, нафаси тикилди. Ойбаҳор мажнунтол ёнидан яшил йўлакка ўтиб, қадамини тезлатди, йигитнинг назарида, уни ҳеч ким тўхтатолмасди...

Киз йўналишдаги “Дамас”да “Бу ишлардан Азимжон акамни хабардор килиш керак!” деган қарорга келди ва телефонига пул тушириб, SMS ёзди: “Мени унаштиришмоқчи, тел. қилинг!”

Ойбаҳор шу куни ярим тунгача ухламади. Безовта хаёллар ўзи ё Азимжон эмас, Абдурашид ва унинг севгиси ҳакида. У учрашувдан ҳурматсизликдан ёки норозиликдан кетиб қолмади. Севги мактубини ўқиб чикқандайдек, “Абдурашид шаҳарнинг энг илмли, одобли йигитларидан бири!” деган холосага келган, ҳар кандай қиз у билан бахтли-саодатли бўлишини тасаввур килган ва ўзида мойиллик уйғонганди. Аммо ҳаётida Азимжон борлиги, бир лахза ҳам усиз яшолмаслигини тушунгани учун ўзини кўлга олган. “Шундай ажойиб йигитнинг покиза мухаббати, булок сувидай тоза туйғулари, интилиш ва орзу-хаваслари нима бўлади? Жавобсиз севги бир умр юрак-бағрини ўртайдиган армонга айланадими?” деган саволлар юрагини туз сепгандай ачиштиради. Ҳатто “Эй Худо, шундай дилбар йигитга ҳали ҳеч кимни севмаган, уни қадрлай оладиган қизни рўпара қилсанг бўлмасмиди?!” дей Яратганга илтижо қилишдан ўзини тиёлмади. Охири, “Ҳаётда шунақаси ҳам бўларкан-да!” дей ачинишларига таскин берди-ю, барибир юрагининг бир чеккаси ғашлигича қолди...

\* \* \*

Азимжон хабарни олганда Санкт-Петербургда, Нива дарёси бўйидаги кафеда тушлик киларди. Юраги алланечук бўлди. Ҳаёлига нуқул ”Наҳотки, мумкин эмас!” деган гап келаверди. Икки ҳафтадан бери унга қўнғирок қилмагани ёдига келиб, ўзини ёмон кўриб кетди. Аммо Ойбаҳор билан боғланиб, ҳамма гапдан хабардор бўлгач, хотиржам тортди-ю, қўнгли ғаш.

У ишга мослашиб, уйига пул жўнатди, онаси хурсанд. Кейинги маошлигини йиғяпти. Қарзларини узиш ва тадбиркорликка етадиган пул жамғармагунча кетмоқчи эмас.

Аммо “Куёв бўлмиш тагли-тугли жейдан!”лиги соат сайин оромини ўғирлапти. Бундай йигит кизи бор ота-оналарнинг тинчини ўғирлайди! Ойбаҳорнинг ота-онаси астойдил уринса, ёш қизни алдаб-сулдаб тегишга қўндиради...

Азимжоннинг хавотири кучайиб боради.

Фикрлар миясидан кетмай, секин-аста юрагини ларзага солади.

У ўйлаб кўриб аниқ жавоб беришини Ойбаҳорга айтган. Бир неча кунки, камгап ва қайгули. Тоғаси бир-бир қараб қўяди. Аммо “Жияним ўзи дардини айтар” кабилида ҳали оғиз очмади.

Бир хафтадан кейин тоға Азимжонни алоҳида хонага чорлади.

- Нима гап?

- Ҳеч гап.. – дудукланди йигит.

- Уйда тинчликми?

- Ўзим...

- Чайналма, нега хафасан?

Азимжон уялгандай тоғага тикилди. Дардини қай йўсинда айтишни ўйлаб юрганда тоға ўзи гап очгани яхши, аммо “Кизни миянгдан чиқариб, кўпроқ пул топишни ўйла! Онанг, укаларинг бор!” демасмикин?

- Битта масала бор, тоға! – деди ниҳоят дадилланиб.

- Айт!

- Устимдан кулмайсизми?..

- Гапиравер...

- Битта киз билан гаплашиб юрадим...

- Хўш?.. – кулимсиради тоға, - ха, молодой человек...

- Яқинда коллежни битирувди, совчилар кўпайиб унаштиришмокчи экан, уйдагилар бир келиб-кетишса, яхши бўларди деяпти...

- Аянгта айтиб қўйишим керак, шундайми?

- Шунаقا.

- Э, болакай, шунга бир ҳафта ўйландингми?!

- Ҳа, энди...

Тоға қизнинг ота-онаси ва манзилларини сўради ва “Ташвишланма, опам қизнинг бўйини боғлаб қўяди!” - дея уни хотиржам қилди.

- Раҳмат, тоғажон!

Азимжон эрталаб илтимоси бажарилганини эшиғдию, аъло кайфият билан ишга жўнади. Бир неча марта мижозларни манзилига ташлагандан кейин Ойбаҳорга қўнгироқ килди... Кечки пайт ундан SMS келди:

“Онангиз келиб, ойим билан гаплашдилар...”

Динара Тошкент халқаро аэропортига биргина ташвиш билан келди: таниш-билишлар билмасдан самолёттә үтирсам, марра меники!"

Кутиш майдони ва катта залга кираверишда сал-пал таниш киёфаларга эътибор бермай ичкарига кирди. Чиптани рўйхатдан ўтказиш навбатида турганда эса негадир юрагини хавотир қоплади. Кимдир орқасидан пойлаб келиб, ота-онасига ушлаб берадигандай ҳамма ишлар тезрок бажарилса-ку дея бетокат бўлганча назорат постидан ўтди. Учиш майдони олдидаги кутиш жойига - ҳаяжон билан тўпланганд турфа ёшдаги йўловчиларга қўшилганда ҳам хавотири йўқолмаганди. Боя Азимжонга қўнгирок қилиб, Санкт-Петербургга кўниш вактини айтган, кутиб олиб, квартирага олиб кетишини билса ҳам, самолёт осмонга кўтарилигандагина бехавотир нафас олиши миясига ўрнашиб колган.

Йўловчиларга зимдан назар солди. Водийлик таниш кўринмади, аммо айрим катталарнинг ёш қиз катта шахарга ёлғиз отланганини ўйлашаётгани катта ёшли одам сўз котгандан кейин аник бўлди. Динаранинг қилмишларидан хабардорга ўхшарди.

- Ишлаганими ё бирорни қўргани, кизим?

Саволда ачиниш маъноси ҳам борга ўхшагани учун Динара дарров жавоб килди.

- Акам кутиб оладилар, яхши жой бўлса, бирор йил ишлайман!

Вагончалар йўловчиларни самолёт олдига олиб келди. Трапдан чикишаётганда бояги одам яқинлашиди-да:

- Жойингиз неччи? – дея сўз қотди.

- Тўксон бешинчи! – деди шошганча Динара.

- Ийе! – деди у қўзларини катта-катта очганча, - меники тўксон тўртинчи, ёнма-ён кетарканмиз...

У Динаранинг тоғасига ўхшаркан, шахарчада қўргандай бўлаверди ва хаёлига “Агар ота-онам ҳакида сўраса, нима деймак?” деган савол уйга камалган қалдирғочдай миясида айланаверди. Жойлашгунча жўяли жавоб тополмади. Ўзини ухлаганга солиб, ёки чарчагандай, камрок сухбатлашишга қилди.

Парвоз ходимлари тамадди тарқатгунча вакт у ўйлагандай ўтди, аммо тотиниб олишгач, уйку кочди, атрофдагилар ҷицирлашиб бўлса ҳам сухбатлашаётганлари учун икки дилда ҳам сухбатга эхтиёж туғилди.

- Асли қаерликсиз? - деди ҳалиги одам астайдил сұхбатлашмокчи бўлиб, - Тошкентликка ўхшамаяпсиз...

“Бу одам бир нарсаны билади!” - шубҳаси орта бошлади кизнинг, - менга ҳамشاҳар шекилли...”

- Водийдан... - сұхбатта тоби йўқ одамдай жавоб берди-да, кўзларини юмб олди.

- Водийда оғайниларим кўп эди, кўплари казо килишди, айримлари билан алоқамиз узилиб қолди, ёш ўтган сайн йўл юргинг келмай қоларкан...

-Ўзингиз қаердансиз, амаки?

Динара бу йўлни ўзига савол бермасликлари учунгина ўйлаб топди. Ва бир зумгина бўлса ҳам ўзидан хурсанд бўлди.

- Воҳа тарафлардан, Тошкентда кирк йилдан бери яшайман, аникроғи, ўқиши битирдиму уйланиб, Тошкентда қолиб кетдим. Отим Мухиддин! Савдо соҳасида узок йил ишлаб пенсияга чиқдим. Намангандаги ҳамкорларим кўп эди. Болтаев Абдураҳмон - якин кадрдоним бўяган, “Ёғфурӯш” дердик. Савдонинг пири бўлган, хар кандай чигирикдан бутун чиқарди, азамат! Афсус, беш йил бурун юрак хуружидан вафот этди! Раҳматли жуда яхши одам эди. Катта укаси чорвадор эди. Сұхбатини олганман. Оти Қодиржонми. Собиржонми эди-да, аниқ эсимда йўқ! Ҳозир хусусий чорвачилик хўжалиги ташкил килган.

Динара ичидан зил кетди: Мухиддин бобоси ва унинг акаси ҳакида ғапираёттанди!

Киз тилини тишлаб қолди. Ичини билинтиrmай, ўзини уйқуга соларди.

- Водийда сўлим жойлар кўп, ҳавоси анча тоза, хумори тутади. Абдураҳмон ўлиб кетган бўлса ҳам укасини кора килиб боргим келаверади. Одамлариям меҳмондўст, ширин тил-да!

- Шунака...

- Сизникиям Наманганданми?

-Мен Анжанликман! – шошиб жавоб берди Динара.

- У ердаям улфатларим кўп, шахарданмисиз?

- Йўқ! Қишлоқданман.

- Ҳааа...

Сұхбат узилиб қолди. Орқадагилар боя ўқиш учун олган газетасини узатди-ю, Мухиддин мутолаага шўнғиб кетди. Динара кутулдим дегандай терс караб, кўзларини юмди...

“Куликово-1” халқаро аэропорти катта: Одам кўп, турли шаҳарларга рейслар кўплигидан диктор шошилиб эълон қиласди. Баъзан гапини тушуниш қийин.

У текширувдан ўтгач, юкларини олиб, катта йўлакда кутаётган Азимжон акасининг олдига ҳаяжон билан одимлади.

“Азимжон акам оппок, чиройли бўлиб кетибди!” – салом алиқдан кейинги миясига қелган биринчи фикр шу бўлди.

Улар ўзбекистонлик аёллар яшаётган кварталга жўнади.

- Соғинмадингизми, ака?

Бу савол “Нега қайнок кайфиятда, соғинч тўла эҳтирослар билан эмас, совуқкина кўришдингиз?” дегандай Азимжонни бироз ўнғайсизлантирди. У қизнинг дадиллигига тан бериб, жавобга ўйланиб қолди.

- Ё ишдан бошқасини ўйламаяпсизми?

- Ўйлайман...

- Ойбаҳорними?

Яна бир-иккита савол ёғилса, Азимжон жавоб тополмай қолишини ўйлаб, отини қамчилади.

- Йўқ, сизни! – деворганини билмай қолди.

- Сезмаяпман!

- Бир соатдан бери кутаман, аэропортга сиз билан учрашаман деб келганимни унутдингизми?! Қолган расм-русумларни йўлда ё борганда бажарса бўлади-ку! Ё нотўрими?

Бу гап вазиятдан чиқиши учун айтилган бўлса ҳам Динаранинг гинасини тарқатиб юборди. У бошқа гина қилмайман, деб ўзига ваъда берди.

Азимжон қизни умидвор қиласидиган гап айтишдан тийилиб, виз-виз ўтаётган машиналарга дикқатини қаратар, қайрилишлар, қалтис жойларда эҳтиётланиш баҳонасида ўйланиб бораради.

- Яқинларимни кўргим келади...

- Сизни жуда соғиндим, доим хаёлимдасиз. Севган одамингни кўргинг келади-да, тўғрими?

- Ҳа...

- Ойбаҳор қўнғироқ қиляптими?

Азимжон эртароқ жавоб тайёрлаб қўйганди.

- Унинг телефон қилиши хаёлимга келмабди. Ҳатто рақамимни билмайди-ю...

Динара қитмилик билан ўйланди ва фикрини қандай ифодалашни мўлжаллаётгандай озгина чимирилиб, тўхтаб қолди. Сўнг Азимжонга сирли жилмайди.

- Балки ўзингиз кўнғироқ қилгандирсиз?

- Шунақа деб ўйлайсизми? – синовчан жиддийлашди Азимжон.

Динара “чегарадан чиқдим” дегандай ўзини йиғиштирмокчи бўлди. Узок кутилган учрашууда кўнгилсизликка йўл қўймаслик учун мавзуни ўзгартирди. Ишлари, шаҳардаги ҳаёт, янгиликлар, бу ердаги ўзбеклар ва уларнинг фаолияти ҳакидаги майда-чуйда саволлар билан озгина овора бўлишди, сўнг боя хаёлига келган фикрни тилига чиқарди.

- Тўлишиб, оппоқ йигит бўлиб қолибсиз, Санкт-Петербург ҳавоси ёкибди, aka!

- Шунақага ўхшайди... Ўзиям ҳамма ерга мослашаверадиган, ҳамма ер ёқаверадиган йигитмиз-да, Динарахон!

Азимжоннинг ҳазили Динарани хушнуд қилди, икковлари ўзларини эркин тута бошлашди.

Шаҳар марказидан ўтаётганда Пётр 1 даврида курилган кўхна, авайлаб сақланган, шаҳарга кўрк ва тарихийлик бағишилаган биноларни томоша қиларкан, Динара қалбида дунёнинг катта шаҳарларини кўрганда пайдо бўладиган кўтаринкилик, гурур ва иштиёқ туғилди. Янги таассуротлар, завқ-шавқ ўз хатосидан уялиш ва жавобгарлик изтиробини кўмиб борарди.

Азимжон Динарани ўзбекистонликлар турадиган квартирага жойлаб қайтаркан, бир неча кун аввал Динара бу ёқقا келаётганини айтганда пайдо бўлган ташвиш бугун катталашганини англади, эртага баттар бўлишини тасаввур қилиб у билан яқинлашиш яхшилик келтирмаслигидан ўйлаб қолди.

Динара хайрланаётганда иш масаласини сўради ва Азимжон эртага пайпоқ тўкиш цехида вақтинча ишлаши, яхшироқ жой чиқса, ўтиб олишини тушунтиргач, ўйга толди: “Ишқилиб, шу билан тинчисин-да!”

Эртаси куни цехга кетишаётганда Динара кутилмаганда гап котди:

- Ишдан бошқасини ўйламаганингизга энди ишондим!

Азимжон ҳайрон. Қиз унга синовчан караб, иккинчи саволни кўндаланг қилди.

- Орамиздаги масофага ўхшаб кўнглимиз ҳам йироклашиб кетганга ўхшайди, а?

Савол тагдор чиқди. Азимжон кизга муносабатидаги камчиликларни ўйлай бошлади. Миясига келган фикрлар мантиқан нотўғридек, ўзига ёқмасди. Ёш кизнинг катта шаҳарга ёлғиз келиши, унга суянаётгани бу ерда ҳам муаммолар чиқариши ёхуд Ойбаҳор билан муносабатларига раҳна солиши мумкинлиги кўнглини ғаш киларди.

- Нотўғри ўйламанг, миллионлаб одам яшайдиган, бегона шаҳар хаёлпарастларни ёқтиримайди. Бизни тушунадиган одам ҳар қадамда учрамайди. Уларда ройи андиша, ўзбекона бағрикентлик йўқ! Ишни кўпроқ ўйламасант, пул толполмайсан! Ҳатто оғзингдагини олдириб кўясан!

Динара чурқ этиб оғиз очолмади.

## 27

Азимжоннинг онаси келиб кетгач, Кумуш билан Ғуломжон жиддий ўйга толишиди. Киз бола севиши, учрашувларга чиқиши мумкин, ҳатто йигити билан аҳду паймон қиласи. Бошдан кечганларини унутишгани йўқ. Ойбаҳор Азимжон билан гапни бир жойга қўйганий эшлишгач, бир-бирларига караб энтикиб қўйишди.

Илк муҳаббат меваси - Ойбаҳорни икковлари ҳам бирдек яхши кўришади. Қариндошларникига кетиб, кеч колса минг йил кўрмагандек соғиниб, тажанг бўлиб қолишади. Дийдорига тўйишгач, жон ҳаловат топади. Мехригулнинг ташрифидан сўнг, шундай гўзал, ягона кизни Азимжон бағриларидан юлиб олаётгандай ғалати бўлишди. Бир-бирларига гапиришмаса-да, кўз-кўзга тушгандаёқ англаб етишди. Бу - ижобий маънодаги рашк! Лекин хәётнинг темир конуни - тўйга ҳам, кизни олиб кетишларига ҳам кўнишиш лозим. Бу конунлар туйгуни эмас, сабр токат, амалий ишни ёқтиради.

Кейинги бир йилда Ойбаҳорга кўп яхши жойлардан совчи келди, аммо Ғуломжон билан Кумуш қайнота-қайноналика, кудандачиликка тайёр эмасмиз, Ойбаҳор ўкишни битирсин, озгина ишлаб, муомалани ўргансин, дея оклиб бермай келишиди.

Ойбаҳорнинг саранжом-саришталиги, факат ўз ховлисига, маҳаллага ҳам тилла узукнинг олмос кўзидај ярашиб туришини

каттаю кичик яхши билади. У тегиб кетса, маҳалла хувиллаб колармиш...

Аммо Абдурашиддан келган совчилар ота-онани шошириб кўйди. Ўқимишли, давлат идорасида ишлайди, ота-онаси ҳам бамаъни одамлар. Ойбаҳорни ишга жойлашлари мумкин, энг муҳими, уни ҳурмат килишади. Шу мулоҳазалар юракка чўғ солиб, куёв томонни суринтиришиди, натижа улар кутгандан зиёда: Абдурашид катта фарзанд, кейингиси киз, кенжаси ўғил! Абдурашид уйланмай туриб алоҳида ҳовлига эга! Ойбаҳорни беришса, камчилик кўрмай, фаровон яшайди... бошига баҳт қуши қўняпти!

Шу кунларда қизларига сизлаб муомала қилишяпти! Гўё улар бошка: катта эҳтиромларга арзидиган одамга айланиб боришаётгандай...

Аммо Ойбаҳор кайфиятсиз. Ота-она буни ҳадемай ота уйини тарк этиши билан боғлиқ ўткинчи маъюслигига йўйиб, хотиржам юришиди. Аммо Азимжоннинг онаси келиб кетгач, улар ўзгариб колишиди...

Кумуш кечки пайт қизининг хонасига кирди.

- Ўша йигит билан ваъдалашганимисан?! – сўради она қизга сирли тикилганча.

Ойбаҳор Мехригул келган куни деразадан уни кузатган, самимий аёл! Ойбаҳорнинг ўғли билан муносабатни айтмай, ўз тилидан гапиришига ишонган, аммо ичкаридаги сухбат тафсилотларидан бехабарлиги учун хавотирда эди.

- Ойи, - деди у онасига жiddий қараб, - мен бирорвга ваъда бермаганман!

- Азимжон билан таниш экансан-ку!

- Аммо ваъда бермаганман!

Кумуш қизнинг кўнглида бошка гап борлигини билгач, у томонга яқинроқ сурилди ва бирмунча мулойимлашди.

- Уни... севасанми, қизим?

Ойбаҳор хаяжонланиб, бироз чўчиди. Аммо она-бона яқинлигини ўйлаб, ўзини эркин тута бошлади. Бироз уялди, андиша журъатини тўсди. Аммо умр савдосида ҳушёр бўлишни эшитган, китоблардан ўқиган. Онасининг рӯнарасидаги диванга ўтирида-да қаддини ростлади.

- Ойи... – деди у күйлагининг этагини буклаб ўйнаркан, - Азимжон акам... у яхши инсон!

Она ўйланди: "Кизим Абдурашиддай йигитта кўнмай, Азимжонга оғиб турибдими, демак, у киз қалбида аввалроқ яхши туйғу ўйғотолган!"

- Абдурашид ёмон одамми? – атайлаб сўради Кумуш.

Ойбаҳор сал довдираф қолди, аммо ўзици кўлга олди.

- Бир-икки марта кўчада кўрганман холос, аммо Азимжон акамни яхши биламан...

Она қизнинг Азимжонга муносабати хақидаги тахминлари тўтри чиқаётгани учун уни тинглашга қарор қилди. Ойбаҳор жимликни бузиб, фикрини давом эттиришга мажбур бўлди.

- У киши маълумотли, тарбияли йигит...

- Яна нимаси бор?

- Отаси ўтгандан кейин оилани бокиши учун Россияга кетган.

- Яна нима биласан?

Киз севгисини билдириш мавриди келганини тушуниб, онасиға караб дадилланди.

- У мени севади!

Она синчковлик билан кулимсираб, қизнинг ёнига ўтди ва кўлидан ушлади ва меҳрини кўрсатмокчидай кафтини силади.

- Ҳамма билганинг шуларми?

Ойбаҳор бир неча лаҳза ўйланиб турди-да, аввал кулимсиради, сўнг юзини сал четта буриб:

- У дадамларга ўҳшаган яхши одам!

- Аниқ биласанми?

Ойбаҳор отасига ўҳшаган яхши одамни севганидан Кумуш шундай севиндики, ота ва қизга бўлган муҳаббати икки чандон ошгандай бўлди! Қизини бағрига босиб икки юзидан чўлпиллатиб ўпгиси келди-ю, сухбат чегарасини бузмаслик учун ўзини босди.

- Биламан, ойи, биламан! – деворганини билмай қолди киз. Она "Ҳаммасини энди билдим!" дея қизнинг қўлини қаттиқроқ қисди.

Ойбаҳор бўй ета бошлагандан бери Кумуш қизлар йигитларни яхши билмаслиги, уларнинг кўнглида нима бору, қизларга қандай фикрда, қанақа йигит билан турмуш курса бўлади-ю, қай бири номуносиблиги ҳакида кўп ўйлади. Айниқса, йигитларнинг қаддиқомати, озгина чиройига учиб, ҳеч қанча ўтмай уларнинг бевафолигидан нолиб, камситилган ва хўрланган қизлар ажрашиб

кетепти. Энг ёмони, шуларни кўрган қизларнинг йигитларга хуши кетаётганига бешбаттар ҳайрон қолаверади. Лекин Абдурашиднинг совчилири келиб кетганидан бери онанинг тилидан бол томади. Ўқимишли, ишли дея унга розилик бериш ҳакида гапираверади. У дастлабки кунларда қизи уни маъқул кўришига ишонганди. Аммо Мехригул келиб кетгач, фикри ўзгарди. Абдурашид күёвликка канчалик муносиб бўлмасин қизининг кўнглига кулок солиш зарурлиги ҳакида эри Ғуломжонга билдиrmай ўйлай бошлади. Ҳозир тахминлари тўғри чиқаётгани бир томондан хурсанд килаётган бўлса, иккинчи томондан қайғуга соларди: Ғуломжонга Абдурашид биринчи куниёқ маъқул келган, ҳатто деярли бир карорга келиб қўйганди. Энди Ғуломжоннинг Азимжон ҳакидаги фикрини ўзgartириш учун исбот етарли! Аммо бу ҳакда ҳозирча Ойбаҳорга билдиrmай тургани маъқул. Қизини яхшилаб синовдан ўтказиб олади.

- Гаплашиб юрганимидинг?

Ойбаҳор онанинг қиёфасида билинар-билинимас норозилик сезиб, хушёр тортди. Аммо бахтли турмуш учун мос инсоннинг зарурлиги ҳакидаги устоз гапини эслади-да, ҳатто қилматанини ўйлаб, юрагида дадиллик уйғонди, боягина рухиятида туғилган гуноҳкорлик хисси йўкола бошлади.

- Унака гап йўқ, хотиржам бўлинг!

- Дадант Абдурашидга берамиз, десалар қаршилик килолмайман!

Киз бирдан чўчиб кетди. Эртагаёқ тақдири ҳал бўладигандай ваҳимага тушди. Ҳаёлини йигишга қийналар, иродаси тўклиётганга ўхшарди.

- Отам кўнглимга қарайдиларми ё кўй сотгандай барака киладиларми?!

Она бу гапни кутмагани учун қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишига бир баҳя қолди. Ўзини босиб, мийигида кулди.

- Ахир, - давом этди Ойбаҳор, - турмуш қурадиган мен-ку! Кўнглим сизларни қизиқтирмаса, мен билан гаплашиб нима киласиз, бўйнимдан боғлаб уникига жўнатиб юбораверинглар...

Она сергак тортиб, қизининг дунёкараши ўсганидан севинди. Унга ёш деб қараш мумкинмаслигини бир лаҳзада тушуниди. Бирок ота фикрини ўзgartириш учун бу жиҳатлар камлиги онани қайғуга ботирарди.

- Ҳозир тифиз давринг, тезрок ўйлаб кўр! Ким ўз боласини кўйдек сотади? Отанг оиласиз бошлиғи, “Қизим баҳтли бўлсин, кийналмай яшасин!” деб ният қилади, хотиржам бўл, сенинг розилигингиз фотиха берилмайди! Азимжон ҳакида ҳам гапирганман, аммо дадангнинг фикру хаёли Абдурашидда!

- Нега – Ойбаҳорнинг кўзлари чақнаб кетди,- Азимжон акамга чап кўз билан карайдилар?

Киздаги алам ва норозилик онани ҳайрон қолдирди.

- Қизим, - деди у ҳазинлик билан, сухбатга нукта кўймоқчилигини сездиргандай, - майда-чуйдалар билан оила бошидаги эркакни чалғитиш ярамайди. Сенга маслаҳатим, иккаласини яхшилаб тарозига сол, шундай ўйлагинки, кейин афсус килмагин!

- Ҳўп, ойи...

Кумуш қизининг гапларидан қанчалик кўнгли кўтарилган бўлса-да, унга билдирамди. Айниқса, айрим қизларга ўхшаб, “Азимжон акамни жонимдан ортиқ севаман, шунга бермасанг, тоқ ўтаман ё ўзимни дарёга таштайман!” дейиш у ёқда турсин, кўзларида муҳаббат алангаси ловуллаб турса ҳам бирор марта “Севаман!” демади. Андиша ва хаёси онага тортганидан боши осмонга етди.

Қиз хонасига кириб кетгач, ўй-хаёлларга берилди.

Кумушнинг наздида, аёл – эрисиз туролмайдиган бўлса ҳам унга “Севаман!” деб айтиши шартмас. Ёлғиз колганда ҳам бағрига отилса, хаё пардаси кўтарилади!. Ҳатто вужудини ёндириган эҳтиросни кўз оркали билдиришни ўзига эп кўрмайди!

Эркак иш ё сафарга кетганда аёл унинг эсон-омон қайтишини Худодан сўраб кутиши керак! Қелганда чарчоғини ёзадиган таскин гаплар билан сийлаши, суйган овқатини дастурхонга қўйиши лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам эрининг кийимлари ювилган, дазмолланган бўлиши шарт, эрни ишга қайфиятсиз жўнатиш ҳакорат билан баробар. Болаларида унга нисбатан меҳр ва эҳтиром ўйғотиши зарур. Булар “Мен сизни жонимдан ортиқ севаман!” дейиш ёки кучоғига ўзини отишдан куҷлироқ таъсир килишини эркак олиб берадиган совға-саломлар ва бағрига босишлиар билан ўлчаб бўлмайди.

Гуломжон сафарга кетганда Кумуш жавонни тартибга келтириш баҳонасида унинг куйлагини олиб, хидлаб бағрига боссан

ва пичирлаб дуо ўқиганини Ойбаҳор кўп кузатган! Онасининг эрига согинчини ҳавас килган: “Дадам меҳр ва ҳурматга, онам эса севишига муносиб!” дея завкланиб кетарди.

Она сухбатларида яхши инсон, эр ва ота хакида гапиргудай бўлса, барча мисолни Ғуломжондан тополгани Ойбаҳорни ҳайратда колдирарди. Ва кизида ҳамиша яхши таассуротлар колдирарди...

## 28

Азимжон фарғоналик аёллар сардори Мунаввар опанинг бир неча марта хизматини қилган, муҳим ишларида елка қўйган. Кўча ичганинг кўнглида бор, деганларидек, у Азимжоннинг Динарани пайпок тўкиш цехига ишга жойлаш ҳақидаги илтимосига йўқ деёлмади.

- Кунти яхшими? – деб сўради, холос. Азимжон кафилман дегандай жавоб бергани учун Мунаввар опа катта бошлиқ Георгий Петровичдан сўрамасдан:

- Эртага келаверсин! – деди.

Динара Азимжоннинг танишлари туфайли водийлик аёллар билан ишлаётганидан боши осмонга етди. Азимжоннинг хеч нарсани ўйламасдан факат яхши ишлаш, бошлиқ топширигини сўзсиз бажариш лозимлиги, бу ердан кетса иш топиш қийинлигини тушунтириди. Цехда ўзи тенги битта киз онаси билан бирга ишларкан. Колганлари ўттиз-кирқдан ўтганлар. Оиласи, тирикчилиги учун пул жўнатиш илинжида. Динара дастлабки кунларда шиддат билан ишга киришиди. Ишдан кетиш – Азимжондан узоклашиш, хатто эътибордан колиш билан баробарлигини яхши тушунарди. Мунаввар опа ўн кунча кузатди. Харакати, зеҳнини кўриб, ўзига яқин ола бошлади.

Аммо ўн кундан кейин иш пайтида Динара оғир чарчок хис килди, иш куни зерикарли туюлаверди. Ишдан чикиб, квартирага шошади. Овқатланиб, озгина телевизор кўради-да, кушдай енгил уйғониш илинжида донг котиб ухлайди. Ҳар нечук ёш бўлгани учун ният қилгандай тонг оттиради. Аммо тушдан кейин чарчок енга бошласа, дангасалиги хуруж килади. Ота-она қарамоғида кийинчилик кўрмагани учун узоқ ишлолмайман дегандай хулосага кела бошлайди. Хатто Азимжондан бошқа иш топиб беришни илтимос қилмоқчи бўлади. Аммо ёнидагилар кунт билан ишлаётганини кўриб тилини тияди. Дам олиш кунлари кўча

айланишдан кечиб, түйиб дам олишни афзал күради. Ҳатто Азимжон акаси билан учрашиш ҳам күнглигига сиғмаёттандай.

Булардан ташқари, уни бошқа муаммолар уйқусини қочириб, юрагини сикәди. Она-онаси у ҳақда қандай фикрда, қаерларни излаёттан экан: қариндош-урұғлари үғрилигига тұла ишониб, ота-онасини таъна-маломатта күмиб ташлашгандир?

Сабинаға манзилині айтмаган, ота-онаси излаб қийналса, “Санкт-Петербургта кетаман!” дегандай бўлувди” дейишнигина тайинлаган. Бу ерда ҳам ҳақиқий манзилини яшириб юрибди. Лекин ҳаёти билан на ота-онаси, на танишлари қизиқмаётгани алам кила бошлади. Цехдаги аёллар ҳафтада икки-уч марта уй билан гаплашади. Ҳол-аҳвол сўрашади. Тинчлик ва хотиржамликни билиб, кувонч билан ишга киришади. У эса бирор сўрамаётганидан озурда. Ҳатто Азимжон күнгирогини дариг тутади. Динаранинг юраги сикилиб, ўзини деразадан ташлаворгиси келади. Оиладаги фаровон ҳаётни күмсаб, баъзан кўзига ёш олади. “Тинчликми?” дейишса, “Онамни соғинидим!” деб уят ва номус аралаш юзини беркитади. Ўзини бирдан камоққа тушгандай, нотавон сезади.

Бундан ташқари, дугоналарини кўмсайди. Айникса, бирга катта бўлган синфдошлари жуда беғубор ва самимий қизлар. Улар билан кечган дамлар энг тоза, булоқ сувидай беғуборлигини хис килган сайин соғинч юрагини куйдиради, давоси – юртта қайтиш эканини ўйласа, орзикиб кетади!

Азимжон унинг күнгирокларга “Ишдаман!”, “Вақт йўқ!” деб жавоб берса, баттар сикилади, “Бу ерга келиб хато килибман!” деда афсус-надомат чекади. Минг уринмасин, бошқа иш тополмайди, ишламай юролмайди. Цехдаги хотин-қизларга ўхшаб, “Мехнатга кўнишиб, қийинчиликка чидаш оркали вазиятдан чиқаман, бу йўлга ўзим кирганман!”, деда хулоса ясади.

Рухшунос муаллимаси: “Оғир вазиятдан тезроқ чиқишини истасанг, айни үзингдан кидир!” деганини эслаб, хатоларини таҳлил килади. Ота жазөсидан кочиб, тақдир жазосига гирифтор бўлди. Ертўлада, тонгдан шомгача нур кўрмай қулдек ишлаш қайси жаҳаннамдан кам?! Бундай жазога ота-она, бувини норози килган қизгина муносиб! Отасининг оёкларига йиқилиб, узр сўраб, бизнес ҳамкорлар топса бўлмасмиди? Ёки Рустам акасининг ёнига кириб, пулни пулга уриштирса орзу қилгандай бойвучча хотинга айланарди-ку!

Бегона юртда Худоёрхоннинг эркаси бўлса ҳам шароитга кўнишга мажбурлигини ҳаёт, шароитнинг тифизлиги кўрсатиб кўйди. Танасида тоқат, ғайрат пайдо бўлиб, қийинчиликларга кўнига бошлади. Ишхонасига келган жуҳуд азайимхон билан пичирлашиб, вазиятдан чикиш ва Азимжон билан муносабатларини иситадиган йўл қидирди. Секин-аста чарчоги ёзилгандай бўларди. Шундай кунда Азимжон унга кўнғироқ килди.

- Ассалому алейкум, акажон! - деди у кувноқ кайфият билан.
- Ваалейкум... ишдан кейин кўришсак бўладими?
- Албатта, сизнинг сўровингиз мен учун буйруқ, акажон!
- Соат олти-ю ўнда цех ташқарисида кутаман!

Динара учрашувни анчадан бери орзулар ва унга жиддий тайёргарлик кўради...

Азимжоннинг аввал қалбига, кейин қўйнига киришишни режалаштиргани учун учрашиш таклифини эшитгач, қувониб кетди. Аёллар хонасига кириб, пардоз-андозни роса ўхшатди ва... жуҳуд азайимхонга тайёрлатган иситмани чўнтағига солди. Ўзини Азимжонни чин юракдан севадиган, тақдирини у билан боғлашдан бошқа нияти йўқдай кўрсатиш учун режалар тузди.

Йигит машинага суюнганча кутиб олдию, оғзи очилиб қолди. Динара баҳорда очилган гулдай табассум билан чиқиб келаркан, у хайрат ва таажжуб билан қўл берибгина қолмай, белидан олиб сўрашганини, машина эшигини очиб уни таклиф килганини, ҳатто Динаранинг жуҳудга тайёрлатган иситмасини чўнтағига соганини билмай қолди. Юрагини қайноқ туйғулар қоплаб, қизга меҳри уйғонди...

У асли, киз машинага ўтиргандаёқ онаси чақиргани, уйга кетиши режасини айтмоқчи, сўнг дуч келган автобус бекатида уни колдирмокчиди. Аммо қиздаги ўзгаришлар шошириб кўйди. “Наҳот, ўн кунда шунчча ўзгарса?!” деб таажжубда қоларди.

Пирожний еб, кофе ичишди. Шаҳар айланишаркан, Азимжон киздан ажралгиси келмасди. Динара уятчан гўзалдек қимтинибигина ўтрапарди. “Аввал ҳам шунақамиди ё бу ерда ўзгардими?!” – ўйлади Азимжон.

У гавжум кўчалар, бекатлар, туарар-жой массивларида мижоз кутарди. Ҳозир кизни айлантиришдан бошқа ширин орзуси йўқдай, пул топиш хаёлига келмайди, маст одамдай унинг айтганини буйруқдай бажариб юрибди...

Хар куни эллик долларча ишламаса уйга кирмасди, бугун ярмини топган бўлса ҳам қиз билан учрашганидан хурсанд. Уни уйига ташлаб, эрталаб олиб кетишга ваъда берди. Қизнинг айёрон иршайишини тушунмади...

Эрталаб наридан-бери нонушта килди-да, ташқарига отилди. Гараж олдида калит истаб чўнтақка қўл солди. Ажабо! Кумгўҳ ўхшаган майда нарсалар бармоқларига тегди. Қаердан келганини билмай, хавотир билан чўнтағини ағдарди...

- Бу ишни ким қилиши мумкин? – ташвиш билан ўйланди у; сўнг квартирадаги шерикларни кўз олдидан ўтказди. Ҳаммаси ўзиши билан банд, уларга бу ишдан нима наф? Бирдан Динара билан сўрашганда кўлинни чўнтағига сезганини, буни бир лаҳзада унутганини эслаб, юрагига хавотир орағади, паст овозда сўқинди. Уйга кириб ёмонликни кесадиган дуолар китобни бир неча марта ўкиб енгил тортгач, катта йўлга бурилаётганда Динара қўнғироқ килди, аммо у телефонини ўчириб қўйди...

Азимжон аваал назарига кирмаган муаммолар бошини котираётгани, бундан кейин ҳам кутилмаган ишлар йўлидан чиқишини ҳис килиб мийиғида кулди. Леқин ҳайрон: Наҳотки Динара ўз ниятига нопок йўл билан эришмокчи? Ойбаҳорни севгага одам Динарани севолмаслигини англаш учун олимнинг калласи керакми?!

Азимжон, Динара Санкт-Петербургга оддий сабаб билан келган бўлса, ўзи айтади. Яшириладиган сабабни айтмайди деб ўйлаганди. Шунча кун ундан садо чикмогани учун ўз фикри тўғри чиққанини ичидаги тасдиклади. “Ота-онаси бойвачча одамлар – ўйлади у, - хорижда пул ишлашига мухтож эмас. Иккинчи масала шуки, Динара берган пулни нега онаси сўраб олди? Бу ёғида ҳам жумбок!”

Азимжон масалага ойдинлик киритиш учун Динара билан кечки пайт учрашди. У довдираб қолди.

- Ота-онамга айтмай келганман! – деди дадиллик билан.
- Нега, уларнинг қарамоғидасиз-ку?
- Айтсан, қўнишмасди!
- Қочиб келгандай туюляяпсиз, тўғрими?
- Э, нотўғри фикрга борманг, вакти келса тушунтиарман!

Азимжон оиласда чигаллик борлигини тушунди. Бу ерда эридан ажраган, эркин яшаб ота-онаси билан келишолмай ёки қарзга ботиб

колганлар талайгина. Эри ё қариндошлари билан бақамти пул жамғараёттган покдомон аёллар ҳам кўп, аммо улар кўпинча муаммоли аёллар соясида колади...

Динаранинг жавоби муносабатларига нуқта кўйиш ё оддий танишдай гаплашиб юришларини тақазо этадиган эмасди...

Азимжон Пушкинодаги дачага мижоз олиб кетаёттганда Ўзбекистондан қўнғироқ қилишиди. Яхшиямки дачага яқинлашиб колганди. Мижозларни ташлади-да, дарров қўнғироқ қилди. Ойбаҳор экан! Шошганча саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Соғингани, айтиб улгурмай киз уйдаги вазиятни айтиб йиглаб юборди.

- Йигламанг, асалим! – деди у қизнинг табиатини тушунгани учун дарров юпатишга ўтди.

- Ойим иккаламиз ялинсак ҳам дадамни фикридан қайтариб булмаяпти. Ўзингиз келиб, одам жўнатсангиз?...

- Бугуноқ тогам билан маслаҳатлашаман! Сиз сиқилмай туринг, Худо хоҳласа ҳаммаси биз орзу қилгандай бўлади...

- Тезроқ, ака...

## 29

Эр-хотин дардини бирорвга айтольмайди. Бу кўргилик ўлганинг устига тепгандай таъсир қилган! Раҳмонга бир кунга уч кути сигарета етмайди, тонг отмай уйгонади, кайтиб ухлолмайди, гоҳо тушликда тўйгунча ароқ ичади, кечкурун зора уйкум келса деб телевизор кўради, умрида китобга қарамаган одам хотини ўқиган китобларни вараклайди. Аммо асаби жойига келиш ўрнига баттар бўлади. “Киз болани урмаслигим керак эди, - ўзини айблайди Раҳмон, - бир шапалоқ урганим оғир ботиб, қаерларга кетдийкин, ишклиб, ёмонларнинг кўлига тушмаган бўлсин!” Кун ўтган сайин хаёлига хунук фикрлар, фаразлар кела бошлади.

Эр-хотин айбни бир-бирига тўнкаш билан муаммо ечилимаслигини тушунишгач, қизни маҳалладаги дугоналаридан, гуруҳдошлиаридан суриштира бошлашибди. Аммо тайинли маълумот олишолмади. Асаблари толикқан, Раҳмоннинг таъналаридаи тўйгай Малоҳат фолчига бориб ром очирди.

- Кизинг эсон-омон, аммо узоқда, - деди у тошларини ҳар хил шаклда жойлаштиаркан, - ишонган одами билан, тезда қайтиб келади, сабр қил...

Кўнгиллар бироз таскин топса ҳам юрак қоронғи..

Кутитмаганда халқаро аэропортда ишлайдиган узок қариндошлари Фарход фотиҳага келди-да, Раҳмонжонга аэропортда Динарага ўшаган кизни түргани, аммо гаплаштолмагани, ўша чиндан ҳам Динарами дея сўрамоқчилигини айтганда ота-она қизлари топилгандай севиниб кетишди. Дўстдан кўп душман дегандай ичкарига бошлиди ва қиз ўн кундан бери йўклиги, аммо қидиувга беришдан номус қилишаёттанини айтишди. Ва қандай кийимда кетганилигини тушунтирди.

- Аниқ ўша! - деди Фарҳод шошилганча, - кўзлари гуноҳкордай боқарди, ҳорижликлар билан ишни якунлаб, уни қидирдим, у учиш майдонига чиқиб кетган экан...

- Илтимос, Фаҳроджон, - деди Раҳмонжон ялингандай бўлиб, - янайм анигини билайлик!...

Фарҳод ҳамкасларига кўнғироқ қилгач, кўп кутмади. Динара ҳақидаги аниқ маълумотлар уларни ҳайратта солди...

Фарҳод бу ҳакда бирорвга гапирмасликка ваъда берди. Уни кузатишгач, эр хотинни ғам босди: нега кетган, нима иш қиляпти, тинч-омонми?!

Саволларга жавоб топиш керак!

Бир ҳафта давомида Санкт-Петербургда ишлайдиганларнинг оиласаридан уларнинг телефон рақамларини олиб, кўнғироқ қилишди. Аммо у ердагилар Динара ҳақида маълумот айтишполмади.

Ота-она қидиришни вактинча тўхтатиши. “Балки ўзи кўнғироқ қилар!” деган фикр ҳам таскин берди. Аммо кўнгил ғаш, кулоқ телефонда. Ҳар лаҳза “Қизингизни Санкт-Петербургда кўрдим, бир чиройли ишлайпти, хавотир олманг, у сизларга салом айтди, бир икки ойда келиб қолади!” деган хабар кутишади... Аммо кўнгил ғашлиги асабнинг эгови. Ёлғиз колишганда “Янги гап йўқми?” деб бир-бирларидан сўрамоқчи бўлишади. Аммо ўртада пайдо бўлган жарлик журъатни емирган, уларни соқов қилган. Нонушта тугаса, инга кетишади, эр кечликни ҳаммадан кеч-баъзан ярим кеча, тоҳо соат 10-11да ейди. Сухбатлар барҳам топган, Динара ҳақида гапириш – шармандаликдай туйилади.

Раҳмон қариндошлари билан учрашмасликка уринади, куришиб қолса, салом-алиқдан нарига ўтмайди.

Овсингилар чекка-чеккада пичир-пичир қилишса, Малоҳат қайсинаси нимани чайнашини тахминан билагани учун эшитмаганга олади.

Ишхона ёки маросимда Динара ҳакида гап очилса, “Тошкентдаги қариндошимизнинг дизайн марказига иш ўргангани кетди!” дей бемалол гапиришта одатланди. Кунлар ўтиб, хотинлар фийбатини қиздирадиган бошқа воқеалар кўпайди-ю, Динара кун тартибидан тушди, аммо одамлар тинч туармиди?...

\* \* \*

Азимжон Ойбаҳор масаласида яна тоғасига гапиришга тортинди. Нонуштадан сўнг кўчага чиқди.

Телефонни онаси кўтарди. У ҳаммасидан хабардор экан!

- Кизнинг онаси билан гаплашдим, - деди Мехригул хотиржам.

- Қачон? – шошганча суради у.

- Кечак оқшом, эри уйда экан, кўшнилариникига чакиртирдим. Биз тил топишдик ва унга кизини Абдурашидга унаштирмаслик учун нима қилиш лозимлигини ўргатдим.

- Ростданми, ойи? – Азимжон севиниб кетди.

- Хотиржам бўл, сен келгунча Ойбаҳорни ҳеч қаерга беришмайди...

Улар кейинги ишларни кенгашиб олишгач, Азимжон яхши кайфият билан ишга киришди... Ойбаҳор хаёл осмонида ёркин юлдуздек нур сочиб, сирли табассум билан Азимжонга куч ва ғайрат берарди. Кўпроқ ва тезроқ пул топиш иштиёкини қалбига солаётгандай бўларди...

Азимжон ёшлиар билан гавжум кўчаларда одам ташийди, жуфтлашиб сайр қилаётган, боғларда бир-бирларига эркаланиб дам олаётган, кафеларда кофе ичишаётганларини кўриб дилида соғинч алангаси ёнади.

Улар ўрнида Ойбаҳор билан ўзини тасаввур қилиб, уйга кетгиси келади. Аммо иложи йўқ. Шаҳар чеккадасиги кафега боради-да, дераза томонга жойлашиб, хаёл суради: Ойбаҳор келинлик либосида хаёл чўккисига учиб келади ва нозик бармоқларини Азимжонга узатади, икковлари етаклашганча, дўстлар куршовида “БАХТ ҚАСРИ”га яқинлашиб, юраклар хаприқади...

Гоҳо ҳовли супураётганини тасаввур килиб, муштипар онасини баҳтиёр кайфиятда кўрди. Шудай хаёллар, бегубор ва дилкаш тасаввурлар ҳаёт мазмунига айланди. У Динаранинг кўнгироклариға жавоб бермади. Кечкурун квартирасига излаб келса, илтимосига кўра, шериклари “Ишда” дейишарди...

\* \* \*

Динара меҳнат ва бир хил кун тартибидан хориб кетди. Ҳатто кайфияти, асабларига оғир ботди. “Бор-е!” деб кетворай деса, қаёқка боради?! Уйда ўғирлик қилган, ота-онасини алдаб, енгиб ташлаган! Тавба-тазарру қилиш ўрнига ёлғон билан вазиятдан чиқди, аммо нажот йўлига эмас, хатолар устига хато қўшадиган боши берк кўчага чиқди-ку?! Бу кўчадаги меҳнат ва машаккат унинг ҳаётини ёргулликка бошлай оладими? Ҳозирча миясида адолат йўлини кўрсатадиган фикр йўқ! Тўғри йўл кўрсатадиган Азимжон бир ойдан бери ўзини кўрсатмайди.

Нихоят, кеча ишдан қайтаётгандан Азимжонни кўриб қолди, йўл ўртасига чиқиб уни тўхтатди.

Азимжон машинани четта олди.

-Бу ерга Сизни деб келгандим, сиздан кўнглим қолди, уйга кетаман. Охирги илтимосим: мени кузатиб қўйсангиз!

Азимжон қиз ёлғон аралаштираётганини тушунди.

- Рост гаплашайлик, Динарахон!

Қиз ажаблангандай унга қаради.

- Кечиринг, Динарахон, факат мени ё севгини деганингизда ўз уйингизда ўғирлик қилмасдингиз, бу ерга қочиб келмасдингиз!

Динара саросимага тушди. Азимжонга қаролмай, янги мақрни ишга солди.

- Ҳаммаси сизни деб бўлди. Ёрдам бераман деб...

- Менга ўғирлик ёрдамнинг кераги йўқ эди!

- Нима килай, севардим-да! - айёrona жилмайди у.

Азимжоннинг жаҳли чиқди. Шу пайт Динара боядан бери дилига туккан саволни берди.

- Бу гапларни каердан билдингиз, балки ёлғонdir?

- Узун кулоқ эшитамиш-да...

Динара ичидан зил кетди (Назиха эшик ортида эшитган!). Ўтирган жойида ўзини ушлашга ҳам тоқати колмаётганди.

- Беш юз деб, ўн минг доллардан зиёд пул ва тилла буюмлар олгансиз. Менга ёрдам баҳона экан-да!

Динара уят ва исноддан кўзига ёш олди. Қайноқ томчилар, биринки қараб қўйиши эса, “Кисмат шу экан, ёрдам беринг!” деётгандай бўларди. Динара ва Азимжон икки олам одамлари эканини тушуниб, уни деб энг яқин дугонаси билан юмталашиб, тескари бўлгани, пул ва тилла ўғирлагани ва Санкт-Петербургга келгани кўксини аччик пушаймонга тўлдиради. Қолаверса, Азимжонга бўлган туйғулари илк муҳаббат эмас, Ойбаҳор унинг калбини забт этолганидан куйиб, ғаши келгани учунгина унга интилгани маълум бўлди. Бу хато ва ҳасад қимматта тушгани алам киларди.

Азимжон бирдан унга каради ва:

- Мени кечиринг, Динара! – деди ўйчан ва ташвишли қиёфада, - мен, уйидан пул ўғирлаб, ота-онасидан кочиб юрган, севганини алдаган киз билан тақдиримни боғламайман!

Муносабатларга нукта қўйишдек оғрикли ҳодиса бугун рўй бергани уни сескантириб юборди. Ўзини ёлғиз, нотавон, ташландик одамдай ҳис қилиб, яна кўзига ёш олди.

Азимжон машина балонлари, қанот ва таг кисмларини кўздан кечириб, “Тезрок кетсайди!” дегандай Динарага бир-инки қараб кўйди. Киз бир неча дақиқа жим тургач, ўзини оқлашга кўзи етмай машинадан тушди. Азимжонга бир марта қовок уйиб каради-да, таксида кетиб қолди. Йигит қизни тушунмай, таажжубда қолган бўлса ҳам нијатига етганидан қувонди...

Динара ўн кун корасини кўрсатмади. Ўн биринчи куни куттилмаганда кўнғироқ қилиб, зарур гап айтмоқчилигини билдириди.

- Телефонда айтаверинг, узокдаман? – сўради Азимжон.  
- Севгилингиз Ойбаҳор ҳақида мухим гап бор!

Киз ноҳушлик, ҳакоратли оҳанг билан сўзларди, юраги сикилган Азимжон кечки пайт ўтган сафарги жойда учрашишга ваъда берди.

Азимжон учрашувгача дили хира, асабини кемирадиган ғашлик билан юрди. Кўнглига нималар келмади дейсиз? “Ойбаҳор - коллежни битирган, деярли норасида, душманга қурол бўладиган қандай айби бор?! Кизлар бир-бирининг сирини билади, дўстлашиб юрганда индамайди, ораси бузилса, бу сирни унинг душманинга

сотадилар!" Азимжон Ойбаҳор ҳақида ёмон гап (гарчи уни Динара тұқиса ҳам) эшишишни истамайды, агар эшишса, чүг латтани күйдирғандек, ёмон гап иккі дилни боғлаб турған мұхаббат риштасини узадигандек юраги ғам-андуғ, хавотир билан тұлади.

У учрашувга белгиланған вактдан олдин келди. Қиз эса ярим соат кеч - Азимжон зерикіб, қызниң атайлаб қадрини ошириш, Азимжонни ҳаяжонға солиш учун учрашувни орқага сураёттанини тушунған күйи - асаблари қақшаб турғанда макр-хийла уфуриб турған башарасини тулкига ўхшаб ликиллаттанча, қошларини чимириб йўл четида пайдо бўлди.

Азимжон ғазаб билан "Нокиа" диктафонини ёқди... Сўнг кўли билан имлаб, уни машинаға таклиф килди.

- Кулогим сизда! - деди у салом-алиқдан сўнг.  
- Бирдан ёмон гап эшитиб, юрагингиз ёрилмасин, деб гапнинг учини чиқармокчиман!

- Гапираверинг, сиздан кўп гап кутса бўлади! – Азимжон зарда аралаш гапиргани учун кўполроқ эшитилди.

- Энди менга кизиги йўқ. Билиб кўйинг, Ойбаҳор сизга муносиб қиз эмас!

- Нега шундай ўйлайсиз?
- Мен ўйламайман, ўзи шунаقا!
- Қандай, масалан?
- Ойбаҳор – бузук, беномус, шарманда!

Динара янги, ёмон хислатини намоён қилаёттанини, юрагида анчадан бери яшаёттган ҳасад ва ичқоралигини лоп этиб кўрсатганини тушунмади..

- Қаердан биласиз, мен ҳайронман?
- Ишончли одам айтган!
- Уни танийманми?
- Ҳа!
- Ким?
- Боҳор aka!
- Қайси Боҳор? – Азимжон савол берди-ю, бирдан эсига тушиб колди... – ҳа... уми?
- Ойбаҳорингиз у билан Карим фермернинг шийпонида бир кеча қолган, қизиқсангиз чисолосини, гувохларни ҳам айтади. У сизни баҳтсиз қилишдан бошқага ярамайди. Энди бошқа гапим йўқ, Хайр!

Азимжон бирдан ғазабга түлди. Алами тошиб, ичидан ёқимсиз түлкін тепага қараб отила бошлагач, күз олди коронғилашди. У Ойбаҳордан күнглини қолдираған ёмон гаплар күтган, аммо бунчалик бемазасини хаёлиға келтирмаганди. Унинг гаплари биргина Ойбаҳорни ёмонлаш, ерга уриш воситаси эмас, Азимжоннинг юрагига санчилаётган ханжар ҳам эди. У титраб кеттанини билдирмаслик учун күзларини юмиб ерга қаради-да, тишини тишига босди.

- У ёқда гапингизга жавоб берасизми? – деди газабдан чақнаган күзларини чакчайтириб, - агар ёлғон гапирған бўлсангиз, шармандангизни чиқараман!

- Нега бундай деяпсиз?

- Ойбаҳор, - деди Азимжон кўрсатгич бармоғини осмонга ниқтаб, - бундай оғир вазиятга тушмайди, тушиб қолса, эсон-омон чиқишни билади. Карагэ клубига қатнаб, вилоятда иккинчи ўринни олганини яхши биласиз, тўғрими?!

Динара қип-қизаруб кетди, гапиролмади. Сукунат - Азимжон юрагидаги ханжарни сұгуриб, Динаранинг қўксига санчаётган эди. У ранги оқариб, кўркувдан титрар, Ойбаҳорнинг номусига тегишини буюртма бериб, катта хато ва гуноҳ қилганини англаётган бўлса-да, алам туйғуси устун келишга уринар, шайтондай курашга ундарди.

- Мен жавоб бермайман!- дея хўроздай чириниб ғўдайди Динара, - зоти пастларга шармандалик айбмас! Боҳор ака ҳаммасини билади! Ўқиган одамсиз-у қизларни билмайсиз! Ҳеч бўлмаса севган ойимчангизни билиб олинг, бир умр алданиб ўтманг деб айтдим, холос!

Азимжон жаҳлини босиб, диктафонни ёқди, унга айтганинни эшиттиргандан сўнг қиз “Менга душманлигингизни билмаган эканман!” дея нафрат билан қаради-да, машинадан тушди. У одамлар дарёсига қўшилиб кетмоқчи бўлиб турганда Азимжон ҳам машинадан тушди.

- Тўхта! – деди бирдан сенлашга ўтиб, унга ғазаб билан яқинлашаркан, - бу гапни исботлаб бергунингча бирор жойда гапирсанг, тилингни сұғуриб оламан!

- Исботласам-чи? – қиз енгиб ташлайдиган дадиллик ва жасорат билан.

Азимжон Динаранинг гаплари - ҳасад ва ичқораликдан бошқа нарса эмаслигини, нияти ёмонлигини сезган лаҳзадан бошлаб,

ўзини құлға олған бұлса ҳам ҳозир юраги зил бүлди.. Танаси бүшашди. Хаёлидаги саволларни күвіб чикаролмай қолди: “Хар қандай ёлғон тагида ҳакиқат элементлари бүлади!” дейишади. Бу ғапни бутунлай түкілмаган, нимагадир асосланған, деган фикр уни ларзага solaётганди!

- Испотласанг, ихтиёр үзингда, дайди итдек кетаверасан, тушундингми?!

Динара унга бир қараб, боядан бери уни исқанжага олаётган нафрат ва қадрсизлик түйғуси катталашаётганини сезди ва одамлар дарёсига құшилиб кетишдан бошқа чора тополмади...

Азимжоннинг ғуури азият чекиб, юрагини изгириң көпләди. “Баҳор – пул учун ҳар ишга қодир! Ойбаҳор шунга йүп күйдимикин?!” деган савол покиза түйғуларини жароқатлади, ишончини емирғандай бошини айлантирди. Машинага үтиргиси келмай изтироб исқанжасида у ёқ-бу ёкка юрап, фикрини жамлашга кучи етмасди.

Толикиб ўриндиққа ётди: “Динара нақадар ёвуз, вахштар зот-а?! Юракка ханжар санчганини билармикин?” Унинг күксі әкимсизлик билан тұлди, сүңг вужудининг аллақаेрида нимадир “чирт” этди. Кейинроқ билди: Динара билан уни боғлаган яқынлық риштаси узилганса зди...

Күзи илиниб туш күрибди. Динара осмондан калхатдай учеб келармиш-да, унинг күксига үк отармиш. Күкраги илма-тешик, танаси зиркиради... Бирор елкасидан силтаб үйғотиб юборди, караса, милиционер!

- Гражданин, - деди у мовий күзларини унга қадаркан, - бу ерда ухлаш мүмкін эмас! Дарров машинани олинг!

Жаримадан чүчиган Азимжон шошганча тұғрига ҳайдади ва мижоз олиб шаҳар ташқарисига кетди...

Күзлари йүлда, құллари рулда, хаёли Ойбаҳорда, Динаранинг ғаплари рухиятини булғаб, юрагини мижғилайди. Бүш, қолди дегунча қулоги остида жаранглаб, юрагига зарба беради. Орзулари саробга, хаёти азобга дүнаётгандай нафрати алантанга олади. “У тұхмат килаётган бұлса, шармандасини чиқараман, ғаплари рост бўлса...” давомини айттолмайди. Гоҳо “Хаммаси ёлғон, тұхмат!” деган фикрга үзини ишонтиргиси келади, кейин “Рост бўлса-чи?” деган савол қийнай бошлайди!

Шу кайфият билан Эрмитажга мижоз олиб келди. Ҳорижлик эр-хотин сайёхлар машинадан тушаётганда тұхтаб қолишиди.

- Буюртманг бўлмаса, биз билан юр! – деди эр унга астойдил тикилиб, - томошадан сўнг меҳмонхонага ташлаб қўясан!

Азимжонга таклиф ёқди: “Дардимни унутаман?!” Сайёхлар унга ҳам чипта олишиди. Нива дарёси бўйидаги тўрт қаватли, маҳбобатли бино ўн еттинчи аср руҳини уфуриб қўриб турар, юракларда ёруғлик ва қизикиш уйғотарди.

Асосий бинога кирилгач, қабулхонада ёшгина, хушбичим қиз кутиб олиб, хоналар бўйлаб айлантиришдан олдин Эрмитаж ҳакида умумий тушунча берди.

- Эрмитаж, аслида, Екатерина - 2 даврида унинг Қишки саройидан бўлак сифатида Германиядан келтирилган ноёб расмлар асосида ташкил этила бошланган. У даврда бир неча хоналардан иборат бўлган, ҳозир Қишки саройнинг уч юз эллик хонасини эгаллаган ва ҳаммасини Эрмитаж деб юритилади.

Азимжон улар билан аркли дарвозадан киаркан, заковат зиёси уфуриб турган музей маҳбобатига ҳайрат билан термуларди.

- Музейимиз 8 бўлимдан иборат! – давом этди тушунтирувчи чап томондаги оқ мармардан ясалган қирма ушлагичларга өхиста кўлини теккизиб, - маданият, антик дунё, Шарқ халқлари маданияти (Хоразмшоҳлар саройи ҳайкаллари, Айритом ёдгорликлари), рус маданияти тарихига хос нумизматика ва ҳоказо. Барча экспонатлар 350 дан ортиқ хонада намойиш этилади. Музейимизга йилига уч ярим миллион томошабин киради...дастлаб кишки сарой каталогида 2080 та асар бўлган. Гравюра, расмлар тўплами, қадимги давр ёдгорликлари, Фарбий Европа амалий безак санъати...

Кулоғига гап кирмаётган Азимжон иккинчи қават деразаларига ҳайрат билан термулади. Зинапояга чикиш ўнг тараф девори олдига ўрнатилган сут рангли, елкалари очик, канотли қиз ҳайкали куттимаганда юрагини “жиз” этказди.

Дераза ёнидаги ўймакор нақшларнинг зарҳал жилоси пардозлар билан уйғунлашиб, сайдёхларни ларзага солади. Улар кўпроқ бино гўзаллиги, чароғон йўлакдаги санъат обидаларига маҳлиё бўлишади. Узун, тик тўртбурчак қурилма устидаги аёл ҳайкалларида акс этган дард, кайфият ва замона муҳити кўнгилга ажаб туйғулар солди. Баланд йўлаклар, чап томондаги зал, шохона

стол-стуллар, бошқа мебеллар маҳобати Россия санъати улуғворлигидан сабоқ беради, шифтда осилиб турган оқиш, ҳаворанг ва зарҳал қандиллар таассуротга ташна одамларни ўзига михлаб олади. Залининг ўнг томонидан бошланган катта коридорнинг шифтлари заррин нақшли арқдан иборат, деворлари эса нафис кулранг ўймакорлик санъати намунаси, ойнадай ялтираган пол ҳам ноёб санъатга ўхшарди.

Тушунтирувчи ёқимли ва жарангдор гапирса-да, машхур асралардан кўз узолмайди. Онги, юраги кенгайиб, таассуротлар қатлами ўсиб борар, хотирасининг очилмаган хоналарини завқ зиёси чароғон этарди.

Эр-хотин сайёҳ ваъдаси буйича икки соатдан кейин музейдан чиқишиди.

Азимжон юрагини ҳайрат ва янги таассуротлар эгаллаган, Динаранинг гаплари аҳамиятини йўқотгандай эди. Сайёҳларни меҳмонхонага ташларкан, эрталаб учрашишга келишиб хайрлашишиди. Энди у “Динаранинг гаплари ёлғон булиши мумкинку!” деган фикрга ўзини ишонтиришга уринарди. Уйга етгунча күшдай енгиллаб, кайфияти кўтарилиган, бир неча соатдан бери кўз олдидан кетмаётган Ойбаҳор энди жилмайиб қараётгандай кўринарди. Аммо Динарага нисбатан тугилган бояги нафрат ва газаб яна секин-аста бош кўтара бошлади... Ва шу пайт хаёlinи “У учиб кетдимикин?!?” деган савол эгаллаб олди...

### 30

Динара самолётта чиққунча ҳеч ким билан гаплашмади, жойига ўтирганда эса ҳайратда қолди. Мухиддин тоға уни кутгандай “Келдингизми?!” дея қаршилади. Икки сафардан бери бир жойда учрашишлари сирли воеадек, Динара унинг замиридаги лаҳзалар катида яширинган маънони англашга ожиз ва нотавон эди.

Кекса донишманд бемаъни ҳаёт устидан кулгандек, бу инсоннинг туриши ҳам хотирасига ўчмайдиган мустаҳкам ўрнашган, хатоларини ёдга солиб уни таъқиб этаётганга ўхшарди.

Мухиддин тоға “Ҳамма қилмишларингдан хабардорман, уйда, ота-онаңг олдида ҳаммасини гаплашамай!” деяётгандай юраги “шув” этди, аммо у билан самимий саломлашди...

Тоға у томонга мойил жойлашди ва биринчи гап бошлади.

- Асли, ўн беш кунга келгандим, аммо ҳамкорларим кўйворишмади. Шаҳар-қишлоқка меҳмондорчиликка бордик. Бироқ муҳими бу эмас!

- Хўш, нима?

- Энг асосийси, Эрмитажни томоша килдим...

Динара Эрмитажни эшлигтан, аммо хотирасида аниқ нарса йўклигини билдириласлик учун “Ҳааа...” деб кўя қолди.

- Сен у ерда бўлдингми? – сўраб қолди тоға.

- Вакт қаёқда дейсиз...

Тоға бир дунё таассуротларини жўшиб, кувониб гапира бошилади. Аммо қизда ҳаяжон ва завқ кўрмай ҳафсаласи пир бўлди...

- Санкт-Петербургда бўлган одам дунёнинг энг катта музейини кўрмаса, шаҳарга келмадим десаям бўлаверади...

- Билмас эканман!

- Яна келсанг, албатта кўр, бошқа одамга айланасан, хуллас... зўр!

Тоғадаги бегубор завқ, гўзал таассуротлар унинг ҳавасини келтиради.

У жўнаш тараддуди билан чарчаганди. Тоға музей ҳакида тўлиб-тошиб сўзлар, қизнинг кўзлари юмилиб кетаверарди, ниҳоят, охирги гапнинг эгасини эшлитиб, кесими қулогига кирмай уйқуга кетди.

Муҳиддин тоға самолёт деразасидан мовий осмон кўксидаги яйраб юрган парку булутлар билан сўзлапаётганда кўзини очди. Яна Эрмитаж таассуротлари... Тоға завқини яширишни истамас, таассуротларини тўлиб-тошиб сўзласа кўнгли таскин топаётгандай бўларди. Орадан ўн беш дақиқа ўтгач, Эрмитаж зиналари, заллари, дунё санъатининг ноёб дурданаларидан Муҳиддин тоға олган завқнинг деярли ярми Динара қалбida жарант бераётганди.

Динара ҳайратда: наҳотки, жонсиз расмлар, подшо саройи шунча бекиёс таассурот, кўтаринки кайфият берса?!

У ҳам олди-сотди ёки бирорнинг ишини битириб пул топгандагина шундай кувончили таассурот олади. Айниқса, сандиқдан даста-даста доллар, тилла буюмлар ўтилаганда, отонасини ёлғонлари билан енгиб ташлаганда ўзини ишбилармон, улдабурро санаб гуурлангани эсида! Аммо пули тугаса ҳаяжон йўқолади, таассуротлар тумандай таркайди. Муҳиддин тоганинг

ҳаяжонини Аллоҳ берганмик?! Ҳа, Аллоҳ берган! Исботи шуки набираси тенги қизга тўлиб-тошиб гапиряптими, демак, бу завқ шавқ умрбод уни тарк этмайди, рухиятига ёруғлик солиб ўзи била бирга яшайди!

Динара бирорга ёмонлик килмайдиган, беғубор одамларда ҳайратта тушарди. Ва хаёлига Азимжон акаси келди. Жарак-жара пули бор, кўлидан иш келадиган, авлод-аждоди бойлик кўрга кизни эмас, оддий киракашнинг зуриёдини севганини тушунма келарди, бу жумбокни хозир ечди! Одам ёллааб, дугонасин шармандалик боткоғига ботирганини эслаб бир газ чўкканда бўлди. Шунча гуноҳ, ёмон ишлар ичида қолган юрагига ҳалолли санъатдан завқланиш туйғуси сиғмайди-да!

Ўзини ўту чўғга урмасдан ҳалол, ҳаётдан катта завқ олиб яшай яхшидай туюлади, аммо бир неча сониядан кейин Динарага бунда ҳаёт жозибасиз туюларди. Ота-боболари бой-бадавлат, бойлик дес ҳеч нарсадан қайтмаган, унинг ҳам қонида шу туйғу кўпири ётибди ва бойлик жодугари борган сайин нафс боткоғига ботири жиноят оламига улоқтирмокда. Муҳиддин тоға ва Азимжонла ҳаёти унинг учун нурсиз, бегона... Айни пайтда Азимжон учун ҳа Динаралар ҳаёти бегона олам, нафратта сазовор умр ҳисоблансан керак!

Самолёт водий аэропортига қўнгандан тонг ёришган, боғлар ғдалалар юпқа мовий туман қўйнида ястаниб ётарди. Тонг нафи жозибасини оддий гиёҳдан тортиб улкан чинорлар ва қијадирлардан аямаган эди.

У йўловчилар орасидан кутиш залига ўтиб, одамларга тескар ўтирилганча юклар чиқишини кутиб ўтираверди. У ҳаяжонл учрашувлардан таъсиранламайди, тезроқ уйга жўнаса...

Шундай бўяди.

Ҳайдовчига ҳакини бериб, тезда жўнатди ва шоша-пин сумкаларини кўтариб уйга кирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Ажаби Ҳар куни бу вактида жиянлари сўри ток тагида ҳалинчалак учса ёки тўп ўйнар, жа бўлмаса обрич айлантираётган бўларди. Амм ўйлаб қараса, одам йўқлиги айни муддао! Ота-онаси таъзирин беришса ёки уйдан ҳайдашса бирор кўрмагани тузук!

Уйларига кирди, даҳлиз очиқ, аммо онасининг эшиги кул ёткожонасига кирди, ҳеч ким йўқ. Анчадан бери одам кирмага ҳувиллаб турибди.

Бўлмасига мўралади, жим-житлик. Ҳовлига чиқди ва бирдан... бирдан дадасига дуч келиб, оғзига гап келмай карахт бўлиб қолди!

- Динара! - Раҳмон бошқа сўз айтолмади, таажжуби ортиб, тисарилгандай бўлди. Қизини кутмагани учун бўлса керак гапиролмай қолди. Айни дақиқаларда киз ҳам:

- Дада! – деди-ю бошқа сўз хаёлига келмади. Вазиятдан фойдаланиб, ўзини отасининг кўксига ташлади.

- Дадажон, мени кечиринг, хато қилдим...

Қиз аввал ўйлаган ҳийлани ишга солди. Пушаймон чекиб, чин юракдан кечирим сўраётгандай юм-юм йиғлади. Йиғи орасида ҳийласи иш бераётганини кузатиш ҳам ёдидан кўтарилмаганди...

Раҳмон шунча кундан бери юраги тош қотган, “Қиз келса, оёгини синдираман! Эр топиб бериб юбораман!” деётган одам кўз ёшни кўриб кўнгли юмшади. Юрагидан соғинч отилиб чиқди-ю, бошини силади... Бирдан пайдо бўлган Малоҳат вазиятни кўриб, кутилган жанжални хаёлидан чиқарди.

- Динара, қизим!

У онасига ўзини ташлади. Вазият юмшаганидан кувониб кетди.

Раҳмонжон уларни ичкарига бошлади.

Катта хонага кираётиб, қизининг башарасида пушаймонлик ва изтироб эмас, қувонч ва хотиржамлик кўриб, бояги йифиси, узр сўрашлари ҳйла эканини тушуниб, бирдан газаби тошди.

У она-болани тўғрисидаги диванга ўтқазди. Ва “Сен жим турасан!” дегандай Малоҳатга чимрилди.

- Қаерларда бўлдинг, қизим?

Қиз йўлга чиққандан бери кўркув билан кутган, аяб ўтирилмайдиган сўроқ бошланаётганини сезиб, нажот истаётгандай онасига томон сурилгандай бўлди. Юраги асабни эговладиган изтироб билан тўлди.

- Узокка кетувдим, дада...

- Бизга айтмасдан - а?

- Шунақа бўп қолди, мени кечиринг!

- Нега шунақа бўп қолди, тушунтириб берарсан?

- Билмадим, ҳозир мазам қочяпти, йўлдан келдим, озгина дам олай, кейин ҳаммасини тушунтираман, илтимос, дадажон!

Қизнинг тулкилиги Раҳмонга аён бўлиб, газабини тоширди. Лаблари пирпираб, юzlари калтиради. Малоҳат “Дадаси, ўзингизни босинг!” демокчиди, аммо эр газабга мингандада ҳеч ким

кайтаролмаслиги учун сўкиш эшитиши, ҳатто калтак ейишини сезиб, тилини тишлди.

- Ҳозир тушунтирасан, тушундингми?

Динара отасига бир қарадио, ранги оқариб кетди. Отасини юмшатадиган гап тополмай, ерга караб тураверди.

- Гапир!!!

Овоз даҳшатидан Малоҳат ўзини ташлаворай деди. Динара ўрнидан туришга кучи етмади. Боя ўзини дадил сезган қиз ҳозир чертса юмалаб тушгудай ҳолсиз.

- Гапир, ифлос, қаерларда бизни шарманда қилиб юрибсан?

Раҳмоннинг ғазаби тошиб борарди.

- Вой дадаси, - ичига пуллади Малоҳат, ҳовлига ишора қилиб, - овсинлар олдида шарманда бўлмайлик, илтимос!

Аёл айбордай гапиргани учун эрига қарагани журъати етмади. Раҳмон кўлинини икки томонга ёзиб:

- Яна қандай шармандалик керак, а? Бу ифлос гапирсин! Гапирасанми йўқми?

Динара бир қўзғалди-ю дами чиқмади.

Индамай енгмоқчи бўлаётгани Раҳмонжонга ёмон таъсир килди, у бирдан ваҳшиёна қиёфага кириб, қизининг жагидан ушлаб кўтарди-да, юзига шапалок тортди, яна тортди, тортаверди... Динара додлаб юборди, Малоҳат икковининг ўртасига тушиб, эрини суриб ташлади.

- Э, қанақа одамсиз? Қиз боланиям урадими, ахир баҳтсиз киласиз-ку, жон эр!

Пайтдан фойдаланган Динара соchlари тўзғиганча хонасига кочмоқчи бўлди. Аммо Раҳмонжон унинг кўлидан ушлаб, диванга ўтқазди.

- Ҳар сафар кўз ёш, хийла билан алдайсан! Энди ҳаммаси учун жавоб берасан?

Азроилдан кўрқандай қизнинг юраги зириллаб кетди, юзини кафти билан беркитиб, йигини давом эттириди.

- Энди гапимга қулоқ сол, йигини бас қил!

Малоҳат мухокама авж нуктасига чиқиб, қизга жазо белгилаш мавриди келганини тушунди.

- Тилла буюмлар қани? - Раҳмонжоннинг тишини тишига кўйиб гапиришида таҳдид, шафқатсизлик, қизим бўлсанг ҳам

аямайман деган зулм борга ўхшарди, - ҳаммасини бир кунда топасан, акс ҳолда оқ қиласан, оқ!

Динара онгини қисматнинг хунук бир шарпаси ўраб, танаси калкиб кетди. Мияси ишга тушгандай тафаккури чараклади ва бор овози билан йиғлаб, отасининг оёғига йиқилди. Онгу шуурини кечирилмайдиган гуноҳ азоби исканжага оларди.

- Мени кечиринг, дада, аҳмоқлик қилдим, ҳаммасини топаман!

Рахмон Малоҳатта қараб бешбаттар жаҳли чиқди. Кечиришни орқага суриш ва хотиннинг тилини қисиш учун миясига келган фикрни қайтартмади.

- Ҳаммасига сен айбдор! – деди сўнг жаҳл билан қўлини бигиз киларкан, - сафарга кетганимда буни маҳкам ушломадинг! Тукқан кизининг тарбия беролмадинг!

Рахмон совиб қолишини истамай қизига юзланди.

- Мендан сўрамай тўйда қолдинг, Тошкентта йўқ бўлиб кетдинг, Россияга кетвординг сенга бир тийин эканман-да, а?!

Рахмон қизнинг сочидан чангалилаб, инграшига қарамай, ўзига тортди.

- Гапир! Сен тенги қизлар шундай қиляптими? Қилмайди, чунки улар оиласини, ота-онасини ҳурмат қиласди, сенда андиша, уят йўқ! Эртагача онанг билан ўғирлаган нарсаларни топмасанг, уйдан ҳайдаласан! Йўқол, кўзимга кўринма!

Рахмонжон сочидан силтаб итарувди, у гиламга йиқилди ва дарров турди-да, ҳўнграб хонасига кириб кетди.

Бу йифи хийла-найрангсиз, қўркув ва пушаймонлик азоби, умрида биринчи марта хатосини тан олгани учун енгиллаш аломати эди...

Малоҳат “Хайрият!” дегандай ўрнидан турди-да, секин бориб, унинг эшигини такиллатди, қиз диванда юзтубан ётиб, кўз ёш тўкаётгани учун аввалига эшигмади, орадан қанча вақт ўтганини билмайди, сал ўзига келиб, енгил тортгандагина калитни буради.... Малоҳат хонага киргач, ҳаммаси ташқарида қолиб кетсин, дегандай яна эшикни қулфлаб олди...

### 31

Азимжон ҳамхоналарига Эрмитаж таассуротларини тўлиб тошиб гапириб берди. Маош олганлар бир литерлик ароқ кўтариб келди. Тўрт киши майдалаб, шишани бўшатишди. Рус ароги ўткир

экан! Анчадан бери ичмаган Азимжоннинг кайфи ошиб қолди. Жойига чўзилиб, уйқуга кетди.

Эрталаб қушдай енгил уйғонди. Аммо нонушта вақтида рус сериали кўраётиб, қизни зўрлаш сахнасига кўзи тушди-ю, Карим фермер шийпонидаги воқеа ёдига тушиб, ғазаби аланга олди. “Бегуноҳ, беозор Ойбаҳорни нима учун бирор зўралashi керак? Ҳаё-ибосидан одамнинг кўнгли яйраб кетарди, бирорга ёмонлиги йўқ!”

Динаранинг гапларини Эрмитажда бироз унуганди, ҳозир асабини тирнай бошлади. Ишонмай деса, “Баҳор”нинг кўлидан ҳар бало келади. Ишонай деса, Ойбаҳор қайси гунохи учун бундай ғамга гирифтор булиши керак?! Шу ўринда “Бошингта бир бало тушса, бирорданмас, ўзингдандир!” деган ўтит ўзини оқлайдими?

У изтиробли ўйлар исканжасида толикди. Кўз олдидан хунук воқеалар кетмас, Динаранинг “Ойбаҳор - бузук, беномус, шарманда! Карим фермернинг шийпонида бир кеча қолган...” деган гаплари кулоғи остида жирканч айбнома, хақоратдай жаранглар, тоқатини емиради. Энди унугтаман деганда арзимас баҳона билан ҳаёлига келади-ю, азоб бошланади. Соат сайин ғурури, ор-номуси бош кўтариб, виждони қийналади, Ойбаҳорнинг кўргулигини беорларча томоша қилаётгандай ўзидан нафратланиб кетади.

Шу алпозда бир неча кун қийналди, ишга иштиёқи, бу ерда яшашга тоқати қолмади. “Уйга кетиб, ҳаммасини аниқлайман, зўравон бўлса ўзига - айб Боҳорда бўлса, уни ўлдираман! Мен севгилисини зўрлатадиган даюс эмасман!”

Тоғаси ишонадиган баҳона шарт бўлмади. У жиянининг ахволини пайқаган экан...

Шу куни кутилмаганда Мехригулдан гудок келди.

Янгиликдан Азимжоннинг боши осмонда...

## 32

Уни аэропортда укаси ва аммасининг катта ўғли, машхур тадбиркор Давронбек кутиб олди. Шундай одам кичкина жиянини қарши олгани Азимжонни ҳайрат ва таажжубда қолдирди. Ҳадеганда сабабини тополмай унинг кўзига қараб, иккиси ўртасида ғойибона яқинлик сезгандай бўлди. “Онам айтганилар!” – миясига лоп этиб шу фикр келди ва ҳароратли бир ҳис дилини ёритди.

Хол-аҳвол сўрашиб, залда бир соатга гаплашиб туришгач, Азимжоннинг нарсаларини олиб, йўлга тушишди.

- Катта бўп қопсан, жиян, - деди Давронбек туманга кетадиган йўлга бурилганда кулимсираб қарапкан, - қарзлардан кутилдингми?

- Ҳа, Худо хоҳласа қарзлар қопланди, ойимга анча-мунча пул жўнатдим!

- Мехри опам хурсанд, отанг йўқлигини билдирамдинг, сени дуо киляпти! Эндиғи режалар қандай?

- Онамдан янгиликни билай-чи!

Давронбек машинани секинлатиб, унга юзланди.

- Хитойдан сўнгти русумдаги станоклар олиб келдик. Мехри опам “Катта ўғлим бегона юртда юрмасин, Давронбек, ёнингга ол!” деганди. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган кийим-кечак ишлаб чиқармоқчиман!

- Жуда мазза-ку! Мениям мақсадим бор эди, дилимдаги иш бўлти! Узокнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши! Юртингда ишлаганга нима етсин! Яна билдимки, одамийлик, меҳр-оқибатда бизга етадигани йўқ, дунёдаги бирорта мамлакат Ўзбекистонга ўхшамайди! Боягина самолётда тушдим-у ўзимда ёқимли хотиржамлик, дадиллик, шу юртга эгалик туйғусини туйдим. Бир неча ойдан бери бегона юртда қисиниб-кимтиниб юрган одамга ўз юртингта келиб, иссиқ нафасини туйиш, жаннатий тароватига сукланиб қарап бошқача хузур бағишиларкан! Буни ҳамроҳларимда ҳам сездим.

- Мухими, эсон-омон бориб келдинг, биз сени кутаётгандик!

- Раҳмат ака, сизлар бор – биз бор!

Унинг “кутаётгандик!” деган сўзи Азимжонга ўзгача маъно ва мақсадни англатгандай бўлди. Демак, бир иш бор...

Қўча яп-янги, турли рангдаги “Матиз”, Нексия, “Ласетти”, “Кобалт”, “Малибу”, “Дамас” сингари енгил автомашиналар билан тўла, йўлларга ярашиб, ҳаёт гўзаллиги, фаровонликдан дарак беради. Азимжон Давронбек ҳақида ўйлай кетди. Қариндош бўлгани учун ҳаёти, ишлари билан таниш. У институтни битиргач, Бухорода ҳарбий хизматни ўтаб келди. Табиатан тиниб-тинчимас бўлгани учун уйда ўтиrolмади. Шахардаги энг катта тикувчилик фабрикасига ишга кирди. Беш йилда иш ҳадисини олиб, жамоада ўз ўрнини топаётган дамларда хусусийлаштириш жадал бошланиб кетди. Аввал кичик корхоналар, сўнг катталари тадбиркорлар

кўлига ўтди. Бир йилдан сўнг у ишлайтган корхонани битта тадбиркор Тошкентдаги тоғаси билан сотиб олди. Улар истаган одамини ишлатиб, ёқтирганларини бўшата бошлади, кўпгина яхши мутахассислар корхона бошқаруви, кадрларга муносабатдан норози бўлиб корхонани тарк этди. Фабрика иши оркага кетиб, банкрот деб эълон қилингач, Даврон синфдоши билан Россияга кетди, тикувчилик фабрикасига ишга кирди. Бир йилча ишлагач, кутилмаганда корхонада тошкентлик, ҳарбий хизматдоши Зоиржонни кўриб ҳайрон бўлди, у жуда пўрим кийинган, юриштуриши жиддий.

- Нима қилиб юрибсан?- деди Зоиржон норози бўлгандай.
- Фабрикамиз ёпилиб кетди, шу ерда... – у ёғини айтишга ори чидамади.

- Олий маълумотли одам Россияда тентираф юрмайди. Водийга қайт. Шартнома тузиб бўлгач, уч кундан кейин хоҳласанг, бирга қетамиз. Гулдай ҳунаринг туриб бу ерда юриш уят, жўна!

Ўзбекистонга бирга қайтишди. Зоиржон унга олти ой тадбиркорлик, иш юргизиш, катта микдорда кредит олишнинг самарали йўлларини ўргатди ва уни водийга учирма қилди. Давронбек йигитларни тўплаб иш бошлади. Кредит масаласи бир ойда ҳал бўлди. Хитойдан янги технология, чок машиналари олиб келинди ва эски бинони таъмирлаб, иш бошлашганига икки ойча бўлди...

Азимжон остоидан кириши билан истиқболига Мехригул чиқди ва уни бағрига босиб йиғлаб юборди. Азимжон уни юпатди.

- Йиғламанг, ойи соппа-соғ келдим-ку!
- Бўйларингдан ўргилай болам, ягона суюнчиғимсан, сенсиз уйим хувиллаб қоларкан!
- Сиз ҳам яхши экансиз, йиғламанг, онажон!

Она Азимжонни катта ўғил, отасидан ёдгорлик, ўрнини босадиган полвон деб яхши кўради. У Россияга кетганидан бери кийинчиликларни енгаётганда ҳам, учдан пул келганда ҳам, кўчакўйда ўғлининг ошиларини кўрганда ҳам кўзига ёш келаверарди. “Отанг ўлмаганда аканг бегона юртларда юрмасди!” дея изтироб чекканда коллэж талабаси Гулҳаё уни юпатадиган бўлди.

- Йиғламанг, ойи, акам урушгамас, ишлагани кетган, соғсаломат-ку!

Мехригул қизига разм солиб, хаёлга берилади. “Қайнок күз ёшлар жудолик қайғуси ўғил соғинчи эканини бу навниҳол қиз билармикин?!”

Кечгача синфдош, қариндошлар, маҳалла-күй чиқди. Бир-бир гапга солиб, Санкт-Петербург ва у ердаги ҳамюртлар ҳақида сўрашди. Энди ҳеч қаёққа бормай, онасига елкадош бўлишини тайинлаб дуо қилишди.

Азимжон бўш қолди дегунча қулоғи остида Динаранинг гаплари жаранглаб, юрагини тирнайди.

Кеча самолётда водийга етгунча ухламоқчиди, Динаранинг bemаза гапи рӯҳиятини безовта қилаётганда Ойбаҳорга бир томчи сувдай ўхшаш стюардессага кўзи тушди-ю, юрагига қўринмас ханжар ботди. Ҳаммаси унинг айби билан содир бўлгандай ўзини айблар, Ойбаҳордан бу ҳақда сўраш тугул, бир оғиз ҳам гапиролмаслиги юрагини исканжага оларди. Ноҳуш кечинмалар ва изтиробини онасига билдирамай, ўзини Россиядан келганидан кувонгандай кўрсатишга интилади. Бугун кечгача келди-кетди билан овора бўлди. Кечки пайт оила аъзолари озгина гаплашиб ўтиришди, Мехригул ўғлининг чарчаганини сезиб:

- Дамингни ол, ўғлим, эртага хотиржам гаплашамиз! – дея уни ўз бўлмасига кузатиб кўйди.

Азимжон дарров ухлаб қолсан керак деб ўйлаганди. Аммо ёқимсиз хаёллар, ноҳуш туйғулар ёлғиз колишини пойлаб турган душмандай ёпирилиб келди-да, чарчокни тўлқинлар остига кўмиб, уйку алангасини ўчириб ташлади.

Эски сим картасини ойиси ишлатиб турган экан, телефонига соларкан, кўнглидан ёқимли туйғулар, ширин-ширин хаёллар ўтиб кайфияти кўтарилди...

Ойбаҳорнинг ёқимли овозини эшитиб, дардини енгиллатиш иштиёқи телефонни кўлга олиш, унинг рақамларини теришга мажбур килди. Киз хонасида унинг қўнғироғини кутаётган бўлса керак, дарров боғланди. Жарангли овози йигит дардининг камидা эллик фоизини йўқлик сахросига улоқтирди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, янгиликлардан бир-бирларини хабардор қилишгач, олдиндан белгилаб қўйилгандай мавзууни ўзgartиришди. Ойбаҳор соғинч, куз изғиринига ўхшаш изтиробини сўз билан айтишга андишга килаётгани Азимжонга кувонч бағишилади.

Йигит туйғуларини изхор этиш ёқарди-ю, қиз қалбига озор етказишдан чүчийди. Аммо шу лаҳзаларда Санкт-Петербургда юрагини күйдирган ва изтиробли кечинмалар остида етилишини күтган алангали соғинч бош күтара бошлади. Бу соғинч мұхаббат оламидан шафақдай ёғилаётгани учун рухиятини чароғон қилади.

У кечагина Ойбаҳордан мінглаб кілометр узокда әди, бугун у билан бир ҳаводан нафас оляпти. Эртага у билан учрашади, күзларига термулади, овозини эшигади, орзу-истаклари амалга ошаётганидан баҳтиёр. Рухиятини қоплаган севинч хонасини, ҳатто оламни чароғон эттан қуёшга үхшарди. Тафтидан юраги исиди, танасида ёқимли кайфият сезди. Айниқса, Ойбаҳор:

- Ойим севгимни күзімдан күрганлар, сизга интилаётганимни билғанлар! – дегандан сүңг баҳт эшиги кия очилғандай, бу саройга бек ва бегойимлари бўлиб киришларини тасаввур этиб, уйқуга кетганини билмай қолди. Эрталаб Мехригулнинг кичик ўғлига:

- Секинроқ гапир, акаңг ухлаб олсин! – деган гапи кулоғига чалингданда қуёш тоғлар чўкқисига етган, Ойбаҳор ҳақидаги хаёлларидай гўзал әди.

### 33

Азимжон Санкт-Петербургда Динара билан илк учрашган пайти күзларida қайғу, айёрлик, ёшига ярашмаган изтироб сезган. Ва хатолар туфайли қочиб келганини тасаввур қилган. Қайтгунча унга тасаввuri даражасида муносабатда бўлиб тўғри иш қилгани исботини топди. Динара юртга жўнаётгандан ҳам кўзидан үша қайғу ва ноҳуш кечинмалар йўқолмаган, ҳатто изтироблар қуюқлашганди. Үшандан бери “Ойбаҳорнинг кўзида нималарни сезаркинман, Боҳор билан бўлганлиги чин бўлса, кўзида айбдорлик ҳисси якъол сезилади!” деб ўйлаб келганди. Бугун Ойбаҳорда самимият, жозиба ва ибо кўрди, чиройи янайм очилибди, у севишига муносиблигидан севиниб кетди. У ёқдаги ишимни ташлаб келиб тўғри килдим, акс ҳолда шундай гўзал, онаси ўпмаган севгилимини бой бериб қўйишим мумкин эди!” деган фикр ўтди кўнглидан. Бундан ташқари, кўнглининг бир томонида “Динара ёлғончи!” деган фикр соат сайин мустахкамланиб боради.

Ойбаҳор тортиниб қўл узатди ва кўчада, одамлар кўз олдида туришдан ийманиб, бир неча марта атрофга аланглади. Азимжоннинг таклифи билан кафега тушликка киришди.

Кабина шинамгина, тинч экан, соғинч изхори, кундан-кунга аланга олаётган муҳаббат ва Азимжоннинг хориждаги саргузаштлари сұхбатнинг бошидан охиригача завқ багишлаб турди. Хайрлашув олдиdan Азимжон унинг билагидан ушловди, киз шошилиб тортиб олди. Ҳаё ва ибо йигитни ундан ўзини тортишга мажбур қилди.

Азимжон билан ёнма-ён юриш Ойбаҳор учун энг завқли лаҳзалар бўлса ҳам маҳалладошларидан андиша килиб, ўзини кузатиб кўйилишига йўл бермади. Йўналишдаги таксига чиқиб кетгач, Азимжон қушчаси учиб кетган болакайдек афсус чеккандай уйга жўнади...

“Баҳодир билан учрашиб, Динаранинг даъвосига аниқлик киритгач, совчи жўнатаман!” деб аҳд қилгани учун бу масалада гап очмагани, ҳатто Динарадан эшитгандарини унга билдирамганидан хурсанд.

Санкт-Петербургда юзлаб, ҳатто минглаб қизларни кўрди. Кафе-барлар, дискотека, томоша залларида, институтлар, сайлгоҳларда очик-сочик кийимларда, отаси тенги одамлардан уялмай йигити билан етаклашиб, қучоклашиб, куппа-кундузи ўпишиб юришлари аввал ҳайратта солган бўлса, кейинчалик ғашини келтира бошлади. Уларнинг ҳаё кўчасидан узоклигидан анча ёзгирди. Катталарни ҳурмат килишни билмайди, озигина кексайтганларни арзимаган масалада калака килишади, катталарга меҳр-хурмат деган масалада анчагина ночорликлари замонавийлик эмас, тарбиясизлик эканини ўйлаб хафа бўлди. Ва юртимиз қизларининг ҳулқи: камтарлик, каттага ҳурмат, қалб ва имон зийнати бўлган уялиш ва ибо хисси зийнат тоғганини ўйлаб, ўз юрти, ватандош қизларга янада ҳурмати ошган, уларни кўпроқ соғинганди. Келгандан бери кўчада бирорта андишасиз, ибосиз қизни кўрмади. Улар қўлларини кўксига қўйиб, “Ассалому алейкум!” дея ибо билан салом беришлари, автобусларда катталарга жой бўшатишлари, баланд овозда гапирмасликларини кўриб, “Бизнинг қизлар фаришта!” деган хulosага келди. Халқимизнинг миллий кадриятлари, маънавиятига, Ўзбекистон аталган жаннатмонанд юргига меҳр-муҳаббати жўш уриб кетди.

Санкт-Петербургда немис миллатига мансуб икки нафар одами шаҳар айлантируди. Октябрь инқилобидан олдин Олмонияга кетган боболари бу юртни роса таърифлаб беришганда бу юртни

икки марта зиёрат қилишган, Германияда таассуротларини тұлиб-тошиб сұзлашған, қариндош-уруғларда Ўзбекистонга бұлған мәхр-мухаббатни икки ҳисса оширишганди. Азимжон ҳам үзгача ҳурмат күрсатиши. Ва “Совуқ үлкада нима бор, үз юртингда мазза қилиб, яйраб яшамайсанми?” дейишгач, уларнинг Ўзбекистонга ҳурматидан мағуруланиб, юртга қайтишни тезлатганди.

Энди Азимжонда Санкт-Петербургда үтган воқеаларни тез-тез эслаш одати туғилди. Бүш қолди дегунча хотиралар шуурига калқиб чиқар, гуурига таскин беріб, юрагига ғайрат бағишиларди.

Энди асосий иши: Боҳор билан учрашиб, ҳақиқатни билиш учун бир неча марта өткендеги Аммо “Қандай гап бошлайман, ипидан игнасигача суриштирсаму, түйдан кейин Ойбаҳор билан етаклашиб юрганда “Боҳор”га • дуч келсак, орсизлик кийнамасмикин?” деб үйланарди. “Динаранинг гаплари рост чиқса нима деган одам бўламан!” деган үйлар юрагига игна санчарди. Бир неча кун үтгач, якшанба кечкурунида таваккал Боҳорнинг уйига борди. Четроққа үтишгач, Азимжон бор гапни айтиб, ростлигини сўради.

- Эҳ, иплос! Тфуу, билат, Динара шундай дедими? – Боҳорнинг газаби қайнаб кетди. Пешонаси тиришиб, телефонини қўлга олди, ракам терди, аммо абонент жавоб бермади, яна қайтарди, ҳеч ким садо бермагач, аппаратни чўнтакка солди-да, Азимжонни:

- Юр! – деб имлади. У асабийлашганда коп-кора юзи титраб, кўк товлаб кетаркан. Кўзлари ёниб, кўли қалтирайди. Аммо Азимжонга бир оғиз ҳам гапирмади. Шаҳардаги машҳур “Само” кафесига бориб, энг чеккадаги столни банд қилди. Офицантка келгунча унинг фикри үзгариб колди. Икки кишилик кабина эшигини очиб, улар томон шошаётган офицанткани имлади.

- Бизга битта тоза ароқ, тўртга шашлик, салат ва нон- чой келтир!

Хизматчилик унга кўнилган шекилли, қўполлиги, пўпласига эътибор килмасдан кабобпаз томонга зипиллаб кетди. Кабинага үтиришди, аёл буюртмаларни келтирганда астойдил гап бошламаган эдилар.

Боҳор стаканларга ароқ қуйди-да, биттасини Азимжонга узатди.

- Мен ичмайман! – деди у үз одатини уқтирмоқчидай.

- Эркак бўлсанг, бугун ичасан! – Боҳор ҳеч ким қайтаролмайдиган шаҳд билан гапирди.

Азимжон стаканни столга қўймоқчиди, Боҳор унга қўли билан нўқиди.

- Кўтар, бугун мардлар учун ичамиз, гап бор!

Индамай ичишди. Боҳор бир паррак бодринг билан бир тўғрам гўшт еди.

- Мени биласанми? – деди Азимжонга жиддий тикилиб. У ўзини анча босиб олган, асаби тинчланаётган эди.

- Очиғи, сизни сиртдан биламан!

- Ёмонлигимдан эшигтан бўлсанг, гапиравер...

- Кулғимга тушмаган!

- Мен – абраҳман, аммо соткин, шестёркаларни ёмон қўраман, тоза иш қиласман, пулимни ҳалоллаб оламан! Динаранинг, тфу билат, хоинлиги жаҳлимни чиқарди, аммо сенга даҳли йўқ, у билан ўзим ҳисоб-китоб қиласман!

У “Ҳали мендан кўрасан!” дегандай қўлини мушт килиб, столга урди. Сўнг стаканларга ароқ қуиди-да, Азимжонга олинг демасдан бир кўтаришда сипкорди...

- Мен, - деди у томон сал энгашиб билакларини чалиштириб, тирсакларини столга тиаркан, - айтиб қўяй: икки юзламачиларнинг бетига тупур! Бирорта ҳалол одамга зиён етказмаганман! Одатим шунаقا... Қизинита келсак, - Боҳор бироз тўхталди, ўйчан қиёфада унга қаради. Азимжоннинг юраги шув этди. Ноҳуш гап эшигмайин-да дегандай юраги бетоқат уради.

- Ҳеч нарсадан хавотир олма, у ҳалол, бокира, энг муҳими кучли киз!

- Динаранинг гапидан кейин...

Боҳор унинг гапини шарт кесди. Вужудини ғазабнок шиддат камраб олди-да, столни бир муштлади.

- Гапирма у иплюсни, тфуу билат, қизингнинг ҳаром тукигаям ўҳшамайди. Мен пул учун буюртма бажараман. Аммо кўр-кўронга ишламайман! Динара унинг номусига тегишимни буюриб, катта пул ваъда килди, қизинг унинг йигитини тортиб олаётган, енгилтак, кўп оиласарни бузиб юборган эмиш. Мен таниш фермер шийпонида куч ишлатиб, уни зўрламокчи бўлдим. Аммо қизинг арматура қозик билан бошимга шундай солдики, кўзимдан ўт, танамдан жон чиқиб кетай деди. Ўз қонимга беланиб ётганимда у

жуфтакни ростлабди. Одамларим қувлаб тутолмади. Кейин суриштирсам, у ҳалол одамнинг боласи, ўзиям яхши киз экан. Хотиржам бўл! Мен ўзим даволаниб оёқка турдим. Аммо ўлиб қолишимга бир баҳя қолганди. Мендай Боҳорга кучи етди-я!

У бошининг тикилган жойини ушлаб кулиб кўйди.

- Динара - иплос, мен - ноҳақ эканман. Динара берадиган пул эвазига қизингдан оладиганимни олдим...

Азимжон, Боҳор енгилганини ҳам мардларча тан олишидан рост гапираётганини сезди ва кўнгли жойига тушди. Санкт-Петербургдаги воқеалардан гапирди. Боҳор эса Динара бувисининг сейфини уриб, қочиб кетгани, бутун шаҳар уни ўғри киз дея гапираётганини сўзлади.

Азимжон бу ёқка келиш олдидан яқин дўстининг маслаҳати билан ёнига пул солволганди. Хайрлашиш олдидан Боҳорга эллик доллар пул узатди. Боҳор бироз жим турди-да, Азимжонга қаради ва пулни олиб, чўнтағига солди.

- Раҳмат, сизга, - деди Азимжон. У чин юракдан хурсанд бўлаётганди. Бир дақиқа ўтмай Боҳор чўнтағидан пулни олди-да:

- Шу меники бўлдими? – деди.

- Албатта, ҳалолингиз бўлсин!

- Ма, шуни ол!

- Нега?

- Мендан тўйинигта тўёна! Қолаверса, буюртма қилмагансан! Айтганларимни эса пулга сотмайман...

Унинг кўзида мардлик ва адолат белгиларини кўриб, Азимжон иккиланиб турганда Боҳор пулни унинг чўнтағига солиб кўйди...

Азимжон йўналишдаги таксида зўрлаш саҳнасини буюртма берган Динаранинг таъзирини беришни ўйларкан, унинг нияти амалга ошмай Ойбаҳор бир томчи сувдай тозалиги хаёлига келиб, калбидаги губорларни сиқиб чиқара бошлади. Шу пайт хайдовчи FM радиосининг қулогини буради. Ойбек ва Нигоранинг “Маликамсан менинг, менинг маликам, шахзодамсан, менинг менинг шахзодам” қўшиғи ҳамманинг кайфиятини кўтарди. Азимжон қўшилиб хиргойи киларкан, кўнгли тонг ҳавосидай беғубор ва тоза эди.

Азимжон Давронбекнинг янги корхонасига ишга кирганидан кейин жамоага битта истеъодли ва ишchan дизайнер зарурлигини англаган куниёқ Ойбаҳор хаёлига келди. У ҳақда бошлиққа галиргач, у ярми ҳазил, ярми чин қилиб, “Ишни тортиб кетишига жавобгарликни зиммангта оласанми?” деганда:

- Албатта!

Бу сўз жўшқин кайфият билан юрагидан отилиб чиқди.

У қувончи ичига сиғмай Ойбаҳорга қўнғироқ қилди...

Фабрикага коллежни битирган ёшлардан ишга олишди.

Корхонага ном қўйиш масаласида Давронбек анчадан бери бир карорга келолмай, Азимжонга маслаҳат солувди:

- Биз ўйлаб кўрамиз, Даврон aka! – деди Ойбаҳорни ҳам назарда тутиб.

- Ишдан қайтишаётганда Азимжон бу ҳақда галирувди, кизнинг кўзлари чараклаб кетди.

- Биласизми, Азимжон aka, - деди у кайфияти кўтарилиган куйи, - иккинчи курсда тикувчилик фабрикаси очишни орзу қилардик. “Қандай номлаймиз?” деганда қўнглимга “ТИГАНТ” сўзи келган ва ҳаммага ёққанди.

- Наҳотки?

- Яхши ният билан шундай атасак, бутун мамлакатда гигант корхонага айланамиз!

Давронбек таклифни янгилик ва яхши ниятдай кутиб олди...

Азимжон Давронбекни яхши танирди-ю, ташкилотчи, гайрат билан ишлайдиган, иш кўзини билиши, тадбиркорлик кобилиятидан хабари йўқ экан!

У иш юргизиш, тезроқ самара олиш ва одамларга иш топиб бериш учун шахсий жамғармасини сарфлашдан ташқари, давлатдан 200 миллион сўм имтиёзли кредит олди.

Маблағ корхона хисоб рақамига тушгандан сўнг бир-иккита ходимлар:

- Ака, аввал хизмат учун энг замонавий машина олинг, обрўйингиз-да! – деб тилёғламалик қилишди, - “ТИГАНТ”нинг ишлари яхши, директори “Малибу”да юрибди!” дейишса авторитетингиз кўтарилади!

Давронбек мuloҳазага берилди: маблағнинг катта қисмини гердайиб юришга сарфлаб кўйса, катта имкониятдан ажрайди-ку!

“Кұрамиз, Давроннинг ишлари нима бұларкин?” деган ичиқораларга масхара бұлғандан ўз машинамда юраман!” деган қарорини эшитган маслағаттүйлар: Даврон сохта обрўни эмас, корхона ривожини, одамлар фаровонлигини ўйлашини сезиб, унга мослашишга киришишди.

У кредитнинг ҳаммасини лойиха бўйича сарфлашни бошлаганда корхона даромадлари кўрина бошлади...

Давронбекнинг фикри бўйича ҳамма мутахассис, оддий тикувчидан тортиб, коровулгача юқори маромда ишлаши керак! Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўз фикр-мулоҳазаларини корхона раҳбари ва бош мутахассислари билан ўртоқлашиши зарур!

- Шахсий намуна – энг самарали<sup>к</sup> усул! – дейди кўпинча раҳбарият билан гаплашаётганда.

Корхона янгилиги учун кўпгина масъул ходимлар директор билан бирга иш вақти тугагандан кейин бир неча соат ишлар, корхона келажаги бўйича янги лойиҳалар яратиш устида бош қотиради. Мутахассислар, хизматчилардан изланиш, янгиликка интилиш ва яратиш учун яхши шароитлар мухайё қилинди. Азимжон куч-ғайрати ошиб-тошиб тургани учун корхона иши билан боғлиқ ташкилотлар ва назорат идораларига чопгани чопган. Бир неча ҳорижий давлатларга бориб, шартнома тузиб келишга ҳам улгурди.

Орадан уч ой ўтди. Азимжон ҳалоллиги, меҳнаткаш ва жонкуярлиги билан Давронбекнинг ишончини қозонди. У буюрган ишлар корхона ё ташқарида бўлсин, зиёда бажаришга эришар, тикувчи ва хизматчилар кайфияти кўтарилиган сайин завқ-шавққа тўларди. Шундай пайтда Санкт-Петербургда сайёхларнинг “Ўз юртингда мазза қилиб яшамайсанми?!” деган гапи эсига тушиб, “Олмонлар билиб гапирган!” дея қалби яйраб кетарди. Шаҳардаги кўпчилик корхоналар, хусусий фирмалар, тикувчилик цехлари “ТИГАНТ”га катта ҳавас билан қараётгани эса жамоани янги ютуқларга илҳомлантирас, кучга-куч, ғайратта-ғайрат кўшарди.

Кунларнинг бирида Ойбаҳор Азимжонга айтмасдан (эҳтимол, ҳайратда қолдириш учундир) Давронбекка қийимларнинг замонавий нусхалари хақида таклифлар билдириди. Яратган эскизларини қўрсатиб, фикрини сўради.

- Эрталаб айтаман! – деди у эскизлардан кўз узолмай. Ойбаҳор оҳистагина эшикни ортидан ёпаркан, директорда янги таассуротлар пайдо бўлаётганига ишонгиси келарди... Давронбек эса корхона ишини ривожлантириш ва миқёсини кенгайтириш ҳамда янги ҳамкорлар топиш борасида мазкур эскизлар катта омад келтиришидан бехабар қоғозларга шунчаки термулиб ўтиради. Бирдан иккинчи варажни очганда кувончдан кўзлари яшнаб кетди...

Кечки пайт. Ойбаҳор компьютердаги янги лойиҳаларига сайқал бериш билан банд. Онаси тарки одат қилиб эшикни тақиллатмай кирди-да, аввал ўзини босишга интилиб чуқур-чуқур нафас олди. Сўнг:

- Директор машина жўнатибди, ишхонага борармишсан, тинчликми? – деб қолди. Кўзларида аллақандай ташвиш, ажабтовур кизикиш бор. Ойбаҳор директор йўқловини дарров тушунди, аммо хозирча (Азимjonни ҳайратда қолдириш режасини тузганидек) онасига айтмасликка қарор килди.

- Яхши! – деди у бирдан дилига нур куйилгандай севиниб, - бораман, ахир, у раҳбаримиз!

Ташқарига чиққунча онаси ҳам кийимларини алмаштириб, бирга боришга тайёр турарди.

- Юраверинг ойи, келгунимча хавотир олиб ўтираймайсиз!

Айвондаги каравотда машина, калитини ўйнаб ўтирган Гуломжон отилиб чиқди-да, дарвозахонага келди.

- Хонимлар, машина тайёр, please! - деди кулимсираб “Нексия”ни ўт олдирапкан.

Улар ҳаяжон ва қалбни иситадиган кувонч билан “ТИГАНТ”га етиб келишганда Давронбек мутахассислар билан кираверища кутиб турарди. Ҳаммани ичкарига бошлади. Ва кенгашлар залининг айланга столига жойлашишди.

- Ойбаҳорнинг ота-онаси ҳам қизлари нималарга кодирлигини кўриб қўйишисин! – дея гап бошлади кўзлари кувончдан порлаб. – хозир ажойиб янгилик остонасида турибмиз.

У эскизларни Ойбаҳорга узатаркан:

- Синглим, ҳаммасини ўзингиз тушунтирангиз, марҳамат!

Ойбаҳор эскизларни қўлга олди-ю, кутингмаган шодлиқдан ҳаяжонга тушар, ижод самарасидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳамманинг кўзи унда, дарров фикрларини жамлади-да, қоғозларни тартибга келтириб, иштиёқ билан гап бошлади. Ота-онаси:

“Ишқилиб, адашиб кетмасин-да!” деган андиша ва ғуур билен унга омад тилашыпти.

- Мана, бу биринчи эскиз, - деди у ватманни ҳаммага күринадиган шаклда күтариб, - бошланғич синфлари, манависи эса түртгінчи ва еттінчи, қолган иккитаси эса 8-9-синф қизларига мұлжалланған мактаб формаси, уларнинг ёзги ва қишкиси бор. Ёзгисининг күшімчалықтың құшымча ёқаси түртбұрчак шаклда елкани қоплаган бўлиб, янаям аникроқ тушунтирсам, моряклар кийимига ўхшаб кетади. Қирғоғида уч хил рангли ҳошияси бор. У пушти рангли текис, пахта матодан тайёрланади, қулайлиги иккита: арzon ва бежирим. Қишкисиники эса, жигарранг лафсан матодан, күшімчалықтың ёқасиз; этаги оқ ва қизил учта ҳошияси билан безалади. Оддий ёқасига рангли ҳошиядан безак берилади.

Ойбаҳор бироз тин олгач, сүзга чиқищдан олдин столга қўйган, ўғил болаларга мұлжалланған мактаб формасини тушунтира кетди.

У нутқини яқунлагач, Давронбек ҳамманинг кузидаги кувонч ва ғуур кўриб, севиниб, дадилланиб кетди.

- Азиз, ҳамюртлар, - деди у аввал Ойбаҳорга, сүнг ота-онасига разм солди, - истеъододли ўзбек ўшлари дунёга чиқиб, ривожланған давлатлардан ўтиб кетиши ҳақиқатлигини синглизимининг ижодидан кўрдингиз.

Очиғини айтсам, Азимжон уни ишга тавсия этганда, иккапланғандим. Ўйчан юрса, “Хаёлпарат шекилли...” деб нотугри фикрга борибман, ижодкорлиги, янгилик яратишни ўйлаб юргани хаёлимга келмабди. Эскизлар билан танишгач, ўтиrolмай қолдим. Синглим, - унга қаради Давронбек, - сизни янгилик билан күттайман. Бу - фирмамизни элга танитади, миллионлаб фойда келтиришига ишонаман! Ота-онангизга раҳмат!

Давронбек' озгина тин олгач, Гуломжонга қаради. Унинг кўзлари чақнар, кизига фаҳр билан қараб қўярди.

- Ака, - деди унга, - Ойбаҳор - яхши ўқиган, тарбия топған истеъододли қызы, турган битгани хазина, биз уни қўйиб юбормаймиз, оиласизга минг раҳмат!

Мажлис ахли кўтаринки кайфият билан тарқалди.

Эскизлардан намуна тикиш учун матолар келтирилди ва Ойбаҳор чеварлар тепасида туриб, ўзи ўйлагандай тиктириди. Давронбек куйлакларни елкасидан ушлаб ёзиб кўраркан,

бозоргирлиги ва ўқувчиларга ярашиб туришига ишонч ҳосил килди.

Намуналарни аввал туман, сўнг вилоят халқ таълими бўлимига, соҳа билан шуғулланувчи мутахассисга кўрсатиши. Оддий шаҳарчадан бундай янгилик кутишмаган шекилли, аввалига ишонқирамай қараши. Ойбаҳор эскизларни яратиш тарихи, ўкиш жараёнида ўйлаган ниятлари, янги ижод намуналари билан боғник изланишларини тушунтиргач, уларда ишонч уйғонди. Мутахассислар туманлар билан гаплашиб, катта партияда буюртма учун тайёргарлик кўришларини билдиришди.

Ойбаҳор аъло кайфият билан ташқарига чиқаркан, атрофда куз таровати хукмрон бўлса-да, унинг юрагини баҳор нафаси коплаган – раҳону жамбилларнинг жаннатий бўйлари димоғига урилгандаи ҳузур килади. Наволар ва хушбўйларга коришган шабода сочини силаётганда эса бутун дунёда орасталик, гўзаллик ва эзгулик нафаси хукмронлик эди...

Давронбек кечки пайт фирма келажаги ҳақида янги режалар тузиб ўтирганда бошқарма мутахассисларининг “Бу масалада вазирликнинг фикрини ҳам олишимиз керак!” деганларини эслади-ю, эртагаёқ маркетинг бўлими ходими билан халқ таълими вазирига боришга карор қилди...

Агар республика мактабларини ҳам таъминлашни йўлга қўёлса, фирма Ўзбекистонга танилади, ҳорижга маҳсулот экспорт қилишини ҳам ўйласа бўлади. “Ойбаҳорни молиявий рағбатлантираман, - дилидан тказди у, - янайм унумли ишлаши учун имконият, шароит яратаман!”

### 35

Ташқарисига панжара ўрнатилган дераза ортида - сукунат юракни эзғилайдиган хонада ёлғиз, игна устида яшаётган Динара маъюс боғта термуларкан, ўз ғамлари, вайрон кўнглини кўради. Хазон тусли япроқларга караб, хатолари, рухиятини илондай чирмаган ҳасад ҳақида, дугонасининг баҳтини тортиб олишга интилиб, катта хато килганини ўйлаб юраги орқасига тортади. Ўн беш кундан бери кўчага чиқмайди. Ҳовлида айланади, деразадан жамики ҳаётни кўради. Рухиятини тушкунлик коплаган. “Жамиятдан ажраш, ёлғизлик азоби йигирма биринчи аср одами учун хақорат!” деб қайғу билан ўйга толаверади. Ота-онасидан

қочиб юрганда эрки ўзида бўлгани учун ортиқ азоб чекмаганди. Ҳозир ўзини жазо муддатини ўтаётган маҳкумдай ҳис қиларкан, озодлик ва эрк ҳақида бош котира бошлади. Сабаблари бор эди.

Санкт-Петербургда ерлик ёшларга ўхшаб кийиниб олди-да, бир неча марта дискотекага борди. Йигит-қизларнинг ўзини эркин тувиши, очик-сочик муносабатлари билан ўзи яшайдиган ерлик ёшларникини солиштириб, кўнгли чўкканди. Моҳиятини ўйларкан, қўлида паспорти, коллеж дипломи бўла туриб уй қамоғига солиб қўйишга ҳатто ота-онасининг ҳакқи йўклиги, ўзбекчилик деган гоҳ фойдали, гоҳ заарли тушунчаларга қул бўлган одамларгина бундай назоратни ўйлаб топганларидан сиқила бошлади. У хатолари учун жазога муносиб, аммо бу масалада ота-онаси ҳам хато қилган бўлсанчи?! Ота-она айтганини килмаган болани ҳам жисмоний, ҳам маънавий жазолайди, уй қамоғига ташлайди. Балоғатга етиб, мустақил ҳаёта қадам қўйган ёшларни ишончсизлик билан ғурурини ерга ургандан кўра, ҳаётини ўзи қуриши учун шароит яратгани яхши эмасми? Балки адашар, кокилар, аммо кўзи очилади, хатоларни такрорламасликка ўрганади. Мехнат билан жон куйдириб пул топса, ҳар бир тийиннинг, ҳар бир дақиқанинг қадрига етар! Вазиятдан чиқиш учун изланиб, иродали бўлишга, тўғри яшашга, ўйлаб иш килишга ўрганар?!

Булар озодликка таллингган, аммо қаноти йўклиги учун учеб кетолмаётган Динаранинг ўй-хаёллари...

Озод одам ҳеч қачон қуллик ҳақида ўйламас, аммо кул ҳар доим озодликни орзу килади...

Динара ота-онасидан кечирим сўраш ёки хато қилмаслик ҳақида ўйламасди (хатосини тушунмай). Тезроқ уйдан чиқса-ю, Россияга кетиб, ҳаётини ўзи қуриш ҳақида бош котираради. Онаси қўшниларникига чиқканда унинг телефонидан Рустам акасига кўнғироқ қилиб пул сўради, “Кейинрок!” дегач, мавридини кутаётганди.

Мияси чарчоқ, асабийликдан қийналиб, “Ақлдан озаяпман шекилли...” деган фикр уни тарк этмайдиган бўлиб қолди...

Уч кун аввал Рустам билан яна боғланди ва уни Россияга етадиган йўлкира беришга кўндиради. Бугун у пул олиб келади. Ҳозир уйдан чиқиб, ишончли жойга яшириниб, бу ҳақда Рустамни хабардор килиши керак.

Режани онасига сездирмаслик учун кўзига карамай гаплашади. Бошқа вакт хонасида “Вазиятдан чиқиш – қочиш!” хulosаси билан фурсат кутади. Рустам келадиган вакт тобора яқинлашяпти.

У деразадан онасини кузатади. Малоҳат ток тагидаги сўрида бир соатчадан бери қўшниси Санобар билан гийбатлашиб ўтирибди. Гийбат - сухбатнинг гули деганларидек охири кўринмайди. У бетоқатлигини енгиш учун уйнинг у бурчидан бу бурчига бориб қелади. Малоҳат гапириб бўлгач, қўшни улаб кетади, гоҳо Динарани калака қилаётгандай ҳиринглаб қўйишади. Кизғижинади, аммо маврид кутиб, сабрга суюнади.

Рустам келадиган вақти яқин! “Эй Худо, - дейди қиз қўкка илтижо қилиб, - шуларни гали тугасин ё уларнинг қўзини боғлаб кўй!”

У дераза олдига келди-да, парда орасидан тирқиш очди. Онаси сезиб, уй томон юрганда қўшни:

- Мен чикай, козонда сутим бор, келинга ишониб бўлмайди! – дея қўзғолганда Динара “Хайрият-эй!” дея енгил тортиб онасига пешвоз чиқди.

- Корним очқаб кетди, бирор нарса еб олай! – деди онасининг раҳмини келтиргудай бўлиб.

- Ҳозир овқатга уринаман! Хонангда бир пиёла чой ичиб тур!

Малоҳат ошхонадан идиш олди-да, сабзавот сақланадиган ертўлага тушаётганда Динаранинг дили ёришиб кетди. Чунки ертўла бурчагига қўмилган сабзи, картошкадан саралагунча ўн минут керак! У уйдан чиқиб кетиши мумкин!

У яшин тезлигига кийимларини алмаштириди ва нарсаларини олди-да, оёқ учидан ташқарига юрди. Омадни қаранг: эшик очилиб ёпилганда овоз чиқмади, кўчага чиқиб, дарров таксига ўтириди ва кўз очиб юмгунча уйдан узоклаб кетди...

Рустам билан учрашув жуда кисқа ва мазмунли бўлди. Динара минг долларни уч ойдан кейин бир ярим минг доллар қилиб кайтариш шарти билан қарзга олди. Рустам Динарани кўргани ва каерга кетганини айтмасликка ваъда берди.

Такси шиддат билан юрганда уй қамоғида ётган кунлар ортда колиб, озодлик нашъаси, орзулар зиёси дилини ёритар, умидсизлик ва хавотир секин-аста йўқолиб бораётганди.

Хайдовчи эпчил ва юракли экан: калтис йўлларида ҳам тезликни оширап, ўйдим-чукур жойларидан усталик билан ўтарди. Тошкентга етиш учун тўрт соатча вақт кетди, холос.

Динара таниш квартирада бир кун тунади, эртасига Тошкент вокзалига бориб проводник билан гаплашди-да, Москвага йўл олди.

Далалар, қишлоқ ва шаҳарларни томоша қилиб эркинлик нашъасини суриб кетаркан, ота-онаси зор какшаб, унинг кочиб кетганини бирорга айттолмасдан, ичидан эзилганча, ор-номусдан ерга кириб уни излашаётгани, айбни бир-бирярига тўнкаб ҳар соатда жанжаллашаётганини хаёлига келтирмас, Москвага тезрок етишни ўйлаб, орзулас қанотида учеб борар, бутун қалби янги хаёт завқи ва сурори билан тўлиб-тошарди...

### 36

Давронбек бир хафтадан кейин мактанса арзийдиган янгиликлар билан келганда уни кутилмаган ютуклар билан қарши олишиди.

У режа бўйича битган ишлар ҳакида гапириб ёнидагиларни лол колдирди. Вазир уни жуда яхши кабул килган, Ойбахор яратган кийим нусхаларини кўриб, марказдан узокдаги кизнинг диди ва фантазиясига, истеъодига қойил қолган, яратгандарини республика бўйлаб намойиш этажагини билдиран. Янги йилдан бошлаб республикадаги барча ўкувчилар у яратган формани кийишларига ишонч билдириди ва ҳамма синфларга етказиб бериш вакти, микдори ва сифати бўйича фирма билан вазирлик ўртасида шартнома имзоланди.

- Энди биздан эшитинг! - деди Азимжон кўзлари қувоёнчдан порлаб, - уч кун аввал тумандаги ишбилармон ва тадбиркорлар яратган маҳсулотлар кўрик-тандлови ўтказилиши фирмамизга ва айнан, Ойбахорга катта омад келтирганини айтмай туролмайман!

- Хуш-хўш, тезроқ гапиринг!

- Ойбахорнинг эскизлари бўйича яратилган ўкувчилар формаси кўргазманинг олий мукофотига сазовор бўлди ва кўрик-тандловнинг вилоят босқичида катнашиш хукуқини кўлига киритди. Бу ютук билан Даврон ака, сизни ҳам табриклийман!

- Мен ҳам, - деди Давронбек ичига сиғмай, - ҳаммангизни кутлийман, хусусан, Ойбахорни муборакбод этаман! Илоҳим, бу ютуклар катта ишнинг бошланиши бўлсein!

- Айтганингиз келсин! Яна бир мухим янгилик!

Давронбекнинг юзида қувонч, ғалабалар сурурини кўрсатувчи нур жилва қиласади.

- Ийе, бир йўла юрагимни ёрасизлар шекилли, а?

- Юрагингиз ёрилмай турсин, ютуклар самарасини кўриш учун бақувват юрак керак, ака!

- Тўғри, барибир хаяжондаман!

- Куни кеча туман ҳокими ўринбосари, хотин кизлар қўмитаъ раиси Холида Ширинова фирмамизга ташриф буюрди. Ойбаҳорнинг ишлари билан танишиб, уни Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этишни маслаҳат берди. Сўралган хужжатларини тайёрлаб ҳокимиятга топширдик!

- Омадимиз келди деса булади! – деди Давронбек кўлинин икки томонга ёзиб, - ишонаманки, Ойбаҳор мукофот соҳибига айланади, фирмамизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори ишлайди, қандай мазза!

Ҳамма қарсак чалиб юборди.

Қисқа йигилиш тугаб, ҳамма хонасига тарқалганидан сўнг Азимжон колди. Даврон яна бирор янгилик борми дегандай унга жилмайиб қаради.

- Фақат сизга айтаман, ака!

- Албатта, буям мени хурсанд қилса керак!

- Шундай. Кечя ота-онам Ойбаҳорникига боришганди.

- Ҳўш, табриклиманми?

- А как же! Розилик беришибди.

- Ура! Ғалаба! Чин қалбимдан табриклиман.

- Рахмат. Тўйни тезлатмоқчимиз.

- Жуда соз. Тўй ҳаражатлари биздан!

- Э, ўзимиз киламиз.

- Йўқ, битта сирни сизга айтсан бўлаверади.

- Қанака сир?

Давронбекнинг у ёк-бу ёкка аланглашидан кўпчилик билиши инарт бўлмаган гап айтмоқчилигини дарров тушуниб, Азимжон унга якинроқ сурилди. Даврон ҳам эгилиб овозини пастлатди.

- Фирмамиз вазирлик билан қанчага шартнома тузганини биласизми?

- Йўқ.

- Бир миллиард сўмдан ортиққа!

- Ҳа, - деди Азимжон кўзлари қувончдан порлаб, - буни катта ғалаба деса бўлади. Қўлни ташланг, ака.

Улар кафтни уриширишганда “тарс” этган овоз шодлик садосидай хонани жаранглатиб юборди.

Даврон тушгача буюртмаларни бажариш режасини тузгач, асосий мутахассисларни хонасига тўплади. Ҳом-ашё олиб келувчи, чеварлар билан ишловчи усталар ҳамда маҳсулот сифатини назорат килувчиларга маҳсус топшириклар берди. Цех усталарига ёшлиардан ишга олиш ва уларга шароит яратишни тайинлади. Буюртманинг биринчи кисмини бажариш муддатини айтгандан кейин бош муҳандис бирдан ўрнидан турди.

- Жуда кисқа муддат! – деди шошганидан, - бажариш кийин, буюртмачи олдида хижолатда коламиз, ака!

- Ҳаммасини хисобладим! Кўшимча ишчилар оламиз, уч навбатли иш ташкил қиласиз, биринчи босқични бажарунча фирмамиз обрўси учун ҳаммамиз оёкка турамиз, бундай имконият ҳаммага, ҳамма вакт насиб этавермайди, тушунарлимиз?

Бош муҳандис шошқалоқлигини тан олгандай бошини қимирилатиб жойига ўтирди.

- Ҳа, айтгандай, - деди Даврон бош ҳисобчига юзланиб, - бугун ё эртага банқдаги хисоб-рақамилизга юз миллион маблағ тушади, ёрдамчиларингиз билан ҳом-ашё, иш ҳақи ва бошқа харажатларга ажратинг, тақсимотни эртага кўриб чиқамиз! Энди ҳамма ишга, йиғилиш тугади!

Азимжон ишдан кейин Ойбаҳорни шахардаги гавжум музқаймоқ кафесига таклиф килганини ишхонада ҳеч ким билмай қолди. Излаганлар “Қалликлар...” дея ҳавас билан мийигида кулиб кўя қолишиди. Ҳаммада ҳавас бор. Катта ёшлилар “Кўз тегмасин!” дея дуо қилишаётгани самимий чеҳраларидан билиниб турарди.

Ишхонада одамлар ишга шўнғиб кетган дакиқаларда Азимжон Ойбаҳорга ўғринча қараб қўяди, имлаб нималарни дир айтмоқчи бўлади. Аммо Ойбаҳор ўзини кўрмаётган, билмаётганга солиб, Азимжоннинг сабрини имтиҳон қиласар, ташқарига чиқаётганда унга секингина қўлини узатади. Аммо бир нафасдаёқ тортиб олади. Катта-кичик олдида ўз одоби, ибо-ҳаёси билан юришни, бошқача айтганда, асли қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай қолишини биринчи ўринга қўяди. Корхонага ишга келгандан бери Азимжонга шу ниятини сингдириш учун анча ҳаракат қилишга тўғри келди.

Азимжон кўпинча, қаллигини Динара билан солиштириб, кўнгли тоғдек кўтарилади. Ҳатто “У солиштириб кўришга ҳам арзимайди!” деган хуросага келган. Бу ҳақда Санкт-Петербургдаги килмишларидан бир шингил-бир шингил сўзлаб берса, Ойбаҳор хайратдан ёқасини ушлаб қолади. Гарчи Динарани Азимжондан яхшироқ билса ҳам гапларини тасдиқлаб, бош силкиб қўяверган. Факат Худога илтижо қилиб, Динара билан кечган воқеалар кайтарилимаслигини сўрайди.

Улар кўздан панарақдаги столга жойлашишди.

Азимжон кола, Ойбаҳор фанта қуйиб:

- Шу қадаҳни тўйимиз учун кўтарайлик! – дея кулимсиради Азимжон. Ойбаҳор онасининг кеч кузда тўй киламиз деганини эслаб, ерга қаради.

- Нега индамайсиз, Ойбаҳор? – деди Азимжон хаёли бир ёкларга қетиб. Қиз бир, неча дақиқа жим турди-да, Азимжонга қаради.

- Бошқа гапдан гаплашайлик, ака! – деди. Аммо Азимжон уни музқаймоққа таклиф қилишдан асосий мақсади боядан бери дикқат марказида тургани учун:

- Менимча, - деди ҳам кулиб, ҳам жиддийлашиб, - биз учун бундан муҳим гап йўқ! Қизлар тўйга етолмай хуноб, сиз тўй десам, ерга қарайсиз, тинчликми?

Ойбаҳор мулоҳазаларини айтишга иккиланиб, бир Азимжонга, бир олисга қаради, сўнг таваккал килди.

- Тўғри айтасиз! – деди Ойбаҳор жилмайиб, - масалан, Динарага ўшаганларнинг алами ичиди!

Азимжон қўлини ияига тиради-да, қизни койил колдирмоқчида чуқур ўйга толди. Ҳозир унинг ҳурматини жойига кўйиши лозимлиги учун гапларига эътиroz билдириш аҳмоклик дея қўлларини столга қовуштириб, қизга тикилди.

- Битта илтимосим бор, йўқ демайсизми?

- Кўлимдан келса...

- Ширин сұхбатимизга ўша bemaza курсдошингизни аралаштирумасак...

- Сўз бераман, - деди Ойбаҳор кулимсираб, унга тикиларкан. - иккинчи кайтарилимайди.

- Тушунганд оدامнинг садағаси кетсанг арзийди. Энди мендан эшитинг.

- Хўш?

- Сиз ижодингиз билан корхонамизга катта даромад келтираётганингиз учун Даврон ака тўйимизга ҳомийлик килмоқчи!

Азимжон Ойбаҳорни севинтириш учун гапирғанди. Аммо хато килганини тушунди-ю, ўзини ёмон кўриб кетди. Яна кош кўяман деб кўз чикармаслик учун бир неча дақиқа унинг муносабатини кутди.

- Биз ўртаҳол яшаймиз. Дадам икки-уч ой маблаг тўплаб, кузда тўй киламиз деганлар. Мен ишлайман, бироннинг ёрдамига муҳтоҷ бўлмаймиз. Яна дадам айтадиларки, кўпчиликнинг ошини еганман, элга ош бермасам бўлмайди, битта қизимни қарз олиб чикармайман, дедилар. Ахир, шошиб қаёрга борардик, тўғрими?

Азимжон, киз бу гапни қаллиғига усталик билан тасдиклатиб, онасига айтсан ва улар шунга кўнишсин дёган маънода эмас, очиккўнгиллик билан сўзлаётганини сезиб, гапини маъқуллади ва ўзининг ҳам нияти шу эканини айтишга ҷоғланганда “Режамизни билгандай гапирди-я! Тилингга шакар, Ойбаҳор!” деган севинч ўтди кўнглидан. Бир соатча ширин сухбат қуриб ўтиришганидан кейин шахар боғини айланиб, уйларига кетишиди.

Ойбаҳор “Фирманинг тўйга ҳомийлик қилмоқчилигини ота-онамга айтсан “Битта қизни ҳомий ёрдамида узатамизми?” дей хафа булишларини ўйлаб гапирмасликка карор килди. “Даврон ака астойдил ният қилган бўлса, тўйга яқин отамга айтади!” деган карор ўзига ёкиб тушди.

Кечки пайт ўз хонасига кириб, жавондан китоб олаётганда телефoni жиринглади.

Курсдоши Ферузанинг сўzlари ташвишли эди.

- Динарани эшитдингми?

- Тинчликми?

- Кўнгилсиз воқеалар...

- Наҳотки, тезрок айт!

- Москвага етиб борганда кутиб оловчилар кеч қолган, у безориларнинг кўлига тушиб пуллари ва кийим-кечаклари, энг муҳими, паспортини олдириб қўйган. Йигирма кундирки, уйдан чиқолмай беркиниб ётганмиш. Ҳужжати топиладими-йўқми – номаълум...

- Ҳа, ачинарли...

Ойбаҳор, Динаранинг килмишлари юрагида жароҳат колдиргани учун эслашни ҳам лозим топмаётганди. Бегона юртда сарсон, оғир ахволдалигига ачинди, аммо бу ачинишни унга бўлган нафрати довул сингари учириб юборди. Тишини бир гижирлатди-да. Ферузага билдириласлик учун ўзини босди.

- Ота-онани йиғлатиб кочиб кетишининг оқибати-да.
- Шунака бўлганми?
- Анчадан бери излашаётганди, уч кун аввал танишлари Москвадан қўнғирок килшибди. Улар қизнинг тайини чиканидан хотиржам, аммо ғазаблари аланга олган!
- Ўзиям отанинг жаҳлини чиқарадиган иш қилган-да...
- Кеча дадамга “Курсдошлари ишляпти, турмушга чиқаяпти, университетда ўқиши давом эттиряпти, ахмоқ қизим эса, дайди итдек хорижда хор бўлиб юрибди, шу шартми? Биз унга “Пул топ!” дермидик? Оддий хайдовчининг қизи Ойбаҳор республикага таниляпти? Менинг абллах қизим куйдириб, қонимизни ичишдан бошқага ярамаяпти!” деб роса ҳасрат килибди.

Ойбаҳор Раҳмонжонга ачинди. Мол-давлати, имконияти етарли, Динарага зўр шароит яратган, аммо ота-онасини эл-юрт олдидা шарманда қилиши шартми?! Ёш жонида гап-сўзга қолиши наҳотки ўзига ёкса?!

Динара тўғрисидаги фикрлар бир нуктага йигилиб, қизнинг маънавий киёфасини кўз олдидা гавдалантириди. Яхши ишга жойлашиш, яхши хаёт қуришга ҳамма имконият бор: Отаси ишбилармон, тадбиркор, оиласини ҳавас қилиб уни келинликка сўрайдиганлар анчагина. Аммо нега ўз баҳтига зомин бўляпти! Кочиб каерга боради, ер юзидан чикиб кетолмайди, гунохкорнинг борар ери у дунёда ҳам тайин-ку?! Наҳотки шуни англамаса?!

Ойбаҳор ўйлайверса, миясига ҳар хил фикрлар келаверди, саволлар кўпаяверди, охири, “Булардан кўра...” дей мутолаага шўнгиди. Саҳифаларни очаркан, сатрлар орасидан ўзи ўйлаган янгилик, мўъжизалар жонли одамдай жилмайиб чиқаётгандай улар тароватини рухиятида хис қилиб турар, ижодий қайфиятнинг ҳузурбахш даққаларига кириб бораётгандай эди.

- Қозон вокзалидаги майда ўғрилар килган бу ишни! – деди. Энг эпчил Ориф ҳам пичокқа илинадиган маълумотга эга бўлолмади. Динара йигирма кун кўчага чиқолмай, боқиманда ўтирганидан хамма норози. Ўзи ҳам юраги сиқилиб дунёга сиғмайди, қочиб келганидан, ландавурлик қилганидан минг-минг афсусда. Йигитларнинг кўзига қаролмайди, кўчага чикиб бирор иш бажариб, пул топиб келай деса, милиция ушлаб жаримага тортади. Хатолар қайтарилса, беш йилга Россияга киролмайдиган килиб кўяди. Ҳар куни йигитларга овқат пиширади, кийимларини ювади, уй тозалайди. Фалончининг қизиман деб мағрур юрган Динара бугун оддий оқсочта, хизматкорга айланса-я! Таниш-билиш, яқинлари эшитса, кети билан кулмайдими?! Отдай соғлом, маълумотли, ота-онаси хаёт, ҳар қандай ишни эплайдиган ёшда nochор қоладими?!

Динара ўзини айблаб, вазиятдан чикиш йўлини ҳам ўзи кидиради. Юрагининг бир чети ғаш, ғаш бўлгандаям чукур ғаш, аммо охирида, анча узокда ёруғлик кўрингандай, унга етиш учун ғашлик остидаги синов шуурида акс этади. Булар ҳакида ўйлаш канча оғир бўлмасин, қизиқарлидай ва ҳар сонияси енгиллик берадиган саодатга ўхшайди...

Нихоят, Ориф янги тадбир топди.

Эрталаб Қозон вокзалига Динарани бошлаб борди-да, “Уша кун ён-верингда ўралашган, сумкантни юлиб қочгандардан бирортасини танирсан!” деб кўпчилик назари тушмайдиган жойга кўйиб:

- Ўзингга хушёр бўл! – деди кетатуриб.

Динара соchlарини ёзив, тор шим, реппер қўшиқчилар расми солиган юпка кофта, одми кроссовка кийган, “Мени ҳеч ким танимайди!” деб ўйлаганда чучварани хом санаган экан. Ерликларнинг беписанд, менсимай қараашларидан билдики, кимлиги ва нима мақсадда турганини тахминан билишган.

Тумонат орасида ўтган-кетганларни кузата бошлади. Бир соатчадан кейин сал-пал таниш қиёфалар кўрина бошлагач, юрагида умид пайдо бўлди. Ўғринча қараётган бежо болаларни кўрганда юраги “шув” этар, шу эмасмикин деб эслашга ҳаракат киларди. Бир соатдан кейин толиқди, икки соатдан кейин турқи совуқ, тегажоклардан зерикди, ҳатто кўрқа бошлади. Иккита барзангисифат йигит атрофида ўралаша бошлаганда Орифга

кўнғироқ қилгиси келди, аммо бошқа фойега ўтиб, кўзлари билан олма тера бошлади. Қора кўзойнак таққан, соқол-мўйлов ўстирган, кўзи ўйнаб турганларга алоҳида эътибор билан қарап, улар ўзи ҳакида қандай фикрга бораётганларини билмагани учун уларнинг кўзидағи кишини камситувчи ва ҳакоратли маънога тушунмасди. Тушга яқинлашганда соколи, қора кўзойнак таққан йигит унга яқинлаша бошлади ва олдига келганда иккала қўлини икки тарафга ёзиб, артистга ўхшаш қилиқ килди-да кескин ортига бурилиб кетди ва одамлар уммонига қўшилаётганда икки бармоғи орасига бош бармоғини суқиб кўрсатди-да, ҳезалакка ўхшаб қилиқ қилди, сўнг бирдан кўздан йўқолди. Динара кўринишидан туппа-тузук одамга ўхшаган бу олифтанинг бачканы қиликлари қандай маънодалигини тушунмади. Одамлар тепадан тушадиган зинапоя рўпарасига ўтиб тураверди, туравериб чарчади, туриш бефойдалигини англаб, Орифга қўнғироқ қилиб, уйга кетмоқчи бўлди. Сўнгти зиналардан кўтарилаётганда ёнидан икки шарпа келди-да, билағидан ушлади, русчалаб "Шовқин солмасдан, катта йўл бўйидаги машинагача борсанг ҳаммаси яхши бўлади!" дейа уқтириб, ўртада олиб кета бошлашди. Кўркувдан қалтираган Динара ҳозирги ҳолат ҳужжатни йўқотишдан ёмонлигини англагандай саросимага тушди. Тилига гап қелмас, икки биқинига қадалган пичоқ учини сезиб, бақиришдан ўзини аранг тийиб туарди.

- Мени қўйворинглар, мен... мен ҳужжатларимни йўқотганман, қўйворинг!

Машинага яқинлашганда айтилган бу гап босқинчиларга қўл келди.

- Найдём, найдём, шоколадка! – деди сочи жингалаги унинг билагини сиқиб машинага ўтказаркан.

Ҳайдовчи газни босди ва машиналарга қўшилиб кетганда Динаранинг оғзига кичкинагина тўп тикишган, қўли боғланганча индамай кетишга мажбур эди.

"Мени машинага босиши, қаерга борамиз, нима қиладилар?"

Динара ҳар қанча диққат қилмасин, босқинчилар ўзи ҳакида нимадир дёётганларини тахмин қилса ҳам ҳеч нарса тушунмас, алами ортиб борарди.

У Москвани билмасди. Қозон вокзали, квартирагача бўлган кўчалар, айрим машҳур биноларни бирров кўрган, холос. Ҳозир кўраётган кўп қаватли бинолар, туар-жойлар ва реклама

панинолари нотаниш. Бирдан юрагига кўркув, сўнг жасорат келди. “Буларнинг босқинчиллик қилишга нима ҳакки бор, уларга қандай ёмонлик килдим?” деган савол исёnnинг илк учқунлари эди. Тўпчани бир неча марта тили билан итарди. Натижা йўқ. Уч-тўрт марта такрорлагач, миасига “Тишим тўсиб коляпти, оғзимни катта очиб итарсан-чи?” деган фикр келди. Оғзини катта очиб, тўпчани тили билан итарди ва тўпча бир сонияда оёқ остига юмалади. Улар кўрмай колипиди. Ва Динара ўнг томондаги барзангининг башарасига калла берди, унинг бурнидан шариллаб қон кетди, иккичисини ҳам шундай килмоқчиди, натижани бермади, кўлини ечиб уларни уришига уринди. Афсуски, барзангилар уни эзиб кўйишгач, бу ишни бемаврид ва нотўғри килганлигини англаб, юрагида надомат туғилди.

- Тўхтат машинани, остановка, остановка! – деб бакирди уларга сир беришни истамагандай.

- Эй манжалаки! Ўзингни босмасанг, ўлигингни исковуч итлар ҳам тополмайди.

Динара ўзбекча гапирган барзангининг кўзидан кўркинчи маъно уқиб, хозиргина юрагида йилтираган ёруғлик сўнди. Сўнг кутилмаганда бўйнига каттиқ нарса тегиб, танасида даҳшатли оғрик сезди, боши айланиб кўз олди коронғилашди ва ўзини тутолмай боши билан ўриндикка урилди...

Машина каттиқ силкинганда Динара ҳушига келди. Ёпик фургон ўйдим-чукур йўлда тўрт аёлни элакдаги кепакдай айлантирас, машина паст-баланд адирлиқдан юраётганга ўхшарди. Баъзан курсидан туриб кетишига мажбур бўлишарди. Динара коронғиликка кўзи ўргангунча уч аёлни гира-шира кўрди. Иккита тешикдан тушаётган нур ичкарини яхши ёритолмас, бутун диккатини жамлаб, аёлларнинг ўзбеклигини билиб, ичидан бир оҳ келди, қалбига титрок келди. Аммо ёлғиз эмаслиги, гапирса тушунадиганлар билан вазиятдан чиқиш имконияти топилгандай хотиржам тортди.

Бўйни ачишиб оғрир, ҳолсизлик кисман йўқолган бўлса ҳам вужудини камраб турарди. У шериклари ёнига ўтиришга мажоли етмасди. Бирдан ҳушига келганини кепкалик аёл сезиб колди-да, устига энгашди.

- Тузукмисиз?  
- Ха...

- Бирор ёрингиз оғримаяптими?

Нариги иккаласи ҳам тепасида пайдо бўлди.

- Тура оласизми?

- Кейин, бўйним...

У ингрок овозда гапиргани учун аёлларнинг раҳмини келтирди.

Улар Динарага ачиниш, ташвиш билан қарашаётганда машина секинлашди. Йўл азоби, фургон ичидаги дим ва қўланса ҳаво, камоқхонада ўтиргандек асабийлаштирас, тезрок эшик очилишини кутишарди. Ташкарида одамларнинг каттик-каттик гапиргани, сўкингандарини юракка қўркув, ҳавотир тўлдиради. Боскин, талонга учраган, одам савдосидан азоб чекканлар ҳакида ноҳуш гаплар эшлишган, оғир ва кадрсиз меҳнат, сўнгсиз азоб-укубатлар кутаётгандай ўзларини қайгу ичида хис килишарди. Нихоят, фургоннинг орка эшиги очилди.

Ёруғликка кўникунча кўзларини беркитиши, очишганда одамни вахимага соладиган манзарадан аклдан озишларига бир баҳя колди...

Атроф чўлсифат кенглик, унда-мунда бир-иккитадан дарахт кўринади. Олисда тоғга ўхшашиб адирлик ястаниб ётибди, ундан нарида кўм-кўк нимадир – ўрмон ё ўтлок. Динара чапга назар солиши билан узунилиги уч юз метрча икки бўлим, икки қаватли бино эътиборини тортди. Ташкарисида тоғдай гўнг гарамлари, катта бинодан юз метрча нарида икки-уч хонали бўлса керак – иккита алоҳида уй. Уч тўрт метр оркадаги бостиurmада ўтин гарамлари уюлиб ётганини кўрган аёллар бу ерларга газ ва электр келмаган, марказдан олисадаликларига ишона бошлишди. Унинг ёнида душ – тепасида юз литрлик бочка турибди.

Фургон эшигидан озгина нарида иккита барзанги “одамни гажийман” дея чоғланган иккита эшакдай овчаркани ушлаганча аёлларнинг машинадан тушишини кутар, нозик вужуд, ожизона хилкат эгаларига, муносабатлари беписанд ва шармандали қарашларидан якъол сезилиб турарди. Хозиргина “Тезрок очикка чиқсан, эркин нафас оламиз!” дея ният қилган аёллар ранги оқарганча ортга тисарилишди.

-Ҳамманг пастга туш!

Қўнғиз мўйловли бакалоқ кимса Динарага анча олдин кўрган аёллар калонияси ҳакидаги қайгули фильмнй эслатди. У ўзини жиноятчи маҳбусдай хис қилиб, бўйсунишга мажбур бўлди.

“Айттанларини бажарсам, итлар менга индамайди!” – деган фикр кечди күнглидан. У – ёшлик журъат берди шекилли машинадан бир сакраб тушганда итлар ириллаб күйди. Бошқалар Динарадан күч олиб сакрадилар. Түрт аёлни иккита ит етаклаган барзанги, яна түрт киши ўртага олиб икки қаватли бино томон юрдилар. Динара күнгиз мүйловлига “Бақалоқ”, новчасига “Күлтирик”дея лакаб күйди. “Бақалоқ” лапанглаб юргани билан эпчил ва ҳушёрға ўхшар, аёлларни эътибордан қочирмас, шериклари ҳам қолшмасди. Бино йўлагига киришгач, бошловчи чапдаги хонага юрди. У ерга бешолти киши овқатланадиган стол-стул қўйилган, доим одам яшагани билиниб турарди. “Бақалоқ” ҳаммага бир қур жиддий разм солди, нигоҳида зўравонлик аломати сезилар, бу ерда кўплаб аёл ва эркакларни олиб келиб ишлатиш учун бундай мажлислар қилингани сезилиб турарди.

- Ҳамманг очсан, биламан, - деди у ўзини аёлларга ғамхўрлик қилаётгандай кўрсатмоқчи бўлиб, - сизлардаги: “Аввал таом, бадаз калом!” мақолига кўра яхшилаб овқатланиб олинглар, кейин ишни гаплашамиз!

Улар хонани тарк этишаётганда Динара бўйнимга урган барзанги булар орасидамасмикин, дея разм солди. Аммо танимади. “Демак, бу гурухга бизни топширишган”. Овқатланиб бўлишгач, бояги тўрттовлон кирди. Ва яна “Бақалоқ” гап бошлади.

- Бу ер чорвачилик фермаси, тўрттовингиз шу ерда ишлайсиз, ким бўйин товласа, биздан яхшилик кутмасин!

- Маошимиз қанча? – отилиб сўзлади боядан бери чидолмай ўтирган Динара.

- Қанака маош? – деди “Бақалоқ” айёrona ғазаб билан унга кўзини лўқ, қиларкан.

- Иш ҳакимизни сўрайсанман!

Динара боягидан дадилроқ сўзлар, “Бақалоқ”ни енгиб ташламоқчилигини бошқаларга кўрсатиб қўймокчига ўхшарди. Аёллардан бири “Айтишма!” дегандай этагидан тортди. Динара парво килмади. “Бақалоқ”нинг кўзига қараб тураверди. У эса алланарсаларни мулоҳаза килгандан кейин, худди одатланиб қолгандай, столни бир-икки чертди-да, Динара томон бироз эгилди.

- Ваъда килган одамдан сўрайсан, хужжатларинг топилгунча текинга ишлайсан, милицияга бермаймиз, қаматиб қўймаймиз! – деб келишганимиз холос.

Динара шериклари ҳам хужжат йўқотганини тушунди. Аммо бу одамлар ҳозир ўйин килаётганларини хазм қилолмасди.

- Мен қулдай ишлашни хоҳламайман, - деди у ўзбекча гапирган одамга қараб, - бу ернинг аник манзилини билмоқчиман! Бизни озод қилишади, аммо унда сенларни аяб ўтиришмайди. Бизни бу ерда мажбурлаб, ҳушимииздан кетказиб, қўлдан қўлга ўтказиб олиб келишларига тоқат қилолмайман!

- Ўххў, зўрсан-ку! Саша, - деди ёнидаги “Қилтирик”ка караб, - кўряпсанми, ҳозирги жипириқлар ўзим кимман демайдио, катталарга пўписа қиласди, буларни нима қилиш керак?

- Қийнаш керак, уриш керак, энасини кўрсатиш керак!

Унинг йўғон овози хонани зириллатиб юбориши хаёлига қелмаган аёллар қўрқиб кетди. Бир-бирларидан нажот истагандек, ўзаро яқинлашиб олишди. Саша тушунган, маданиятлидай қўринса-да, сўкиниш ва қўполликда, аёлларга номуносиб муносабатда шерикларини чангидаги қолдирадиганга ўхшарди. “Бақалоқ”нинг сарғиши башарасида осиёликларга паст назар билан қараси намоён бўла бошлиди. Ўз фикрича, илк муомаладаёқ аёлларни қўрқитиб, ўзига қулдек бўйсиндириб олишга интилаётгани айни дамда бундай муносабат ўз шерикларига яхши қўриниш, обрўсими кўтариш учун қилинаётгани ҳам сезилмай колмади.

- Ҳаммасини бир-бир елкасини қашиб қўясанми?

- Қизнинг эсини киритсак, ҳаммасига етади. Қолганлари анча ақллига ўхшайди... – у мазах аралаш иршайди...

Динара қолди, “Бақалоқ” бошқаларни молхонага етаклаб келди. Ва учаласига ҳар куни соат неччида, нима ишлар қилиш кераклигини шошилмай тушунтириди. Шунчалар кўп ишни айтдики, тўрт аёл барига улгуrolмаслигини аник сезиб, эътиroz руҳи билан каради. “Бақалоқ” хушёр экан.

- Эртадан кейин янги гурух келади. Икки кунга сабр қилларинг, ўлиб қолмайсанлар, қани энди ишга марш!

“Бақалоқ” кетгач, аёллар тақдирга тан беришнинг илк аломати сифатида яқиндан танишишди. Ок рўмолли ўттизларга яқинлашган аёл – бўқалик Гулчехра, корачадан келган қиркқа яқинлашгани – ангренлик Шахноза, қош-кўзларини бўяган, лабининг устида билинар-билинмас ҳатти бор ёш аёл эса – олтиариқлик Раъно! Танишувдан дадиллашган бўлсалар-да, дарров ишга киришиб

кетолмадилар. Гулчехра: “Умримда бунақа иш қилмаганман, бошга тушса, кўз кўтарар экан-да!” дея деворга суюб қўйилган паншахага караб анчагача хаёл суриб турди. Сўнг асталик билан “Бақалоқ”нинг айтганини бажаришга киришди. Бошқалар ҳам харакатга тушдилар, аммо “Динаранинг ахволи нима кечди? Киз болага вахшийлик қилишмасмикин?” деган саволларга жавоб тополмай хавотирда эдилар. Тушлик бўлдики, Динара келмади. Қизга ачина бошлашди. Аммо бирорталари олдига бориб вазиятни билишга журъат этишолмади. Яна бир соат ўтгач, Саша тушликка чакирди. Улар бирин-кетин йўлга тушишди. Ҳамма чарчаган, эрталабки шахддан асар йўқ. Кўз билан Динарани қидиришаётганда Саша Гулчехрага қаради: “Йулакдан ўнгга юрсанг, ертўлага тушасан, анави қизни олиб чик!” ҳамманинг юраги “шув” этди ва бир-бирларига ялт этиб қарашди. Нима гап? Бирор етаклаб чиқадиган даражада ҳолдан тойғанми? Қандай жазолашган?” Гулчехра кўркув билан ертўлага тушаркан зах, қўланса хиддан кўнглида бехузурлик туди. Бирдан чапдаги хонадан ингрок эшитиб, ўша ёкка бурилди. Ва оддий матрас устида юзтубан ётган, устига ок мато ташланган Динарани кўрди-да, кўрқанидан бир неча сония нафаси чиқмай караҳт бўлиб қолди.

- Нима гап? – деди қизнинг тепасига келиб. Қиз бошини сал кўтариб, чилвирда боғланган қўлига имо қилди. Гулчехра уни ечди ва устидаги матони олиши билан қўрқанидан “Вой ўлмасаам!” дея ортига тисарилди. Бели ва кураклари қамчи зарбидан қўкарған, елкасидаги айқаш-уйқаш кўқимтири излар ҳам қамчиники эди...

- Ифлос, қиз боланиям шунака урадими?! Ҳароми... Кел, тур ўрнингдан, тушлик киламиз.

Қамчининг тарам-тарам излари айрим жойларда ингичка, баъзи ўринларда арқонсимон тушган. Курагидаги моматалок азоби тана кучини емирғандай қиз қўзғолишга кийналарди.

- Нима бўлди?

Гулчехра ахмокона савол берганини англаб, ўзини койиб ташлади. Динара бир оздан сўнг ингрок аралаш бир неча сўз айтди, аммо Гулчехра тушунмади. Қиз қўлига тиравиб турмокчи бўлди, аммо эпланолмай ўзини ерга ташлади.

- Буларни инсон туғмаган, хайвондан фарки йўклар!

У газабини босиб қизнинг қўлтигидан олмоқчи бўлди. Аммо кўтарсам, оғрик кучаймасмикин деган мулоҳаза миёсида бир

айландио, дарров йўқолди. Қизни қандай килиб бўлсаям, бу сассик жойдан олиб чиқиш ва овқатлантириб ўзига келтириш керак!

- Асалим, турайлик-чи, жиндай овқатланмасанг оғрикни енголмайсан. Беш-тўрт кун айтганларини қилайлик, Худо нажот берар!

Мехрибонлик далда берди, қиз тиззалаб ўтириди-да, ёстик ёнидаги бисер қадалган футболкасини кийди, камчи еган жойига футболкаси тегиб ачишаётгани учун енгилгина ох тортди. Шериклар қандай воқеа рўй берганини дарров сезишиди ва ҳамдардлик билан ёнларига ўтказишаркан, энди битта одамга айланишмаса, ҳамманинг бошига Динаранинг куни тушишини ҳис эта бошлашди.

Динара тарелкадаги овқатнинг ярмини еди, шериклари мажбуrlаб олдига суриб кўйишса ҳам қолгани ўтмади. Бир икки пиёла чой ичишгач, Динарани савалаган новча кирди-да:

- Смирно! – деди бакиргандай. Кўзидан зўравонлик ёғилар, аёллар саломатлиги, уларни хурматлашдан кўра, ўз хукмига бўйсундириш режаси яккол билиниб турарди. Тўрт аёл маҳбусдай тик турди. Ва новчанинг талаби билан исм-фамилияларини айтишиди. Ҳисобот берётгандай итоаткорона гапиришган бўлса-да, новчанинг кўнгли тўлмай, башарасида норозилик аломати туғилди.

- Ҳозирги дақиқадан бошлаб, сен – Гулчехрага мурожаат килди у, - биринчисан, сен – Раънога кўлинни бигиз килди, - иккинчи, сен эса – Фотимага якинроқ келиб чимрилди –учинчи, мана бу эса – у Динарани назарда тутаётганини нафрат аралаш имо билан англатди - тўртинчи! Сенларни шу ракам билан чақирамиз. Ишдан бўйин товлаган, гап кайтарган, беҳуда талаблар қўйган ракам эгаси аввал оч қолдирилади, сўнг бешбаттар жазога тортилади, тушунарлими?

- Ҳа! – дейишиди ҳаммалари баробар.

- Марказ бу ердан 500 километр узоқ, 150 километри чўл ва ўрмон. Қочиб қўлга тушган ракам эгасини карагайга осиб қўямиз, ёввойи хайвонларга ем бўлади. Суягингни ҳам бирор тополмайди. Ҳамма гапимни тушундими?

- Ҳа!

- Ҳамма ишга!

- Битта илтимос бор, Иван Сергеевич! – деди кутилмаганда Гулчехра.

- Гапир биринчи! Бу сафардан кейин рақамингни айтиб мурожаат қил!

- Хўп, тўртингчи сал ўзига келгунча ўрнига биз ишлаб турсак...

- Фақат эрталабгача! – деди Иван Сергеевич жавобни аввал тайёрлаб қўйгандай, - тўртингчи ётоққа марш!

Динара эрталабгача яралари қотиб, майкаси тегса ачишмайдиган ҳолатга қелди. Курагида ғимирлаётган оғрикни ёшлиқ кучи билан енгиб ишга чиқди. Кеча ўзини Гога деб таништирган, қирқ беш ёшлардаги грузинсифат зўравон хабар олиш баҳонасида хонасига кириб, зинокорона назар ташлаган, азоб тортаётган қизга тегинишдан ор килиб, шаҳвоний назар билан карай-карай хонани тарк этгани унинг юрагини вахимага солганди. Яна икки кун ётса, у ниятини амалга оширмай қўймаслигини тушунган Динара “Бу азоб-укубатлар, уни енгиш учун дайди итдек дарбадарлик аввалги хатолар, ножуя қадамлар окибати бўлса яна канча давом этаркин?!” деган изтироб билан бир хўрсиндию, “Мехнатдан ўлмайман-ку!” дея шаънини асраш учун эртасига ёк аёлларга қўшилганди. Уч кундан кейин кўкрак чўнтағига қора илда ракамлари тикилган коржома беришди.

- Энди расмана маҳбусга айландик! – деди Динара кулги ва нафрат аралаш танасида шалвираб турган коржоманинг у ёқ-бу ёғига қарапкан, - кийимларинг билан басар бўл!

- Тес! – деди Гулчехра кўрсаткич бармоғини оғзига кўндаланг қўяркан, - бақалоқ эшитса, яна жазоланасан!

Кун ўтган сайин ўзлари ҳакида гапириб, шароитларини тушунтириб, Роессияга ишлагани келиш сабабларини айтиш бошланганди. Динара барини эшитди, очиқ гапиргандарини сезди, юракдан хис килди. Ҳар бир аёл кўзида ёш, қайғу билан сўзларкан, гапларига ёлгон аралашмагани, ёлғон қўшишнинг хожати йўклигини англатиб туради. Уйларини ташлаб, бегона юртга келишга оиласдаги оғир шароит, ўз хатолари, кадрсизлик ва нохолис муносабатлар эканини яширишмасди. Кўз ёш билан сўзлай-сўзлай енгил тортганларини кўрган Динара ҳаммасининг кўнгли беғубор эканига яна бир карра ишонди. Ўзига гал келганда:

- Ота-онам севган йигитимга беришмагач, у бошқасига уйланди. Ҳаётимни Азимжон акамсиз тасаввур килолмасдим. Ҳар куни уйимиз олдидан хотини билан етаклашиб ишга ўтарди. Уларни кўрмайман дейману эрталаб дераза олдида пайдо

бўлганимни билмай қоламан! Бунинг устига, келинчак ўзимнинг курсдошим, яқин дугонам денг! Юрагим сиқилиб, асабийлашадиган бўлиб қолдим. Кўнглимга қил сиғмайди, ота-онам билан ҳар куни гап талашаман. Мен ўзимни дунёдаги энг баҳти каро, ташландик киз деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдим. Дугоналарим масхаралаб, ҳатто ҳақоратлаб қараёттандай туюларди. Барини унутай деб, Россияга келгандим, бошимга шу кўргуликлар тушди...

Динаранинг кўзёшлари яноғи узра думалаб этагига томди. Аёллари кўнглини кўтаришди, “Бахтли кунлар олдинда!” дея Худодан күшойиш сўрашди. Ва гапларига ишонганлари содда ва самимий, изтиробли кўзларидан билиниб турарди. Динара севинганидан дарров туриб ишга шўнғиб кетди. Аммо ота-онаси ва Азимжонни ноҳақ айبلاغани учун виждан оғриги соат сайин кучайиб, кийналиши мумкинлигини хаёлига келтирмади...

Уч бўлимли молхона ва бошқа бинолар бир вактлар замонавий лойиха асосида қурилган ва кейинчалик ташлаб кетилган, кимдир сотиб олиб уч-тўрт йил олдин ишга солган экан. Йигирмадан ортиқ пичан ғарамлари ёз бўйи бу ерда одамлар каттиқ тер тўkkанидан далолат берар ва аёллар кўнглига “Бу ифлослар биздақаларни текинга ишлатган!” деган фикр келарди. Улар икки юздан ортиқ корамолга кунига уч маҳал ем-ҳашак солиш учун сахардан кечгача тинишмас, тракторга пичан ортадиган чангакли юклагич ишламай колса, паншахада юклашган кунлари бутун таналари эрталабгача зиркираб оғрир, айникса, гўнг ортиладиган куни валакушка билан teng ишлаб ўзларини кўтаролмайдиган даражада хоришарди. Ёш бўлгандари учун қамчидан кўркиб, ишга отланишади. Учала аёл аваллари ишга ўрганган, Динара бундай машаққатта биринчи дуч келгани учун сўкинар, асабийлашар, аммо тепасида новча қамчи ўйнатиб тургандай кўрка-писа ишга шўнғирди. Аммо ҳадемай бундай меҳнат жондан ўтишини билиб, кулликдан кутулиш учун мудхиш режалар тузишар, бир тўхтамга келиш кийин эди. Улар майшат қиласидиган кунлари ҳам негадир хушёр. Авваллар бунақамасди. Эҳтимол олдингиларнинг исёни буларни сергаклантирган, ёки булар одамларни кулдай ишлатиш ҳадисини олган, ҳар қандай исёнга қарши илк чора хушёрлик деб ўйлашгандир!

Ҳаммалари ўйнаб-кулиб, ҳаётдан завқ-шавқ оладиган ёшда. Тенгкурлари ўз юртида меҳнат таътилини тоғлар ва боғ-роғларда, санаторийларда ўтказишяпти. Гап-гаштакларда “ғийбат - сұхбатнинг гули”дан катта завқ олишяпти. Ишдан кейинги оқшомларни музкаймоқ кафелари, болалар ўйингохларида кичкингойлари билан ўтказишаётгани билан мактанишиб юришибди. Динаранинг тенгдошлари ҳам түйларда, тадбирларда ёшлик гаштини суриш билан банд. Булар эса - оғир ва қадрсиз меҳнат, овқатланиш ва ухлашдан иборат ВАҚТНИ яшаб ўтмокдалар, орасига бошқа амални жойлаштириб бўлмайди. Кунлар жуда зерикарли ва руҳиятни туширадиган еуниклиги билан аёлларда алам ва асабийлик қўзғайди, вазиятдан чиқиши учун астойдил бош қотиришга undайди.

- Кочамиз! - деди бир куни тушликдан қайтишаётгандан Динара, - менимча, хужжатларимиз шу ерда, бизларни ҳолдан тойгунча ишлатиб кейин беришмокчи. Якинда сұхбатларини эшитиб қолдим.

Аёллар бу янгиликка бефарқ қарашибмадио, барибир тутиб олишади, деган хавотир қоплади дилларини. Аммо озодлик - ягона орзу бўлгани учун чукурроқ ўйлаш керак деган холосага келишди. Гулчехрани эса хужжатлар масаласи қизиктириб қолди.

- Уларни қаерда саклашаркин?

Раъно бир неча кун олдин хона тозалаш учун чакиришгандан дёраза ёнидаги тўрт оёқли темир сандиқни кўрганини эслади ва хужжатларимиз шу ерда бўлса керак деган фикрни ўртага ташлади. Кўпчилик бунга ишонди, чунки бу даргоҳдаги бошқа хонада темир сандиқ йўқ, пул ва ноёб хужжатларни заҳ ва сассиқ ертўлада сакланмайди-ку!

Биринчи корпус кираверишдаги дам олині хонасига киришгандан Динара ҳамманинг олдига ўтди ва кичкина дарчадан ташқарига бир-икки мўралагандан сўни аёлларга юзланди.

- Мен хужжатларни олиб, қочиш йўлини топганимдан сўнг айтаман, бир ёқадан бош чиқарсан, уddeлаймиз, қишлоқ бу ердан узоқ эмас...

- Буни қаердан билдинг? - севинганидан саволга тутди Раъно. Унинг кўзларида умид учқунлари ва озодликка ишонч тугилгани яққол билиниб турарди. Динарани ёшлик шижаоти зўравонлардан қасос олиш нияти тинч кўймайди.

- Бир кун аввал ярим тунга яқин уйғониб кетдим, ташқарида жиндек шамол эсепти, хаёл суриб ётсам, жуда олисдан мусиқа овози келди, - деди Динара муҳим маълумотларни бирор билиб колишидан хавотирга тушаётгандай, - ёшларнинг күшик айтгани, бакир-чакир қилиб рақс тушганлари эшитилди, менимча, бу тўйнинг шовқини. Шамол “Гоърка!” деган сўзларни ҳам злас-злас олиб келарди. Бу кеча ҳам уйғониб кетдим-да, ўша овоз хаёлимдамасми деган шубҳа билан жим қулоқ солдим. Яна мусиқа, ўйин-кулги садолари келди, демак, анча вақт бехуш юрганимиз учун қанча йўл босганимизни билмаймиз, қолаверса уларнинг гапи ростлигига ким кафолат беради? Йўқ! Менимча, қишлоқ бир ё ярим соатлик йўл, узоқ эмас!

Аёллар кўз олдида озодлик уфки кўрингандай, эртагаёқ хужжатларини олиб, қочиб кетаётгандай манзара ҳосил бўлди. Гариблик ўқтамликка, ишончсизлик жасоратга айланиб, юрак тубида дадиллик туғилди. Динаранинг фикрлари уларда ҳам бор, аммо айтгани қўркишган ёки унинг амалга ошувига ишонишмаган. Мана, ҳозир ўzlаридан анча кичкина – эна сути оғзидан кетмаган гўдак, гарчи ҳаётий тажрибаси бўлмаса-да, йўл кўрсатаётгани юракка чўғ солди. Ҳеч бўлмаса, кўлдан келганича ҳаракат қилиш фикри безовта қила бошлади.

- “Бақалоқ” - деди Шаҳноза азроилдан кўркқандай, - биз томонга келяпти, ҳамма ўз жойига!

Гулчехра Шаҳнозанинг гапини тасдиқламоқчидай секин дарчадан мўралади, “Бақалоқ” яқинлашиб қолганди.

У көрпусга кирганда аёллар иш билан банд, бир-бирларидан 20-30 метрлар чамаси узоқда эдилар. “Бақалоқ” ҳаммага бирма-бир назар солди, ўнг қулидаги қамчини бу кафтига уриб-уриб ёши катта Шаҳнозанинг олдида тўхтади. Бир лаҳзада аёлнинг ранги окариб ичи қалтираб кетди. Динаранинг камчи еган кунлари ёдига тушиб, орқага тисарилди. “Бақалоқ”:

- Ўзбекча палов қилишни биласанми? – дегач, аёлнинг юзида ҳаёт асари пайдо бўлди.

- Биламан... – бояги кўркув ичини куйдириб ташлагандай овози паст чиқди. Сўнг “Бақалоқ”нинг имоси билан паншахани дэворга тираб, ортидан эргашди ва катта эшикка яқинлашганда беихтиёр ортига ўтирилди. Аёллар ҳавас ва таажжуб билан қарашар, Динара

эса “Ишимиз беш бўлади!” дегандай бош бармоғини қўкка қаратиб кафтини юмди. Аммо уни ҳеч ким тушунмади...

### 38

Ёмон хабарнинг оёги бор. Динаранинг бошига тушган кўргулик яшин тезлигига туғилган шаҳрига етиб келди ва тилдан тилга ўтиб шишиб-семириб, кузги изғириндай уйига кирди. Отананинг боши эгилган, изсиз йўқолганидан бутунлай довдираб колди. Малоҳат йиғлаб чарчади. Эр, ҳаммаси учун хотинни айблайди, ҳатто “Икковинг тил бириктиргансан!”, дея тинимсиз эговлади. Аёл гап эшитавериб бети, калтак ейвериб эти котди. Қизининг дарди юрагини бир оғритса, эрнинг зулми, таъна-маломатлари икки марта эзади. Қиз бола уйдан қочса, бегона, олис юртда изсиз йўқолса, кўпчилик ёмон, иснодли фикрга боришини, бу ҳодиса оиланинг обрўсини ерга уришини яхши тушунган Раҳмон уйга сифмайди, улфатларига қўшилолмайди. Бизнес учун шериклари билан узокқа хотиржам кетолмайди. Айрим кариндошлар кўнгил кўтаргани келса, баъзилари “Башбағтар бўл!” дегандай бакрайиб карайди-да, Раҳмоннинг асабини ўйнайди. Айниқса, бизнесдаги ичиқора, ғирром рақиблари арзимаган баҳона билан ё кўнгироқ қиласди ё уйга келиб, гап орасида кизи ҳакида сўраб юрагига наштар санчади. Салкам бир ойдан бери бўлаётган можаролар суяқ-суягидан ўтиб кетди. Энди у, уйда ўтириш ва “Одамлардан кочиш ожизлик!” дея хулоса килди-да, Динарани излашга қарор қилди. Бу ҳақда Малоҳатта айтиши билан унинг юраги ёришгандай:

- Тезрок бориш керак эди, уни бирор топиб бермайди-ку! – деди.

Раҳмон “Уни топсам, оёгини синдираман, бир умр инвалид қиз боказсан!” деди. Дили оғриб, асаби эговланган, қизини эсон-омон куришни истаган Малоҳат: “Аввал уни топиб, уйга олиб келинг, оёгини синдирасизми, кулогини кесасизми – билганингизни киласиз, ўртоқ феодал!” дея ёзғирди.

Раҳмон Москвада ишлаётганлар манзилини олиб, поездга қаноат қилмай самолётта ўтириди-да, Москвага жўнаб кетди.

Малоҳат озодликка чикқан маҳбусдай ўзини енгил хис килди. Бир неча кун ғам-ташвишдан ҳоли, асабларини дам олдириб яшади. Аммо соат сайин, кун сайин уни турли хаёллар қийнаб юборади.

Динара коллежга кирганидан бери унинг бўй-бастига қувониб, янги-янги кийимлар олиб берарди, кўнгилочар тадбирларга ясантириб жўнатарди, ўртоқларидан кам қилмасликка тиришяпди. Гап-гаштакда айрим дугоналари “Кизингни ўзим келин қиласман!”, “Уни мендан бошқасига берсанг, юз кўрмас бўламиз!” деса, бир коп семирарди. Ўзиям яхши жойлардан совчи кутади. Чиройли тўйлар қилсам, уй-жойим, қудалар билан иноклигимни одамлар ҳавас қилас! Невара тўйига новвос етаклаб, тўйболани отга миндириб борсак, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин!” деган ниятларини анчадан бери дилига солиб юради. Бу ҳақда эрига айтганда:

- Аввал ўкишни битирсин, яхши ишга жойлайлик, кейин тўй хакида ўйлайсан! – деганди. Нима бўлгандаям Малоҳат кизининг коллежни битиришини орзу-ҳаваслар билан куттанди, афсус, Динара ўз оёғига ўзи болта урди! Малоҳатнинг орзу-ҳавасларини саробга айлантирмоқда! Назарида, кўринмас ёв “Мана сенга орзу-ҳавас, эртарок қувонибсан!” дегандай оғзига бир урди!

“Динара нега бирдан ўзгарди, нега ўғирлик қилиб бизни алдади, қайси юрак билан Санкт-Петербургта қочиб кетди, бунгаям, майли! Москвага қочиб, изсиз кеттани нимаси?! Дўст-душманлар олдида ким бўлдим?! Юзим шувит бўлди-ку! Динара топилиб, уйга келар, элнинг оғзига элак тутиб бўлафмикин? Совчи келса, оғзига кучи етмаганлар уларни айнитиш учун не-не гапларни гапиришмайди дейсиз?!” Бу саволлар туни билан Малоҳатни кийнайди, миёсида ҳар хил мулоҳазалар пайдо бўлади: Ҳаммаси атайлаб уюштирилган саҳнамасмикин?!

Малоҳат кизининг алоҳида хусусиятларини билади, уни йўлга солмоқчи бўлган, аммо эплолмаган. У эркин, бирорни ишларига аралаштирумайди. Ота-онасидан бизнесни сир тутади. Муаммоларини ечишда ота-онасига эмас, кўпроқ ўз ақлига суюнган. Шунинг учун ҳаётда кўп хато қилдими?!

Болалар мустакил фикр юритиб камчиликка йўл кўйса, ота-оналар: “Ўзбошимчаликнинг оқибати-да!” дея хукм чиқаришлари тўғримикин?! Адашиб, хато қилгач, ўз ақли билан хатолардан сақланишлари фойдали эмасмикин?!” Малоҳат баъзан бу фикри тўғрилигига ўзини ҳам, эрини ҳам ишонтиргиси келади! Афсуски, эри билан фикри ҳеч качон тўғри келмаган. Раҳмоннинг хисобича, киз бола ота-онанинг измидан чиқмаслиги, йигит билан севишиб

юрмаслиги, ҳар бир ишни назоратдан ташқарида қилмаслиги, телефон ишлатмаслиги, ота-она кимга берса ўшанга тегиб кетаверсагина баҳтли яшайди! Бундан ташқари ҳолатда унга омад ва баҳт кулиб боқмайди. Афуски, Динаранинг фикри ҳам ота-онасиға қарама-қарши! Бизнес ёки бошқа ишларни ота иштироки ёки рухсатисиз бажарышни хоҳлайди. Чунки ўз салоҳияти билан ҳал килишга ишончи бор!

Булардан ташқари, Динара Санкт-Петербургдан қайтиб келгандан сўнг отаси тайин этган жазони ноҳақлик, зулм, ўз хукуқларини камситиш хисоблайди. Уйдан кетиш эса унинг учун вазиятдан чиқиш, зулмдан қочишдан бошқа нарса эмас!!!

Малоҳат қиз билан ота-она ўргасидаги мажаролар қарама-қарши дунёқарашнинг оқибати деб ўйлади. Айникса, Раҳмоннинг Москвага кетар чогида: “Уни топсан, оёгини синдираман, бир умр ногирон қиз боқасан!” дейиши муаммонинг эркакча ечими эмас, адолатсиз вахшийликдир!

Малоҳат ўйлайвериб асаблари чарчади, кўнглига қил сигмайди. Бугун Раҳмоннинг Москвага кетганига тўртингчи кун. Хабар йўқ. Гушга яқин синфдоши Севара кўнғироқ қилиб, “Мажнунтол” бекатига чиқса, тўртовлон бирга кетишлиарини тайинлади. Кечакини синфдошлари гап хақида айтишганда “Бошимда шундай ташвиш туриб-а?” деганди. Аммо ўйлаб қараса, уйда йиглашдан наф йўқ... Севарага “Хозир чикаман!” деди-да, ясан-тусан, пардоз-андозни ўхшатди. Ва сумкаласини билагига солиб йўлга чикканда телефони мусика чалди. Бошқача рақам. Дарров боғланди.

- Алло, Малоҳат!

Эрининг овози! Юраги “шув” этди. Салом-алик қисқа, дарров якунига ета қолди ва Малоҳатнинг қизи хақида сўрамоқчилигини сезган Раҳмон саволга ўрин қолдирмади.

- Ҳозирча янгилик йўқ, аммо ҳаракатдаман, бир-иккита кўлидан келадиганларнинг манзилини олдим...

- Яхши, ўзингизниям эҳтиёт қилинг, дадаси...

- Ҳаракат қиласман, қаердасан?

- Уйда!

- Кейин кўнғироқ қиласман, бўпти!

Алоқа узилди. Эри: “Мен минг азобда қизимизни истаб юрибман, сен гапда ялло қилмокчимисан?” деяётганга ўхшарди. Малоҳат дарров Севарага “Узр, мен боролмайман!” деб алоқани

узди. Бироздан сүнг Севара бир неча марта күнғирок қилди, аммо Малоҳат узилиш тутмасини босди...

У майда-чуйда иш билан ўзини чалғитса ҳам, дакиқа сайин юрагини ғашлик тирнайды: синфдошлари “Қизи йүқолганидан номус қилиб гапта келолмаган” деб гапиришаётгандай ўзини құярга жой тополмайды.

Малоҳат ҳаётта очиқ күз билан қараңға, майда-чуйда гаптарни елкасидан ошириб ўргангани учун “Хаммаси бўлиши мумкин, нимасидан номус кияман!?” деган фикр далда бериб, гапта йўл олди...

Гап эгаси билан сўрашиб, қизлар ўтирган хона эшиги ортида туфли ечаётгандан Динара ва ўзининг номи бир неча марта кулогига чалинди, юрагини хижиллик қоплади...

Қизлар билан айланиб сўрашгач, уни тўрга олишиди. Хамманинг кўзида уялиш ҳисси! Ҳозиргина ғайбат тўхтагани сезилиб турар, қизлар бир-бирларига “Чакки бўлди!” дегандай қараңғаётганини Малоҳат сезиб, ижирғаниб кўйди. Насиба ҳаммани вазиятдан чиқаришга жаҳд қилгандай Ойбаҳор ва унинг ютуклари ҳақида гап бошлиди.

- Талантига қойил қолиш керак! – деди ўз қизини мақтаётгандай.- Кеча коллежни битириб, машхур фирмага бош дизайнер бўлди, республикага таниляпти, Зулфия мукофотига тавсия этишибди.

Малоҳат Ойбаҳор ҳақидаги гапларга ҳайрон бўлиб турганда Севара унга гап ташлади.

- Динара билан ўқиган, тўғрими, Малоҳат?

- Ҳаа...

Малоҳат қайгу аралаш гапиради. “Хотинлар бекорга гапирамаяпти, - алам ва изтироб билан ўйланди у, - қизинг аллақайси тўрда қочиб юрибди, Ойбаҳор эса шаҳарнинг обрўсини кўтариб, янгилик яратяпти, мунофтлар оляпти! – демоқчи булар!” Унинг изтироби изгиринга айланди ва танасини титратиб юборди. “Қизим сенга айтаман...”лар давом этадиган бўлса, “гап” дан нима наф?! Тезроқ кетганим яхшимасми?”

Ҳаммалари “олинг-олинг” дес тилёғламалик қилинди, гап эгаси дарров иссик чой ва шўрва олиб келди. Аммо Малоҳат чойдан хўннидию, шўрва ўтмади. Томонига орсизлик ва юракни эзадиган азоб тикилдию, иштахасини гипса бўгди. “Келгунимча

мен ва қизимни роса чайнашган, аммо нималар деб ғийбат килишибийкин? Эртага бирортасидан сўрайман, кимдан сўрасам бўлади?”

Малоҳат ўксинди, “Менгаям осонмас-ку, булар қанақа синфдош, қандай дўст?!?” Ҳар сафар синфдошларнинг ҳазил-хузул, эркаланиб гапиришлари ярашиб, гапга шукуҳ бағишиларди, ҳозир ғийбатларини яшириш учун иршайицлари Малоҳатта янги зарбага ўхшаб туюларди.

Яхшиямки, Насиба хатосини тушуниб, “Мустақиллик байрамига ким қандай матодан қайси модада куйлак тикитиряпти?” деган саволни ўргага ташлади. Синфдошлар бири олиб, бири кўйиб “ГИГАНТ”дан янги куйлак олганларини гапириб, чеварларини мақтай кетишиди, дизайн ҳакида гап кетганда эса аллаким яна Ойбаҳорни мақтаб юборди! Ҳамма бир-бирига гал бериб-бермай сўзлайди.

“ГИГАНТ” ва Ойбаҳор тўғрисидаги энг қизгин, ҳаяжонли гаплар ҳам кўнглига сифмаган Малоҳат ошга тўхтамади. Энг ёмони, бирорта инсон кўнгил сўрамади. Ҳеч бўлмаса, “Раҳмон ака эрта индин уни топиб келади. Қизинг – ақлли-хушли, бир адашган-да!” деганда кўнгли кўтарилармиди!

У даврадан сиргалиб чиқди-да, тез-тез юриб пою пиёда уйга жўнади. Таниш-билишлари, якинлар билан сўрашмади. Синфдошлар Ойбаҳорнинг ютукларини гапиришган сайин қизининг қилмишлари юрагини эзган, имкони бўлганда ҳозирок Москвага учиб борар, эрига қўшилиб қизини излаган бўларди...

## 40

Шахноза ош зирвагини тайёрлаб, гурунчни илик сувга ивитиб кўйди-да, ўчоққа ўтин ташлаб, атрофни кузатиб, “Нега ош егилари келдийкин?” деган саволга жавоб изларди: Бинога кириб чиқаётганлар ҳар кунги одамлар! “Мехмоnlари энди келса керак!” деб ўйлади у. “Бақалок” ўн кишилик палов тайёрлайсан!” деди-ю бошка гап айтмади. Боя у билан молхонадаң чикишаётганда Динаранинг “Ишимиз беш бўлади!” деганини ўйлаб “Бугунги вазиятдан фойдаланишга ишорамикин?” деган фикрда вазиятни кузатди. Улар ётадиган бино олдида иккита овчарка хушёргурибди. “Эҳтимол уларни ўлдириш керакдир. Лекин қандай ўлдирамиз?” деб ўйлаётган лаҳзада Динаранинг “Ветврачларнинг

заҳарли дорисидан билинтирмай олдим!” деганини эслаб, “Вой азамат қиз-эй! Ҳаракатни бошлабсан-да!” дея күнглидан ўтказди.

Узокдан “Жигули” кўринди. Ҳайдовчи тез юарар, Шахноза кўз очиб юмгунчаофис олдида тўхтаб, юхонасидан икки яшик арок туширишди. Сўнг пиво ва бошқа салқин ичимликларга кўшиб ичкарига олиб киришди. Шахнозанинг назарида, қочишга кулай имконият туғилияпти. Фақат паспортларни қандай олишади?

Улар ичкарига кириб кетишиди ва ўн беш дақиқадан кейин хурсандчиликдан бакир-чақир ва кулгулари эшитила бошлади.

- Ичишни бошлашди! – ўйлади Шахноза кўлидаги калтак билан ўчокдан чўт олиб кул устида айлантираркан, - Динарага хабар берайми ё бирпас кутайми? “Бақалок” чиқиб қолиши мумкин!”

Тўғри ўйлаган экан. У ичкаридан шошиб чиқди-да:

- Кирк минутдан кейин овқатинг тайёр бўлсин! – деди-ю, ичкарига кириб кетдий. У оловни тезлатиб, гурунчни солди. Онаси қандай ўргаттан бўлса, шундай дамлади ва ўчокдан чўғни тортди. Ўчоқ иссиқ. Яхшилил аломатидай шода юлдузлар учкунидек козоннинг таги куя бошлади...

Узокдан енгил машина кўринди, оппоқ, янги. Ҳайдовчи илон юрганга ўхшаб тез ҳайдар, чўл четида эгилиб ўсган ўт-ўланларни тўзгитиб келарди. Кўшик ичидан кизларнинг шўх-шодон кийқириклари кулоқка чалинади.

Машина уй олдида тўхтади. Шортик ва майка кийган, соchlари калта, ўзини жуда эрқин тутадиган бешта киз машинадан тушаёттганди ичкаридан “Бақалок” ва “Қилтирик” отилиб чиқди.

- Ох, менинг шоколадкаларим, мунча соғинтирмасанг!

Ҳамма қучоклашиб, ўпишиб сўрашиб ва қўлтиқлашиб ичкарига равона бўлишди. Ўн беш минутдан кейин “Бақалок” чиқиб:

- Ошни суз! – деди.

Шахноза “Қилтирик” билан тўртта лаганда ош кўтариб киришганда базми жамшид авжида, соғ одам ароқ ва тамаки ҳидига чидолмасди. Бир ёқда мусиқа, иккита жуфтлик рақсга тушар, кизларнинг беҳаё ҳаракатлари ва гоҳ сўкиниб, гоҳ қиқирлашлари эркакларга хуш ёкарди. Дивандаги “Бақалок” энг ёш қизни танлаган, кўкраги орасига битта юз долларликни қистириб, ёшига ярашмаган қиликлар килар, шахвоний хирс хушини олиб кўйганди. Қизни бағрига босиб ёки нозик жойларини ушлаганда кўзлари

катта-катта очи либ гайрати күзиз бетарди. У қизга қадаҳ ушлаттида:

- Шоко ладкам, қани ой, закускасига битта бұса!
- Давай! - қиз бир күтаришда рюмкани бүшагди ва “Бақалоқ”ни ўпшиб күйди.

Шахноза улгардан күз узиб “Килтирик”ка қаради.

- Ишингта Бор! - деди беписандлик билан у.

У ортига кайтаркан, қызларга ачинди: жуда ёш - нари борса үн олти-үн етти ёш инарасида! Онаси ифлос одамларга үйинчөк қилиб туққандай?! Ўз хохиши билан ор-номуси, иффатидан кечғанми ё зўрлашғанми? Бирор мажбурламаган! Ночорликдан келгангаям ўхшамайди! Ёш жонида айш-ишрат, енгил ҳаёт кечиришига сабаб нима?

- Тарбияси бузук! - ни до келди ичидан, - ота-оналари алкаш ё сенгилтабиат! Күш уясида кўрганини қиласи деганлари шудир-да?!

Шахноза бегона бўлса ҳам қызларга ачиняпти. Боиси бундай ифлосликни ilk бор кўриши! Рухияти жирканч ахлоқсизлик билан кирланмаган!

Ёшлигигида бир йигит унга мактублар ёзди, ортидан юрди, аммо – ўзидан катта иккита акаси уйланиши кераклиги учун Шахнозага совчи жўнатолмади, у ҳам шу йигитта тесса баҳтли бўладигандай сезарди ўзини. Афсуски, Шахнозани бериб юборишиди!

Бу қызларни ҳам биттадан йигит севган, мактублар, SMSлар ёзган, лекин содда ва беғубор қалбинг покиза муҳаббатига беписанд қарашган, паст-баланд йўлларидан баҳтга ўтиш ўрнига енгил ҳаётта ўрганишган.

Шахноза улардан ҳаёлинини узиб, ўз юртини ўйларкан, дилини бир туйгу ёритди: “Ҳайрият, бизда бунақаси йўқ! Боболар бойлиқдан ор-номусни устун кўйишган! Уларга содикмиз, ўзбекона тарбиямиздан айирмасин! Биз оила аталган нозик ва илохий даргоҳда тоза шигъ ва очик дил билан яшаймиз! Оталар озгина каттиққўл, забардаст, аммо ҳаммаси болалар, айниқса қызларнинг баҳти, одоби, ибо-ҳаёси учун! Ақалар сингилларни яхши кўрганини учун уларни күшдан-да кўриқлаб юришади, қызлар ота-она, ақа-тогалар олдида очик-сочик юришга уяладилар. Қалбаги ибо, ҳаёт одоб чегараларини бузишга йўл бермайди. Бу -

миллатимизга Худо берган энг ноёб, энг тансиқ туйғу, фазилат, гүзәллик, гуноҳ ва хатолардан асрайдиган қалқондир!"

Шахноза: "Қизлар-ку ёш, хато қиласы! Манави "Бақалок"-чи, "Қылтириқ-чи?! Элликтің тепасида - қизларнинг отасидан катта! Уялмай-истмай норасидалар билан ишкүйнәяпти, ифлос! Россияда бунақа бемазаликлар тиқилиб ётибли-ку!" У ўзбеклигидан ғуурланиб кетди.

У молхонага кириши билан шериклари оғзига қаради. Шахноза күрганларини оқизмай-томизмай гапирди. Динарадан бошқа ҳамма хайратда. Норасида қизларга ачинищди.

- Бу бизнинг муаммо эмас, - деди Динара совукқонлик билан, - ҳамма ўз тақдирига ўзи жавобгар! Вазиятдан фойдаланиб колайлик! Кимда қандай таклиф бор?

Аёллар бир-бирларига қарашибди. Учовларидан фикр ҳам, ресжа ҳам чиқмагач, Динарага қарашибди.

- Кулоқ солинг, мен итга дори бераман! Шахноза опа, сиз "Чой-пой керакмасми?" деб ичкаридаги вазиятни билиб чиқасиз! Ҳамманинг кайфи тарақ бўлганда қочамиз!

Аёлларда қўлга тушиб қолмаймизми деган кўркув пайдо бўлди. Динара уларга далда берди.

- Ҳамма айтганимни қилса, бугун озодликка чиқамиз!

Аёллар юзига табассум ёйилди. Озодлик кучоғида юргандай хаёлларга берилишди. Юракда куч-гайрат ва дадиллик түғилди.

Шух мусиқа, ашула ва ўйин-кулги бир соатча давом этди. Сунг бирдан ичкари тинчидан қолди. Ярим соатча олдин Шахноза вазият стилмаган деб баҳолаганди, чунки кўпчилик ҳамон ичар, ўйнаб-куларди.

Динара Раъонони эргаштириб итлар олдига келди ва чўнтағидан салфеткага ўралган колбаса олиб Раънога узатди.

- Итларни чалғитасиз, мен сейфга кираман!

У ўйлакка кириб, хоналарда одам йўқлигига ишонч ҳосил килди. Ва сейф турган кабинет эшигини итариши билан очилиб кетди. Ажабки, сейфнинг калити ҳам ўзида, эшиги кий очик! Динара ёш болага ўхшаб суюниб кетди. Унга яқинлашаркан, тасодифан миясига "Атайлаб қилишганмикин?" деган савол келди. Жавоб топиб ултурмай, миясига бошқа фикр урилди. "Тасодифан очик қолган бўлса, омадинг келгани-ку? Фойдаланиб қол!"

Динара ортига ўгирилди, ташқариди тинчлик. Сейф эшигини катта очди. Негадир қўркувдан қўллари қалтиради. Танасидаги кувват тўкилаётгандай илигига дармон йўқ. Бувисининг темир сандигидан пул ва тилла буюмлар олгандаям бунчалик талвасага тушмаган! Лекин сейф бурчагидаги тўртта паспортга кўзи тушдию, бирдан дадилланди. Паспортларни очиб кўрди. Тўттовлариники! Чўнтағига солиб сейф эшигини беркитди-да, ортига кайтди. Аммо эшик тирқишидан мўралаб даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди. “Килтирик” Раъононинг социдан чанглаб орқага тортар, хураётган итларга тишлатмокчи бўлардию, кайфлигидан ўддасидан чиколмаётганди.

Динара шарт эшикни очди ва атрофга аланглаб, деворга суялган бир қулочлик ёғочни қўлга олди. Хайриятки, “Килтирик” унга тескари! Динара унинг бошига бир солди. “Бу тепкиларинг учун!” деди ичиди калтак еган кунини эсларкан! “Килтирик” гангиб, Раъони қўлидан чиқарганини билмай қолди. Ортига ярим ўгирилиши билан Динара боягидан каттароқ куч билан иккинчи зарбани берди ва “Буниси ечинтириб савалаганинг жавоб!” деб кўйди. “Килтирик” итлар олдига кулади ва хушидан кетди! Дағ-дағ титраётган Раъно “Энди нима бўлади?” дегандай Динарага қаради.

- Кетдик! – деди у Раънога шаҳд билан, - сиз уларни бошлаб келинг, мен калитни топаман!

Раъно молхона томон ўқдай учиб кетди. Динара кизлар миниб келган машинага етайде деганда ичкаридан биттаси чиқиб қолди. Ва у машина ортига беркинди. Киз кайф, чайқалиб юради, ёранг келиб машинани очди-да, бардачогидан коғозга ўроғлик нарса олди. Ва эшикни кулфлаб калитини чўнтағига солди. Ортига кайтаётганди эса Динара хуштак чалди. Киз орқага қараши билан Динара учиб борди-да, жагига муштлади. Бир лаҳзадан сўнг киз нозик томирига иккинчи муштни еди. У чайқалдию, йиқилмади, аммо учинчи зарбадан кейин ортга кулади. Динара калитни оди-да, яқинлашиб колган аёлларга қаради:

- Тезроқ!

У машинани ўт олдирганда аёллар елим халталарини оёқ остига беркитишаётган эди. Машина кучли экан, бир силтандиу ўқдай учиб кетди. Беш-олти километр юришгач, аёллар сал хотиржам торта бошлади. Аммо бирдан муаммо туғилди: катта

тезлик билан “Жигули”да “Бақалоқ” қувиб келар, машинани пала-партиш ҳайдашига қараганда кайфи баландга ўхшарди.

- Ух, - деди Динара газни босиб, - наҳотки, маишатни тащлаб бизни қувса?!

- Қизини урганинг алам қилган! – деди Раъно орка ойнадан унга назар ташларкан.

Динара кинодаги сингари моҳир ҳайдовчидек, уйдим-чукурларга тушмасдан, “Бақалоқ”дан тезроқ юришга интиларди, аммо қалтис бурилишларда машина ағдарилиб кетишига сал қолди ва Динара ўзи ҳам қўрқиб “Бақалоқ” етиб олса калламизни олмас, аммо нотаниш йўлларда автоҳалокатга учрасак, омон қолмаймиз!” деган холосага келди әв ҳавфи билинмайдиган даражада тезликни пасайтирди..

- Нима киламиз, Динара? Қўлга тушсак, анави бўри ғажиб ташлайди!

- Қайтиш йўқ, охиригача курашамиз!

- Қандай килиб?

- У йўлимга кўндаланг турса, ҳамма ётиб олсин, уни уриб ўтаман!

- Шартми, Динарахон? – гапга аралашди чўчиб кетган Фотима, - балки кинодагига ўхшаб, машинаси билан чеккага сурив кетармиз!

- Келаверсин, ишқилиб, қуролсиз бўлсин!

- Қурули бўлиши мумкинми?

- Бўлмасам-чи? Иккита балонга отса, туюдай чўкамиз, кўлимииздан ҳеч нарса келмайди... Аммо руҳингиз тушмасин, унга енгиладиган аҳмок йўқ!

Аёллар- ортидан Азроил қуваётганга ўхшаб, қўркувни енголмас, Динарага ёрдам бериш кўлларидан келмаслиги алам киласарди.

“Бақалоқ” яқинлашиб қолди, кўз очиб юмгунча уларнинг машинаси билан параллел чизикка келди. Ва илкис Динарани йўл четига кисиб қўйди. Аёллар ваҳима билан қий-чуввлаб юборди. “Бақалоқ” тўхташга ишора қилди. Динара эса икки бармоғи орасидан бош бармоғини қўрсатди. Ва машинани аяб ўтирасдан унинг ўзини йўл четига сурди, сой кўпригидан ўтишаётганда эса “Бақалоқ” жазманининг янги машинасини аяди шекилли ортда колишга мажбур бўлди. Динара буни фаҳмлади, кўприкдан

Динара ортига ўгирилди, ташқариди тинчлик. Сейф эшигини катта очди. Негадир күркүвдан күллари қалтиради. Танасидаги күвват тўкилаётгандай илигига дармон йўқ. Бувисининг темир сандигидан пул ва тилла буюмлар олгандаям бунчалик талвасага тушмаган! Лекин сейф бурчагидаги тўртта паспортга кўзи тушдию, бирдан дадилланди. Паспортларни очиб кўрди. Тўгтловлариники! Чўнтағига солиб сейф эшигини беркитди-да, ортига кайтди. Аммо эшик тиркишидан мўралаб даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди. “Килтирик” Раънонинг сочидан чангаллаб орқага тортар, хураётган итларга тишлатмокчи бўлардию, кайфлигидан уддасидан чиколмаётганди.

Динара шарт эшикни очди ва атрофга аланглаб, деворга суялган бир кулочлик ёғочни қўлга олди. Хайриятки, “Килтирик” унга тескари! Динара унинг бошига бир солди. “Бу тепкиларинг учун!” деди ичиди калтак еган кунини эсларкан! “Килтирик” гангиб, Раънони кўлидан чиқарганини билмай қолди. Ортига яrim ўгирилиши билан Динара боягидан қаттароқ куч билан иккинчи зарбани берди ва “Буниси ечинтириб савалаганинг жавоб!” деб кўйди. “Килтирик” итлар олдига кулади ва хушидан кетди! Дағ-дағ титраётган Раъно “Энди нима бўлади?” дегандай Динарага қаради.

- Кетдик! – деди у Раънога шаҳд билан, - сиз уларни бошлаб келинг, мен калитни топаман!

Раъно молхона томон ўқдай учиб кетди. Динара қизлар миниб келган машинага етайде деганда ичкаридан биттаси чиқиб қолди. Ва у машина ортига беркинди. Қиз кайф, чайқалиб юрарди, аранг келиб машинани очди-да, бардачогидан қоғозга ўроғлик нарса олди. Ва эшикни кулфлаб калитини чўнтағига солди. Ортига қайтаётгандан эса Динара ҳуштак чалди. Қиз орқага қарashi билан Динара учиб борди-да, жагига муштлади. Бир лахзадан сўнг қиз нозик томирига иккинчи муштни еди. У чайқалдию, йикилмади, аммо учинчи зарбадан кейин ортга кулади. Динара калитни оди-да, яқинлашиб қолган аёлларга қаради:

- Тезроқ!

У машинани ўт олдирганда аёллар елим халталарини оёқ остига беркитишаётган эди. Машина кучли экан, бир силтандиую ўқдай учиб кетди. Беш-олти километр юришгач, аёллар сал хотиржам торта бошлади. Аммо бирдан муаммо туғилди: катта

тезлик билан “Жигули”да “Бақалоқ” қувиб келар, машинани пала-партиш хайдашига қараганда кайфи баландга үхшарди.

- Ух, - деди Динара газни босиб, - нахотки, маишатни ташлаб бизни кувса?!

- Қизини урганинг алам қилган! – деди Раъно орқа ойнадан унга назар ташларкан.

Динара кинодаги сингари моҳир хайдовчидек, уйдим-чукурларга тушмасдан, “Бақалоқ”дан тезроқ юришга интиларди, аммо қалтис бурилишларда машина ағдарилиб кетишига сал қолди ва Динара ўзи ҳам кўркиб “Бақалоқ” етиб олса калламизни олмас, аммо нотаниш йўлларда автоҳалокатга учрасак, омон қолмаймиз!” деган хулосага келди ва ҳалокат ҳавфи билинмайдиган даражада тезликни пасайтирди..

- Нима киламиз, Динара? Кўлга тушсак, анави бўри ғажиб ташлайди!

- Қайтиш йўқ, охиригача курашамиз!

- Қандай қилиб?

- У йўлимга кўндаланг турса, ҳамма ётиб олсин, уни уриб ўтаман!

- Шартми, Динарахон? – гапга аралашди чўчиб кетган Фотима, - балки кинодагига үхшаб, машинаси билан чеккага сурин кетармиз!

- Келаверсин, ишқилиб, куролсиз бўлсин!

- Куроли бўлиши мумкинми?

- Бўлмасам-чи? Иккита . балонга отса, туюдай чўкамиз, кўлимииздан ҳеч нарса келмайди... Аммо руҳингиз тушмасин, унга енгиладиган аҳмок йўқ!

Аёллар- ортидан Азроил куваётганга үхшаб, кўркувни енголмас, Динарага ёрдам бериш кўлларидан келмаслиги алам килаарди.

“Бақалоқ” яқинлашиб қолди, кўз очиб юмгунча уларнинг машинаси билан параллел чизикка келди. Ва илкис Динарани йўл четига қисиб қўйди. Аёллар вахима билац қий-чувлаб юборди. “Бақалоқ” тўхташга ишора килди. Динара эса икки бармоғи орасидан бош бармоғини кўрсатди. Ва машинани аяб ўтирмасдан унинг ўзини йўл четига сурди, сой кўпригидан ўтишаётганда эса “Бақалоқ” жазманининг янги машинасини аяди шекилли ортда колишга мажбур бўлди. Динара буни фаҳмлади, кўприкдан

үтишгач, у тезликни оширди. Аммо “Бақалоқ” яна уларга етиб олди. Динара аёлларга қараб:

- Ҳаммамиз бошни эгамиз! – деди-да, янги машинани аямасдан түмшүғи билан “Жигули”га урди. Аввал “Пакк”, “Қарс” этган вахимали овоздан сүнг машина қаттық зарба егандай силтанди, хотинлар додлаб юборищди. “Бақалоқ” йўлдан бутунлай чиқиб кетди. Жигули түмшүғи билан кумлокка санчилди ва маторидан тутун чика бошлади. Динара шиддат билан олдинга учебиб кетди. Бироздан кейин машина кўздан йўколди.

- Бошлар кўтарилисин! – деб аёлларга буйруқ берди. Учала аёл ўриндиқларга жойлашиб олди... - қишлоққа етиб олсан, марра бизники!

- Худо хоҳласа етамиз, яшанг Динарахон, ҳаммамизни куткардингиз!

Динара бензинга қаради: ҳаммаси жойида! Қишлоқ кўринмаган бўлса ҳам ортидан ҳеч ким кувмаяпти, манзилга етиб олишга ишонч бор. Йўлда бирорта машина йўқ, 120 тезликда юрди, жасоратига ўзи ҳам қойил! Яхшиям Рустам акаси бир вақтлар машина минишни тўла ўргатиб кўйгани! “Ватанпарвар”да ўқиган ҳамма ҳаваскор бунчалик ҳайдолмайди, яна қаерда: Россияда! Яна кандай ҳолатда: босқинчиларни доғда колдириб! Кўз тегмасин, Динара!

- Қишлоқ кўринди! – бакириб юборди Раъно севинганидан.

Ҳамма хурсанд, Динара машина бардачогини текшириди, икки юз доллар ва яна анчагина рубль бор! Аёллар кузатиб туришганди. “Бирорнинг пули-ку!” - щивирлашди улар. Динара эшитиб турган бўлса ҳам парво килмасдан барини олиб, чўнтағига солди. Сўнг аёлларга шаҳд билан юзланди.

- Улар бизни итдек ишлатиб, бир тийин ҳам беришмади-ку! Агар сумкам билан ўғирланган пул ва қимматбаҳо буюмларимни кўшсам, улар мендан қарздор!

Аёлларнинг нафаси ичига тушди.

Қишлоққа етишиди. Динара машинани четрокка олиб тўхтатди. Аёллар бир-бирларига қарашди.

- Кийимларни алмаштирамиз!

Эт замонавий кийим Динаранини экан!

Коржомаларни орқа ўриндиқка ташлашди. Динара машина калитини ўзида қолдириб, эшикларини ёпди ва кишлокқа кириб кетишиди.

Бир-бирига ўхшаб-ўхшамаган ҳовлилар: паст, баланд, ҳашаматли, оддий.

- Вокзал яқинми? - сўради Динара йўл четидаги скамейкада ўтирган кампирдан.

- Яқин, яқин! - кўли билан жанубни ишора килиб.
- Тахминан қанча бор, бувижон?
- Таксидан борсанг, ўн минутлик йўл - Москва поездига етасан, пиёда қийин...

Такси питак кишлок марказида - озиқ-овқат дўкони томонда экан. Таксистлар орасидан ўзбекка ўхшаган бир йигит уларга тез-тез қараб кўяр, “Менинг машинамга чиқинглар!” дейишдан муҳимроқ гапи борга ўхшарди. Динара ҳам уни қаердадир кўргандай, кўзига иссиқ кўринди, Худога таваккал қилиб, тикка борди-да, ўзбек тилида мурожаат килди. Йигит кулимсиради. Атрофга хавотирли қараб кўйди.

“Шайтон”нинг молхонасидан қочдиларингми?

Ўзбек тилида айтгилган уч дона сўз аёлларнинг хотиржамлиги, келажакка ишончи ва инсонлигини қайтаргандай бўлди. Ва ундан вокзалга тезроқ элтиб қўйишини сўрашди.

Туман марказига борадиган йўл анча текис экан. Ўзини Муроджон деб таништирган водийлик таксист улар асириклида ишлаган жойни яхши биларкан!

- Сизлар питакка якинлашгандаёқ қаердан келаётганингизни билганман ва бу холатни бутун кишлок билади ва улардан нафратланади!

Аёллар бир-бирларига маъноли қарашибди.

- Нега? - таажӯбини ошкор килди Динара.  
- Доим йигит-қизларни зўравонлик билан кўрқитиб олиб келишибди, бир-икки ой қаролдай ишлатиб кўйиб юборишибди. Бослиғини ҳамма “Шайтон” дейди. Жуда абллаҳ одам, кўпинча ўзбекларни олиб келишиб жигимизга тегади.

У аёлларнинг хавотири ва хотиржам бўлолмаётганини сезиб:

- Паспортни олдиларингми? - деди.

Ҳаммалари бараварига “Ха!” дейишибди ва кулиб юборишибди!

Динара Муроджоннинг телефонидан Орифга қўнғироқ қилди.  
Хайриятки, уч марта гудок кетиши билан телефонни кўтарди.

- Ориф ака, мен Динараман!
- Динара?! – ҳайратда қолди Ориф, бир неча сония жим тургач, тилга кирди, - каердасан?
- Кейин тушунтираман! Илтимос, бир соатдан кейин мени Қозон вокзалидан олиб кетинг, ўзим топиб боролмайман!
- Яхши!

Боцқалар ҳам шерикларига қўнғироқ қилдилар. Қозон вокзалига етиб боргандан кейин Муроджон телефон рақамини уларга ёзиб берди ва муаммо чиқса қўнғироқ қилишларини айтиб, ортига кайтди.

Перронда йўловчи кўп, поезд келиши яқин шекилли, ҳамма харакатда, сумкаларини кўтариб вагонлари тўхтайдиган ерга тўпланишяпти. Динара қассадан чипта олиб чикканда узокдан паравоз гудоги эшилди. Ҳамон “Килтириқ”дан ҳадисираган аёлларнинг чехраси очилди...

“Бақалоқ” “Москва узок!” деб ёлғон гапирган экан, бир соатда етишди ва Қозон вокзалида Ориф Динарани дарров топди, саломаликдан сўнг телефонни кўлга олди:

- Дорогой, суюнчини тайёрланг, ярим соатда етиб бораман!

Динара озодлик шукухи ва Орифни топганидан хурсандлиги учун бу гапта эътибор бермади. Уйга боргандан кейин ҳаммасини гаплашиб олиш мумкинлиги учун икковлари жимгина таксига ўтиришди.

Қаватга кўтарилишаётганда ҳаяжонли воқеа остонасида тургандай кизнинг юраги дукиллаб кетди, йўлакка кирди-ю... кутилмаган воқеадан оғзи ланг очилиб қолди!

- Қизим! – деди Раҳмон унга яқинлашаркан, Динара бирдан нима дейишни билмай ҳаяжондан кизарди. Юраги бир қалкиди, кочиб келгани миясига урилди-ю, остонаяда котиб қолди.

- Динара, кизим! – Раҳмон унга яқинлашди. Қиз рухиятини ғам босиб, ўтмиш кўз олдидан ўтаркан, титраб кетди ва кўзига ёш келди. Боши чир айланиб, кўз олди коронғилашди. Дадасининг киёфасини танидию, юз-кўзидаги самимият ва хурсандчилликни бирданига сезмади. Кўз ёшлари тўкилиб атроф тиниклашгач, ўпкаси тўлди. Сўнг отасининг кўксига бош қўйиб, узок йиғлади, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади. Бу йиги остида ҳатолар

пушаймонлиги, афсус-надомат, оғир кунлар азоби, отаси ҳаммасини кечириб, қизига меҳр туфайли излаб келгани ва қадр кувончи мужассам эди...

- Йиғлама! Анча хавотир олиб сиқилғандик, ҳайрият, соғ-омон экансан!

Киз бундай вазиятта илк бор дуч келгани учун севинай деса, икки марта уйдан қочтан – хатолар тахланиб ётиби - ўзини ёмон кўриб кетди. Лекин “Астойдил кечириб сўрасам, отам қўнгли юмшайди!” деган фикр билан ўзини қўлга олди.

- Мени кечиринг, дада, сизларни сарсон қилдим! Ахмоқ кизингизни ўлдирсангиз оз, илтимос, мени қечиринг!

У отасининг оёғига ўзини ташлади, куйиб-пишиб йиғлар, кайнок кўз ёшлари “Хатоларимдан пушаймонман!” деган маънони ифодалаётганга ўхшарди.

Яхшиямки, уйда Орифдан бошқа ҳеч ким йўқ, яхшиямки, у Раҳмоннинг яқин таниши, ота-бола ўртасидаги сирни бирорга айтмайди.

Раҳмон қизининг озиб-тўзиб кетгани, меҳр-оқибатдан кўра кийинчиликлар кўпроқ кўзини очганини аччиқ изтироб билан англади.

Раҳмон турфа безори, такирбош, кўчаларда мотоцикл чопиб, одамларнинг ғашига тегиб юрадиган такасалтанг ва уларнинг бачкана, ноинсоний ишларини кўрганда, қизидан каттиқ хавотирланганди. Қизи, гарчи хато ва камчиликлари кўп бўлса ҳам, бу ерга ўзича эмас, уйдан норози бўлиб келганини тушунгандай бўлди. Уни тўғри йўлга солишдаги ота-она хатолари ҳакида кўп ўйлади. Барчасида ҳиссаси катталигини тан олиб, диёнатга келди. “Агар қизимни эсон-омон топсам, авайлаб олиб кетаман, энди нотўғри муомала қилмайман” – деган ниятни кўнглига солганди.

Динара отасига қараб, “Қизни жазолашдан кўра, хатосини тушунтириб тўғри йўлга солиш керак, тарбиясидаги хато ёмон оқибатларга олиб келади” деган хулоса билан нафас олаётганини тушунди ва енгил тортди. Молхонада ишлаётганда “уйга борсам отамнинг кўзига қандай қарайман?” деган қайгу ва ота-бола ўртасидаги бегоналиқ ўрнини ўзаро яқинлик ва меҳр эгаллай бошлади. Кечкини ейишаётганда самимий дўстлардай гаплашишаётганларини кўриб ҳамюрларда кўнгилни ёритадиган ажаб хурсандчилик пайдо бўлди.

Раҳмон Москвага анчагина пул билан келганди. Тонг оттач, у кизини етаклаб шаҳар айлантириди, кийим-кечак ва оиласа керакли нарсалар харид қилишди. Тушдан кейин Динара квартирада қолди, Раҳмон Ориф билан Домодедова аэропортига чипта олгани кетишди. Ва кечки пайт хуш кайфиятда кириб келишди. Омадни каранг: Ўзбекистонга кетадиган икки йўловчи бир соат олдин узрли сабаблар билан учолмаслигини айтиб кассага топширган чипта отаболага насиб қилибди.

Раҳмон кизининг эсон-омон топилгани, эртага Ватанга учиб кетишлари ва барча танишларига миннадорчиллик учун ўз қўли билан ош дамлади, вакъти чоғлиқ қилишди...

Ота-бала “Малоҳатга сюрприз!” деб уйга кўнғирок қилишмади. Самолётдан тушиб, такси ёллашди ва индамайгина уйга кириб бориши...

Малоҳат қизининг оёғи синмаган, соппа-соғ, яхши кайфият билан келаганини ва Раҳмоннинг – газаб отидан тушиб, марокли саёҳатдан жўшқин таассуротлар билан қайтгандай кўрингач, юзига табассум ёйилди!

## 41

“ТИГАНТ”нинг навбатдаги кенгаши чоршанба куни соат ўн олтига белгиланди. Котиба бош мутахассисларга хабар етказиб бўлгач, Ойбаҳорнинг хонасига бош сукди.

- Сизни маҳсус таклиф этмоқчиман, Ойбаҳор! – деди ёқимли табассум билан.

- Нега?

- Бошлиқнинг алоҳида топшириғи бор шекилли.

Ойбаҳор шу кунларда янги модалар тўпламини яратадигани хаёлига келди. Чунки юртимизда кенг миқёсда нишонланадиган энг улуғ ва энг азиз байрам яқинлашаётган, чеварлар, дизайнер ва тижоратчиларнинг қўли қўлига тегмайди, хар доимгидан кўпроқ изланиб, кизгин ишлайдилар. Ойбаҳор хозиргача бир нечта янги мода яратди, компьютерга жойладио, ҳеч кимга кўрсатмади. Хозирги соатларда ҳам янги модани мукаммаллаштириш билан банд. Куйлак йигирма-йигирма беш ёш қизларга мўлжалланган, танага ёпишиб турадиган, тик ёқали, олдида учта тутгаси бор. Тутма ёнида қизил, тутма қадаладиган тешик ёнида оқ атири гулнинг митти нусхаси жойлашади. Белгача ва этак томонга қандай

рангда жило берилади, шулар ҳақида бош қотирмоқда. Аслида хамма күриниш хаёлида жонланган, энг жозибалисини танлаб олса бас!

Байрамларда қандай кийинишни мутахассислардан эмас, кизлар ва аёллардан сұраш керак! Улар 8 Март, Наврӯз ёки Мустақиллик, борингки, қасб байрамлари яқынлашған сайин янги мато ва сүнгти урфда кийиб, дугоналарини ҳайратда қолдириш истаги билан ёнадилар! Иш ва рұзғордан ортиб, дүкон айланадилар, кориндан, тирикчиликдан қисиб, әрни зертиб, пул жамғарадилар, ниятта етмагунча тинчимайдилар. Улардан:

- Матони қаердан одингиз, қайси чеварга тиктирдингиз, куйлагингиз мунча зұр чиқибди? - деб сұрасанғиз завқу шавқ билан хаммасини айтib берадилар. Бу завкни дүнө бойлигига алишмайдилар. Ва бир неча кун ана шу завқ ва ҳаяжон огушида яшайдилар, бу даврда ҳеч бұлмаса беш ёш ёшарғандай бўладилар. Байрамлар романтик хаёллар билан энтикиб кутилиши шундан! Ойбаҳор бу соҳадаги изланишлар жуда самарали бўлишини тушунади.

У аңчадан бери ўттиз, кирк ёшли хотин-кизлар учун мато танлаш ва нозик, тұлача, үргабүй, новча, оппок, корача аёлларга байрамга мос янги куйлаклар тұпламины яратиши устида бош котираётганди. “Мода” журналлари, китобларини Тошкентдан олдириб келди, газеталарда хамкасларининг янги услублари билан танишди. Изланишлари натижаларини ишлаб чиқаришга кўйилса, хотин-кизлар “ТИГАНТ”дан кетолмайдилар. Бошлик бугунги йиғилишда янгилик сұраса, қай бирини айтаман деб үйланиб турғанда деразага құш келиб қўнди. Қанотларини енгил-енгил силкитиб, турған жойидан айланиб рақста тушгандай таассурот қолдирди. “Воҳ”! деди қиз хаёлига келган фикрдан ҳаяжонга тушиб, 20-25 ёшли кизлар куйлагида құлтигининг тагидаған этагигача оқ ва сарық канот бўлади, канот құлтигиндан белигача кичикроқ, белидан этаккача узунроқ тикилади! Ранги: ярми яшиллик ифорини йўқотаётган хазинвш, колган қисми сап-сарық олтин тусида берилади. Факат мато чиқарадиган фабрикага ана шу ранглар уйқашиб кеттган күринишда буюргма бериш керак!”

Дарров файлни очди ва кеча ярағтан дизайнга қўшимчалар кирилди. Сүнг мажлисда айтадиган фикрларини тезис қилаётгандан эшик тақиллади. Сүнг Азимжоннинг ошуфтагол киёфаси кўриди.

- Сўнгти янгиликларни билмоқчиман! – деди соғинч тўлқўзларини Ойбаҳордан узмасдан.

Ойбаҳор Азимжонни ҳар куни соғинади, аммо олдига киролмайди. Азимжон унинг туйғуларини қадрлайди, дизайнё сифатида одамлар эътиборида қад ростлаётганига эхтиром билди карайди. Бугун Ойбаҳорни туш кўриб уйғонди. Қалби соғинч билди лиммо-лим! Ният қилди: олдига кириб, ишлари билан танишаман туйғуларимни изҳор қиласман, сўнг...”

- Макта..ишга арзимайди...

- Камтарлик қиласманг, асалим! Жимгина ишлайсизу оламшумул асар яратасиз, сизни кўргандаёқ биламан!

- Қандай биласиз? – сирли жилмайди қиз билинар-билинма эркалик билан.

- Кўзларингиз чақнаб, порлаб кетади. Ҳалал бергим келмайди бошқа ходимларни яқинингизга йўлатмайман! Ахир, фирмами обрўси, юртга машхур маҳсулотлар муаллифи менинг севгилим қаллигимсиз!

Азимжон яқингача Ойбаҳор учун кўл етмас юлдуз, чиқис бўлмас чўққи эди. Динарадек энг ўткир қиз ҳам йўлдан уролмага барно йигит ўзиники! Бопши осмонда! Унинг муҳаббати билди нафас олади, ҳар лаҳза исмини пичирлаб юради. Лекин Ойбаҳор яратган нусхалар ўзининг муҳаббати билан туғилганини хаёлига келтирмайди. Кибру ҳаво кўчасидан ўтишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ойбаҳор уни бежизга севмайди-да!

Ойбаҳор бу ҳақда уяла-уяла гапирганда Азимжон “Энг баҳтли йигитман-да!” деб ғуурланади.

Мажлис кисқа ва лўнда бўлди.

Байрамни “Сомон йўли” ресторанда ўтказиш, фирмадаромадидан ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш ва энг муҳими, аёллар учун янги либослар ишлаб чиқариш масаласи кўрилди. Биринчи ва иккинчи масала дарров ечилиди. Асосий масалада бош дизайнер Ойбаҳор Муродова аёллар учун яратга қанотли куйлак ва бежирим кофта-юбкаларнинг рангли эскизларини кўрсатгач, кўпчилик кизиқиб қолди. Ва энг сара ижод сифатида қатта даромад келтиришига ишонч билдирилар. Ва унъянги асарлари билан чин юракдан кутладилар.

Асосий ишчилар вазирлик тузган шартномани бажариш билди овора. Улар аллақачон ишга мослашган, тикув машиналари ва

станокларнинг шиддатли маромда ишлаётгани одамнинг ғайратини келтирас, шартнома ўз муддатида бажарилишидан далолатга ўхшарди.

- Кўшимча ишчилар оламиз! – деди Даврон ўринбосари Азизбекка, - иш сўраб ариза берганларини чакиртириб синаб кўринг-да, камида ўн нафарини ишга олинг!

Азизбек Давронбекка камида ўнта тикув машинаси олишни эслатиб чиқиб кетди. Давронбек таъминот бўлимига топширик бериб бажариш муддатини белгилаб қўйди. Хўжалик ишлари мудири янги ходимларга иккита хона тайёрлашга бугун киришадиган бўлди.

Ишлар шиддат билан бошланиб кетди, бир хафта ўтгач, Ойбаҳор дизайнни асосида кизлар учун янги модада куйлаклар ишлаб чиқарила бошланди. Маҳаллий телевидениега реклама берилди. Беш хил матодан беш хил модада тикилган бежирим куйлакларни шаҳарнинг энг гўзал моделерлари намойиш килаётган жозибали видеоролик ҳамманинг эътиборини тортмай қолмади. Дастлабки ҳаридорлар кела бошлагандага фирма омборида анча масхулот сотувга тайёр эди.

Фирманинг байрамолди савдоси қизгин тус олди. Ўз дўконлари, бозорлар ва якка тартибда сотилган моллар аёллар қалбини қизиқтириб юборди. Бошқача айтганда, янги мода улар орзу килган, ҳеч ким тополмаган либос эди. У юз миллионга яқин соф даромад келтирди. Ишчи-ходимларнинг қайфияти баланд. Дам олишлари учун катта-катта маблағ ажратилди. Идорага янги мебеллар, маиший жиҳозлар келтирилди. Ҳамманинг хонасига “Зима-лета” кондиционери ўрнатилди.

Ойбаҳорга ўртacha иш ҳақининг ўн баробари микдорида – ўн миллион сўм мукофот пули берилди. У катта целлофан пакетда бир дунё пулни ота-онаси олдига кўяркан, уларнинг кўзларига ёш келди. Қалбида қувонч, қизлари билан фахрланиш туйғуси, ғурур туғилди.

- Тўйни бошласак ҳам бўлади! – хуш қайфиятда ўйланди Гуломжон. – у кизни менга Худо берган-да, кеча коллежни битириб шунчак пул ишласа-я! Афсонага ўхшайди! У тенги айримлар...

У Динара ҳақида узук-юлук эшитганларини эсларкан, “Тавба килдим, бундай қиздан Худо асрасин!” деб қўйди.

Кутигламаганда Азимжон томондан түйни сентябрнинг ўргасига белгилаш масаласида вакил келди. Ғуломжон ва Кумуш “Ўртага шайтон аралашмасдан яхши ишлар бўлаётган шу кунларди ўтказамиш!” дега сентябрнинг иккинчи шанбасига тўй белгилашди.

Хабар яшин тезлигида шаҳарга тарқалди, табиийки, “Гигант” фирмаси оғисига ҳам күёш нури каби кириб, қалбларни чароғоя килди.

Тўй келишувидан уч кун ўтгач, Ғуломжон билан Кумуш фирма вакилини қабул қилишди.

- Ойбаҳор билан Азимжоннинг никоҳ базми “Сомон йўли” ресторанида фирма ҳисобидан ўтади, - деди у Ғуломжонга ифтиҳо билан қараб, - сизлар меҳмон сифатида таклиф этиласизлар, умиж қиласизки, икковингиз бориб тадбиримизга файз киритасиз. Тўйгина кўзга кўринган тадбиркорлаф, таникли ёшлар, “Камолот” вакиллари, туман хотин-кизлар кўмитаси таклиф қилинган!

- Биз ҳижолатда қоляпмиз! – деди Ғуломжон кувончданни нокулайликданни қизариб.

- Тўғри, ўзимиз ҳаммасига тайёргарлик кўяётгандик, элга ои бериш ниятидамиш.. – қўшилди Кумуш.

- Тўй куни эрталаб қариндош-уруглар, маҳалла-кўй, ёр дўстларга уйда ош бераверинглар, - зарур маслаҳат бераётганда сўзларди фирма вакили, - базмни кечки пайтга биз ташкил қиласиз Даврон ака билан ҳаммасини келишдик. Ахир, фирмамизга катта фойда келтираётган, талантли қизимизга озгина хизмат қиласиз-да Унинг шарофати билан юзга яқин қиз иши билан таъминланди фирма билан вазирлик ўргасида катта суммада шартном имзоладик!

Ходимларимиз тўйи – шаҳримиз тарихида ҳақиқий талантнинг, галабанинг, чин муҳаббатнинг тантанаси бўлсин!

Фирма вакилини кузатишгач, Кумуш билан Ғуломжоннинг кўзлари севинч ёшлари билан тўлди.

Айрим хонадонларда якка қиз тантиси, уй-рӯзгор ва ишга укувсиз ўсади, унинг ўрнига ота-она институтда ўқиёди, диплом иши ёзади, турмушга бергандан кейин ҳам муаммоларини ечишдан тўхтамайди. У телефон қилиши ё эшик қоқишидан безиллаб турдилар. Ғуломжон билан Кумуш ўтил уйлантириб, қиз чиқармаган бўлсалар ҳам бундайларни кўрганда “Худо асрасин!” дейишган, яхшиларга дуч келганда ҳавас қилганлари учун Ойбаҳор

жамиятда ўрнини топди, оиласи, иш жойининг обрусини кўтараётганидан ота-она қалби ифтихор туйғуларига тўлиб-тошмоқда...

## 42

Эр-хотин Динарага бир оғиз ҳам ёмон гапиришмади, ҳатто акл ўргатишмади.

- Қизни парваришилаш керак! – деди Раҳмон Малоҳатга кўпни кўрган ота каби, - меҳр берсак, меҳр қайтишига ишонаман! Энди у билан энг яқин дўстдай гаплашаман. Самолётда келаётганда “Мақсадингни айт, пулдан қийналсанг, ёрдам бераман!” десам, секин очилди.

- Нияти нима? – Малоҳат жиддий қизиқип билан савол берди эрига, - чин юракдан гапирдими ё яна алдаяптимикин?

- Менимча, энди алдамас!

- Мақсади?

- Бизнес қыммоқчи, машхур тадбиркор бўлмоқчи!

- Ёмон ният эмас! – хурсанд бўлди у.

- Аввал оила қуриши керак-ку?

- Бугунги ёшларнинг йўли - аввал карьера, сўнг турмуш!

Молиявий мустақиллик учун олдин иқтисодий таянч яратишни кўзлашяпти. Қизимиз ҳам бегона шаҳарларда кочиб юргандан бизнесмен бўлгани яхши-ку!

Раҳмон Малоҳатнинг фикрига қўшилдию, қиз болага бизнес тўғри келармикин деявергач, Малоҳат:

- Хўп яхши инсонсизу, замондан оркада юрасиз-да! – деди ҳазилнамо кулиб. - Сал олдинга ўтинг, ахир, - эрининг фикрларини ўз ниятига буришта интилди у, - йигирма биринчи асрда яшайпсиз-ку!

Малоҳат мулоҳазага берилди.

- Факат, - деди Малоҳат ўйчанлик билан, - биз уни кузатиб борайлик, у билан дўстидай гаплашсангиз, дардини яширмайди, ҳатодан қайтарамиз!

- Бу гапингта қўшиламан, хогинжон! – деди Раҳмон севинганидан, - у билан гаплаш-чи, аниқ режаси борми?

- Режаси бор?

- Қанақа?

- Аввал Хитой, Туркия ва Дубайга қатнаб, мол олиб сотмоқчи, энг муҳими, биринчи ўринда бувининг сейфидан олган тилла

буюмлар ва пулни ўрнига тикламоқчи, кейин супермаркет очаман, деяпти.

Ёкимли түйғулардан Раҳмоннинг дили ёришиб кетди. Нега шундай бўлмасин, ахир? Қизи дадиллик билан катта мақсадни олдига қўйган! У кечинмаларидан гуурланиб бўлгач, қизнинг сал ёшлиги хаёлига келиб, Малоҳатга “Эплай олармикин, ёшлик килмасмикин?” дедио, балога қолай деди. У “Ҳайёмдан бир коса, Румийдан бир жом” деганларидек, ота-онасидан энг керакли фазилатлардан олганлигини хаёлига келтирмади.

- Ўзингиз уйланмасдан олдин Россиядан мол олиб келгансиз-ку? Ёшсан, дейишмаган-ку! Биз ҳам қизимизга ишонайлик! Аммо хато қилишидан кўркиб, йўлига тўғаноқ бўлиш - катта хато!

Малоҳат озгина тин олди. Муҳим гап айтиш мавриди келганини тушунган, Раҳмон ҳам ундан янаем дурустроқ бамаъни гап кутарди.

- Қизимиз, - деди у сал ғамгин қиёфада, - Ойбаҳорнинг ютукларини эшитгандан бери “Ундан зўр ишлар қиласман!” деган шахди бор! Озгина елка қўйсак ҳаммасини уддалайди, бизга муаммо қолдирмайди. Бу ота-она учун катта баҳт эмасми, дадаси?! Ахир, биз ким учун яшаяпмиз, шу иккита Худо берган неъмат учун-да!

- Тўғри, шулар учун!

Раҳмон ҳамкорлари билан кечаю кундуз пул, бизнес деб югуради, ҳафтабош бошқа шаҳарларга, хорижий мамлакатларга кетади, улфатларининг тўй-азалари, маросимларига боради, уларнинг қандай муаммолар билан нафас олгани билан қизиккан, аммо қизининг кўнглида нима бор, коллажни битиряпти, қаерда ишлашни хоҳлади, булар билан қизиқмаган. Қизга тарбия бериш - қаерга боришини назорат қилишда деб билган. Тарбия – кўнгилни ўрганишдан бошланишини энди тушуняпти! “Ҳақиқий дўсти ўз оилас!”-дека тўғри иш қилаётганидан хунсанд.

Ўйлаб қараса, хатолар ҳам тўғри йўл топишига ёрдам бераркан! Энди оиласининг бутунлиги фаровонлик ва аҳилликка асос! Буни бошқа нарсадан олиб бўлмайди! Мехр деган неъмат кўринмай, қўлда ушлаб бўлмайдиган қудратли куч, азиз неъмат ҳамма яхшиликлар замираша турган куёш экан!

Раҳмон кечки пайт оила аъзоларини музқаймок кафесига олиб боришдек замонавий хурсандчиликка ҳаммани мушарраф килди.

Мусиқа тинглашди, сұхбатлашиб ўтиришди, сүңг маданият ва истироҳат боғида күнгилочар ўйинлар билан машғул булишди. Чархпарлак, ҳалинчалак ва катта қайиққа тушишгач, Динаранинг онаси ва укаси билан қувноқ қийқириши, ҳазиллашишларини күриб оғзи очилиб қолди. Динара дам олишда жуда очилиб, қувноқ, ёш кизчага айланиб коларкан! Ўзиям нақш олмадай чиройига чирой күшилиб кетди. Раҳмонжон ич-ичидан севинди, ғурурланиб қўиди. Дилдош одамларда учрайдиган бир-бирига яқин қайфиятдан яйраб кетди.

Уйга боргач, қизини ўз хонасига чақирди.

- Бизнес учун мендан қандай ёрдам керак? – деди Динаранинг кўзига самимий караб, - тортинасдан айтавер, сенга ёрдам бериш оталик бурчим, қизим.

Динара дадасидаги ўзгаришни аллақачон сезган, тортиниб ўтиրмади.

- Аввал якка тартибдаги тадбиркор деган хужжат оламан! Пулим бор, лекин катта бизнесга етмайди. Маблағдан ёрдам берсангиз, аввал шаҳримизда кичик бизнес билан шуғулланаман, кейин ҳорижга қатнайман! Қаршимасмисиз?

- Ҳатто хурсандман, менимча, сен улдалайсан!

- Раҳмат, ҳаракат қиласман, йўналишим кизларбол – аёллар учун косметика буюмлари олиб келаман! Супермаркет очсан, молларни тўғри ҳориждан келтириш учун катта пулни кичик бизнесдан топишимига ёрдам берасиз! Сармоям кўпайса, тўла мустақил иш қиласман!

- Тахминан қанча пул билан бошлайсан?

- Эллик-олтмиш миллион сўм етар?

- Етади. Сен тадбиркорликка хужжат олгунингча банқдан кредит олиш масаласини ҳал қиласман!

Ота-боланинг сұхбати Малоҳатни шунчалар хурсанд қилдики, ўзини кўярга жой тополмай эрига хурмаг-эхтиром, миннатдорчилик билдириди. Ундаги меҳр оиласи мустаҳкамланаётганидан боши осмонга етди. Солик инспекциясига хужжатлар тайёрлашда қизига ёрдам беражагини билдиригач, Динара ота-она далласини хис килиб, орзулади яқин қолгандай севиниб кетди. Оила мустаҳкамлиги инсон ҳаётини ўзгартириши, унга битмас-туганмас куч ва имконият беришини илк бора хис

қилиб, ҳеч қачон ота-онасини алдамасликка, ҳамма ишда улар билан маслаҳатлашишга қарор қилди.

Кечки пайт Рустам акаси (карзини якында узгани учун)га қўнғирок қилиб, тайёрланиши керак бўлган хужжатлар, тадбиркор сифатида иш бошлиётгани, айрим масалаларда унга суюниши мумкинлиги ҳақида галирди. Рустам:

- Ота-онанг билан ярашиб, тил топишганингдан хурсандман! – деди ва бунинг суюнчиси сифатида ҳорижга қатнайдиган ҳамкорлари билан таништириб қўйишга ваъда берди.

Динара ухлаш олдидан оила аъзоларига яхши хордик тиаб ҳонасига кирганда кайфияти баланд, ўзини күшдай енгил хис киларди.

Раҳмон чинакам қиз меҳрини энди хис қиляпти. “Қизлар отага меҳрибон бўлади!” деган гап қулоғига чалинардию, амалда кўрмаганди, бугун покиза бир туйғуни, иссиқ ва ёқимли меҳрни қалвидан ўтказдию, фарзанд кувончини дунёнинг энг катта бойлиги, ҳатто, подшо ҳазинасига алмаштириб бўлмаслигини, оталар нима учун уйга талпинишларини тушунгандай бўлди. Улфатлари билан кафе ё ресторанда ўтирганда уларнинг қизлари қайта-қайта қўнғироқ қилиб, тезроқ келишларини сўраётганда ғаши келарди. Баъзан буни бачканалик ҳисоблаб, “Телефонни кўй, қадаҳни кўтар!” деганларини эслаб, ўзидан уялиб кетди.

, Яна битта савол уни мулоҳазага чорларди: нима учун ҳозиргача қиз меҳрини тушунмаган, сезмаган, бебаҳо неъматдан шунча йил бебаҳра яшаган?!

Тан олади - бебаҳра яшаган! Қизининг буғдорянг чехраси, майин қўллари, юмилиб очилганда куёшдай чараклаб кетадиган тим қора кўзлари, гарчи узун бўлмаса-да, ўзига ярашган соchlари, келишган кадди-комати унга энди таъсир қиляпти. Ҳозиргача бепарво, лоқайдлиги, гўзаллик ва назокатни хис қилмагани сабабли қизидаги улғайиш ва гўзалликни сезмай, уни шўх, бетартиб бола деб қарадимикин?!

Юрагини алғов-далғов қилган кечинмалар самараси: ”Энди доим қизимнинг ёнида бўламан!” деган хуроса, фикрлар ва туйғулар юрагига чукур ўрнашиб бораркан, Динара – энг азиз, киммати ортиб борадиган ҳазинаси экани аён бўларди. Худо хоҳласа, Динара ўртожларидан ўтиб кетади! Ўзи ҳақидаги ноҳуц фикрлар яхши ишлари остида кўмилиб, истеъоди юзага чиқади. У

одамлар кўз олдида яхши қиз, уддабуро тадбиркор, бебаҳо дўст бўлиб қад ростлайди.

Отанинг бу орзу-ҳаваслари кўнглига оройиш бериб, ҳузурбахш туйгуларга ошно қиласди. Келажакка бўлган ишончини, меҳрмұхаббатини ошириб, рухиятини тонг шағағидай ёргулек билан тўлдирарди.

У эрталаб, нонуштадан сўнг:

- Ҳужжатларингни ол, қизим, - деди Динарага қараб, - тадбиркорлик учун рухсат оламиз, сен иш бошлигач, мен ҳам ишимга шўнгийман! – деди.

Ота-бала “Нексия”да ёнма-ён, дўстлардай солиқ инспекцияси томон кетишгач, Малоҳат “Кўз тегмасин, боламнинг омадини берсин!” дей ортидан дуо қиласкан, кўнглида ажиб ёруғлик тыйди.

...Азимжонлар ҳовлиси шаҳар солиқ инспекциясига етмасдан ўнгга буриладиган Марғилон кўчасида жойлашгани учун Динара дадасидан ўша томондан юришни илтимос қилди. Дарвозага юз метрча қолганда Раҳмон унинг илтимоси билан машинани тўхтатди.

Динара Азимжонни икки марта чақирди холос. Аввал онаси “Хув” деди, бир неча сониядан кейин оқ куйлак этгини ҳилпиратган Азимжон кўринди. Динара уни сулҳ байробининг ҳилпирашига ўхшатди-ю чехраси очилиб кетди. Азимжон қизнинг ниятини тушунди ва аввалгидан самимий сўрашди.

- Ака, - деди Динара бошини эгиб, - айбимни тан оламан, севги кўзимни кўр, юрагимни сўқир қилган экан, алам устида Ойбаҳорга ёмонлик қилганимни билмабман. Сиздан ва Ойбаҳордан бошим ерга теккунча эгилиб кечирим сўрайман! Минг бор узр!

Қарашларида пок ният бор. Ҳатоларни тушуниб, ҳаёт йўлини ўзгартиргани яққол билиниб турарди. Азимжон унинг кўнглини хира қилган гуноҳ азобини енгиллатмоқчи бўлди.

- Ҳатоларингизни тушунгән бўлсангиз менда гина йўқ! Яна бир хабар айтсан, хурсанд бўласиз: “Баҳор” орқали сиз қилмоқчи бўлган ёмонлик амалга ошмаган! Ойбаҳор ҳам сизни кечирса ажабмас! Энди қадамингизни ўйлаб босинг!

- Раҳмат, Азимжон ака, - дей қиз унга кўл узатди.

Азимжон қизнинг қўлини сикиб кўяркан:

- Тўйга албатта келинг! – дей жилмайиб кўйди.

Динаранинг ҳозиргина енгил тортган қалбига қувонч тўлиб, анчадан бери эзаб келаётган айбордлик хисси тарқалиб кетди. Машинага ўтирганда қувончдан кўзлари порлар, юрагида самимият туйгуси тўлиб тошарди.

### 43

“Сомон йўли” ресторанининг катта залида икки ёшнинг никоҳ базми давом этмоқда. Ўйин-кулги, хурсандчилик авжидат. Дўстлар, ҳамкаслар, қариндош-уруғлар келин-куёвни табриклаб, баҳтсаодат кучогида, соғ ва саломат, баҳорий кайфият билан яшаб, кўша каришларини тилайдилар. Эшикни қия очиб тўйхонага мўраладик. Шу лаҳзада Даврон ходимларига баҳтсаодат тилаб, “Асал ойи”ни чет элда ўtkазиш учун саёҳат йўлланмаси совга килгач, нуткини шеър билан якунлади:

Худо Сизга баҳт берсин,  
Ёмон кўз тегмайдиган,  
Саодатдан тахт берсин,  
Ёмон сўз тегмайдиган.  
Сунгра ўғил-қиз берсин,  
Ватан корига яраб,  
Энг оғир дамларда ҳам  
Ёвга бош эгмайдиган!

Ҳамма гулдурос қарсаклар билан олкишлади. Давра ахли Ойбаҳор ва Азимжонга чин юракдан ҳавас қилди ва тоза ниятлар тилади. Энг мухими, улар орасида яқиндагина ёш тадбиркор сифатида иш бошлаган Динара ҳам, кўзларида ҳавас ёшлари қалкиб турган ота-онаси ҳам бор эди...

Чорток - Наманган.  
Сентябрь, 2016 йил.

ХИКОЯЛАР

О Н А

Мўътабар хола бир йилдан бери бетоб.

Тоби қочиши кутилмаганда рўй берди. Нонушта ўтгач, кўзи тиниб, боши айланди. “Эй Худо!...” дедию, беҳол ёстиқقا бош кўйиши билан дунё чир айланиб кетди. Тили тортилиб, кўзи қага кетаётганда келини Гулнора додлаб юборди. Даҳлиздаги пакирдан сув олиб юзига сепди. Ўзгариш бўлмагач, ховлига караб “Дадаси!!!” деб қичқирди. Вахима билан югуриб кирган Акбаржон онасини тишини тишига босганча тиришиб, қалтираб, оғзи бир томонга кетган куйи кўрдию, ўзини йўкотиб кўяй деди..

Акбаржон “Тез ёрдам” чақиришга қаноат килмай, ўз машинасини миниб касалхонага учди.

Гулнора онанинг тилини тортишга ҳаракат килаётганда, бармоқлари тишлар орасида қисилиб колди. “Вой!” – дея токчага каради. Алюмин қошиқ! У қувонганидан қошиқ бандини тишлар орасига ўтказди, хуруж сал пасайтан, аммо давом этарди. У тишларни бир-биридан ажратишга уринар, она эса атайлагандай тилини ичкарига тортарди. Қисқа муддатли фожеали ўйин келиннинг ғалабаси билан тугади. Гулнора: “Хайрият!” деганча онанинг юрагига кулоқ солди: нафас оляпти, аммо хушидан кетган...

Врач келгандаги онанинг ранги ўчган, кўзлари юмуқ, оламдан узилгандай бошини бир томонга осилтириб ётарди. Тириклик нишонаси – оғир-оғир нафас олиши эди.

Врач беморнинг қон босимини ўлчади: баланд. Юрак уришини текшириди: меъёрдан ортиқ. Икки юзига шапатилаб урди: ҳеч нарсани сезмайди. Акбаржон билан Гулнора холоса кутиб кулоқларий динг!

Врач онанинг ўпкасини эшитиб, бироз ўйланиб қолди. Акбаржон бетоқат.

- Нима гап, доктор?

- Тинчлик...

Акбаржон касалхонадан келгунча врачга холатни айтган, колганини келин тушунтирганди.

Врач хulosса қилди: чарчоқ ва давомли руҳий зарбалар туфайли мия томирлари қисилган. Акбаржон билан Гулнора ҳаммасини эшитиб, бир-бирларига қараб, ҳайрон бўлишди.

- Муолажани тезлатсак...- илтижо қилди Акбаржон.

Доктор ҳамширага беморни хушига келтирувчи, мия томирларини кенгайтирувчи укол қилишни буюрди. Сўнг онани гезда касалхонага ётқизишнини таъкидлади.

Она икки ҳафта асаб бўлимида даволанди, ранги рўйи ўнгланди. Шундан бери ҳар уч ойда даволаниши қоидага айланди. Ўғил қизлар хушёр. Акбаржон хабар берса, онанинг тепасига спирилиб келишпади. Биттаси врачга, иккинчиси дори-дармонга, колганлари беморга қарайди, озиқ-овқат пиширади...

Уч кун аввал она бомбод номозини ўқиёлмаганидан ўқиниб, сўриток тагидаги каравотга қўмишди. Олти ой олдин Акбаржон Россияга, синфдошлари ишлаётган совуқ ўлкага, онанинг илтимосига кўра, бева синглиси Мохиранинг қизини узатиш тўйига уч минг доллар пул ишлагани кетганини эслаб, юраги “жиф” этди.

Мўътабар хола Акбаржонни бошқача яхши кўради. Дадаси оғир бетоб бўлганда меҳр билан қараган, касалхоналарда суюнчиқ бўлган. Онасига ҳам қўлидан келганича, ҳаммадан кўпроқ меҳрибончилик қилган. Бошқача айтганда, ота-она дуосини олган. Туғилгандан бери шу ҳовлида яшайди. Ота уйини замонавий услубда таъмирлатди, ёнига яқин хоналар курди. Падари бузрукворининг дўстлари билан ота-боладай иноқ. Онасининг хиёл мазаси қочса, врач, дори-дармонни етказиб келади. Энг муҳими, қалби тоза, бетаъма, бегидир. Ўзиям чақон, тадбиркор.

Аммо...

Олти ойки, Россиядан келмайди. Акалари телефонда онанинг касаллигини айтишди, “Иложини қисам бераман!” дедиу, дараги йўқ. У хабарни эшитибоқ күшдай учиб келиши керак эди. Келмагани, кўнғирокларга жавоб бермаганидан улар таажжубда. Буни она, бева сингилу Акбаржон билишини ҳеч ким хаёлига келтирмайди...

Тўшакка михланган она ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳза уни кутади. Кўчага қарайди. Бошини кўтаришга имкон топса, деразага бўйлайди. Ҳатто катта набирасига: “Кўчага чиқ-чи, даданг келяттимикин?” дея бир неча марта иддао қилди....

Уч күндирики, она оғирлашди. Бириңчи куни товук шүрва сувидан озгина тотинди, бир тишлам нон еди, ярим пиёла чой ичди. Иккинчи куни “Сира ўтмайды” ишорасини қилди. Сұрагани: “Акбаржон келдими?”

Она уч киз, уч ўғилнинг униб ўсганини күрди, умри давомида күлган ҳалол, мاشақатли меҳнатлари яхши самара берганидан хурсанд. Болалари ўзи орзу қилгандай тарбияли. Она улардан рози. Буни қариндошлиарга ҳам айтган, касаллигига қарашибди, айтганини бажо келтиришиади.

Катта ўғлининг айтишича, она узок умр күрувчилардан. Ошини ошади, ёшини яшади, иззат-хурмат күрди

Ўлғандан кейинги маросимлари ҳам яхши ўтади: азада, маърака, кейинги маросимларда бериладиган латта-пугталар тайёр. Ювгичга, кўмиш маросимига алоҳида пул жамғарган. Энди Аллоҳга омонатини топширса бас...

Аммо онанинг бутун руҳияти, идроки безовта: Акбаржон келмаяпти! У соғ-омон қайтсаю, бош-кўзини силаб, бағрига босса, кўнгли жойига тушарди. Дунёда бошқа қиласидиган иши, бажарадиган юмуши йўқ. Бўлгандаям, Акбаржон деса, ҳаммасини этакка туғиб, томга ташлаб қўярди. Акбаржондан эса ҳануз дарак йўқ....

Она изтироб билан ингради. Диван атрофидаги ўғил-кизлар, дахлиздаги қариндошлиар хушёр тортди. Катта ўғли Исмоил унинг бошига келди.

- Ойя, тузукмисиз?

Она кўзини ярим очди, кучини тўплаб, бошини ўғли томонига каратди. Кўзлари нурсиз, танаси кувватдан кетган бўлса-да, юзи кип-кизил. Болалар: она ўлим билан олишяптими, Жаброиляга: “Кенжамнинг дийдорини кўрай, кейин ўнта жоним бўлса ҳам сенини!” деб ёлборяптими - анигини билмас, тахмин келмасди.

Она тамшанди, катта қиз оғзига сув томизди. Лаблари орасидан сирғалиб чиқсан сўз видо ноласига ўхшарди.

- Ак..Акбарр..жон...

Болалар онанинг юрак-бағри эзилганини сезиб, кўнгилдан “Акбаржон кириб келсайди” деган истак ўтказаётган бўлишса-да, бунга ишонишмас, чунки у қўнғироқларга жавоб бермаётган эди... Она эси жойига келган лахзаларда кўнглидан ўтказди.“Бир кам дунё деганлари шуми?”

Оиладагилар эса вазият оғирлашган сайин: боласига илхақ онага, келолмаётган Акбаржонга куйишмоқда.

Кечки пайт айвонда ўтирган Карим тоға узоқ мuloҳазадан сўнг бир карорга келди. Иккла ўғил жиянни меҳмонхонага бошлади.

- Нима гап? – дейишиди улар.
- Аёллар билиши шарт эмас...

\* \* \*

Она “Ўғлингиз келди!” деган хабарни эшидию, илкис бошини кўтарди, танасига жон киргандай устидаги кўрпа титраб кетди. Бошини ортига – “Онамизнинг умри тугаган бўлса, осонидан бергин, умри бўлса, шифойи комил бергин!” – дея Аллоҳдан сўраётган яқинлари томонга қаратмоқчи бўлди. Кўзлари қатта-катта очилган, оғзи юмилмас, нигоҳида ўғлининг овозини эшитиш, нафасини туйиш умиди аланг мисоли ёнаётганди. У чукур-чукур нафас олди-да, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Уч кундан бери тўшак билан бир хил ётган она қаддини бирдан кўтарди-да, ўғлининг бўйнидан қучиш учун кўлларини чўзди.

- Онажон, яхшимисиз, мен келдим, Акбаржонман!

Она кўзлари кўрмай колган бўлса ҳам аланг-жаланг қилиб бошини қимирлатди. Ва ўғлини кўришдан эмас, ҳидини олиш, нафасини туйищдан умидвор бўлиб Тўламирзанинг бўйнига қўл узатди. Узатдию, нотаниш бўйга дуч келиб, ортига тисарилди, кўнглини аллақандай безовталик, кўркув қоплади: “Йўқ, йўқ, бу менинг ўғлим эмас!..” аммо қўлини бирдан тортиб олмади. Умиди пучга чиққанини билдирмай, йиғламсираб алланарса деди. Дийдор киёматта қолганини билгач, кўксидан энг нозик ришта, бир катим нурдай ингичка ип, “чирт” узилдию, сўнгти нидо келди: “Оҳ, ўғлим!.. дийдорингга тўйиш учун жон беролмаётганимни биласан! Чорасизлигингни мен ҳам биламан! Ахир, бир неча йилдан бери кизини тўйини ўтказолмаётган синглинг учун пул тоғиб келишни мен сўраганман. Гапимни ерда қолдирмай кетганинг учун минг раҳмат сенга! Менинг ёшимидан ўтиб яша, болаларинг орзу-ҳавасини кўр! Кекса онангнинг сафари қариган. Аммо сенга илҳақман, иложсизман... Майли, болам, сендан мингдан-минг розиман!”

Кимdir йиғлади. Кичкина қиз “Онажон!” дея унинг олдига келди. Тўламирза онанинг бошини силаган бўлди. Сўнг “Сценарий

иш бермади!" дегандай оstonада турган тога-жиянга қаради-да, орадан сирғалиб ташқарига чикди.

Шу пайт ўртанча ўғилнинг телефони жириングлаб қолди. Қараса, күнғироқ Россиядан! Шошилганча боғланди. Ҳамма нафас олмай унга қаради.

- Ака, тузукмисиз?
- Раҳмат, Акбаржон, ўзинг яхшимисан?
- Ойим яхшимилар?
- Ҳа...

Онага жон кирди. Шошилганча ўғлига қаради. Қалбига яқин овоз уни ҳайратда қолдирганди. Ўртанча ўғил телефонни онага берди:

- Акбаржон...
- Ҳа, ойижон!
- Овозларингдан ўргилай, болам, қачон келасан?
- Бораман, ойи, ҳалиги... озгина етмай турибди, бутлашим билан етиб бораман.
- Омон бўл, раҳмат сенга, илоҳим, икки дунёда кам бўлмагин!
- Ҳўп, ойи, мен бораман, сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг...

Алока узилгандан сўнг она сўнгти кучи билан охирги ишни бажариб бўлгандай ўзини ёстикқа ташлади ва юзидағи йиллар асорати – ажинлар йўқолгандай бўлди. Сўнг ўртанча ўғилга қараб сукут саклади. Бу ЖИМЛИК – қисматта кўнган банданинг розилик аломати, замиридаги кувонч эса нурли хотиржамлик, ҚАЙТИШ исёни эди... У бошини бир ёнга осилтирганча оғир-оғир нафас оларкан, катталар “Хиррак кеп қолди!” деган ташвиш билан ўзаро шивирлаша бошлилди...

- Ойи, биздан рози бўлинг, онажон!

Ўртанча ўғилнинг кўзидан дув-дув ёш келди.

Она ҳамон хириллаб нафас олар, ўртанча ўғилдан кўз узмасди. У кўлини базўр кўтариб, кўзи билан бошини имлади.

“Ёсин”ни шивирлаб ўқиётган тога ўртанча ўғилга топширик берди:

- Бошининг тагига кафtingни кўй, сал кўтар, нариги қўлинг жағида бўлсин, маҳкам ушла!

Ҳамма кўркиб кетди. Тога қайтиш яқинлашганини, она ўғлининг кўлида омонатни топширмоқчилигини сезганди.

Ҳамма титраб-қақшаб, нафасини ичига ютиб, воқеа сўнгини кутар, хонада ҳеч ким танимайдиган илохий шарпа юракка совук туйғулар солиб айланиб юарди.

Она сўнгти бора кўзини юмди. Хиррак кучайиб-кучайиб, пастлади. Ўртанча ўғил тоғага қаради.

- Махкамроқ ушла...

Онанинг сўнгти нафаси оғир сўлиш билан қайтиб чиқди. Тоға дуога қўл очди. Ҳамма унга иктидо қилди.

- Омин! Синглимнинг сўроқ саволлари осон бўлсин, Аллоҳ раҳматига олсин, Аллоҳу Акбар!

Ҳамма паст-баланд овозда йиғлаб юборди. Тоға жияни узатган янги чит рўмолда марҳуманинг жағини танғиди.

Ўртанча ўғил онанинг юзига караб ажинга ўхшаш харфлар билан ёзилган хulosани ўқиди: “Ҳеч ким орзусига етмаган, ҳеч ким баҳтиёр ўлмаган, бу дунё кўз ёшга арзимайди, йиғлама. Ахир, мен яратган эгамнинг олдига кетяпман...”

Она сўнгги лаҳзада нимадир деб пицирлагандай бўлди. Ўртанча ўғилнинг назарида, “Акбаржон, Акбаржон...” деб нидо килган эди...

## ИНЖА СЎЗНИНГ ИФОРИ

### Бадиа

Кўнғироқ чалиниши биланоқ 8-“А”нинг энг шўх, тўполончи болалари ҳам математика муаллими, каттиққўл Қаҳхоровдан кўркиб, тезда парталарига ўтиришди.

Дарснинг асосий босқичлари якунланиб, янги мавзуни мустаҳкамлаш бошланди. Топшириқларни бажариш харакатидаги ўкувчилар бир-бирларидан нималарнидир сўрашар, олдинги ё орқа партага бўй чўзиб, ўртоқларининг дафтарига синчиклаб карашарди.

Улуғбек масалани ечиб булаётганди, орқа партадаги Санжар ёрдам сўраб унинг курагига туртди. Қаҳхоров кўзларини олайтириди. Аммо Санжар “Улуғ...” деб чақиришини қўймасди. Улуғбек икки марта ўғирилиб, унга масалани тушунтириди.

- Улуғ, охири етти чикадими? – Санжар яна ручканинг учи билан курагига нуқиди.

- Э, қанақа етти? – деди Улугбек “Тушунтиришларим бефойда кетдими?” дегандай тажанглашаркан, - Йигирма бир-ку, оддий нарса-ку?

- Бир секундга каравор, охиргисини...

Улугбек “Ўзим ишлаб берганим тинчроқ, шекилли”, дея дафтарга кўл чўзувдиямки, Қаххоров унинг кўлига “тарс” этказиб чизғич билан урди.

- Чик хонадан! Йўқол! Кўзимга кўринма!

Синфда Қаххоровнинг ҳукми – подшонинг амри...

Улугбек Санжарга хўмрайди: “Сени деб бўлди!”

Эшикдан чиқаётганда норози қиёфада домлага нигоҳ ташлади-да, пол юваётган фаррош ёнидан оёқ учидаги юриб ташқарига чиқди. Аламини тарқатиши керак!

9-“А”га қўшилиб волейбол ўйнасинми? Ё мактаб богини айлансанинми?

Стадион ёнида 8-“Б” нинг болалари турникка тортилаётган эди.

Кўшниси Зоҳид кўлига бўр сурта туриб:

- Ҳа, Улугбек, Қаххоров дарсдан ҳайдадими? – деди “Бошимиздан ўтган” дегандай кулимсираб. Улугбек бош иргади.

Юз метрга югураётган қизларнинг “қий-чув”и авжланди.

Улар орасида маҳалладоши, ўзи ёқтирадиган Муниса майда ўрилган соchlарини силкитганча финишга яқинлашаркан, Улугбекнинг кўксида алланечук туйғулар уйғонди. Ёноғига лоланинг гуляпрогини ёпиштиргандай сезди ўзини, вужуди қизиди, кўқдан унинг учун шиддат ва гўзаллик ёғилди гўё.

Кузнинг илк қўшигини куйлаётган қўшлар рангин қанотларида олтин олмаларнинг асалбўй ифорини олиб учишарди.

Шу пайт маҳсус синф ётоқхонаси пештоқидаги радиокарнай садо берди.

Ёқимли овоз соҳиби шеър ўқий бошлади.

### Мезон малоҳати

Деразамдан мўралайди куз,

Юм-юм йиглаб тўкилар япроқ.

Майсаларнинг манглайн силаб,

Шамол шошар боғларда бу чок.

Сотувчи умидвор құзларга қараб ёшлигини эслади, боланинг китобга бўлган меҳрини қадрлашга қарор қилди...

Бола “Эртагача икки минг сўмни қаердан топаман? – дея ўйланарди, - Эрталаб-кечкуун акамнинг молларига қарасам, беради...” дея режа тузиб мактабга етганини сезмай қолди.

Хозиргача бирор сатр машқ қилмаган бола бирдан шеър ёзгиси келди.

Бироқ дарсга кириш керак!

Устозга бош эгади. Дарсдан ҳайдалган ўн беш минут улкан бойлик берганини айтмаса-да, ундан миннатдорлигини бир умр унутмайди...

Энди мактабнинг зинапоялари ҳам маънавий юксакликка олиб чиқаётган илохий нарвон, китоб у ерга нур сочаётган қуёшга ўхшарди.

- Мумкинми?

Қаҳхоров “ялт” этиб унга бокди, ўқувчидаги ўзгаришларни дарров сезди. Ва “Сени ҳайдамаслигим керак эди, болакай!” – дея кўнглидан ўтказди.

- Узр, домла, иккинчи қайтарилмайди! – дейиши билан Санжар даст ўрнидан турди-да:

- Устоз, асли айб менда, уни кечиринг! – дея гуноҳкорона бош эгди.

Қаҳхоров мўлтираб турган Санжарга, қўзлари чакнаб шууридаги чароғонликни намойиш этиб, ҳаммани ҳайратга солаётган Улугбекка қаради-да:

- Яхши! – деди.

Улугбек партага ўтириб, ўзини синфдошларига нисбатағулгайиб қолгандай туйди.

У шеърият сехри билан маст бўлиб қолганди... Сўз сехри умрлик тақдирини белгилаганини ҳали англаб етмаган бўлса-да ҳаётидаги улкан ўзгаришдан боши осмонда...

Йиллар ўтди. Шеърият Аллоҳ берган энг гўзал, тотли ви ҳаётбахш неъматга айланди. Институтни битиргач, қатоқ китоблари босилиб чиқди, унга қувонч, шон-шуҳрат олиб келди. Ўшонир сифатида эл ичра танилди. Янги довон ошганда, жонини жабборга бориб ижод машақкатларини енгаётган чоғларда ҳам ўши ИЛОҲИЙ КУН ҳамон шеирнинг кўз олдида туради, вужудига куч кувват, ишонч ва журъат багишлайди.

Улугбекнинг назарида, курагига нуқийвериб бозор қилган Санжар, қаттиққўл Қаҳхоров икки қўлидан етаклаб шеърият, ижод касрига олиб кирган фаришталар каби эдилар...

## КЎЗ ЁШ

### Ҳикоя

Зуфар янги “Мерс...”ни стоянкага кўйиб, автомат қулғ тутмасини босаётганда телефонига SMS келди. У янги хабарлар блокини очди.

“Ака, тез келинг, онам оғирлашиб қолдилар! Асқаржон”.

Бундай хабарлар авваллар ҳам келгани учун Зуфар парво килмади. Онаси касал вақтларида гоҳ ўрмалаб кўчаларга чикар, “Бетобсиз” дейишларига қарамай, ҳовлида толиккунча ўтиришини канда килмасди. Умри тугаб борар, ҳаётга тўймас, ҳамма билан гаплашиб, кўчага – катта ўғли Зуфарнинг йўлига кўз тикарди. У эса ҳадегандан келавермасди... баъзан шошилиб келар, “Яхшилиз-ку!” дей тезда кетиб қоларди. Хотиржам суҳбатлашиб ўтиргани бирор марта вақти бўлмаган. Она эса унинг дийдорига тўймасди. Ини-сингиллари уни бемехрликда айблаб, гина килган, ҳафа бўлишгача борган.

Зуфар ўн кундан бери онасини кўрмаган бўлса-да, SMSда Асқаржоннинг кўнгли бўш, ваҳимачилиги акс этгандай ўзини хотиржам тутди. Телефонни машинада қолдириб, хотини ёзган узун рўйхат билан бозорга кириб кетди.

Биринчи чиқишида бозорнинг учдан бири, иккинчисида асосийларини тинчтди, учинчи сафар ҳалта тўлдириб чиқканда уч соатдан ўтганди. Юкхонани тўлдириб, рулга ўтирганда яна телефони овоз берди. Укаси жонига теккандай у билан хушламайгина боғланди.

-Ха, нима дейсан?

Саволи кўпел чиққанига заррача эътибор бермай газ босди. Асқаржоннинг юмшоқ овози титраб чиққани учун сал хушёр тортди.

-Ака, қаердасиз?

-Нима гап?

-Онам...

Асқар йиғлаб юборди, Зуфар яна жаҳлланиб, укасини сўкиб юборишига бир баҳя қолди.

-Гапирмайсанми, нима бўлди?

-Хеен ака... – деди Асқаржон ҳафсаласиздай, ўзини босиб гапираёттани билиниб турарди, -. тез келинг, онамни бериб кўйдик...

-Нима, нима дейсан?!

Кисқа гудок эштилди. Зуфарни айбдорлик хисси қоплади. Ўн кундан бери ишни баҳона қилиб, онани кўргани боролмагани туфайли юрагида аччиқ надомат пайдо бўлди. Ўзини айблашдан кочиб, ғулдираб сўкиниб кўйди.

Бизнеси юришиб, катта-катта даромадга эга бўлса, баъзан иш ўхшамай зиён келса ўзини қандай тутишни, вазиятдан чиқишини билади, аммо она вафотини эшитса, нималар лозимлигини хаёлига келтирмаганди. (Дадаси ўлганда у ёш бола эди).

Унинг дарди катта фойда, пул, янги тармоқлар очиш...

Она оғирлашганда вақтлари укалари мижжа қоқмай қарашади, доктор чакиришади. Аммо у “Қари одам касал бўлади, оғирлашади, ҳатто ўлади!” дега ўзини хотиржам, лоқайд тутишга ўрганиб қолган.

Бирдан миясига “Энди онам йўқ!” деган оғриқ урилди. Лекин бояги лоқайдлик қалбida тугилаётган меҳрни кўмиб юборди.

Үйда тумонат одам. Қариндош-уруг, маҳалла-кўй, танишлар...

У даҳлизда ўтирганларга эътибор бермай, катта уйга кирди-да, оstonада тўхтаб қолди.

Тўрдаги диванда жағи танғилган онани кўриб, юраги “шув” этди. Юзидаги совуқ сокинликка бардош беролмади. Кейинги лаҳзаларда унга қараш азоб ва тушкунлик уйғотарди, холос. Ўлимни эсга соладиган бу кечинма она томон юриш истагини чилпарчин қўлди.

Боя – уйга кираётганда қараб, “аҳмоклик” дега юзини тескари буриб, она ётган уйга қараб юрганди. Ҳозир эса “Она ўлди, нега юрагимда қайғу йўқ?” деган савол қийнарди.

У ортига қайтиб, бундан оғир, виждонни қийнокқа соладиган вазиятга дуч келди. Икки укаси “Онам!” лаб кўз ёш тўкар, яноғидан юмалаётган қайнок томчилар - жудоликни оғир олишаёттанига далиллайдай эди. У ҳам йиғламоқчи бўлди, аммо кўзига ёш келмас, одамлар олдида хижолатдан ерга киргудай бўларди...

У - кўзга кўринган ишбилармон, аммо ҳозир ўзини нотавон сезди. Нигоҳларга дош беролмай азахонани иккига ажратган парда

узра аёллар томон бүйлади. Сингиллар айтиб-деб, юм-юм йиглашар, скамейкага тизилган аёллар уларга караб пичирлаб күйишпарди.

У эркаклар томон юрді. Дарвозахона ва чиқаверишда саф тортиб турғанлардан күзини узиб, ўртага каради. Иккى укаси болалари билан ўргани тұлдириб йиғлар, қайноқ ёшларда онага меҳр, ҳаёт ва ұлим ҳақида рухиятта тошиб кирадиган сирли ҳикмат бор. Зуфар буни англамади.

Орсизлик ва исноддан ерга қараб үйланди: “Анави тиранчалар селдай ёш түкканды нега мендан томчи ёш чиқмайды! Ҳеч бұлмаса, боядан бери ҳаёлимдан кетмаёттан жағи танғилган она қиёфаси қўнглимда йиғи қўзгамайди-я?!” Назарида, жанозага келгандар икки кичик ўғил ва ёнидаги болаларига чин юракдан таҳсин айтишаёттан, ўзига эса нафрат билан қарашаёттан эдилар. Зуфарни тер босди, вужудини ёқимсизлик эгаллаб, қўнгли айниди. Ток тагидаги узун стуяга ўтириб тугмаларини бушатиб чукур-чукур нафас оларкан, “Укаларим пахталик тўндаям терламасдан, нафаси кайтмайди, мен битта куйлакда сув бўлиб кетяпман, шу терлар кўзимдан ёш бўлиб тўкилса бўлдмайдими? Нега шунаقا эмас?!” деган саволлар яна қўйиқни давом эттиради.

Укаларига, топармон-тутармон, пулдор эмаслиги учун назари илмай, беписанд қараб катта хатога йўл қўйганини үйлаб ижирғанди.

Шу пайт катта сингил пайдо бўлди.

-Кийиб олинг, ака, расми шунака... - дея дўппи, чопон ва белбог узди. У ичкарида барини кийди, аммо қовушмай турганидан сездики, у бирордан сўраб олинган...

Ичкарида кийиниб чиқиши билан яна ўша синглига дуч келди. “Нима демоқчисан?” дегандай қараши билан сингил:

-Ака, - деди ёшли қўзларини тикиб, - ўртага тушиб “онамлаб” кўйинг, одамлар кулмасин...

Бу гап ўлганинг устига тепгандай бўлди. Аммо сингил – ҳақ! “Эй Худо, - ичида илтижо килди Зуфар, - мен ҳам шу онамнинг ўғлиман, аммо нега йиғидан асар йўқ? Йиглаганда ёш қаердан келади? Мияданми, юракданми ёки онага бўлган мухаббат яшаёттан жойданми? Агар шу ердан бўлса мен онамни яхши кўрмас эканман-да! Хурматни бошқача тушуарканман-да! Э, худо мен нега бунақаман?”

Зуфар йиглашни билмаганидек, күз ёш келадиган жойни ҳам тополмасди...

Бирдан дарвозахонадагилар гур этиб ўринларидан туриб, күл қовуштириши. Оқсоқолларни эргаштириб, кекса педагог, қишлоқнинг энг обрўли одами Мурод ҳожи ҳовлига кириб тўғри Аскаржоннинг олдига борди ва уни бағрига босди.

-Онамизни бериб қўйдик, ота!

Аскаржон отанинг елкасига бош қўйиб, күз ёш тўқди, дардини изҳор қилди. Кекса педагог нуронийга хос салобат билан унинг елкаларини силади.

-Бу иш ҳаммамизнинг бошимизда бор, болам! – деди у донишманд овозда, - кўп куюнма, онанг раҳматли, жуда меҳнаткаш, сарншта аёл эди, жоци жаннатда бўлсин!

Мурод ҳожи уни бағридан бўшатиб, елкасига қоқди.

-Худо сизларга сабр берсин. Бу онангизнинг тўйи, болам, тўйи! Раҳматли ҳамманинг меҳрини қозонган, дуосини олган! Касал ёттандада қарадинглар, дуосини олдинглар, кам бўлмайсизлар!

Отанинг ўз вактида айтилган гаплари, салобатли овози ҳамманинг эътиборини тортди, бугунги маросим жаноза бўлса ҳам улар қалбига илиқлик солди, айниқса, Аскаржоннинг кўнглини тоғдай кўтариб, дардини енгиллатди.

Ота шундай эҳтиром билан кичик ўғилдан ҳам кўнгил сўради. Зуфар унинг олдига ўзи борди. “Бандачилик болам, бандачилик!” дей елкасидан олди-да, катталар ўтирган уйга кириб кетди. Зуфар шу лаҳзаларда отада бир умрлик меҳнат, савоб, яхши фазилатлар билан етиладиган улуғлик, юксак ҳурмат, эл назарини ҳис қилдию, шундай одам тирранча укалари билан отасидай сўрашиб, ўзи билан шунчаки кўришганидан кўнгли чўқди. Қишлоқда – тугилган ерида кам бўлиши, отани бир неча йиллардан бери кўрмагани, бу киши онасидан кўп бор хабар олгани келганда Зуфарни кўрмагани туфайли унга сабоқ дей бундай муносабатда бўяганини хаёлиг келтирмади, аммо укалари ва яқин қариндошлари отани ҳам Зуфарни ҳам тушуниб етишди.

Мурдашўйлар онани ювиб чиқишигач, кичик тога ўғилларни ичкарига жамлаб, жаноза, қўмиш ва кейинги маросимлар билан боғлиқ ишларни тушунтириди. Гўрковга ва муллаларга бўриладига хизмат ҳақини гапирганда Зуфар дарров чўнтак ковлади.

-Овора бұлманг, ақа, - деди кичик укаси Зайниддин йиғидан ҳасталанған овозда, - Асқаржон акам билан маслаҳатлашиб, синфдошим Икромга бериб құйғанмиз, ҳаммасини ҳисоб-китоб килади.

Зуфар унинг овозида гина-кудрат, таъна сезмагани учун бир нарса дейишига ботинолмади. Аммо ўзини камситилган ҳисоблаб “Нега бундай бўлиши керак?” дея ичиде норозилик туғилди. Боядан бери зимдан кузатиб ўтирган тоғанинг қовоқ соганини сезиб, Зуфар ўтирган ерида бир газ чўқди. “Укаларим ўзини кўрсатиш учун шундай қиляпти!” деган мулоҳазага борди.

-Боягина гўрков билан телефонлашдим, қабр ярим соатдан кейин тайёр бўлади, - деди Асқаржон иш бошида турган тоғага ҳисоб бергандай. Тоға унга “Яхши!” дедио, бирдан ташқарига чиқиб кетди. Орқасидан чиқиши ҳам, ўтираверишниям билмай туришганда у қайтиб кирди.

-Жанозани соат тўртга чақирамиз, ҳамма жойига, одамлар келяпти.

### Тарқалишди.

Зуфар пули кўпайса кувонарди, янги машина, дадиғиллама уй-жой билан мағтаниш жону дили эди. Қачон қарасанг, аллакимлар билан бирни юз, юзни минг қилиш учун куйиб-пишар, молу давлатини кўз-кўз қилиб укалар ўзидан пастдалигидан фурурланарди, уларни ёнига олиб, иш ўргатиш ҳақида тоғалари гапирса, ўзини тортарди. Сабаби кейин маълум бўлди: хотини “Пул, бизнесингизга уларни аралаштируманг!” - дея донолик килган. Зуфар катта молу давлатга эришдио, инсонийликнинг ноёб кирраларини унугди. Ини-сингилларидан, қариндош-уруғлар, маҳалла-куйдан узоклашди, хатто туккан онасига меҳри, воҳибчилиги қолмади. Синфдош дўстлари йигинга чорласа назари илиб келмас, уларни ўзидан паст одам деб карайдиган бўлди. Кейинчалик улар ҳам Зуфарни унутишди.

Ҳамма соҳада биринчи бўлишни истарди, аммо онага меҳр бериш, иссиқ-совуғидан хабар олиш, касал бўлса тун бўйи тепасида ўтириш, кўнглини кутариш масаласида эса охирги ўриндан пастда эди. Ини-сингиллар қилаётган иш майда-чўйда, ҳашаки туюларди. У ҳеч кимнинг қалбида йўқ эди.

Она ўтишидан олдин бир неча марта доим тепасида турадиган болаларини роса дуо қилди, номларини битта-битта тилга олиб

яхши ниятлар тилади. Айниңса, Асқарали билан Зайниддинга құни-күшни, қариндошлар гувохлигіда яхши амаллари учун Худодан катта-катта ажрлар сүради. Ағсуски, бундай илохий, нурлы лаҳзаларда Зуфар йүқ әди.

Зуфар онага қарашни бир ойда бир келиб майда-чуйда егулик ё дори-дармон ташлаб кетишден иборат ҳисобларди. Онага эса фарзанд дийдори керак! Үзининг ғаниматлуги, дуолари ижобат эканлигини тушунишини истарди.

Хамма жанозага сағланди. Одамлар иккى укани олд қаторга үтказишиди. Имом Зуфарни имлади.

-Хар эхтимолға қарши онанинг бирорда қарзлари ё бошқа олди-бердилари бўлса, хужжат билан келса тўлаб кўясиз, хўпми?

Зуфар шошганча “Хўп бўлади” деди. Аммо жойига тураркан, “Тўксонга яқинлашган онамнинг қандай қарзи бўлди?” дей таажжубланди. Шу лаҳзада “Балки онамдан менинг қарзим бордир?” деган фикр миясига урилиб, хотира қатлари очилди. Болалиги, ўқиёттган йиллари, катта бўлганда ҳам онанинг меҳрибончиликлари, молу давлат билан ўлчаб бўлмайдиган ғамхўрлиги ёдига тушдию, “Қайси бирини узолдим?” дей қалби ларзага келди. Жаноза хутбаси тугаб, ҳамма дуога кўл очганда “Омин” деган овозлар хаёлини бузди.

Тобут кўтарилиб, қабристонга юрилаётганда ҳам саволлар миясини пармалар, руҳиятига игна санчарди. Маййит қабр оғзига олиб келинди, ҳамма атрофга жойлашди. Гурков юпқа чопонини ечиб қабр айвонига тушди ва ўғилларга қараб:

-Онани қабрга ким қўяди? – деди. Бу пайтда Асқаржон тўнини ечиб, дўпписини олган ва укасига узатаётганди.

-Ўзим қўяман! – деди ва гўрков ёнидан қабрга кириб кетди. Атрофдан кексаларнинг “Балли, болам!” деган олкишлари эшитилди. Воеа бир дақиқада рўй бергани учун Зуфар яна ғафлатда қолди. Катталар Зуфарга қараб қўйди. Асқаржоннинг “Ака, қўясизми?” демай, эпчиллик килгани Зуфарга хақоратдай туюлди. Аммо жасад узатилаётганда яқиндагилар ва гўрков Асқаржонга “Ундай ушла, бундай торт” деб туришлари Зуфарда аллақандай кўркув, юрагида қоронғилик уйғотиб, қабрга тушмаганидан хотиржам қилган бўлсада, бир неча сонияда “Катта ўғил сифатида шу ишни мен қилишим керак әди” деган фикр уйғотди.

Қабристондан қайтилди. Зуфар зиммасидаги мухим ишни бажаргандай ҳис қилмади ўзини. Ўлим хабарини эшигандан бери хато ва камчиликларини эслатган воеалар уни тинч қўймаётганди. Миясини пармалаган биринчи савол: “Наҳотки, онам ўлиб, қабрга қўйилгунча бир томчи ёш тўколмасам!?” эди. Одамларга қўзи тушганда “Бу боланинг дийдаси тошдан қаттиқ экан, онаси ўлиб кўзига нам келмади-я!” дейа ўйлаётгандай туолар, ўзини улардан ироқ тутишга ҳаракат қиласди.

Ҳар сафар “Малибу”ни учирив, қишлоққа гердайиб келса, айримлар у билан сўрашгани ботинолмас, Зуфар бундан турурланар, онаси олдига ҳам шундай викор билан кириб чиқар, ини-сингиллар билан орасини ўша – бойлигига кувониш, инсон кадрини бойлик билан улчаш тушунчаси ажратиб турарди. Ўртадаги масофанинг узоқлашгани ини-сингилларни бир-бирига яқинлаштирав, Зуфарни эса бошқа инсоний фазилатлардан – яқинлар дардини ҳис қилиш, унга малҳам қўйиш, кўнгилни тушуниш, катталар дуосидан жудо қилиб бораради. Ўзидан бошқани тан олмаган болага бу жудолик онани тупроққа топширишдан оғирроқлигини ким тушунтиради?

Мозордан қайтганлар дарвазахонада фотиха ўқишиди. Шу пайт жанозага кечиккан Аскаржоннинг қадрдонлари келди. Уни бағрига босиб, кўнгил сўрашганда Аскаржон билан Зайниддиннинг кўзидан яна дув-дув ёш тўкиларкан, Зуфар бизнеси юришган, пачка-пачка пуллар, даста-даста долларлар олдида лаззат оғушида қолган дамларни эслади. Аммо бу кўзёшлар унинг бойлигидан қимматроқ, тадбиркорлик, таниш-билишчилик билан топиб бўлмаслигини ўйлаб, ўзининг қашшоқ ва ғариб эканини тушуна бошлади.

Эртасига фотиха бўлди. Юзлаб одамлар тонг-саҳардан дуо учун, мархумнинг хурматидан ёғилиб келарди. Зуфар укалари ёнида тураркан, муялланинг кироат билан тиловат қилгани руҳига ором бериб, эзгуликка етакловчи оҳанги Зуфарнинг тош қотган калбини юмшата бошлаганди. Мархумнинг охиратига кушойиш тилаб билдирилган тилаклар унинг кеча қоронғилашган қалбига шуъла солаётгандай бўларди. Онадан яхшиликлар кўрган, дуоларини олганлар болаларига дил сўзларини айтишаркан, Зуфарнинг кўнгли кўтарила бошлади. Оддийгина, меҳнаткаш, ҳаммани дуо қилиб юрадиган муштдеккина онаси қачон, қандай қилиб шунча одамнинг меҳрини қозонолганига ҳайрон. У бошқа

фотиҳаларда күп қатнашган, узок йил амалдор, пулдор бўлиб яшаган катта-катта одамлар ҳам бунча ҳурмат қозонмаганини ўйларкан, онасига нисбатан ҳурмати, меҳри орта бошлиди.

Одамлар оқими пасайганда онасининг ёшлиги, ўзининг болалигини эслади. Отаси Карим ака кутилмаганда вафот этиб, уч ўғил ва икки қиз ёшгина онага қолган, катта оиласининг қанча юки бўлса, тақдир барини унга юклаган эди. Онаси далада ишлар, молқўйларга ўт юлар, пиширган овқатларини бригада аъзолари мақтаб ичишар, колхоз ишларидан ортиб, ўз томорқасига чопарди. Болаларини оқ ювиб-оқ тарапди, меҳнаткашлиги аъзолар ўртасида обрўсини оширади. Баъзан ўзидан ортиб, қўшни, қариндошлар томорқасига ҳам бетаъма, бегидир қарашавериши, ширин тиллиги ҳаммани ҳайратда қолдиради. Йиллар давомида, болалар оёқка тургунча чиройли хулқ-атвори, меҳнатсеварлиги билан кўпчилик қалбидан жой олиб улгурди. У – оиласига садоқатли, болам деб, уйим деб яшайдиган энг яхши инсон мартабасига эришиди. Бу мартаба фарзандларини ўқитиш ва уйлаб жойлашда аскотди. Одамлар қараб туришмади.

Ўша даврда онаси Зуфарнинг хозирги ёшида эди. Бирор марта меҳнат, болалар ташвиши, рўзгордан нолимаган, қисмат елжасига ташлаган залворли юкни мардона кўтарган. Зуфар – катта фарзанди бўлгани учун алоҳида меҳр берган, бўй-бастига қараб қувонган, отасиз бўлса ҳам ўкситмай ўстирган, олийгоҳда ўқитган. Аммо...

Йиллар ва одамлар, шаҳар хаёти, пулга хирс кўйганлар билан яқинлашув, аниқса, хотиннинг таъсири уни бошка одамга айлантириди. Хотини бой хонадонда ўсгани учун онани назари илмас, уйдаги шароитдан сира қониқмасди. Зуфар ҳам Она бағрида ўстирган камтарона ҳаёт, ҳалоллик билан пул топишда орзуларга етадиган имконият ва жўшкин келажакни кўрмади. Тезда бойиб, данғиллама уйларда, сўнгги русумдаги машиналар миниб яшаш иштиёқида ёнарди. Нихоят, она қаршилигига қарамасдан хотини Зуфарни кўчириб кетишга муваффак бўлди. Зуфар қисқа вақтда ўз яқинларидан узоклашиб, ҳамкорлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Она ва туғишганлари бир ойда кўрса бўлаверадиган одамларга айланди...

Ини-сингиллари маъракагача уйларига боришмади. Ҳар куни ёшлиги, оғир йиллари, хурсандчилик билан кечган даврлари билалар учун қилган фидоийлигини эслаб руҳини шод килишарди

Номини тилга олишганда кўзлари чараклаб, қалблар қувонар, ҳар эслашдан кейин Худодан жойи жаннатда бўлишини тилашарди. Ёркин, гўзал хотиралар тилга олинса, юракларда ёруғлик, ширин туйгулар тўлиб тошарди. Зуфар Мурод ҳожининг “Бу онанинг тўйи” деганини эслаб онага нисбатан меҳр, ҳурмат пайдо бўлаётганини сезарди. Кўзига ёш келганга ўхшар, юраги юмшаб, руҳий хотиржамлик туйгандай бўларди.

Маърака куни собиқ бригада бошлиги, ҳозирда тўқсонни коралаган Раҳим ота келиб, онанинг ҳаққига қуръон тиловат киради. Хотираларидан сўзлаб берди.

-Кучли, мустаҳкам иродали инсон бўлган. Отангиз ўлганда сизлар ёш, у эса кучга тўлган, гулдай очилган вакти эди. Не-не одамлар катта-катта ваъдалар билан совчи қўймади, аммо раҳматли онангиз эрга тегиб хузур-ҳаловат кўришдан сизларни оёққа турғизиб, элга қўшиш машаккатини афзал билган. Ва умрининг охиригача унча-мунча одам этагида намоз ўқиса бўладиган даражада ҳалол, покиза яшади. Бошқача айтганда онангиз мисоли фаришта эди! Жойи жаннатда бўлсин, илоҳим!

Зуфар онасининг ўша йиллари билан хотинининг бугунги ҳаёти осмон билан ерча фарқ қилишини, агар хотини бошига шундай кун тушса, бир минут чидолмаслигини ўйларкан, унинг фикри билан юрган йилларидан нафратланиб, онасидан хабар олмаган кунларига лаънатлар ўкиди... Бирдан юрагида онага нисбатан ачиниш, меҳр пайдо бўлди, уни соғинтириб хўрлаганини хис қилиб ўпкаси тўлди ва кутилмагандан ўкириб йифлаб юборди. Кўзларидан дув-дув ёш куйилар; баъзан ёш боладай ҳикиллар, ўпкаси тўлиб нола қиласарди. Энг муҳими, қалби руҳияти яйрас, қайнок кўз ёшлар қаердан келаётганини тушунганди...

2015 йил, Сентябрь, Чорток.

## ОСМОНЛАРДА ЮРГАН ҚИЗ

### Ҳ и қ о я

Кузнинг илиқ кунларидан бири. Клубга коллажнинг энг фаол, номлари ҳурмат билан тилга олинадиган ўқитувчилар ва талабалар тўпланган. Устозлар байрамига бағишланган танловга шеър, кўшик ва рақс ижро этувчи истеъоддларнинг чиқиши ҳайрат билан кутиб

олинар, таассуротларини айтиш учун бир-бирларининг қулокларига шивирлашади, гоҳ қарсаклар, гоҳ хуштаквозлик билан ҳис туйгуларини изхор этишади. Битирувчи Суманбар “Устозлар”ни қўйлаганда зал нафас олишини ёддан чиқарди, оҳанглар ҳайрат бўлиб кўзларда балкйди. “Камолот” етакчиси Шодиянинг муҳаббатни тараннум этган шеъри ёшу қарини сўз санъатининг сехрли оламида маству бехуд қилди.

Бирдан давра жонланди, гувранди. Ҳамма шўх мусиқа қанотида даврага чиқсан Гулшодага қаради. Энг тўпалончи болалар ҳам рақкосанинг қитиқловчи имо-ишоралари, ўтли табассумларига маҳлиё. Чаросдай кўзлар ва қалдирғоч қанот қошлилар гўзал маъно ифадалаётгандай, унинг истеъодд киррасини очиб берар, жозибали ҳаракатлари томошабинлар завқини жунбушга келтиради. Кўлларини икки ёнга ёзиб айланганда ҳаракатларини илоҳий куч бошқараётгандай томошабинлар қийқириги, қулокни коматга келтирувчи қарсаклар зални титратиб юборарди. У хуштаклардан илҳом олади, рақснинг авж нуктасига келганда бир сакраб тиззаси билан ўтириди-да, сўнг даст ўрнидан туриб, оқкуш мисоли даврани айланади. Этаклари хилпираганда ўзи ҳам шўх-шўх жилмайиб кўяди.

Бойвачча йигитлар хурмат-эҳтиромини, баъзилари севгисини изхор килиш учун гулдаста билан рақс тугашини кутишарди.

Дилшод навбат охирида. Гулшода уни ва севгисини кўпам назари илмаслигини, унинг учун гулдастаси қадрли эмаслигини билади. Аммо “Севганимга гул беряпман!” деган кувончли лаҳзалар оғушида кайфиятини ушлаб туради.

Куйлак қаноти қиз билагига заррин занжирча билан боғланган, қўлларини кўтарганда оқкуш учайданга ўхшарди. Эркин лаҳзаларда гулдаста ушлаганларга кувонч билан им қоқар, олқишилардан яйраб кетарди.

Рақс тугади. Қарсаклар акс-садо берди. Гулшода шон-шухрат туйгуси, олқишилар бунчалар ширин ва қалбни ларзага соглупчилигини анчадан бери ҳис қиласи ва унга астойдил ружу қўйган. Бойваччаларнинг гулларини “Минг раҳмат, мени хурсанд килдингиз!”, “Вой мунча ажойиб гуллар!”, “Оҳ-оҳ, мен истаган гўзалик!” дея шоду хуррамлик ва илтифот билан олиб бўлгач, Дилшодга кўзи тушдию, шунчаки “Раҳмат!” дея эгилди. Йигит оддий ошиқлиги, гул бериш завқигина руҳини кўтариб турғанига

кўнинкани учун ўзини камситилаётганига парво килмайди ва хафа бўлишни ҳаёлига келтирмайди. Севги ниҳоли ниш урган илк дақиқаларида ҳам унда висол умиди бўлмаган. Қизнинг баҳорий малоҳати шуурига ёркинлик соганидан бахтиёр, аммо табиати кибр-ҳаво билан йўғрилганини яхши билади.

Ўнинг совғаси катта-катта гулдасталар ичидаги кўмилиб кетди. Ҳамма таркалаётгандаги сумкасини олиш учун синфга кирмокчи бўлди. Кия эшикдан кизлар кўринди. Гулшода ҳавас ва ҳасадли нигоҳлар ҳафтидаги бир оёғини стулга кўйиб туфлиси бантикларини счаётгандаги этаклари тиззадан тепарокда турар, кинодаги гўзалдай чиройли эди.

Синфдан овозлар эшилди. Ҳолида Дилшод ҳақида гапириб Гулшодага юзланганда йигитнинг нигоҳи унга тушиб колди.

-Мен, - деди Гулшода беписандлик билан, - бунақа латта ошикларнинг гулига...

Коридорга кизлар шовкин билан киришаётгани учун Дилшод гап давомини эшитолмади, аммо ошиқни камситувчи оҳангни сезиб, юраги "шув" этди... Ва киз учун пок севгидан катта-катта гулдаста берувчи бойваччалар устун эканини яна бир карра тушуниб, юраги дарз кетди. Кўзлари тиниб, боши айланди. Индамай сумкасини олди-да, ачинган кизлар нигоҳини енгиб, ташқарига чиқди. Ҳўрланган, ҳақоратланган боладай ғарип ва мунгли эди...

Тушкунлик уни бир ҳафтағача тарк этмади.

Якшанба куни синфдоши Ҳолида китобга келдию, йиғлаворишига бир баҳя қолди. Дўстини овутгани сўз айтмолмаган, Гулшоданинг муносабати Дилшодга бунчалик оғир ботганини билмаган экан. Ҳозир меҳр тўла сўзлар билан мустақил ҳаёт, омад ва нурли истикбол остонасида турганини айтиб кўнглини кўтаришга интилди. Аммо Дилшод руҳий зарбани унутишга кийналарди. Ҳолиданинг парвона бўлишлари дилига ёруғлик сололмас, ҳаётдан кўнгли сөвуб бораётгани ғамнок кўзларидан яққол сезилиб турарди. Сикилиб кетган Ҳолида:

-Дилшод!- деди кўзларини катта-катта очиб, - у кайгуришингтта арзидиган киз эмас!

Ҳолида ақлини танигандан бери Дилшодга бундай жиддий ва таъсирчан гапирмаган. Йигит қалбига бир катим ипдай ёруғлик, мўжизани кўрганда пайдо бўладиган ҳаяжон ва енгиллик оқиб

кирди. Ва у “ялт” этиб қизнинг кўзларига қаради. Ажабо! Ёшлик малоҳати уфурган қароғида сехр, қалбни овутадиган таскин, туйғуларни жунбушга келтирадиган гўзаллик бор!

Ҳайрат ва таажужубга тўлган Дилшод киз нигоҳидан кўзини олиб қочди. Аммо бир неча сониядан сўнг яна карагиси келди. “Нега аввал бу кўзларга эътибор бермаганман?! Гулшо хўшимни олиб, бошқалар гўзллигини ҳис қилолмайманми?!” – саволлар унинг юрагида ҳайронлик туғдирибгина қолмай, аламли туйғулар ўйғотарди. Лекин киз қалбини очиб бораётган сехрли лаҳзалар Дилшод кўксига шуълавор туйғулар олиб киаркан, дарди аританини ҳис қила бошлади. Гўзлликни ҳис килиш ва ундан баҳраманд бўлишдан ташқари, қадрлашни ўрганиш зарурлиги миясига қуишиб бораётганди.

Қалбига кулоқ солди: Гулшода келтирган қайғу ўрнида яшаш иштиёқи, муҳаббат туғилмоқда!

Дилшод хаёлига келган фикрларни айтгиси келди.

-Рахмат, Холида! – деди у, - кўнглимни кўтарадиган сендай дилдошим бор, энди ғам чекмайман!

Ҳар учрашувда Холиданинг самимияти, беғуборлиги очилар, киприклар орасидан қуиляётган ипакдай мулойим табассум руҳий зарбалар асоратини хайдаб, ўрнига меҳр-муҳаббат жойлаётгандай бўларди.

Дилшод ҳаётга, жўшкин фаолиятга қайтди. Университетга кириш орзусини рӯёбга чиқариш учун устозлардан сабоқ олди, кунт билан ўқиди. Холида унга йўлдош, елкадош. Бирга дарс тайёрлашади, зерикишганда шаҳар боғида айланишади. У китобдан билим, киздан муҳаббат сабоғини олади.

Тест синовларининг масъулиятли соатлари ўтиб, натижалар эълон қилинадиган хузурбахш соатлар келди. Дилшод Тошкентда, Холида Кўконда, бир-бирларига қўнгироқ қилишди. Қалби тоза одамнинг омади келиши рост! Улар гранд асосида ўқишга қабул килинди...

Орадан икки йил ўтди, улар учинчи курсда пахта теримидан, қайтишди. Икки кун дам олгач, вокзалда Холидани кутаётган Дилшод Гулшодани учратдию, ҳайратдан ёқасини ушлади. Кайфиятсиз, аввалги викордан асар йўқ, кийимлари ҳавас киларли эмас... Ўтган дамлар соғинчи ила саломлашишди. Дилшод юраги

тошиб турган бұлса ҳам үзини босди. Үртада пайдо бўлган нокулай вазияти юмшатиш учун Гулшода ўзи ёрилди.

-Уч йилдан бери ўқишига киролмаяпман. Энди онам билан Россияга ишлагани кетмокчиман...

Гулдаста кўтариб хаётини файзга тўлдирган ошиклари беором кўшлардай ҳар томонга учеб кетган, хаёти хазонрезги боғдай хувиллаб колганди. Дилшод унинг ғамгин кўзига, бир неча йил олдин ғунчадек чиройли бўлган, ҳозир омадсизлик изтиробидан бурилган лабларига ачиниш билан қаради ва ғарив кечинмаларни айтиб, қизни ҳафа қилишни истамади.

-Битта нарсани сўрасам майлимий? – куттилмаганда савол берди киз. Дилошднинг хаёли булинди, кўксидаги ачиниш туйғуси таъсирида бирдан хушёр тортди. Ва кизга тикилиб қорачигида надомат изларини кўрдию, йиллар давомида у туфайли пайдо бўлган алам ва нафрат туйғуси кучини йўқотгандай бўлди.

- Бемалол...

- Ўшанда... - камтар ошиқни назарга илмай юрган кезларни кўзда тутгани ғамгин кўзларидан билиниб турарди, - сенга эътибор бермаган эканман. Ҳатто гулингни...

- Шунақа бўлган!

Бу сўзлар алам билан, ўкинч билан отиларкан, иккала вужуддаги хаёл тулпори ўкувчилик даврларига бир лаҳзадаёқ учеб борди ва икки ўртада анча вақт сакланган жарликни ёдга солди.

- Очиғини айт-чи, мени чиндан севармидинг?!

Дилшод аламларини тўкиб солмоқчи эди, аммо воқеалар сабоги илиа хаёттага теран акл, соғлом қалб билан қарай бошлаганда кизикиш туфайли шуурига сезилган содда туйғуларини ва гўзалликка ошуфталикни илк севги деб, хато қилганини, ҳақиқий муҳаббат Холиданинг меҳри, дўстлиги туфайли туғилганий ўйлаб, фикридан қайтди.

Бу ҳақиқат Гулшода юрагида дарз пайдо киласди, Дилшод эса жаллоғда айланади. Ахир, ўлганнинг устига чиқиб тепиш - номардлик, ноинсофлик-ку?!

Аммо Гулшода йигитнинг “Ха, севгандим!” дейинидан умидвор. Биргина шу сўз уни тушкунлик ботқоғидан чиқариб, янги хаёттага йўлланма берар! Ким билсин...

Дилшоднинг қайғули хотиралари гурурини кўзғаб юборди. Уткинчи туйғуларни илк севги деб кечирган оқшомлари, хижрону

соғинчлари энг гүзал дамлари сифатида хотирасига ўрнашиб колган, бу покиза хотираларни қўзғаб, хира торттиришдан нима наф?! Ахир, у янги хаёт оғушида баҳтиёр-ку!

-Энди бунинг кизиги йўқ! - деди у билин-билинмас асабийлик билан юзини четга бураркан.

- Агар сир бўлмаса, ҳозир кимни севасан?...

Шу пайт катта йўл бўйига оппоқ "Ласетти" тўхтаб, юзларидан гўзаллик ва баҳтиёрлик уфурган, янги урфдаги куйлаги ярашган Холида тушди. Дилшод кувонч билан унга қаради. Гулшода бу қараашни ўз саволига жавоб деб англаркан, юрагининг нозик жойини аччик алам, надомат туйғуси тилиб ўтди.

- Мени жўшқин ҳаётга кайтарган, омадга руҳлантирган кизни!  
- деди Дилшод ўзи томон келаётган Холидага караб.

Гулшода ҳасад ва ҳавас билан қизга қаради. Унга беписанд муносабатда бўлған, кийимларини ҳам, ўзини ҳам назари илмаган, у бирорта йигит билан юрмаган дамлар лоп этиб хотирадан чиқдию, юрагидан аллақандай нозик ип "чирт" узилгандай бўлди.

Холида икковлари билан саломлашгач, Дилшоднинг билагидан ушлаб, кулогига нимадир деди. Йигит кулимсиради, сўнг бош кимирлатиб қўзини юмди. Холида сумкасидан телефон олиб бир неча тутмасини босгач, Гулшодага узатди.

- Илтимос, бизни расмга олиб кўйинг! Баҳтиёр кунларимиздан эсадалик!

Гулшода телефон аппаратни кўлга олаётганда баҳтиёр сўзи бадбаҳтдай эшитилди. Бирор юрагини эзғилагандай бўлди. Сўнг ундан алланарса "чирт" узилди, аммо нима эканини ўзи тушунмади. Уларни бир неча кўринишда суратга олиб бўлгач, теелфонни узатди.

-Мениям обкўйинглар!- деди ноилож.

Холида у томон, бу томондан мўлжаллади, аммо кўнгли тўлмади. Таваккал суратга тушириб, телефон экранига қаради. Ҳаётдаги ёлғизлик ва тушкунлиги расмда аниқ акс этган, кимнинг кўзи тушса, Гулшодага раҳми келиши мукаррар эди...

Икковлари вагон тамбурига чиқишигач, поезд бир силтандио, темир излар устидан катта куч билан илгарилиб кетди. Севишганлар Гулшодага кўл силкишди, аммо у ёнидан шиддат билан ўтаётган вагонлар олдида афтодаҳол суратда ерга караб, кўзларидан куйилмоқчи бўлган надомат ёшларини беркитиб

туради... Балки у орзуларга ҳавои шон-шухрат, ўткинчи карсаклар билан эмас, китоб ва мутолаа, илм олишга саъ-ҳаракат орқали етилахагини, яхши дўст, содик маҳбуб оргтириш учун эса камтар, меҳрли ва тоза қалбли бўлиш зарурлигини ҳозиргина тушуниб етгандир?!

Чорток,

2015 йил, ноябрь.

## СЕВГИ ГУЛИ

### Хикоя

Япроклар ўқ еган қушдай сўнгги маконига қулайди. Яциллари эса шамолни масхаралаб новдалар ортига беркинади.

Шерзод хазонлар видосини тинглаб, ҳамдардлик билан дараҳтларга пичирлайди. Бадани жунжикади, “Жемпер кийсан бўларкан” деган фикр билинар-билинмас афсус пайдо қиласди. Деканинг кутилмаган топшириги қулоғи остида тинмай жаранглайверади.

- Кечгача Мингбулоққа боринг, Ботир Ҳалилов касал отасига караш учун ўн кунга рухсат сўраган, гурухига раҳбарлик қиласиз.

У илмий иши масаласида Тошкентга, раҳбари Ғулом Жумаев олдига бориш учун такси гаплашиб кўйганди. Буортмани бекор килишта тўғри келди.

Кабинети томон одимларкан, деканинг “Илмий ишини ҳимоя киладиганларни пахта теримиға жалб килмаймиз!” деған ваъдасини эслатмаганидан афсус чекди. Бу ҳам майли-я, севгилиси Гулзорага билан ўн кун кўришолмаслигини ўйласа, дунё кўзига қоронги кўринади.

Кеча ўкишни бошлаган янги романни, кундалик дафтарини олди. Стол устидаги кўлланма ва хужжатларни саранжомлаб, кия очик деразани зичлаб ёпди. Чикиш олдидан деразадаги гулларга разм солдию, хонани кулфлади. Катта йўл бўйга чикканда Гулзорага кўнгирок қилиш мавриди келганини англади.

- Бугун далага кетяпман! - деди дабдурустдан.

- Нега?

Гулзорага деканинг ваъдасидан хабардор. Таажжубини бўрттириб саволга жойлади. Шерзод вазиятни тушунтириди.

- Ўн кундан кейин учрашамизми?

- Албатта!

Қизнинг содда ва беғубор безовталиги йигитнинг китмیرлигини кўзгади...

- Муддат тугагач, штаб бошлиғи: “Йиглаб қоладиган болангиз йўқ, яна ўн кун қоласиз!” деса, рад этолмайман, - дейиши билан:

- Бошлиғингиз бекорларни айтибди! – деди Гулзорга жаҳли чикканини яширолмай - Раҳбар деганлари ўйлаб иш қилса-да!

- Ўзига айтинг, менда отнинг калласидай юрак йўқ. Хуллас, асалим, на нашем судьбе есть десятидневная разлука!

Гулсора “Бугун кўришамизми?” демаслик учун сабрига суянган лаҳзаларда соғинганда кўришолмай, қўнғироқларига жавоб ололмай безовта бўлганидек, аразлай бўшлайди...

\* \* \*

Шерзод далага борганда қуёш оға бошлаётган, талабадар иссик кийимларини кияётган эдилар. У гурухни қабул қилиб одди.

Гурух талабаларига ўтган йилдан бери жаҳон адабиётидан дарс беради. Кўплари қишлоқдан келган, меҳнаткаш йигит-қизлар, бештўртта дангасаларини йўлга солса бўлади. У ҳаммаси билан бирмабир сўрашиб:

- Ўн кун бирга бўламиз, умид қиласанки, тезда тил топишамиз!

Талабалар, айниқса, қизлар жилмайиб кўйдилар.

\* \* \*

Гулзоранинг алами ичида. Кечгача Шерзоднинг қўнғирогига жавоб бермади. Тушдан кейин SMS келди: “Ишга бошингиз билан шўнгиган бўлсангиз ҳам бир марта овозингизни эшитай, асалим!”

У кеча учрашмай кетгани учун қизнинг юрагида беозор, ҳазилнамо қасос ўти ёнаётгани учун ўнта қўнғирокка жавоб бермади. У ўн биринчисида: “Бечоранинг юраги ушлаб қолмасин!” дей пичирларкан, алами тарқаб, хузур мавсуми қисмат эшигидан мўралаётган эди. “Инсофдан чикмайин!” дей боғланиш тутмасини босди!

- Алло, Шерзод aka!

- Нега телефонни олмайсиз? Шунчалик қасоскормисиз ё бошка мақсадингиз борми?

Шерзод алаокани узиб кўиди. Араз навбати йигитта ўтганди. Гулзора қўркиб кетиб, ўзини койиди.

Кечкурун Шерзод овқатланиб бўлғандиямки, телефони жаранг берди.

- Пахтакорларга оташин саломлар!

Гулзоранинг жарангли овози йигитнинг кайфиятни кўтарадиган шўх мусиқага ўхшарди.

- Ўзларига ҳам!

Шерзод домлалар орасидан сирғалиб чиқди-да, ариқ бўйидаги кўлбола скамейкага ўтирди. Минг йиллик адоват унутилиб, бир-бирларига тал бермасдан дил изҳор килишар, икки девонани эшигтган муҳаббат яйраб кетаётганга ўхшарди. Телефондаги пуллар тугади, аммо юракдан қайнаб чиқаётган гапларнинг ярми ҳам адо бўлмади...

Шерзод эрталаб ювингани чиққанда SMS келди: Аразчи бегимга хайрли тонг муборак! Яхши дам олдингизми? Сизни севувчи Г.”

Шерзод муносиб жавоб қайтарди.

Кунлар шундай давом этарди.

Талабалар билан юрганди, оқ рўмол ўраган қиз: Домла, сизни биттаси сўрайяпти!” дea томок қириб катта йўлни имлади.

Закан бўйида Гулзора туар, кўзлари қувончдан порларди.

- Чакиртирганим учун узр...

- Келинг, кўрганимдан хурсандман, ўшаағдан овора бўлиб...

Гулзора гапни илиб кетди.

- Атайлаб келсам ёмонми?

Фермер боғи томон юришди. Суҳбат пойма-пой сўзлардан иборат бўлса-да, бир соат давом этди. Ишкий ташниликни кондириш учун эса битта бўса кифоя килди...

Куёш даладаги ишлар якун топмай тоғ ортига тушиб кетаётганидан уялгандай кизара бошлади.

Кўлбола бекатда висолга тўйишмагани кўзларида балқиб турганда шаҳарга катнайдиган такси тўхтади...

Куттилмаганда Шерзоднинг телефони сувга тушиб, ишламай колди. Қишиюқ пайнетидаги уяли телефон устаси: “Симкартаси ҳам куйиб хетган!” дea афсус билан бош чайқади. Энди Гулзора билан бирорларнинг телефонида гаплашадими?”

- Сотиладиган телефон йўқми? – умидвор сўради Шерзод.

- Кейинги хафта шаҳардан олиб келмоқчиман...

- Э, унгача...

Нима бўлишини устага айтиш шарт эмас деган хуносага келиб штабга равона бўлди.

„Пахталар чаман-чаман очилган. Талабалар пул ишлаш ва кунлик режани бажариш иштиёқида бош кўтармайдилар. Кузнинг ёкимли шабадаси, айникса, туш пайтлари ором бағишлайди. Мовий туман орасидаги тоғлар руҳиятга илохий улугворлик солаётганга ўхшайди.

Шерзод кечгача қиз билан боғланна олмади. Эртасига нариги гурух раҳбари Солижоннинг телефонидан бир марта ижарага олишга тўғри келди. Гулзорга аламзадалик билан пичинг килди.

Бир кундан кейин гурух сардорининг телефонини бир соатта сўраб, бўш далага ўтиб севгилиси билан боғланди.

- Йигирма биринчи асрда яшайсизми, Шер ака?

- Ҳар куни йўлини қиляпман-ку, асалим? – таскин берди Шерзод, - нима қилай бошқа иложим йўқ!

- Далага борганингиз менга ёкмади. Университетда ҳар куни ўн марта гаплашардик, у ерда ҳамсұхбатлар кўп-да, а?!

Йигит қизнинг зарда аралаш раşкини сезиб, уни кийнамоқчи бўлди.

- Оёғим тагида юришибди...

- Билувдим! – қиз ғазаблангандай овозини кўтарди, - Йигитлар шунақа, биттаси-қош қокиб кўйса, севганини унугтади...

Шерзод ичидан тошиб келаётган кулгуни билдирамади.

- Ҳозирги қизлар олий маълумотли, иши тайин йигитни кўрса, дарров илинтиришга уринади-я!

Киз дами ичига тушиб, жим колди. Бироздан кейин тез-тез нафас олгани, у ёк-бу ёкка тез-тез юргани сезила бошлади.

- Бўлти, кейин гаплашамиз!...

Шерзод алоқани узди ва талабалар олдига кетди.

\* \* \*

Алака узилганига телефон айбдордай қиз уни алам билан силтаб кўиди. Соғинч, хижрон азоби кўнглига безовталик солар, кайта боғланиш учун килган, харакатлари зое кетарди. Севгиининг аччик азблари, телба кипладиган кечинмалари остида ширин туйғулар борлигини сезишга ҳалакит бераётган асабийлик ва араздан кутула олмасди.

Кечкурун онасининг кўзига қаролмай, отасидан уялганча овқатланди. Бегона мавзуда сухбатлашса, кўнгил мувозанати бузиладигандай индамасдан жонасига кириб кетди.

Орадан икки кун ўтди.

Бугун билан илк танишган дамлари ўргасида узок йиллар ястаниб ётмаган бўлса-да, эсласа арзийдиган учрашувлар, сайдлар, кўнгил очар саргузаштлар хотира конкасидан чиқиб, қалбини чароғон қиласидиган порлок лаҳзалар кўз олдидан ўта бошлади. Севгилисини ўйлаб, ўтмишга саёҳат килиб хижронни енгиш кўнглига таскин берарди. Шерзодни ўзи билмаган даражада каттик севишини, усиз хаётини тасаввур килолмаслигини тушуниш кўнглига илохий ёруғлик солаётганда “Нокия навоси” янгради.

Ракам нотаниш. “Ким бўлиши мумкин? Шер акам!” Юраги хапкириб, дарров уланди.

- Алло!
- Гулзорахонга тўғри тушдимми?
- Ҳа...

Овоз Шер акасиникига унчалик ўхшамасди. Лекин қиз нимадандир умидвор.

- Соғлигингиз яхшими?
- Раҳмат...
- Сиз билан танишсак бўладими?
- Мен телефонда танишиш ёмон кўраман!
- Унда учрашайлик!
- Нетаниш одам билан учрашиш принципимга тўғри келмайди.
- Принципингизни SMS килиб ёзib юбора олмайсизми?
- Нега?
- Осон танишардик.

Гулзора йиқитнинг овозида таниш оҳанг сезди. Яна бироз гаплашса, кимлиги ёдига тушадиганга ўхшарди.

- Нечта қиз билан телефонда танишгансиз?
- Сиз биринчиси бўласиз!

Гулзоранинг аччиғи келди. Алоқани шартта узуб кўйгиси келди, унга озгина захрини тўқмаслик принципига тўғри келмасди.

- Шилкимлар билан танишишни истамайман, тушундингизми?

Гулзора алоқани узди. Аммо беш минут ўтар-ўтмас, яна бояги мусика янгради. У боғланмади. Кейинги сафаргиси ҳам Гулзоранинг табиатига тўғри келмагани учун тезда барҳам топди.

Ярим соатдан кейин яна нотаниш рақамдан кўнтироқ келди. У кўнглига шубҳа келтирмай боғланди.

- Эшитаман”

- Гулзорахон, икки кундаёқ мени унугибсиз-да, а?

Аввал таажжуб, сўнг севинчдан кизнинг юраги тошинқираб кетди. Бояги нотанишнинг кимлиги маълум бўлганди.

- Вой, акааа, артист бўл кетинг - а!

- Бопладимми?

- Унчалик эмас, мени илинтиrolганингизда беш баҳо кўярдим, энди эса...

- Иккими?

- Унданам пастрок...

- Унда, - деди йигит шаҳдам,- сизга баҳони мен кўяман!

- Неччи кўясиз?

- Беци!

- Раҳмат.

Хижрон азобида димиққан қиз озодликка чиққан маҳбусдай бирданига гап тополмай қолди. Ваҳоланки, бир олам гаплари, гина ва аразларни дилига туғиб кўйганди. Йигитнинг овози қиз қалбини ўн бир кунлик ғубордан тозалаб кўйганди.

Суҳбат қисқа бўлди.

- Эртага ўнларда йўлга чиқаман, тушгача жўришамиз, асалим!

- Хайрият, сизни ҳам...

\* \* \*

Шерзод тушга яқин уйга келди-да, салом-алик килгандан кейин кийимларини алмаштириб, университетта жўнади.

Кабинет шкафидан дарслик ва кўдланмалар, маъруза матнларини олиб, ўрнига ўтиаркан, беихтиёр дераза тоқласидаги гулларга кўзи туниди. Геран, пиёзгул, бедагул, танаси йўғон, майдамайда очиладиган гуллар деярим куриб қолганди. Ковжираган барглар полда сочилиб ётар, қалбида ачиниш уйғотарди: “Сункуйин эсимдан чиққан экан-да!”

Лекин, лекин... ажабо! Не кўз билан кўрсинки, ўргада турган ингичка танали, игна баргли гул(Шерзод номини билмайди)

синовлардан мардона ўтган нозиккина киздай жозибасини йўқотмаган, фаришталар киприкларида сув қуйгандай яшил барглари товланиб, юракка шодиёналик соларди.

Шерзод ҳайратда: “Нега факат Гулзорা совға қилган гул куримаган?!?”

Унга тикиларкан, ингичка танасининг соғлом, дуркунлигидан хаяжонга тушарди. Совғани олаёттанды: “Ўзингиздай нозиккина экан!” деганини эслаб, бу гулнинг бошқалардан устунлигини ўйлардио, катта-катта гуллар куриб, шу омон қолгани ҳайратига ҳайрат қўшаверарди. “Кола”нинг идишида сув олиб келиб хаммасига қўйди: Ноумид шайтон!

- У ҳайратини севгилиси билан баҳам кўриш учун телефонни кўлга олди. Киз боғланиши билан шоша-пиша, хаяжон билан таассуротларини тўкиб солди.

- Шу гулнинг оти нимайди? – сўради йигит.  
- Эслолмай турибман...  
- Гул нега қуримадийкин?- деди ҳамон юраги тинчимаган Шерзод. Аслида бу саволга ўзи ҳам жавоб тополмаёттанди...

Гулзорা жим. Нафас олаётгани сезилмас, телефонни ишламаётганга ўхшарди.

- Гулзорা! – деди ниҳоят йигит.  
- Ха.  
- Нега қуримаган, ҳатто номини ҳам тополмадингизми?  
- Топдим! У менинг сизга бўлган муҳаббатим рамзи. Сизни севар эканман, гул яшнаб тураверади!

- Сиз эса...  
- Я всегда буду любить тебя!  
- Я тоже...

Алока узилди. Иккови дафтар-китобларини йигиштириб йўлга тушдилар. Каерда, қачон учрашишни келишмаган бўлсалар-да, Гулзоранинг совғаси синовдан омон чиққани қанчалик рост бўлса, уларнинг қийналмай учрашишлари ҳам ҳақиқат эди.

Гулзорা эртаси куни кабинетга келди. Ўша гул барқ уриб, яшнаб турар, майда барглар кизнинг нафасида майин силкиниши завқ бағишларди.

- Номини топдингизми? – деди йигит унинг олдига келиб.  
- Ха, - деди киз кўзлари чакнаб.  
- Нима экан?

- Севги гули!- қизнинг кўзлари қувончдан порлар, соғинч ва ўн бир кунлик изтироб излари йигитта таъсир қилиб борарди.

Гулзора жилмайганча Шерзоднинг билагидан ушлаб пинжига сукилди...

## ИЛК СЕВГИ БАХОРИ

Мен ўсмирлик сўнгига содир бўлган гўзал, хузурбахш воқеаларни ҳамон энтикиб эслайман...

Тўккизинчи синфда ўқирдим.

Баҳор аввалгиларига караганда ўзгача жозибаси ва юракни тўлқинлантирувчи севги саргузаштлари билан мазмунан тўлишиб келди.

Кизлар баҳор келса очилиб кетадими, баҳорнинг уларга ўхшаган малоҳати бўладими ёки қизлар баҳордан андоза оладими? Бу савол миямда айланганда табиат ва инсон гўзалиигида уйгунилк сезардим... Атроф гўзал, дунёга боқсанг дилинг яйрайди. Лекин кўнгил аллақандай ошуфталиқ, ширин туйгуларни истайди.

Новдаларни кучоклаб ухлаётган куртаклар кўз оча бошлаганда пальтолар ва курткалар ечилди. Мактабга оқ кўйлак, қора кастюм-шимда борардик. Севиб қолган йигит-қизлар эртароқ келар, катта бино билан ошхона ўртасидаги пана жойда учрашишар, дарс бошлангунча соғинч ва севги алангаси кўйдирган юракларига малҳам кўшишарди. Бу учрашув жойини биздан олдин ўкиган аллақайси шоиртабиат ошиқ “Севги хиёбони” деган, ўшандан бери ҳамма бу маконни шундай дейди.

Севиб улгурмаган, бироқ севишни жуда-жуда истаётган ўсмирлар уларга ҳавас қиласардик. Биз билан тенг ёки каттароқ бўлсалар-да, севги туфайли анча уяғайиб қолишган. Гоҳ маъюс, гоҳ шодлиқдан пордаган кўзларида ружан катталиқ аломатлари турарди.

Дарс бошланишига ярим соат колганди. Бир неча синфдошлар турникда тортилиб, куч синашаёттандик, қизларга ўзимизни кўрсатиш гурури ҳам йўқ эмасди...

- Эшийтдингми?- Гайрат оддимга келиб кулоғимга шивирлади.

Мен савол назари билан унга қарадим.)

- Икром Дилафрўзни севиб қолибди!

Унинг кўзида ҳавас ва ҳайрат чақнар, “Биз орқада қолганимиз!” деб, ожизлигини тан олгандай ҳокисор ва заифлик зухур эди.

- Кизга хат ёзганини аллаким синф раҳбарига сотиб қўйибди...

У пайтлар севиш-севилишни бирор таъкиқлагандай чекка-чеккада сўзланар, ота-оналаримизнинг кулогига етиб боришидан кўрқардик, айникса, синф раҳбаридан сир тутиларди. Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Зулфия Мардонова билса, отана иштироқида мухокама килинар, кўнгли дарз кетган ошик-машукалар изтиробини ҳеч ким тинглашни хохламасди...

Нарироқда кузатиб турган Расул олдимизга келди.

- Сотган Гулчехра экан! – деди бошини биз томон эгиб. “У ёмон қизми?” - дей савол бермокчи эдим, ўзи англаб қолди.

- Икромни яхши кўраркан, Дилафрўзни шарманда қилмокчи бўлибди...

- Ифлос-эй... – пицирлади Гайрат,

- Эртага ёпик мажлисда мухокама қилишармиш.

Куттилмаганда синфком учинчи кават деразасидан бакирди.

- 9-А! Хонага, Светлана Шарипова мажлис киларкан, тез!

Синфга ётирилиб кириб, кўл қовуштириб ўтирдик.

Светлана Шарипова: тушдан кейин шахар боғида ишлацимизни айтгач, менга юзланиб:

- Деворий газетамизнинг баҳорги сонини чикаринглар! – дей топширик килди.

Тўра ватман олиб келиши, мен шеър ва мақолаларни ёзишим, Сайхун эса газетани безаши керак эди.

Дарсдан кейин биз хонада қолдик. Миямда Дилафрўз деган гўзал исм ва унинг сохибаси айланаверар, унинг оҳанрабоси юрагимни борган сайин тортиб бораради. Ҳатто гап тузишга хафсалам йўқ! Ҳазил аралаш:

- Илҳом келмаянти! – дей ўрнимдан қўзғалдим. Қаршилик бўлмагач, сумкамни елкага илдим-да:

- Эртага ёзиб келаман! – дей синфи тарқ этдим.

Ховлимиз тўрида ўриклар кийғос гуллаган, оқ ҳарир либослик гўзалга ўхшарди. Олам. ифорга тўлиб кетган, хушбўйларидан бошим айланарди.

Илк баҳор кунлари энг катта ўрик тепасига – серновда, сергул жойга стул ясад, олдига тахта жойлаштиргандим. Илҳом гўзал жойларда келади деган гап аллакаерда кулогимга чалинганди. Мен шу жойда китоб ўқир, шеър ёзардим. Гул бўйлари севги тотини эслатаётгандай юрагим согинч хисси, гўзаллик ва гуллар

тароватига ошуфталиқ чегарасидан ўтган, янги кечинмаларга ташна эди.

Дилафрўз билан Икром ҳакида йўларканман, шеърда уларнинг севгини имо-ишоралар билан кўрсатишни хаёл қилардим...

Онам ошхона олдидан чакиргандарида қуёш ботаётган, заррин кокиллари оппоқ гулларга урилиб, юракни жўшкун кайфият билан тўлдирап эди.

Ўрикдан тушганимда дилимдаги шеърни ёзиб, қувончдан кўзларим чараклар эди.

Эргасига мактабга ҳаммадан эрта бордим. Шерикларим келмаган, газета макети тайёр эмасди. Мен тўртинчи қаватга кўтарилидиму коридор охирида дёраза раҳига суюниб турган Икром билан Дилафрўзни кўриб совқотган одам қуёш тафтида исингандай яйраб кетдим. Негадир кизнинг кўзида севгидан кура, гамбода кайфият, задалик зоҳир эди. Уларға ҳалакит бермаслик учун учинчи қаватга тушарканман, кизнинг тим қора кўзларию, аноргули кизил, эркак ёка куйлаги, товони баланд бежирим туфлиси ўзига ярашганини ўйлардим. Шундай латофатли кизга аввал эътибор бермаганимга ҳайрон қолардим.

Дарс бошланди, аммо Дилафрўзниңбегубор нигохи, кайгу ва норозилик тўлган кўзларини эслаб, миямга ҳеч нарса кирмас, юрагимда унга ачиниш, хайриҳоҳлик тугилиб борарди. Ва қизнинг гузал ва маъсумалигидан хайратланиш ҳисси қалбимни тўлқинлантириб юбораётганини тан олмасликнинг иложи йўқ эди.

Мактабдан кетгунча бурчак-бурчакда шивирлашаётгандар сұхбатига кулоқ тутиб айгладимки, Гулчехра Дилафрўзниңномидан хат ёзиб, Икромниң китобига солиб кўйган, катта танаффусда Светлана Шарапова синфга кирганда унга олиб берган экан. Яна шу нарса маълум бўлдики, Икром кўшни мактабда ўқийдиган Юлдузхон исмли қизни севар, Дилафрўз билан битта маҳаллада катта бўлгани учун дўст экан. Бунинг устига Дилафрўз Юлдузхон билан кия ўтмас дугона. Буни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарига тушунтирилгунча синфларда гап-сўз қайнади. Кизларнинг тугилган кунларида, шаҳар боғида ўтадиган дискотейкаларда тинмай гапирилар, Икром билан Дилафрўзга ҳамманинг ҳурмати ортгали сайин Гулчехрага нафрат кучайиб борарди. У хатни кўшни маҳалладаги дугонаси Барнога ёздирган экан, бир неча кундан кейин вијжон азобига чидолмаган

Барно Дилафрўздан узр сўрабди. Натижада Гулчехрани кизлар кенгашида мухокама қилинди...

Мени гап-сўзлар учча кизиқтирмасди, аммо Дилафрўзниң самимий чехраси, маъюс кўзларию, бошини эгганча ғамгин киёфада туриши хаёлимни банд этганди. Ҳар окшом дарс тайёрлаш баҳонасида хонамга камалиб унга шеърлар ёзардим. Ўзим билан ўзим гаплашиардим.

Бешинчи соатдан кейин синфда қолиб китоб ўқидим бироз чарчагач, сумкамни елкамга осиб, зинапояга якинлашганимда:

- Бир минутга мумкинми, ака?! – деган майнин овоз эшитилди. Оркамга ўтирилдим. Сумкасини икки кўли билан ушлаб этаклари узра силкитганча Дилафрўз туарар, чехраси баҳор тонгидай очик, лаблари бироз кимтилган эди.

- Майди,, – дедим ўзимни бепарво тутгандай.

- Деворий газетамизга баҳор ҳакида ёзиб бера оласизми?

Якинда деворга илинган газетамиздаги севги ва баҳор ҳакидағи шеъримни ўкувчилар шивирлаб ўқиётганидан қувонганимни эсладим.

- Кўлимдан келармикин?

- Шеърингиз ҳаммага ёкибди, бизга ҳам шунақа ёзинг, илтимос!

У охирги сўзни айтгач, кўзларимиз ўртасида чақмок чакқандай бўлди. Бокицлари шўх ва самимийлигини билмаган эканман! Ҳозиргача юрагимда туғилган туйғулар энди пайдо бўлган хиссиятилар олдила оддий кечинмага үхшарди. Қалбим остин-устин бўлиб кетди.

- Ёзаман! – дедим ихтиёrsиз дадиллик билан.

- Раҳмат.

У аввал срга, сунг менга караганда узун киприклари кайрилма кошларига тетио туриши юрагимнинг аллақаерида шунақа гўзаллик яширнганини идрок этдим-да, кизга жуда-жуда якинлигим, усиз ящомаслигимни хис этдим. Кўнглим баҳор боғидай яшнаган севги билан сархуш эли.

Дилафрўз зътиборини тортганимдан ҳаяжондаман. Кечга якин ота-онамдан япирриб юрадиган дафтаримни очдим-да, такрор-такрор утишим. Содда ва самимий сатрлар орасидаги севги нафаси юрагимни “жиз” иллата бошлади. Сунг ўрикдаги “тахтим”га чиқдим. Ерга қулашимни ўйламай, тик туриб, “Дилафрўзларнинг

уи кўринармикин?" дей ўша томонга бўйладим. Афсуски, довдаҳатларнинг кўплиги ва бири баланд, бири паст ўстгани учун биноларни таниб бўлмасди.

Кийғос очилган ўрик гулларида Дилафрўзниң табассумини кўраман. Ҳамма тарафдан жилмайиб тургандай. Ҳаёлга кирдимми, бошқа оламгами – билмадим: уни ёнимда кўриб икки қабутарга айландик-да ложувард осмон узра парвоз айладик. У баландласа, ортидан куваман, ерга шўнгиса, олдидан тўсиб чикаман ва бепоён осмон узра баҳтиёрлик нашидасини сурамиз...

Хуцимга келсан, синглим Чарос пастда мени калака килаётганди.

- Шеърни нимага ёзяпсиз, ака! – деди ручка билан дафтарни кўрсатиб.

- Узатвorum! – дедим ялиниб. У ҳаммадан яшириб юрадиган дафтаримни шошилиб ўқир, ичига сифмай куларди.

- Дидафрўз, Дидафрўз! – дей болаларча кувлик билан масҳара киларди. Қўлларим, оёкларим, кулогимниң аллакаери шилиниб пастга тушганимда, у нарсаларимни шохга қистириб кочиб кетаётганди...

Ҳаёлчан, севги шаробидан маст бўлганим учун юрагимни ларзага солган туйгулар, кечинмалар рухан улгайтиргани учун ўзимни жиддий тутдим. Синглимниң ортидан кувмадим, уришмадим. Илҳом париси кутаётган маконимга йўл олдим...

Эртаси куни танаффусда ташкарига чиқдим. Отпок қорозга чиройли хусниҳат билан кўчириб икки буқланган, айникса, кизларда севги мактубидай таассурот қолдирадиган қофозни Дидафрўз сўраб олишини истардим...

Ҳаёлим унда, кўзим эшикда. Шўхлик килаётган болалар орасида у кўриниб колишини интизорлик билан кутаман.

Учинчи танаффусда мактабга келмадимикин дей ҳавотирга тушдим. Катта танаффусда болалар билан ошхонага кетаётсам, одимдан "Лоп" этиб чиқиб колса бўладими! Юрагим хаприкиб, кўзларим катта-катта очилиб караҳт бўлдим шекилли:

- Ўзингни бос! – деди болалардан бири калака билан хушимга келтиrmокчидаи. Ҳавасли ва хасадли нигоҳларни сенгиб ортда қолдим. Қўзлар тўқнашиб, бир-биримизни тушунгандай бўлдик.

- Зарур бўлса келарсиз девдим...

У гап нимадалигини тушуниб, ўртоғининг билагини құйвормай иккі тарафға алаңглади. Негадир яноқлари қызарып кетди. Құзларидан хәс, уятчанлик балқиб туради. “Унда ҳам севги туғызы!” деган фикр миямдан ўтдию, юрагимни күвонч қоплади.

- Ізолмаган бұлсангиз хижолатта күймай деб...  
“Баҳонаси ажайиб...”

Ортимиздан келаётган бир гурұх кизлар узоклашгач, мен тарафға ўтиши. Шундагина у мен ўйлаганларнинг тескарисини хаёл қылғанини тушундым-да, шеърни түрт буклаб кафтимга қисиб у билан тез сұрашдым. Четдан қараганларда шунчаки саломлашгандай таассурот қолдириши аён эди.

Бүгун муҳим ҳодиса содир бұладигандай туюларди. Бироз еңғыл тортганимни хисобға олмаганда ҳаяжонга соладиган янгилик рүй бермади. Мен ошхонага юрдим, Дилафрұз дугонаси билан ортига қайтиб кетди. Юрагимни аллақандай ёруғлик қоплаб олди...

\* \* \*

Дала ҳовлимизда баҳорғи ишлар бошланди. Ишлаб чарчамадим, лекин хижрон деган түйғу юракқа игнадай санчилиши ва соғинч азобини ҳис қилиш учун уч күн мактабға бормаслик хифоя экан...

Түргинчи куни баъзилар сирли, айримлар “Ха, писмик!” дея кутиб олишди. Кизлар хавас ва ҳасад аралаш шивирлайди: “Чаккимассат!...”

Гайрат мени коридор бурчагига имлади.  
- Ҳам пишиқ, ҳам писмиқ экансан! – деди билагимдан ушлаб.  
Хайрон бўлдим.  
- Дилафрұзга шеърни сен ёзиб бердингми?  
“Нима бўити?” дегандай таажжуб билан қарадим.  
- Кизлар у билан севишиб колганингни гапиришяпти.  
Ичимда суюндиму аччиклангандай қарадим.  
- Бекор гап...

Тошиб келаётган түйғуларни сиғдиролмай қўзларим ёшланди. Синфдошларим кўзидағи хавас ғуруримни юксалтиради. Ўзимни ултайды, сир саклаш лозим бўлган воеаларни кечиргандай сирли тутишига уринаман...

- Уч кундан бери Дилафрұз эшигимиз олдида пайдо бўлади...  
- Бошқа иши бордир...

Кўзларим қалбимдагини сотиб қўяди. Нигоҳларга бардош беролмай, синфга кириб, китобимни очдим. Болалар атрофимда тўпланишиди.

- Тўғрисини айт... қандай қилиб уни?...

- Айтавер, - деди Файрат менга яқинроқ сурилиб паст овозда, - бу ерда ҳамма ўғил бола..

Юрагимни куйдирган туйгуларимни бирорга айтсам, тиниклиги йўқоладигандай, душманга сирини очиб қўяётган асиридай тутардим ўзимни. Бундан ташқари, Дилафрўзнинг ҳиссиятларини билиш учун менда тахминдан бошқа асос йўқлиги учун хеч нарса гапиролмасдим.

- У сени қизларимиздан икки марта сўрабди! - янгилик сўзлаётгандай шошилиб сўзларди Расул, - нега энди фақат сени сўрайди?

- Билдмадим!

Кўнғироқ чалиниб дарс бошланди. Болалар парталарига қанчалик тез тарқалган бўлса, мен ҳам сўроқлардан тезда кутулиб, ўзимни енгил ҳис килдим.

У билан гоҳ коридорда, гоҳо мактаб стадионида, баъзан ошхонада учрашиб қолардим, аммо салом-алиқдан нарига ўтмасдик. Кўзларимиз тўқнашса, ҳаяжондан порлаб кетар, юзимиз қизаар, асосий гапни айтиш учун муҳим сўз тополмай жонимиз ҳалак. У нима, қандай куч, топиш качон мұяссар бўлади?

Қанчалик ўйланиб, хаёл сурмайлик жавоб топилмас, кўринмас куч жавобга элтар йўлларни тусиб қўйгандай, уни бизнинг шууримиздан қочириб синов даврини чўзаётгандай эди. Шу зайлда кунлар, ҳафталар ўтарди...

- Сенда журъат етишмаяпти! - деди бир кун Файрат мени зимдан кузатаркан.

- Унда-чи? - дедим беихтиёр.

- Унда... - ўйланди Файрат ҳайриҳоҳлик билан менга боқаркан, - ўзини билган қиз йигитта севги изҳор килармиди? Балки сендан кутяпгандир!

Бир неча ойдан бери миямда айланәётган бу фикрга энди ишона бошладим. “Шеър ёзиб, ҳаммани ўзига қаратган ҳаваскор шоир битта мактабдош қизга юрагимни айтольмайманми?” - дея кийналардиму, изҳори дилни ёзгунимча, баҳор қариди, каштанлар гуллади, мен шохида китоб ўқиб, ижод қиласидиган ўрик довучча

түгди. Оқшомлар унга аталган шеърлармни қайта-қайта ўқийман, янгисини ёзамаң, аммо “Севги хиёбони”да у билан учрашиш орзусини амалга оширишга ҳамон журыатим етмасди.

Дафатрим шеър билан тұла. Сахифалар тепасига рус тили синфида ўқыйдиган синфдошларимга тақлид килиб, “Всегда буду любить тебя!” дея ёзаман, Дилафрұз севгимни қабул қылса, бу ниятни қасамёд ўрнида күришини истайман. Ярми бүш варактарға унинг расмини чизаман. Ҳар бир чизик ва рангда юрагим тубида ардокланған севгим, севгилимға айтадиган гапларим яшириңгандай, соғинч қийнаган чөгларда юрагимға баҳор эпкинидай таскин - тасалло берарди. Расмларни бирор күрмаган, факат Дилафрұз күришини, ранглар остига яшириңган маңноларни угина тушуниб етишини истардим...

Севгилимнинг кўзлари самимий, нигохлари тоза, булок сувидай тиник муҳаббатини кафтдаги буюмдай кўрсатиб турарди.

Яна боғда ишлар бошланди. Мен дадам, ойим ва икки акам бир хафтага ишлашта кетдик. Қайтиб келгач, ичимга қулоқ солдим: Дилафрұзни ўйлайвериб юрагим эзилиб кетган! Ҳамма телевизор кўраётганда сирғалиб чикдим-да, биргина юпанч – унга бағишлиңган шеърларимни ўкишу ўзим чизган расмларига термулиш учун хонамга кирдим. Эвоҳ, столим тортмаси, ёстиғим тагию китобларим орасини бирма-бир қараб чикдим, афсусуки, шеърлар дафтарим йўқ! Бўлиши мумкин эмас, Токчалардаги китоб орқасини қарагач, жаҳлим чиқа бошлади. Ким олиши мумкин? Чаросми? Укаларимми? Йўқ, мумкин эмас!

Телевизор олдига михланиб, хиндча кино кўраётган синглимни имладим. Негадир у кулимсираб кўйди. Ҳовлига чикиши билан бошқалар эшитишини хоҳламагандай, паст овозда дафтарни сўрадим.

- Мен олувдим! – деди шаддодлик билан бошини силкиб, сочини орқасига ташларкан, - Дилафрұз сўраганди, эртага мактабга олиб келади!

Сира-сира кутилмаган, даҳшатли ва ёқимли ходиса! Чарос беларво гапирап, туйғуларим тошиб, юрагим остин-устин бўлаётганини билмасди. Нигохида “Қиз бечорани эзивордингиз-да” деган таъна кўринарди. “Уни севсангиз, бегам бўлманг!” дея насиҳат қилаётгандай бўларди.

Мен учун муҳими, Дилафрӯз шеърларимни ўқигани, расмларни кўргани эди!!

Синглим билан Дилафрӯз ўртасидаги яқинлик - сирларимни фони қиладиган, мен уддалолмаган ишни қойиллатадиган омад қалити эканини ўйлаб кўнглимга чароғонлик тўлди. У иққаламизга ёрдам бериш учун зукколарча йўл топиб, акасини шундай баҳтиёр килдики, унга ич-ичимдан тассаннолар айтдим.

Мен ёлғиз қолиб, қалбимни тўлдирган илк севги завқини йўқотмай, ундан узок вакт баҳраманд бўлишни истардим. Кўчага чиқиб, қишлоқ четидаги анхор бўйига бордим. Ям-яшил майсалар устига чўзилдим-да, осмонўпар тераклар, соч юваётган мажнунтолларга, гоҳ кулиб, гоҳ маъюс оқаётган анхорга, илҳом билан куйлаётган қушларга завқ-шавқ билан қарайман! Шодлигимни ўртоқлашаётгандай мовий осмонга термуламан! Ҳаммаси гўзал, ҳаммаси бекиёс! Дилафрӯздай гўзал қиз севгимдан хабардор бўлгани, айникса, шеърларим орқали қалбимни сезганидан баҳтиёрман! Бу баҳт бир умр ҳаётимга маъно, ёруғлик ва омад берадиган сирли кудрат эди...

Уйга қайтаётганимда куёш тоғ ортига юмалаб, уфқ - Дилафрӯз шеър сўраганда қизаргандай, олов рангига бўялди...

Эртасига иккинчи соатдан кейин Чарос мени “Севги хиёбони”да Дилафрӯз кутаётганини айтди. Оёғим ерга тегиб-тегмай у томонга ўтдим. Севгилим дафтаримни кўксига босганча ҳаё билан ерга қараб турар, келганимни сезгач, қиска саломлашдида, титроқ кўли билан дафтарнинг муковасини силаркан:

- Ака, шеърларни кимга ёзгансиз? – деди. Иболи кўзлари ҳаяжонга тўла, расмлар ҳакида сўрамоқчилиги сезилиб турарди. Чароснинг “Ака, хушёр бўлинг!” деганини эсладиму:

- Ҳаммаси сизга аталган! – дедим. Унинг яноқлари қизарди, кувончдан юраги тошиб кеттани учун дафтарни қўлимга ушлатдида, куйлаги этакларини силкитиб, қоп-кора соchlарини шамолда тўзғитганча бир нафасда кўздан йўқолди.

Ажабо, дафтар анча қалин. Очдим. Қизил гулли оппок дастрўмолнинг бир бурчагига эндиғина ғунча ёзган гул, иккинчи бурчагига сайраётган булбул расми ғоят нағислик ва санъат билан тикилган эди...

Үшандан бери қанча сувлар оқди, қанча баҳорлар келиб кетди.  
Аммо бирортаси менга бир умрлик БАХТ берган ўша илк севги  
баҳорига ўхшамади...

## “МЕНИНГ САЙЁРАМ”

### Хикоя

Кузакнинг ёмғирли мавсумида учратиб колгунимча уни бир марта хам қўрмагандим...

Ёшлиқ остонасига илк қадам қўйтган чоғим севиш орзуси пайдо бўлди. Тенгдошларим қизлар билан хат ёзишса ёки ишқий саргузаштлари ҳакида эшигтсан, “Мен севган қиз қанақа бўлса экан?” деган савол миямда ярқ этардигу, дуч келган қизлар билан хаёлимдаги фариштани таққослай бошлардим. Аммо ойлар, хатто йиллар ўтса хам уни учратолмасдим.

Овози чинни жарангидай мафтункор, юракни жизиллатадиган оҳанг билан сўзловчи, кўзлари табассумга мойил киз – орзуларим ичидаги улғайган, юрагимдан атиргулдай ўсиб чиқаётганди.

Синфдошларим уйлана бошлади. Менинг юрагим хижил. Қизлар билан танишганимда сирли бокишлар билан севғи уйғотишиларига ишонгандай ҳаяжон билан кўнғироқ қилишларию, севги изхор қилгудай энтишиларидан ўзимни нокулай сезардим, хамон юрагимни ҳеч ким илитолмас, толе кулиб бокишидан умидим сўнаётгандай эди.

Институтни битирганимга уч йил бўлгач, ота-онам уйланиш масаласини кескин қўйишиди. Мен эса орзумдаги малика билан сўзлашавериб, одамови, телбасифат бўлган, уни тополмасам, уйланмай ўтишга хам розиман, деган хаёл миямда айлана бошлаганди.

- Бизга келин керак! – деди отам асабийлик билан.

Ота-онасини ранжиттан пушаймон ўғилдай юзимни четта бурдим. Онам пастки лабини тицлаб, изтироб чекарди.

- Одамлар устимиздан кулишитти!

Энди муносиб қиз топилмагунча отам билан яна юзма-юз келиш оғир. Ёз яқинлашгач, меҳнат таътилига чиқдим-да, синфдошим билан Россияга жўнадим. Хайрлашши олдидан:

- Пул топиб келиб уйланаман! – делим.

Отам “Битта ўғлимизни уйлолмасак, бу дунёда нима қилиб юрибмиз!” дегандай таънаомуз қаради. Кетишимни сира-сира хоҳлашмас, тўйга қўшадиган ҳиссамни шу ерда топиш мумкин дейишарди. Бироқ қарорим қатъйлигини сезиб, фотиха беришдан бошқа иложи қолмади.

Уч йил Россияда ишладим.

Хаёлимдаги кизга Сайёра деб исм қўйдим. Турли-туман хаёллар суравериб, өдамлардан узоклашдим. Евроуслубда қурилган, шинам уйимизда атлас куйлак кийиб Сайёра сочини гоҳ елкасидан тушириб, гоҳ орқасига ташлаб ҳовли супураётган, баъзан эса, пахта гулли пиёлада ота-онамга чой узатаётган ҳолда тасаввур қиласман. Янги иш жойимда у билан бир неча марта телефонлашаман. Нигоҳларидан севги ва согинч ёғилиб турса ҳам, ота-онамдан уялиб, менга яқинлашолмай ҳаяжонда...

Биламан, шерикларим чаккасида бармоғини айлантириб мени имлашади...

Маош олганда ош қиласми. Улар ароқ ичишади. Кўзлари сузилган мастларга қараб, ижирғанаман. Ишки билан маст қилган Сайёрага меҳрим ортади. Улар савдойилигимдан кулишади. Ўйлаб қарасам, масҳарада жон бор: етти йилдан бери факат хаёлимда жилва қилган гўзалнинг ишқи билан телабман. Ишқ шаробининг кайфи ароқнидан ўн баробар кучли ва узоқ давом этувчи эканини ўйласам, телба кимлигини тушуниш қийин эмасди.

Баъзан ўзимдан безорман!

Кечалари уйқум қочади, ҳамма ширин уйкуда ётган - эрта тонгда уйғонаман ва худога илтижо қиласман: “Сайёрамнинг висолига етказ, эй худо!”

Чек-чегарасиз осмон, атрофимни куршаган борлик зерикарли маъводек менга ҳеч қайдай таассурот бермай қўйган.

Узокларга, ўзим билмайдиган жойларга, дардимни тушунадиган, унга малҳам қўядиган одамлар олдига кетгим келади...

Уйга каттагина пул билан келганим учун ота-онам тўй тараддудини бошлаб юборишиди. Мен мийигимда куламан: “Ҳали Сайёрамни тополмадиму, шошишларини қаранг!”

Институтни битирган қиз излашар, кудани муносибини танлашга алоҳида эътибор беришарди. Мен эса ҳамон Сайёрамни излардим, кутардим...

Япрорқлар сарғая бошлаган, илк куз кунлари. Эрталаб шабода әсади, кундузи бироз илик.

Тушдан кейин “Синфдош” кафесида дүстлар билан ўтиридик. Ҳамма ароқ-вино ичди. Мен, одатдагидек, орзум қасридаги малика ишкіда мастман. Феъл-авторимни тушуниб қолишгани учун мени ароқ ичишга ундашмайди...

Ташқарига чиққанимизда ёмғир шивалаб ёғар, совук билинмас эди. Кутылмаганда олдимдан бир киз чиқди. Этаги кенг, бели тор күйлакда бұлса ҳам совқоттанга үшамас гулли соябони үзига ярашиб турарди.

Илкис тұхтаганимни сезиб, қиз менга қаради. Күзлари чақнаб, юрагимга олов сочғандай бұлды. Мен титраб кетдим. Хаёлимга аллақаेқдан нурли бир олам, баҳор таровати билан тұлған яшил водий кириб келди. Бундай гүзалликни умримда илк бор күришим эди..

Юрагим кафасга тушган күшдай потирларди. Күзимни катта-катта очиб унга термулдим. Қиз яқынлашган сайин мен үзимни йүқотардым. Күзлари сирли, нигохларида гүзалик салохияти, юзида пинхоний ишк нури бор. Кечинмаларимни үқиб турғандай мулойим ва сирли жилмаяр, “Мени танияпсизми?” дегандай юрагимга бүйларди.

У кетди, ортидан қараб турсам, ичимдан бир нидө келди: “Бу үша – сенинг Сайёрәнг!” Үзимни құлға олиб, югурдым-да, олдига үтиб тұхтадим.

Сайёрага жон кириб, хаёлимдан ерга түшгап, онасини танимаган боладай кетиб борарди. Мен эса орзум қатидан күринган хозирги лахзалар хаётимни бутунлай үзгартыришини сезгандай рухимда чароғонлик тұярдим.

- Сиз Сайёрасиз, а?

Хаяжон билан, титраб-қақшаб сұраган бұлсам керак, қиз бир сония үзини йүқотгандай ярим қадамча тисарилди. Соғабон бандини елқасига қўйиб, айлантируди, орқасида гулзор чиртпірак бұлар, унга күшилиб бошим айланғанга үхшарди.

Юзи оппоқ, бироз нозик, соchlари тим қора, қалин, күзлари калб сирларимни үкиётгандай жилмарди.

Саволимга жавоб бериш кераклиги эсига тушиб, бошини кимирлатди.

- Йүү, йүқ! Мен... эмасман...

- Сиз Сайёрасиз, биз минг йилдан бери танишмиз...
- Ббб.. билмадим, ҳа..ҳа.. Сайёраман!
- Худога шукур топдим!

Унинг чарос кўзлари чараклаб, янаам чиройли бўлиб кетди. Мен тиз чўкиб, кўлларимни осмонга чўздим, сўнг кўксимга кўйиб, юзимга тушаётган ёмғир томчилари ёқимлидигини хис килаётгандай Мехр ва ҳайрат билан унга тикилдим.

У сир тўла кўзини мендан узмай мағрур турар, назаримда секин-аста вазиятни тушуниб борарди. Тиззам ҳўл булаётганига ачинар, кутимаган спектакль кандай тугашига қизикаётгандай эди. Мен шубҳаларини тарқатиш учун яна бир марта савол бердим.

- Ростдан Сайёрасиз, тўғрими?
- Тўғри...

Энди кўзларига хаёл ва маъюслик тўлган, мендан яширишга ўтилаётган ҳаяжони кўзларida балкиб турарди. У ўзини йўқотаётган эди. Таажжуб ва ҳайрат билан ўтаётган одамларга бепарво, қалби билан овора. Тафаккурида чакнаган фикрлар менини кечинмаларим билан боғланиб кетганга ўхшарди.

- Туриңг ака! – яна бироз этилиб ҳўл тиззамга ишора килинча,
- биламан, сиз Бахтиёр акасиз!

Миямда чакмок чакди. Исмимни каердан билади? Наҳотси, мен уни излаб, йиллар давомида кутиб орзу килгандай, у ҳам бу дамларни йиллаб куттан, номимни ҳам ўзи кўйган бўлса?!

Юрагимга ёнирилиб кирган нур мени осмонга олиб чиди. Жадалашган ёмғир қалбимиздаги мухаббат тошқинларию, шодлик дарёсига ҳамоеканг... Узоқ тикилишиб колдик. Кўзлари - турмушига чиқишга кўймаётгани учун ота-онаси изтироб чеккани ва менин узоқ излаб учратганини сўзлаб турарди. Мен эса, бу ёруғ дунёда ўзимга ўхшаган девоне борлигидан бахтиёр эдим...

Орадан исема йиллар ўтиб, фарзандлар кўрган бўлсак ҳам иккимизни тақиғир сийлаган, бир-биримизга термулиб турган, бошимиздаги сойбонча тикирлаб тушаётган ёмғир томчилари бахтимизни олиништаган илохий лаҳзаларни ҳамон энтикин билан эслайман...

2013 йил, декабрь.

# КУЗНИНГ ЁКИМЛИ ШАБАДАСИ

## Х и к о я

Кисмат – сирли битик, Аллоҳ ёзгани ёки одамзот ўқий олмаслиги учуними?

Нима бўлгандаям, ҳаммамиз ундан яхшилик кутамиз...

Ўттиз йил аввал Россиянинг Твер шаҳридан Фарғона водийсига келин бўлган Светлана Борисовна ўлканинг табиати, хузур бағишловчи об-ҳавосию, шириндан шакар меваларига, энг муҳими, очик кўнгли одамларига меҳр кўйди. Кизлигига бальзан боши, оёғи оғриб турарди, саротоғ тупроғига ялангоёқ юрдию, дарди чекинди.

Муроджон билан бир ўғил, бир киз кўришди. Ўғли мактабни битирраб, Россияга тогалар ёнинг кеттач, кутилмаганда Муроджон казо қолди. Светлана Борисовна чўкиб қолди. Иккى йил ўтиб, кизи Лариса Москвага турмушга чиқди. Аёл шаҳар марказидаги уч хонали уйда яшка қолди. Твердан “Кел!” деб чакира бошлишди. Ўғли Коля “Алоҳида уйда яшайсиз!” дей бир неча марта жиддий чорлади. Аммо Светлана бу диёрни, Мурод акаси ётган тупроқни ташлаб кетолмади. Кадрдан уйда эрининг рухи билан қолишга кўнди... Дўстлари уни ёлтизлатиб кўйиншади. Уйига келишди, гап-гаштакка олиб боришиди хатто абримларига оила аъзосидай бўлиб қолди..

Пенсияга чиққач, бир йилча уйда ўтиргди.

9-санфда ўқиётганда тверлик Афанасий Никитиннинг 1466 йили Хиндишонга жойиб саёҳати ҳакида эннитиб, Шарқ мамлакатларига кизикиб қолганди. У ёшнигидан Самаркан, Бухоро, Хиванинг меъморий обидаларини кўришини орзу киларди. Пенсиянинг ilk ойларидаги ўша орзусини амалга ошириди. Саёҳатдан бир олам ҳайрат ва тансуротлар билан қайтди.

Кейинити вактда зерикди. Озгина дарс олиб, жамоага кўшилиб юргиси келди. Дастурлар, талаблар, ёшлар ўзгарди, ўзи эса карияти...

Пенсияга чиқиб, янги ҳаёт бошлаганлар 80-90 ёшда ҳам тетик яшаётганлари ҳакида ўйлаб юрганда шаҳар марказида ошхона очган Лолаком йўқлаб қедди. Сухбат орасида:

- Мурод ака таомларингни мактаб ерди, қўлинг ширин дерди. Залга кираверишда мўъжазгина хона бўши, Евро кухни очмайсанми? – деб қолди.

Светлана Борисовнанинг юрагига чут тушди.

Ҳаётидаги нурли ўзгариш шудан бошланди.

Евро ошхона очилиб, бир ойча ўттач, қатта ёшдаги иккита мижознинг чиройли муомаласи аёлнинг эътибоини тортди. Бризол ва салат буюришиди. Жилмайишлардан сездики, ўзи ҳакида яхши гаплар бўляпти... Аёл юрагини кувонч эспикини силаб ўтди. Таомларни Европа ресторонлари услубида столга жойлаштириб, илтифот билан уларга ёқимли иштаҳа тилади.

- Ош бўлсин!

Аёл кущдай енгиллик билан иш жойига бориб, мўъжазгина деразадан уларни кузатди. Бир-бирларига гапириб-гапириб, иштаҳа билан салат танавул қилишяпти...

Тушлик авжида, мижозлар кўп. У буюртмалар олар, тайёрлаб берар, пулинини ҳам ўзи хисоб-китоб қиласди. Табакахўрларга хизмат килувчи ёш-ёш офицанткалар ораста харакатларига, ҳаммасига улгураётганига ҳавас билан қарашарди.

Зал тўрида ёш офицантка гапга солди, сўнг кўзголаётган мижозлар... Кухня олдига келса, бояги иккита мижоз пул тўлаш учун кутиб туришибди.

- Ҳафа бўлмайсизлар, ишим кўпайган, - деди Светлана Борисовна узрхоҳлик билан.

- Ҳеч киси йўқ, - деди сиёҳранг костюм-шим кийган, оқ куйлакка қизил галстук боғлаган киши, - жду: “Как ждёт любовник молодой, Минуты верного свидания...”

- Шеър ўзига бағишлилангандай аёл табассум килди.

- Салатингизга гап йўқ! – деди мижоз, – очень вкусный, какой-то ароматный, я никогда не ел такая чедесная блюда.

Аёл руҳиятини қадр севинчи, шодлик туйғуси камради. Маърифатли мижозларга хизмат килганидан хаяжонини босолмасди.

- Раҳмат акажон, келиб туринглар!

- Албатта!!

Мижоз аёлда кайфият уйғотганини сезиб, зинапоядан енгил кўтариларкан, Светлана Борисовна: “Коматига кастюм-шим ярашганини...” дея пичирлади.

Мурод акасини эслаб кўнгли алланечук бўлди...

Кейинги сафар мижознинг исмий шарифини билди: Махмуд САФО тахаллуси билан ижод қиласидиган шоир! Светлана Борисовна ёшлигидан шеъриятни яхши кургани учун танишганидан боши осмонга стиб, бир неча кун завқланиб юрди.

Махмуд САФО ҳар сафар ёнидагиларга салатни мақтаб, таърифини келиштириб ер, ўзини унуглиларга денгизида ҳис этарди.

Мижозлари кўпайиб бораради. Махмуд САФО кеча аёлнинг ишлаб чарчамаслигию, болалари ҳакида сўраган бўлса, бугун ёшариб кетаётгани ҳакида илиқ гаплар айтарди. Қисқа сухбатларга шеър кўшиб, унинг қалбини қувончга тўлдиради.

Иш жадал кетарди. Аёл қўшнисининг Зарина исмли коллежни битирган қизини ишга олди.

Қиз чақкон ва саришталиги билан устозининг иш тартиби, мижозлар билан муомаласи, хизмат қўрсатиш маданиятини тез ўзлаштириди. Ҳатто кимларга Светлана Борисовна ўзи хизмат килишини хохлайди, кимларга у буюртма олиб бориши лозимлигини тез фаҳмлади. Бир ойчадан кейин Еврокуҳняга ёш йигитлар ташриф буюриб, Заринага: “Кўлингиз ширин экан!” – дей хушомад қила бошлаши...

Кунларнинг бирида Зарина билан буюртма тайёрлаётганда:

- Омадинг кеп қолди, Светлана! – деди бирор овқат узатиладиган дарчадан, Светлана караса, директор Лола.
- Худога шукур, Лола, ҳаммаси сен туфайли, - деди сўрашгани кўл узатаркан.

- Аввал ишлаганлар мижоз тўплолмаганди. Сенга қойилман, омаднинг сири нимада?

- Мехр билан ицлаяпман, Худо кўллади шекилли...

Лола ижара ҳакини кўпайтирмоқчи эди. Бирор Светлана кетса, ошхона ҳувиллаб қолишини ўйлаб ортига қайтди.

Аёлнинг обрўси ошиб, даромади кўпайди. Уйига қўшимча жихозлар, замонавий мебеллар олди. Ҳатто “Матиз”га пул йиға бошлади.

Ишдан кейин Махмуд Сафо билан соатлаб сухбатлашарди. Яхши фазилатлари эрини эслатар, ёлғизликка кўниши, жинсий ҳаёт лаззатларидан воз кечиш туйғусини емира бошларди.

Махмуд Сафо тушликка келолмаса, аёлнинг кайфияти тушарди. Якшанба –диққинафас кун, эрталабдан соатига қарайди. Тезроқ душанба бошлансаю, Махмуд Сафонинг овқат узатиладиган дарчадан: “Светлана Борисовна, привет! Биз келдик, кайфият қалай?” деган ылтифотини эшитса!...

У юрагига разм солди: туйғулари янги чиққан майсадек жўшиб турибди. “Тавба, - дейди ўзига, - шу ёшда севиш мумкинми?

Наҳотки?...” У “Түйғулар ўткинчи, эримга бўлган ҳиссиётларим қалбимга сезиляпти, холос!” деб ўзини алдади. Бироқ түйғулар кекса вужудга куч, гайрат берарди. Энди аёл тушунган, кутилмаган ташрифлари ва эътибори билан юракни тўлқинлантирадиган, суянчик топилганига ишона бошлади.

Унинг учун салат ва овқат тайёрлар, уни кутар, кўзлари чақнаб ошхонага кирганда - сўлим кишлоқ ўртасидаги курган сойга баҳор тошкени келгандай юраги тошиб кетарди, бошқача айтганда, саратондан хориб чиккан қалбга илиқ куз шабадаси каби хуш ёқарди...

Бир куни Маҳмуд Сафо тушликка келмади. Эртаси, индинига ҳам... Шериклари сир яширгандай Светланага хавотир билан қарашарди. Аёл таажжубда. Соғинч туйғуси юрагини бетокат қиласар, ишга иштиёқини емиради. Энг мухими, уни қаердан излашни билмасди. Ҳаёти зулматга айланди, тарвузи кўлтиғидан тушган одамдай ҳамма ишни Заринага ташлаб, ўзи кўчага караганча паришон ўлтиради...

Ўн беш кун ўтиб, юраги қон бўлса ҳам Маҳмуд Сафо қорасини кўрсатмади.

Эртасига эллик ёшлардаги аёл кириб, “Сиз билан бирга-бир гаплашсан!” дегач, унинг юраги хушхабар сезгандай типирчилаб колди. Зарина хонани тарк этди.

- Маҳмуд акамнинг мазалари қочди! – дея гап бошлади аёл.
- Қандай, нега?! – Светлана ўрнидан сакраб туриб кетай деди.

- Юрак сал безовта қилди, аммо хозир яхшилар, эрта-индин касалхонадан чикадилар. Ҳар куни сизни гапирадилар. Вактингиз бўлса, марказий шифохона реабилитация бўлимига бирров кира оласизми?

- Нега кирмас эканман, бораман?! Аммо охирги кўрганимда яхши эдилар-ку!

- Ишга бориб келсалар, соппа-соғлар дебмиз... ёлғизлик ёмон экан...

Светлана аёлга “ялт” этиб қаради. Аёл отини қамчилади.

- Келинайимизнинг йили ўтгач, уйлантириб қўяйлик десам, кўнмадилар. Аммо сиз ҳакингизда гап очилса, яйраб кетадилар...

“Оилали одамнинг ҳаётига сукулаётган бўлмайн!”, “Мен севсаму у ҳурмат юзасидангина гаплашаётган бўлса-чи?” деган фикр Светлананинг кўнглини ғаш қиласарди. Энди “Худога шукур!...” дея енгил тортди.

Светлана тонг-саҳарда турди, Маҳмуд акасига шифо тилаб Худога илтижо килди. Мехр билан салат тайёрлаб, акаси Николай Борисович Твердан олиб келган тоза хрусталь идишга солди. Ҳамир қориб сомса пиширди. Иссик нон олиб, касалхонага борди. Ҳеморга катта ўғли қараётган экан.

Маҳмуд Сафонинг кўзлари чараклаб, руҳи тетиклашди. Ўғли “Мумкинмас!” десаям, тикланиб ўтирди. Озиб кеттган, кўзлари ичига ботганди.

- Маҳмуд ака, яхшимисиз? Ётавермайсизми?!

Мехр тўла овоз Маҳмуд Сафонинг юрагини жизиллатди. Аёл нурли хотиржамлик билан унга яқинлашиб, стулга ўтиаркан:

- Нима бўлди, ака?! – дея ғамхўрлик ва ҳаяжонини яшиrolмади.
- Озгина чарчабман...
- Шифо берсин, энди яхшимисиз?
- Шукур...

Аёл кўзидаги меҳр ва ташвиш қувват беради. Катта ўғил секинаста хонадан чиқиб кетди... Светлана дўстига яқинроқ сурилди. Кўлини ушлаб, меҳр билан силади.

- Шунча ётибсиз, менга хабар килмабсиз-а?!

- Болалар қарашяпти...

- Ҳаётингизда ўрним бор деб ўйлардим...

- Бўлганда қандок! – жонланди Маҳмуд Сафо, - ҳар куни сизни кўргим келади. Оғайнилардан айттирмокчийдим. Ишдан қолдирмай, мижозларингиз кўп, дедим...

- Эҳ, Маҳмуд ака, - деди унинг пешонасидан чўлл этиб ўпаркан,

- тириклигим ўтмай қоларми? Сиз учун ишлаётганимни билсангиз эди...

Светлананинг ёшларга хос ишва билан кўзларини пирпиратиб гапириши ўзига ярашар, Маҳмуд Сафони тўлқинлантириши билан бирга “Светлана мени ёқтирганда кўргани келарди!” деган уч-тўрт кун оддинги шубҳаларини тумандай таркатаётган эди.

Светлана унга салат берди, чой ичирди, “Кувват бўлади!” дея ёш болани овқатлантираётгандай икки дона сомса еди. Унинг ранг-рўйи, кайфияти анча ўзгарди. Қия эшикдан уларни кузатиб турган катта ўғил ич-ичидан суюниб, дилдаги режани амалга оширишини ўйлай бошлади...

Махмуд Сафо дори-дармонларни қабул қилгунча Светлана кетмади. “Ишга боринг!” дейишса ҳам қузғолмади. Тушга яқин катта ўғилга “Кетаверинг, ўзим карайман!” деди.

У кетгач, ҳамкасб дўстлар келишди. Аёлни кўришидию, юzlари ёришиб кетди. Ёши каттароғи:

- Дўстим Сафо, шундай гўзал, меҳрибон аёл карайпти, уялганингдан тузалиб кетишинг шарт! – деди.
- Ва бундан кейин касал бўлмасликка мажбурсан!
- Нафақат касал бўлмасликка, аъло кайфият билан яшашга маҳкумсан!

Ҳамма кулди. Ошиқлар зимдан кўз уриштиришаркан, қалблар янада якилашди, муҳим ва нозик гапларини кўнгилдан ўтказиши.

Меҳмонлар қўзғолишгач, ёши каттаси Светланага қаради:

- Дўстимизни сизга, Сизни Худога топширдик! Сизни жуда яхши кўради, унга қарант, узок яшашига ишонамиз... - дегач, бошқалар ҳам қўллаб-куватлашди. Светлана қўлини кўксига қўйиб:

- Бу киши менга ҳам дўст... қўлимдан келганича... – дея ерга қаради.

Аёл уларни кузатиб, Махмуд Сафонинг ёнига ўтириди.

- Эшилдингиз, а, aka, - деди у ички кувонч ва мутойиба билан, - сизни менга торпшириши!

Катта ўғил кечқурун термосда овқат кўтариб келганда улар дераза олдидаги стол-стулда лимончой ичиб ўтиришар, аёл унаштирилган киздай баҳтиёр эди.

Хона саронжом-саришта, файзли. Ота кайфиятида баҳорий тошкінлик бор. Дори-дармонлар тумбочка тортмасида. Ширинликлар цеплофан ҳалтага жойланган. Мевалар катта тарелкага териб устига дока(янги!) ёпилган. Чинни, чойнак-пиёла, банкалар ювиб, сотувга чикарилган буюмдай шкафга терилган. Хона - топ-тоза.

Кечга яқин катта ўғил Светланани кузатиб кўйди. Ташқарида ўша кунги аёл кутиб олиб, салом-алиқдан сўнг:

- Опа, сиз тушунган аёлсиз! – дея гап бошлади. - Очиғини айтсан, акамни уйлантиришга кўп уриндик, аммо муносиб чикмади. Энди у кишига меҳрибон дўст керак! Шу ишни аввал қилганимизда бетоб бўлмасмидилар деган изтироб кийнайди мени...

- Тўғри...

- Эртага касалхонадан чиқадилар. Бугун уйда кенгашдик. Бизга келинойи бўлсангиз, илтимос, йўқ деманг!

Светанинг кўзига ёш келди, юраги тўлиқди. Ёш ўтганда шунаقا бўлишини ким ўйлабди дейсиз: жавобга ўйланиб қолди!

- Синглим, ўйлаб кўришим керак...
- Опажон, мен жиянларимга аниқ жавобингизни айтишга ваъда берганман.

Бир неча дақиқадан сўнг у аёлга қараб кулимсиради.

- Махмуд акам нима десалар шу...
- Раҳмат, опажон!

Аёл ласт ўрнидан турди-да, Светлананинг икки юзидан ўпиб, бағрига босди.

\* \* \*

Аёл икки ҳафта аъло кайфият билан ишлади. Заринага Евротаомлар, салат сирларини ўргатди. Шогирди янгиликларни сўрашга хижолат қиласарди. Ҳафта оҳирида:

- Мен кетяпман! – деди Светлана кувонч билан, - ошхонани сенга топшираман.

- Мен ... мен... нима киламан?

Қиз хаяжонланди. “Сизсиз ишлолмайман, устоз!” - демоқчийди. Аёл унинг кўлидан ушлаб пешонасидан ўпди, яхши гаплар, чиройли сўзлар билан сийлади.

- Астойдил, меҳр билан ишла, менга ўхшаб меҳнатдан баҳтингни топасан!

Аёл жилмайнишида яхши ният, пок ва самимий қалби, баҳтиёрлик балкиб турарди. Қизнинг бошини силаб баҳт тилади.

Сўнг сумкасини елкасига олиб чикиб кетди. Зарина деразадан кузатди. Йўл бўйидаги каштан соясида янги костюм-шим кийган, сочини силлиқ тараган Махмуд Сафо кутиб турарди. Светлана ёш киздай енгил ҳаракатлар билан олдига борди-да, кўл бериб сўрашди. Сўнг кўлтиклишиб, янги бозор томон кетиши...

Бир ҳафтадан кейин Светлана Борисовна ўғли билан кизига SMS жўнатди: “Шахсий ҳаётимида ўзгариш бўлди. Баҳтиёрман!”

Адабий-бадиий нашр

Боқий МИРЗО

# ОЙБАҲОР ВА ДИНАРА

САРГУЗАШ ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР

Муҳаррир: Исҳоқон НИШОНов  
Тех. Муҳаррир: Собитхон АБДУҲАМИТОВ  
Дизайнер: Фирдавс ДЎСТМАТОВ  
Мусахҳих: Замирахон УМУРЗАҚОВА

2017 йил 5 январда теришга берилди. 2017 йилнинг 25 февралда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. Ҳажми 15 босма табоқ. Нашриёт босма табоги -15. Офсет усулида 5000 нусха (биринчи босма 2000)да чоп этилди.

№ 873 - сонли буюртма.  
Баҳоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кўчаси 36-уй,

Нашриёт лицензия рақами АН – 156.  
2009 йил 14 августда берилган.

Китобнинг оригинал макети “Заковат” МЧЖ матбаа бўлимида тайёрланиб, шу бўлим босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
Чорбоғ кўчаси, 17-уй.



Динамика  
асарчар

БОҚИЙ МИРЗО

# ОЙБАҲОР ВА ДИНАРА

Илк севги баҳори

ISBN 978-9943-4544-4-1

9 789943 454441

+99893 4989045